ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби”

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактабининг асосчиси
Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг
90 йиллик юбилейига
бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(II қисм)
(2022 йил 18-19 февраль кунлари)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ,

«ИПАК ЙЎЛИ» ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби асосчиси Исмат Тўхтаевич Абдукаримовнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман

«УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»
(II қисм)

2022 йил 18-19 февраль

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ,

МЕЖДУНАРОДНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ТУРИЗМА И КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ «ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ»,

САМАРКАНДСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА

“Самаркандская научная школа экономики”

“ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА”

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
международной научно-практической конференции, посвященной 90-летию основателя Самаркандской научной школы экономики И.Т.Абдукаримова
(часть 2)

(18-19 февраля 2022 г.)

САМАРКАНД– 2022

Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хизматлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (II қисм). 2022 йил 18-19 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 252 бет.

Нашр учун масъул:
М.Қ.Пардаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раҳбари:
М.Э.Пўлатов – иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши аъзолари:
М.М.Мухаммедов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Р.Зайналов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
И.С.Тухлиев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
О.Муртазаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Р.Х.Эргашев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
В.И.Абдукаримов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Н.А.Ибрагимов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
К.Б.Уразов – иқтисод фанлари доктори, профессор,
Қ.Ж.Мирзаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Эштаев – иқтисод фанлари доктори, профессор,
С.Н.Ташназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор,
А.Н.Холиқулов – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Д.Ҳ.Холмаматов– иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова, Умида Равшанова

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида учинчи ренессансни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш ва таълим хиз-матлари соҳаларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари, соҳанинг алоҳида тармоқлари самарадорлигини ошириш истиқболларига оид масалалар ёритилган. Унда учинчи ренессансни шакллантириш шароитида иқтисодиётнинг назарий ва методологик муаммолари ва уларни ҳал қилишнинг стратегик йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш масалалари, туризм соҳаси самарадорлигини ошириш механизмлари, ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари, менежмент ва маркетингни, инвестицияларнинг ўрни ва молиявий муносабатларни, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика фанларини такомиллаштириш масалалари, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, тала-балари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олув-чилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,
О.М.Пардаева – ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Аннотация: ушбу мақолада мамлакат иқтисодий тараққиётининг стратегик йўналишлари ва уларнинг мазмуни ҳамда ҳар бир йўналишнинг мазмун ва моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, маънавият, тинчлик ва ҳамкорлик, стратегия, макроиқтисодий барқарорлик.

Аннотация: в данной статье полностью описаны стратегические направления экономического развития страны и их содержание, а также содержание и сущность каждого направления.

Ключевые слова: экономика, духовность, мир и сотрудничество, стратегия, макроэкономическая стабильность.

Abstract. This article fully describes the strategic directions of economic development of the country and their content, as well as the content and essence of each direction.

Keywords: economy, spirituality, peace and cooperation, strategy, macroeconomic stability.

Иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси учинчи йўналишда, яъни миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ўз аксини топган. **Маънавият** бевосита бешинчи йўналишда белгиланган, маънавий ва маърифий соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш бўлимида аниқ белгилаб берилган. **Тинчлик ва ҳамкорлик** еттинчи йўналишда ўз ифодасини топган бўлиб, унда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масаласида батафсил ёритилган. **Муаммолар ечимларини топиш** масаласи бевосита олтинчи йўналишда, яъни глобал муаммоларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш бўлимида қайд этилган. Шу тўртта ғилдиракдан фойдаланиб ҳаракатланиш натижасида биринчи йўналишда белгиланган, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга эришилади ва шу мувоффақият орқали халқпарвар давлат барпо этилади, инсон қадр-қиммати ва унинг қонуний манфаатлари таъминланади. Шунингдек, тараққиётнинг иккинчи устувор йўналиши бўлган, адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш,

инсон қадр-қимматини таъминлаш масаласи ҳам ҳал қилинади. Ниҳоят тўртинчи йўналиш, адолатли ижтимоий сиёсат юритига ва инсон капиталини ривожлантиришга ҳам эришилади.

Юқорида келтирилган учинчи йўналиш миллий иқтисодиётни ривожлантириш масаласига қисқагина тўхталишни масадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу бўлимнинг энг устувор йўналишларидан бири **мамлакатдаги мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада оширишдан** иборатдир. Чунки бугунги глобаллашув шароитида ушбу масала ўта муҳим ҳисобланади. Зеро, мамлакатимизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ дунё мамлакатлари ўртасида ҳали анча паст. Масалан, Швейцарияда аҳоли жон бошига ЯИМ, яъни бойлиги 56,9 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Аҳолининг ўртача бойлиги Нидерландияда 47,1, Францияда 39,1, Венгрияда 24,5, Руминияда 9,4 минг АҚШ долларига тенг. Мамлакатимизда ушбу кўрсаткич 2,5 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Агар стратегияда кўрсатилганидек, ҳар йили ўрта ҳисобда 6,3-6,5 фоиздан ўсадиган бўлса 2025 йилга бориб ҳисоб-китоблар бўйича 3,351 минг АҚШ долларини, 2030 йилда эса, 4,569 минг АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, қаерда ўртача иш ҳақи юқори бўлса, ўша ерда ЯИМ ҳажми ҳам аҳоли жон бошига юқори. Чунки, аҳолининг харид қобилияти ошган сари у моддий неъматларни сотиб олади ва мос равишда мамлакат ЯИМни кўпайтиради. Бу борада тескари фикрлар ҳам бор. Яъни мамлакатда ЯИМ аҳоли жон бошига кўп бўлса, ўртача иш ҳақи ҳам юқори бўлади, деб таъкидлашади. Аммо бу бироз янглиш фикр. Қачон ўртача иш ҳақи катта бўлсагина мамлакат ЯИМ ҳам юқори бўлади. Бу ҳам мантиқан тўғри, ҳам реал воқеликдир.

Мамлакатимиз тараққиётининг мустақилликдан кейинги барча босқичларида **хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш** масаласига катта аҳамият берилиб келинди. Ушбу муаммо ҳамон тўлиқ ҳал бўлган эмас. Шу туфайли тараққиёт стратегиясининг бир йўналиши айнан шу масалага қаратилди. Чунки Янги Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибида хусусий секторнинг устуворлиги ва унга давлат аралашувининг камайтирилишига қаратилган. Мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг мамлакат тараққиётидаги ролини кучайтириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга қаратилган рағбатлантириш механизмлари такомиллашган тарзда жорий қилиниб келинмоқда. Шу йўл билан мамлакатимизда кенг иқтисодий имкониятларни ишга солинишига эришилади.

Президентимиз Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “ҳар бир фуқаро бой бўлса – давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса – мамлакат фаровон бўлади”[1] деганда ҳам бевосита кичик бизнес, хусусий ва

[1] Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “Uzbekiston” нашриёти, 2021. - 138 бет.

оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини назарда тутмоқда. Ушбу йўл нафақат тадбиркорликни ривожлантиришга, балки мамлакатимизни кенг имкониятлар юртига айлантириишга, аҳолининг бандлигини оширишга ва камбағалликни қисқартиришга олиб борадиган йўлдир.

Янги Ўзбекистонда олдингидек солиқчи назоратчи эмас, балки "солиқчи – кўмакчи", банклар фақат кредит берувчи эмас, балки "банклар – ҳамкор", давлат олдингидек, маъмурий тўсиқ эмас, балки "давлат - ҳимоячи" тамойили асосида тадбиркорларнинг яқин ҳамкорига айланади. Эндиликда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун тегишли имтиёзлар ҳам берилиб, турли қулайликлар ҳам яратилмоқда. Бу боада мамлакатимиз раҳбари "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг 70 фоизини кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизини устувор равишда ўзини-ўзи банд қилишга йўналтиришга кўмаклашиш лозим" [1], деб таъкидлади. Ушбу йўналишлар уй шароитида ҳунармандчилик билан шуғулланиш, касаначи-ликни йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланиш каби 64 та ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлган хизмат турларининг ривожланишига олиб келади.

Мамлакатимизда "Ҳар бир оила - тадбиркор" доирасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ғоя оилада ёшидан, мавқеидан қатъи назар ҳамма аъзолари шуғулланиш имкониятлари яратилди. Ҳар бир оила аъзоси асосий ишдан ташқари бўш вақтларини шу йўналишга сарфламоқда. Чунки бу оила бюджети даромаднинг маълум миқдорда кўпайишига олиб келмоқда. Шу йўл билан ишсизлик ва камбағаллик ҳам қисқарилишига эришилмоқда. Булардан ташқари "Иқтисодий стратегиянинг муҳим банди – 2030 йилга қадар муносиб ҳақ тўланадиган 10 миллионта янги иш ўринларини яратиш, камбағалликни бартараф этиш, ишсизлик даражасини 2030 йилда 5,2 фоизга, инфляцияни эса 15,2 фоиздан 4,3 фоизга пасайтиришга эришами"[2], деб таъкидланган. Ушбу тадбирларнинг барчасининг замирида аҳолини юқори меҳнат даромади билан таъминлаш, камбағаллик даражасини қисқартириш, бандликни ошириш эвазига фуқароларимизнинг реал даромадлари ва реал ойлик маъошларини инфляция даражасига нисбатан тезроқ ўсишини таъминлашга қаратилган. Шу йўл билан аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини оширишга эришиш мумкин. Бу – Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадидир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий банк ўтказган сўровномалар натижасида аниқланишича Ўзбекистонликларнинг 70 фоиз аҳолисининг асосий даромади ойлик маошдан, 15 фоизи тадбиркорликдан эканлиги маълум бўлди. 3,4 фоиз респондентнинг даромади эса хориждан келадиган маблағлардан иборат. Сўровномада қатнашганларнинг 86 фоизи ойлик даромадлари 7 млн сўмгача эканини билдирган[3]. Демак, аҳолининг

[1] Ўша жойда. – 143 бет.
[2] Ўша жойда. – 145 бет.
[3] Хабарлар 24 | Расмий канал]@Kunxabariofficial

тадбиркорликдан оладиган даромади ҳали кам. Яқин келажакда 50 фоиз аҳолининг даромадини тадбиркорлик ҳисобига шаклланишига эришиш мақсадга мувофиқ. Зеро ривожланган мамлакатларда аҳолининг асосий даромади тадбиркорлик ҳисобидан шаклланади.

Тараққиёт стратегиясида инвестицияларга катта аҳамият берилган. Чунки, жадал ривожланишни таъминлаш учун мамлакатимизга янги инновацион техника ва технологиялар керак бўлади. Бунга ўзимизнинг маблағларимиз етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бу эса хорижий инвестицияларни жалб қилишни тақозо қилади. Бунда устуворлик **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш**га қаратилган. Чунки бизнинг иқтисодиётимиз ва қабул қилинган тараққиёт стратегиясида унинг муҳимлигини инобатга олиб катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилишга қаратилган тадбирлар ҳам белгиланган. Мамлакатимизда инвестицияларнинг ўсиш суръати келгуси 10 йилда ЯИМнинг 25 фоизини ташкил қилиш вазифаси ҳам стратегияда акс эттирилган. Инвестициянинг муҳимлигини, инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида “Инвестиция кодекси”ни ишлаб чиқиш ҳамда “Инвестициявий омбудсман” институтини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, тараққиёт стратегиясида **«хомашёдан – тайёр маҳсулотгача» тамойили асосида драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш** масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бугунги кунда кластерлар барча соҳаларда ривожланиб бормоқда. Аграр соҳада “даладан – дастурхонгача” тамойили асосида кузда етиштирилган мева-сабзавотларни сақлаб бу йилги мавсумгача истеъмолчиларга турли йўқотишларсиз етказилиб турган бўлса, бир йўналишда ушбу мева-сабзовотларни қайта ишлаб, у билан ҳам аҳолини узлуксиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш орқали озиқ-овқат хавфсизигига ҳам эришмоқда. Кластерларнинг биргина қишлоқ хўжалигига жорий қилиниши етиштирилган маҳслотнинг 30-35 фоиз олдинги йўқотишларни тежаб қолмоқда ва аҳолини қиммали маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаб туришга эришилмоқда. Шу билан бирга аҳолини сифатли овқатланишига ҳам сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқида: “Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур таркибий ислоҳотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат”. Шуларни инобатга олиб, кейинги йилда бир қанча инновацион йўналишларда кенг қамровли ишларни амалга ошириш кўзда тутилди. Улардан бири кластер усулидир.

Кластер усулининг ўзига хос хусусиятларидан бири – бир мақсад сари шунга дахлдор бўлган кучларнинг бирлашишидир. Қадимдан мақол бор: “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, деган. Кластер айнан “ўзиш”

учун ташкил қилинган. Бирлашганда куч ҳам бирлашади. Кучнинг бирлашиши ушбу субъектнинг рақобатбардошлигини таъминлаши тайин. Бундай бирлашиш жараёнини турли соҳаларда амалга ошириш мумкин. Буни ишлаб чиқаришда (саноат, қишлоқ хўжалиги), хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида, ҳатто ижтимоий ҳаётда ҳам амалга ошириш мумкин. Бу борада мамлакатимизда жуда қисқа вақтда етарлича тажрибалар тўпланди. Шунда бир нарсага алоҳида аҳамият бериш жоизки, ҳамма соҳада замонавий илм ва билимларсиз катта мувоффақиятга эришиб бўлмайди, уни белгиланган даражада ривожлантириб ҳам бўлмайди.

Тараққиёт стратегиясининг асосида аҳоли фаровонлигини ошириш масаласи устувор масалалардан бири сифатида турибди. Бунга эриши учун аҳолига тўланадиган иш ҳақидан, улар истеъмол қиладиган маҳсулотлар қимматлашиб кетмаслиги, яъни инфляциянинг олдини олшга эришилиши лозим. Бу борада ҳам тараққиёт стратегиясида аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, **макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш** масаласи қўйилган. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзаги бўлган инсон манфаатларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Агар ҳар йили инфляция даражасини шу даражада сақлаб қолинадиган бўлса, аҳолининг ойлик маъошининг ўсиш суръати шу кўрсаткичдан 1,5-2,0 баробардан зиёд бўлиши керак. Шундагина аҳолининг харид қобилияти ошади ва шу билан бирга фаровонлиги ҳам яхшиланади.

Ушбу ҳолатни Марказий Осиё аҳолисининг ўртача даромадларида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда ойлик маош Қозоғистонда 532 $га тенг бўлса, Туркманистонда 330 $, Қирғизистон 237 $, Ўзбекистон 230 $ ва Тожикистонда 134 $дан иборат. Бежиз тараққиёт стратегиясида ойлик маошни ошириш вазифаси белгиланмаган. Шунингдек, ўртача нафақа ҳам Марказий Осийё мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон Қозоғистондан кейин иккинчи ўринда турибди. Масалан, ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 235 $, Ўзбекистонда 127 $, Туркманистонда 120 $, Қирғизистонда 74 $, Тожикистон 28 $ни ташкил қилади[1]. Кўриниб турибдики, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида ҳам ўз мавқеимизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада мустаҳкамлаб олишимизга тўғри келар экан.

Ҳар бир мамлакатда олиб борилаётган тўғри иқтисодий ислоҳотлар бевосита давлат ва маҳаллий бюджетларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишга боғлиқ. Буни инобатга олиб, тараққиёт стратегиясида **бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтириш** масаласи ҳам устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур устувор вазифаларнинг бажарилиши бевосита макроиқтисодитй барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишга боғлиқ. Бунинг учун мамлакатимизда тахчилликсиз (дефицитсиз) бюджетга эришиш, ташқи қарзнинг даражасини халқаро

[1] Телеграмдаги @UZBEKISTANUZ. расмий канали.

меъёрдан оширмаслик масалалари назарда тутилади.

Тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўлимида **тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш, бизнес муҳитини ва зарур инфратузилма яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш** масаласи устувор қилиб белгиланган. Ушбу бўлимда **давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш** ва **эркин рақобатга асосланган бозорни яратиш ҳисобидан аҳоли ва тадбиркорларни энергия ресурслари билан кафолатли таъминлаш** масалалари ҳам киритилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз учун муҳим устувор вазифалардан бири - **аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-ҳунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш** масаласидир. Буларга ҳам асосан иқтисодиётни ривожлантириш эвазига эришилади.

Ф.Б.Аминов – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада иқтисодий ривожланиш эволюциясининг марказида турган иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш назарияси ва амалиёти ўрганилган. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда давлатнинг фаол инвестициялар сиёсати йўналишлари таҳлили этилган ҳамда хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ривожланиш эволюцияси, инвестиция, тадбиркорлик, инвестицион сиёсат, хорижий инвестициялар, механизм.

Аннотация: в статье исследуются теория и практика государственного регулирования экономики, лежащая в основе эволюции экономического развития. Также проанализированы направления активной инвестиционной политики государства в регулировании предпринимательской деятельности и сделаны выводы.

Ключевые слова: эволюция экономического развития, инвестиции, предпринимательство, инвестиционная политика, иностранные инвестиции, механизм.

Abstract: The article examines the theory and practice of state regulation of the economy, which underlies the evolution of economic development. The directions of the active investment policy of the state in the regulation of entrepreneurial activity are also analyzed and conclusions are drawn.

Keywords: Evolution of economic development, investment, entrepreneurship, investment policy, foreign investment, mechanism.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан корхонларни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва уни самарали ташкил этишни таъминлашдан иборат. Мамлакатимизда кичик тадбиркорликни иқтисодиёт тармоқларида ривожлантириш алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. Корхоналар фаолиятини кенг кўламда ривожлантириш масалаларини кучайтиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

«Давлат, - деб ёзган эди Ж.Кейнс, - истеъмолга бўлган мойилликка нисбатан ўзининг раҳбарлик таъсирини қисман мос тизим йули билан, қисман фоиз меъёрини белгилаш билан ва қисман, эхтимол, яна бошқа усуллар билан руёбга чиқариши лозим бўлади» [1].

Ўзбекистон Республикасида давлат иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида майдонга чиқиб, иқтисодиётни тартиблашнинг самарали чораларини қулламоғи ҳамда кейнсча назарияни ўз тажрибаси ва модели билан бойитгани ҳолда унинг кучли томонларига таянмоғи керак.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш сиёсати турли даражада ривожланган ҳудудларда турлича бўлади. Буни талаб қилинаётган ишлаб чиқариш хажмининг ресурслар билан боғлиқ муносабатлари белгилайди. Ўзбекистон шароитида энг аввало иқтисодиётнинг умумий муаммоларини ҳал қилиш учун технологик ва молиявий инвецтициялар зарур. Шу боис инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсади - тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирмталиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратиш эканлиги белгилаб қуйилди.

1 – Таблица

Ўзбекистон Doing Business рейтинг кўрсаткичлари динамикаси

№	Кўрсаткичнинг номи	Эгаллаган ўрни		Фарқи	Эгаллаган ўрни		Фарқи
		2019	2020		2019	2020	
1.	Бизнесни рўйхатдан ўтказиш	23	11	+12	11	12	-1
2.	Хусусий мулкни рўйхатдан ўтказиш	81	73	+8	73	71	+2
3.	Кредит олиш	42	55	-13	55	60	-5
4.	Солиқ солиш	13	78	+61	78	64	+14
5.	Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш	37	39	-2	39	41	-2
6.	Тўловга лаёқатсизликни ҳал қилиш	72	87	-15	87	91	-4
7.	Монопритар инвесторларни ҳимоя қилиш	78	62	+16	62	64	-2
8.	Электр тармоғига уланиш	78	27	+51	27	35	-8

9.	Қурилиш учун рухсат олиш	14	13	+12	13	13	+1
1	Халқаро савдо	16	16	-2	16	16	+3
	Умумий ишлаб чиқариш	87	74	+13	74	76	-2

2021 йилда кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизини ташкил этган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифасини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2020 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир.

Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш камайиб боришини таъминлайди. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан маданияти, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалар молиялаштирилади ҳамда бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда қурилиб фойдаланиш топширилаётган тиббиёт муассасалари, таълим муассасалари, уй-жой қурилиши ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шунингдек, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг курсаткичларини яхшилаш буйича «йўл харитаси», бу борада масъул булган давлат органлари ва ташкилотларнинг рўйхати тасдиқланди. баркарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш. Стратегияни амалга ошириш асносида 34 та курсаткич буйича мамлакат ўз ҳолатини жиддий равишда яхшилайди, 47 та курсаткич бўйича эса ютуқларни баҳолаш умуман биринчи марта ўтказилади. Бахолаш:

- давлат қурилиши;
- инсон капитали ва тадқиқот фаолиятини ривожлантириш;
- инфратузилмани ривожлантириш;
- бозорларни ривожлантириш;
- бизнесни ривожлантириш;

- фан ва технологиялар;
- ижодий натижаларни ривожлантириш соҳаларида амалга оширилади.

Хусусан, мамлакатимизда Жаҳон банкининг Бизнес юритишнинг қулайлиги индекси буйича уз позициясини яхшилаш режалаштирилган.

2-жадвал

Жахон банкининг Ўзбекистонда бизнес юритиш қулайлиги индекси

Кўрсаткич	**2015 йил**	**2020 йил**
Заҳиралаш билан ишдан бўшатиш киймати	81,4	96,0
Бизнесни ташкил этишнинг осонлиги	89	95
Тўлов кобилиятсизлиги ечимининг осонлиги (банкротликнинг тан олиниши)	46,5	70,0
Солиқлар тўланишининг осонлиги	68,3	80,0

Жаҳон банкининг Бизнес юритишнинг қулайлиги индексида мамлакат ўрни яхшиланишига, хусусан, қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши натижасида эришилади:

- иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йулига ўтишини ва ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган рақобатбардош бозорни шакллантириш;
- монополияга қарши сиёсатни, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш хисобига такомиллаштириш, барча юридик ва жисмоний шахслар учун табиий монополиялар товарларидан, ишларидан ва хизматларидан камситилмаган ҳолда фойдаланиш имкониятини таъминлаш, соф монополист корхоналар махсулотларига нарх шакллантиришнинг самарали механизмларини жорий этиш;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва ички бозорни монополлаштиришни бартараф этиш;
- қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқариш улушини ошириш [3].

Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат бошкаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди:

- ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва тяшкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш,
- ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифаларини, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштиришни назарда тутиш.

Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирни қисқартириш, бош-

қарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш ҳисобланади. Ушбу йуналишда қуйидагиларни режалаштириш:

- давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланма ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш;
- профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини ўрнатиш.

Тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштириш, унга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини таҳлил қилинганда қуйидаги хулосага келиш мумкин. Жумладан, давлат томонидан корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимининг асосий йўналишлари сифатида ҳуқуқий муҳитни шакллантириш, институционал ривожлантириш, тадбиркорлик маданиятини ошириш, тўғридан-тўғри (моддий-техник, молиявий, информацион ва бошқалар) ёрдам кўрсатиш, кичик ҳамда йирик бизнес ўртасида интеграцияни ривожлантиришни кўрсатиш мумкин.

Юқорида келтирилган хулосаларга таяниб тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришнинг қўйидаги йўналишларига эътиборни қаратиш лозим:

- турли хил бозорларга янги фирмаларнинг киришига ва самарасиз корхоналарни тугатиш жараёнларини тезлаштиришга имкон берадиган муҳитни яратиш;
- рақобатбардош маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини таъминловчи илғор технологияларни яратиш ёки хориж давлатлардан олиб келишини ва жорий қилишини рағбатлантириш;
- турли ўқув дастурлари орқали нафақат аҳолида, балки турли хил давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тузилмаларида тадбиркорлик маданиятини ошириш ёрдамида бошқариш сифатини ва кичик бизнес учун хизмат қиладиган инноваторлар сонини кўпайтиришга эришиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер-с англ. -М.: «Иностранная литература», 1948. -С. 364
2. Хансен Э.Х. Послевоенная экономика США. Пер. с англ. -М.: «Прогресс», 1966, -С. 52.
3. Kurbanov A. B., Abdullaev J. Economic methods of regulating the investment process by state. – 2021.
4. AB K., NM J. Investment directions and principles of entrepreneurial activity development in the regions //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 4046-4050.
5. Курбанов А. Б., Бердиев Ж. Д. Экономические методы государственного регулирования инвестиционного процесса //Economics. – 2021. – №. 2 (49). – С. 19-23.

А.Д.Равшанов – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.,
Ж.Р. Эргашев– ҚарМИИ магистранти

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг инновацион шарт-шароитлари ва омиллари билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг мавжуд муаммолар ўрганилган.

Калит сўзлар: ишлаб чиқариш омиллари, инновацион тадбиркорлик, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш, тадбиркорлик фаолияти, инновацион маҳсулот, интенсив иқтисодий ўсиш.

Аннотация: В статье рассматриваются процессы, связанные с инновационными условиями и факторами развития малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике нашей страны. Изучены существующие проблемы инновационного развития бизнеса.

Ключевые слова: факторы производства, инновационное предпринимательство, инновационная деятельность, инновационное развитие, предпринимательская деятельность, инновационный продукт, интенсивный экономический рост.

Abstract. This article examines the processes associated with the innovative conditions and factors for the development of small business and private entrepreneurship in the economy of our country. The existing problems of innovative business development are studied.

Keywords: factors of production, innovative entrepreneurship, innovative activity, innovative development, entrepreneurial activity, innovative product, intensive economic growth.

Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш омилларидан мақсадли фойдаланиш йўналишларини шакллантириш ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлиги ошириш жараёни инновацияларга бевосита боғлиқ. Инновациялар таъсирида ишлаб чиқариш жараёнида инсон омилининг роли борган сари чекланиш характерига эга бўлиб, моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ортиши ҳисобига интенсив иқтисодий ўсишга эришиш имкониятлари юзага келади. Аксарият ҳолларда инновацион фаолият маҳсулот, иш ва хизматлар соҳасидаги янгиликларга асосланади.

Инновациялар, сифат жиҳатидан янги бозорларни шакллантиришга, ижтимоий эҳтиёжларни самрали қондиришга ҳисса қўшишга имкон берадиган тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришга асос яратади. Ўз навбатида инновациялар тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини таъминлашга ва унинг тузилмавий таркибини такомиллаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар замирида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ислоҳотлар таъсирида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни; ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, аҳоли бандлиги таъминлаш билан бирга, иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнларидаги фаол иштироки орқали намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш зарурлиги” мақсад қилиб белгиланиб олинган[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожланти-ришда анъанавий жараёнлар билан бирга инновацион ривожланиш жараёнларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий элементлари мувофиқлиги таъминлаш, инновацион ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли таъсир кўрсатиш механизмлари самарадорлигини оширишга заруриятнинг юзага келиши мазкур йўналишда тадқиқот жараёнларини амалга ошириш жараёнини долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг глобаллашуви ва бозор муносабатларини такомиллаштиришнинг амалдаги босқичи, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион ривожланиш омилларидан самарали фойдаланиш тизимини оптималлаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш жараёнларида ўз аксини топади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш жараёнларига берилаётган юқори даражадаги эътибор, мазкур фаолият турининг иқтисодий фаолият соҳаларидаги улушини ортиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2015-2020 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликнинг таҳлил натижаларига мувофиқ, ЯИМнинг ўртача 60 фоизи ушбу фаолият тури ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, 2015-2017 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноат соҳасидаги улушини ўртача 42 фоиз, 2018-2020 йилларда эса ушбу кўрсаткичнинг ўртача миқдори 30 фоизни қайд этган (1-расм).

Ушбу ҳолатни 2018-2020 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг саноат соҳасига йўналтирилган хорижий инвестицияларни йирик саноат тармоқлари фаолиятини ўзлаштиришдаги ўрни орқали изоҳлаш мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони



1-расм. 2015-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоизда)[1]

Қурилиш соҳасини ривожлантиришда кичик бизнеснинг ўрнини ҳар томонлама ижобий баҳолаш мумкин. Айниқса, 2015-2020 йилларда аҳоли турар жой мажмуаларини кенг миқёсида қуриб фойдаланишга топширилишида соҳа фаолиятининг иштироки етакчи аҳамият касб этади. 2015-2020 йилларда қурилиш соаҳсида тадбиркорлик фаолиятини улуши қарийб 64 фоизни ташкил этган. Сўнги йилларда тадбиркорлик фаолиятини аҳоли бандлигини таъминлаш-даги иштирокини ижобий баҳолаш барча асослар етарли. 2015-2020 йилларда иқтисодиёт тармоқларида банд аҳолининг қарийб 70 фоизини мазкур фаолият соҳасига тўғри келаётганлиги фикримизни асос яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агарда, рақамларга эътибор қаратилинса 2020 йил натижаларига мувофиқ экспорт ҳажмининг 20,5 фоизи, импортнинг 51,8 фоизи айнан ушбу фаолият соҳасига тўғри келмоқда.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишлари шакллантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида инновацияларни тижоратлаштиришга йўналтирилган инвестициялар оқимини шакллантириш;
- тадбиркорлик субъектларининг инновацияларга максимал даражада таъсирчанлигини таъминлайдиган шароитларни (солиқ режими, божхона сиёсати, шу жумладан қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирларни) яратиш;

[1] www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари

- тадбиркорлик фаолиятининг инновацион циклидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган амалий ва фундаментал тадқиқотлар толиб бориш;
- илғор технологияларни тижоратлаштириш соҳасидаги мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириш заруриятини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи инновацион инфратузилмалар фаолиятини шакллантириш ва бошқалар.

Х.Қўчқаров – Андижон давлат университети доценти, и.ф.н.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда иқтисодиётни юксалтириш натижасида учинчи ренессансни шакллантиришга қаратилган илмий ва амалий натижалар ёритилган.

Калит сўзлар: банк, валюта сиёсати, жаҳон банк, молия - банк, гендер, олтин, эркин конивертация, иқтисодий муаммолар, бизнес, қора бозор.

Аннотация. В статье описаны научно-практические результаты третьего ренессанса в результате экономического роста в Узбекистане.

Ключевые слова: банк, валютная политика, мировой банк, финансы-банк, гендер, золота, свободный конвертация, экономический проблемы, прибыл, бизнес, чёрный рынок.

Abstract. The article describes the scientific and practical results of the third renaissance as a result of economic growth in Uzbekistan.

Keywords: bank, monetary policy, world bank, finance-bank, gender, gold, free conversion, economic problems, profit, business, black market.

Инсоният тараққиётидан маълумки инсон ўз тақдирини ўзгартиришга қодир. Давлат тараққиёт тизими янгилаётган давлатимиз даврида янги Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муаффақиятнинг асил омили ҳисобланади. Аҳолини ҳаётдан рози қилиш учун адолат ва қонун устуворлигини лозим бўлган ҳолда яхши яшаш ва меҳнат шароит керак. Давлатнинг мадади, кўмаги, рағбати фуқароларни яшашга ҳаваси ва келажакка ишончини яратади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” беш муҳим ташаббус каби дастурлар айни мақсадни кўзлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Халқаро экспертлар кейинги йилларда Ўзбекистонда ижодий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини эътироф этишмоқда. Ҳукумат эса ижтимоий фикрларга эътибор бера бошлади. Бу ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни катта натижасидир. Иккинчи ўзгариш ташқи ижтимоий-иқтисодий алоқаларга кенг йўл очилди. Натижада туризмни ривожланиши соғлиқ тизимидаги янгиликлар валюта бозорини эокинлаштириш, нақт пул билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, молия банк соҳасидаги

муваффақиятлар, халқаро молия операцияларнинг жаҳон андозалари асосида амалга оширилиши шулар жумласидандир. Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларга кўра 2020-йилда Ўзбекистон қийинчиликларга қарамай ижобий ўсишни сақлади. Очиқ маълумотларни кузатиш халқаро индексида 125 поғона кўтарилиб 44 ўринни қайд этди. Иқтисодий эркинлик рейтингида эса 26 ўрин юқорилади. Шунингдек, АҚШ давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинлик соҳасидаги махсус кузатувдаги давлат рўйхатдан чикарди.

Жаҳон банкининг статистик салоҳият индексида Ўзбекистон 2020-йилда 146 давлат орасида 61-ўринни эгаллади. Глобал инновацион индекси эса 131 мамлакат ичида 93-ўринни марказий ва Жанубий Осиё давлатлари орасида 4-ўринни қайд этди. Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини ва гендер тенглик бўйича 27 та давлат қаторига қўшилиб 70,6 балл билан 5 поғона юқорилади. Илк бор миллий валютада икки триллион сўмлик давлат еврооблигациялар паст фоизларда жойлаштирилди. Европа иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо перперенциялари-“GSP+” тизимини тадбиқ этишга киришилди. Бу тизим истиқболида Республикамизда ишлаб чиқарилаётган 6000 дан зиёд турдаги махсулотларни европа бозорига бож тўламасдан олиб келиш имконини берди. Бу эса биргиа тўқимачилик махсулотларини экспорт қилишдан 300 миллион доллар даромад демакдир. Ўзбекистон дунёда олтин қазиб олиш бўйича 4-ўринни эгаллаб турмоқда. Узоқ йиллар давомида энг камбағал мамлакатлар сафида бўлиб келдик. Чунки бизда иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар бир томонлама ёндашув асосида олиб борилди. Яъни валюта конвертациясига йўл берилмади, инсон манфаатларини тўғрисидаги чиқарилган қонун қоидаларига амал қилинмади.

Президент Ш.Мирзиёев ўз фаолиятини валюта бозорни либераллаштиришдан бошлаб ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарини импорт жараёнларини амалга оширилган холда валюта ҳарид қилиш имкониятига эга. Иқтисодиётда пул муомаласи ислоҳотлар амалга оширилди. Бу муаммо маълум даражада конвертациянинг йўқлигига боғлиқ эди. Ҳозир нарх навонинг нақд пул ва нақд пулсиз шаклларини ўртасида фарқ йўқ. Валюта ислоҳотларининг такомиллаштириш учун давлат томонидан бошқаришнинг камайтириш ва бизнес муҳитини яхшилашга олиб келади. Ўзбекистонда валютани эркин алмаштириш 1992-йилда ташкил этилиб 1996-йили қайта бекор қилинган. 2002-2004-йилларда ҳам киритилиб, 2008-йили бекор қилинган. Валюта сиёсатини ислоҳ қилиш мамлакат раҳбарияти томонидан эълон қилинган иқтисодиётнинг турли секторларида кутилаётган тизимли ўзгаришларнинг бир қисми бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиёт эркинлиги киритилиб бизнес учун маъмурий тўсиқлар олиб ташланди. Чунки кўплаб иқтисодий муаммолар айнан конвертация билан боғлиқ. Эркин конвертация халқаро савдо муносабатларни тўлиқ аъзоси бўлиши учун зарур. Унда иштирок этган мамлакатлар халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиб ундан

келадиган фойда ва имтиёзларга эга бўладилар. Валюта сиёсатини ислох қилиш ташқи иқтисодий фаолият учун имкониятлар яратиб махсулот экспорт қилиш, чет эл хом-ашё ва ускуналарни сотиб олиб осонлашади. Ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашувчиларга бир хил имкониятлар берилади. Бу эса рақобатни кучайтириб, иқтисодиётни ривожланишига асос бўлади. Иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширишда учинчи ренессансни шакллантириш шароитида инвестицияларнинг ўрни муҳимдир. Инвестиция – иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Биринчидан эркин конвертация хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга ишончини оширди. Улар яна мамлакатимиз бозорига ўз сармоясини қайта жойлаштира бошлади. Бунга барча корхоналар шунингдек чет эл инвестицияларга эга бўлган субъеклар учун бизнес олиб бориш харажатларининг камайганлиги сабаб бўлди.

Иккинчидан чет эллик корхоналар ишлаб чиаришга сармоя киритиганда улар ўзлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистонда ва четга экспорт қилишга қизиқшади. Валюта бозорини эркинлаштириш эса Ўзбекистон иқтисодиётини яна очиқ қилади. Бу чет эл корхоналарининг мамлакатдан махсулот эскпорт қилиш жараёнларни осонлаштиради.

Учинчидан бизнес фақат фойда олишдан мақсад қилган. Эркин конвертация миллий валютада олинган фойдани яна халқаро валютага айлантириш имконини беради. Агар фойда олиш қийин бўлса халқаро корхоналар инвестиция киритмайди.

Ислоҳотлар тубдан амалга оширилган ҳолда барча сохаларда ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Янгиланишлар туфайли бизнес муҳити яхшиланиб, замонавий корхоналар ва муассасалар пайдо бўлиб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Аҳоли даромадлари ўсиб, келиб тушаётган солиқлар ҳажми ошмоқда. Давлат хазинаси бойиши эса ижтимоий лойиҳалар рўёби учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Валюта сиёсатининг эркинлашуви конвертацияга кенг йўл берилиш соҳада коррупция ҳолатларига чек қўйилди. Чунки бугун ҳамюртларимиз валютани олдингидек қора бозордан ёки банкдан таниш билиш орқали эмас бемалол истаган банк ва банкоматлардан айирбошлаш мумкин. Эркин конвертацияни таъмирловчи валютага оид муносабатларни тартибга солиш, миллий валюта курсини шакллантиришда замонавий бозор механизмларни жорий этиш йўли ўз самарадорлиги кўрсатмоқда[1].

Учинчи ренессансни шакллантириш ва уни амалга оширишни жамиятда амалга ошириш Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асарида илмий-амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ёритилган. Эзгу мақсадлар йўлида баҳамжиҳат ҳаракат килган, ютуқлардан эсанкирамай янада баланд марраларни кўзлаган халқ буюк келажак яратишда ҳақли ва қодир.

[1] Ш.М.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. Т:.Ўзбекистон. 2021 й.

M.Yu. Alimova– QarMII, “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi assistenti

IJTIMOIY INFRATUZILMANI SHAKLLANTIRISHNING MOHIYATI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirish xususiyatlari, ijtimoiy infratuzilmani davlat tomonidan tartibga solish mexanizmlari aks etilgan. Shuningdek, maqolada ijtimoiy infratuzilma tarmoqlarining umumiy, xarakterli xususiyatlari ijtimoiy sohaning muhim o‘ziga xos tarkibiy qismi sifatida ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: infratuzilma, ijtimoiy infratuzilma, ijtimoiy infratuzilmani boshqarish, ijtimoiy infratuzilmani boshqarish.

Аннотация. В статье отражены особенности развития социальной инфраструктуры, механизмы государственного регулирования социальной инфраструктуры. Также в статье рассматриваются общие, характерные черты сетей социальной инфраструктуры как важной специфической составляющей социальной сферы.

Ключевые слова: инфраструктура, социальная инфраструктура, управление социальной инфраструктурой, управление социальной инфраструктурой.

Abstract. The article reflects the features of the development of social infrastructure, the mechanisms of state regulation of social infrastructure. The article also discusses the general, characteristic features of social infrastructure networks as an important specific component of the social sphere.

Keywords: infrastructure, social infrastructure, social infrastructure management, social infrastructure management.

Infratuzilma – har qanday yaxlit iqtisodiy tizim va tuzilmalarning mavjud bo‘lishi shart hisoblangan tarkibiy qismi. So‘zma-so‘z ifodalaganda, infratuzilma – bu iqtisodiy tizimning asosi, poydevori, ichki tuzilmasi demakdir. «Infratuzilma» atamasi lotincha «infra» - quyi, osti; «structura» - tuzilma, joylashuv so‘zlaridan paydo bo‘lgan. Iqtisodiyotda ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma muhim o‘rin tutadi. Bundan tashqari Ishlab chiqarish infratuzilmasi atamasi xam mavjud, bu – ishlab chiqarishning rivojlanishi uchun tashqi shart-sharoitlarni ta’minlovchi tarmoqlar majmui bo‘lib, o‘z ichiga temir va avtomobil yo‘llari, elektr, gaz va suv ta’minoti, aloqa kommunikatsiyalari, ombor xo‘jaligi va boshqalarni oladi

XXI asrda kommunikatsiya tizimining ahamiyati, uning iqtisodiyotni rivojlantirish hamda aholi farovonligini oshirishdagi o‘rni barchamizga ma’lum. Zero, jahonda globallashuv jarayonlarining kuchayishi, xalqaro maydonda tovar va xizmatlar ayirboshlash, turli jabhalardagi hamkorlikning tobora kengayib borishi bugungi kunda yuqori texnologik telekommunikatsiya tarmog‘ini rivojlantirishni muhim strategik vazifaga aylantirdi.

Ijtimoiy infratuzilma – aholining turmush faoliyatini, uning farovonligi ta’minlashga xizmat qiluvchi turli muassasa va ob’yektlar majmui. Masalan,

ta’lim muassasalari, dam olish va davolanish maskanlari, uy-joy, kommunal va maishiy xizmat ko‘rsatish shoxobchalari, tabiiy gaz, ichimlik suvi, elektr energiyasi ta’minoti, yo‘lovchi transporti va boshqalar. Ijtimoiy infratuzilma aholining farovonligini oshirish, kishilar mehnat sharoiti va turmush tarzini yaxshilash bilan bog‘liq muhim ijtimoiy vazifalarni hal etar ekan, jamiyat a’zolarining ehtiyojlari qondirilishini ta’minlaydi, mamlakat iqtisodiy yuksalishi uchun sharoit yaratadi. Ayni vaqtda ijtimoiy infratuzilma ishlab chiqarish samaradorligi o‘sishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Infratuzilmaning rivojlanishi iqtisodiyot real sektori bilan bevosita bog‘langanki, u mazkur tuzilmaning holati va o‘sish sur’atlarini shakllantiradi. Prezident qarori bilan 2022−2024 yillarda O‘zbekistonning ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi qabul qilindi. Uni amalga oshirishga esa jami 76,8 trln so‘m, shu jumladan, 2022 yilda — 23,8 trln so‘m ajratiladi. Joriy yilda eng ko‘p mablag‘ ijtimoiy sohalar (5,9 trln so‘m), mudofaa organlari va yopiq qism (4,5 trln so‘m), muhim obyektlarni qurish (3,9 trln so‘m), yo‘l-transport infratuzilmasiga (2,7 trln so‘m) yo‘naltiriladi.[1]

Ijtimoiy turmushga ta’sir o‘tkazuvchi infratuzilmaning asosiy jihatlariga quyidagilar kiradi:

- ishlab chiqaruvchi kuchlarni oqilona joylashtirish;
- aholi mehnat faolligi ko‘lamini kengaytirish;
- mehnat resurslari safarbarligini tartibga solish;
- bo‘sh vaqt fondini boyitish va undan foydalanish shart-sharoitlarini yaxshilash uchun imkoniyat yaratish;
- ish kuchini takror yetishtirishga ta’sir etish.

Ijtimoiy infratuzilma murakkab vazifalar tizimidan iborat bo‘lib, unda barcha unsurlar o‘zaro bog‘langanki, ulardan birining rivojlanishdan ortda qolishi boshqalaridan samarasiz foydalanilishiga sabab bo‘ladi. Shu boisdan mintaqa ijtimoiy infratuzilmasining majmua tarzida rivojlanishini ta’minlash muhim ishdir. Iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va xalqimiz farovonligini oshirishda mamlakatimiz hududlarida ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Ijtimoiy infratuzilma har doim jamoaviy iste'molchini hisobga olgan holda tashkil etiladi. Shuning uchun bu qarama-qarshilikni hal qilish ijtimoiy infratuzilmaning o‘zining kollektiv xususiyatini yo‘qotish jarayoni sifatida qaralmasligi kerak.

2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining ham amalga oshirilishi o‘zining ijobiy natijasini berdi. Bu beshta ustuvor yo‘nalishdan to‘rtinchisida aynan ijtimoiy sohani rivojlantirish ko‘zda tutilgan. U quyidagicha bayon etilgan:

Ijtimoiy sohani rivojlantirishga yo‘naltirilgan aholi bandligi va real daromadlarini izchil oshirib borish, ijtimoiy himoyasi va sog‘lig‘ini saqlash

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/24/infrastructure/

tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, arzon uy-joylar barpo etish, yo‘l-transport, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmalarni rivojlantirish hamda modernizatsiya qilish bo‘yicha maqsadli dasturlarni amalga oshirish, ta’lim, madaniyat, ilm-fan, adabiyot, san’at va sport sohalarini rivojlantirish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish. Albatta bu borada belgilangan vazifalarni o‘qigan har bir fuqaro ko‘z oldida birinchi galda ana shu yo‘nalishlar bo‘yicha mustaqillik yillarida amalga oshirilgan ulkan ishlar gavdalanadi. Prezident qarori bilan 2022−2024 yillarda O‘zbekistonning ijtimoiy va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirish dasturi qabul qilindi. Uni amalga oshirishga esa jami 76,8 trln so‘m, shu jumladan, 2022 yilda — 23,8 trln so‘m ajratiladi. Joriy yilda eng ko‘p mablag‘ ijtimoiy sohalar (5,9 trln so‘m), mudofaa organlari va yopiq qism (4,5 trln so‘m), muhim obyektlarni qurish (3,9 trln so‘m), yo‘l-transport infratuzilmasiga (2,7 trln so‘m) yo‘naltiriladi.[1]

Hududlarda ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma obyektlarining qurib, ishga tushirilishi natijasida, respublika bo‘yicha qo‘shimcha 1,3 mln. nafar aholining yoki 268,4 mingta oilaning turmush darajasi yaxshilanib, zarur hayotiy va ijtimoiy-maishiy ehtiyojlarga bo‘lgan talabini qondirishga erishildi.

Ijtimoiy soha – aholi turmush tarzi, uning farovonligi, iste’mol darajasiga bevosita bog‘liq bo‘lgan va ularni belgilab beruvchi tarmoqlar, korxonalar va tashkilotlar majmui. Ijtimoiy sohaga eng avvalo xizmat ko‘rsatish sohasi (maorif, madaniyat, sog‘liqni saqlash, ijtimoiy ta’minot, jismoniy tarbiya, umumiy ovqatlanish, kommunal xizmat ko‘rsatish, yo‘lovchi transporti, aloqa va boshqalar) kiradi. Shuning uchun Harakatlar strategiyasida ushbu sohalarni rivojlantirish orqali aholining turmush darajasi va farovonligini oshirish ko‘zda tutilgan.

Ijtimoiy sohani rivojlantirishda davlatning rag‘batlantiruvchi dastaklari ijtimoiy dasturlar ko‘rinishida namoyon bo‘ladi.

Ijtimoiy dasturlar – aholining bevosita turmush sharoiti va farovonligini ta’minlashga xizmat qiluvchi soha va tarmoqlarni rivojlantirishga oid chora-tadbirlarni o‘z ichiga olgan rejaviy hujjatlar. Ayniqsa, infratuzilma dasturlarining qishloqlarda rivojlantirilishi muhim va hal etiluvchi masalalardan biridir. Chunki, aholini oziq-ovqat bilan ta’minlashda qishloq ijtimoiy infratuzilmasining o‘rni nihoyatda kattadir.

Qishloq ijtimoiy infratuzilmasining turli jihatlari va uning umuman agrosanoat kompleksining rivojlanishiga ta’siri bo‘yicha jadal izlanishlar olib borilmoqda.

Ushbu maqsadga muvofiq quyidagi asosiy vazifalar belgilandi:

• qishloq ijtimoiy infratuzilmasining nazariy va uslubiy asoslarini umumlashtirish va bozor sharoitida uning respublika agrosanoat majmuasi iqtisodiyotini rivojlantirishdagi rolini belgilash;

• respublikaning zonal xususiyatlarini va alohida hududlarini hisobga

[1] https://www.norma.uz/

olgan holda ijtimoiy infratuzilmani shakllantirish xususiyatlarini aniqlash;

• respublikada qishloq ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirishga to‘sqinlik qiluvchi omillarni o‘rganish;

• qishloq ijtimoiy infratuzilmasining respublika qishloq joylarida kechayotgan demografik va ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ta’sirini aniqlash;

• qishloq ijtimoiy infratuzilmasining respublika qishloq joylarida kechayotgan demografik va ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ta’sirini aniqlash;

• qishloq ijtimoiy infratuzilmasining ayrim tarmoqlarining rivojlanishiga, uning korxonalar xo‘jalik faoliyatiga bozor sharoitidagi ta’siriga iqtisodiy baho berish;

• hududda qishloq xo‘jaligining barqaror rivojlanishini ta’minlash uchun tog‘li hududlardagi qishloq ijtimoiy infratuzilmasi modelini va uni amalga oshirish mexanizmini hal etish va asoslash;

• takliflar ishlab chiqadi, respublikaning ijtimoiy infratuzilma ob’ektlarini yaratishga investitsiya kiritish zaruratini belgilaydi;

• bozor sharoitida qishloq ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirishni boshqarishning iqtisodiy mexanizmini asoslash

Б.М. Қулиев – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВРЛАРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ ХУСУСИДА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация: ушбу мақолада маиший хизмат кўрсатишни соҳасини ривожлантириш даврлари ва унинг моҳияти хусусида назарий ёндашувлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: хизмат, маиший хизмат, самарадорлик, иқтисодиёт, истеъмолчи, меҳнат, унумдорлик, корхона, рақобат.

Аннотация: В данной статье представлены теоретические проблемы эпохи развития и сущность бытового обслуживания.

Ключевые слова: сервис, бытовое обслуживание, эффективность, экономика, потребитель, труд, производительность, предприятие, конкуренция,

Abstract: This article presents the theoretical problems of development periods and issues of consumer services analyzed.

Keywords: service, domestic service, efficiency, economy, consumer, labor, productivity, enterprise, entrepreneurship, competition,

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида амалга оширилаётган устивор иқтисодий ислоҳотлар негизида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг вужудга келишига кенг имкониятлар очиб берди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, техника ва технологияларнинг ривожи, хусусан, халқимиз турмуш фаровонлигини ортиши билан аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳам юксалиб бориши кузатилади. Бу жараён мамлакатимизда маиший хизматларнинг ижтимоий-ташкилий усуллари ва шаклларининг кенгайишини изоҳлайди. Маиший хизмат корхоналари хизмат кўрсатиш соҳаларининг бошқа тармоқлари, масалан; (савдо, умумий овқатланиш, коммунал хўжаликлари ва ҳ.к) билан биргаликда хонадон хўжалигида бажариладиган айрим ишлар ва хизматларни аста-секин ижтимоий ишлаб чиқариш ва умумий хизмат кўрсатиш шакллари билан алмаштириб туради.

Республикамизда XX аср бошларига қадар аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг тарихига ва ўз анъаналари эга бўлган тизими шаклланган бўлиб, қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида сартарошлар, чегачилар, чеварлар, шунингдек, косиб ва ҳунармандлар маиший хизмат кўрсатиш вазифасини олиб боришганлар. Устахоналар ва сартарошхоналар шаҳар ва қишлоқ бозорлари ҳудудида, маҳалла гузарларида жойлашган эди.

XX асрнинг 20-йилидан бошлаб, давлат томонидан маиший хизмат соҳасини ривожлантиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Маиший хизмат артельелари тузилди, устахона, маиший хизмат уйлари, корхоналар очилди. Натижада мамлакатимизда маиший хизмат индустрияси яратилди.

1965-йилда республикамизда маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилди. 1965-80 йилларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони 8382 тадан 18031 тага етди (шу жумладан, қишлоқ жойларида 4403 тадан 11293 тага етди). Маиший хизмат уйлари ва ихтисослаштирилган корхоналар ишга туширилди, фақат 1971-75 йилларда 20 минг янги технологик асбоб-ускуналар ўрнатилди.

1990-йилга келиб Республикамизда ателье ва устахоналарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 26,9 мингта маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишлади, аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш хажми 1965-йилга нисбатан деярли 10 мартага кўпайди. 1990-йиллар бошларида тизимни бозор муносабатларига ўтказиш учун маиший хизмат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бошланди. 1992-йил апрелда республика маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилди ва унинг негизида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси “Ўзмаишийхизматуюшма” тузилди. 1992-95 йилларда маиший хизмат тармоқларига қарашли 12587 та корхоналар хусусийлаштирилди ва аксиядорлик жамиятлари, жамоа корхоналари, хусусий корхоналарга айлантирилди. 1994-95 йилларда шаҳар ва қишлоқларнинг гузарларида 474 та савдо-маиший мажмуалари ташкил этилди.

Барча вилоят марказларида, туманлар ва шаҳарларда маиший хизмат соҳасидаги кичик, хусусий ва ўрта бизнесни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш уюшмалари тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17-сентябрдаги қарори билан маиший хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришни давлат тасарруфидан чиқариш давом

эттирилди, маиший хизмат корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларнинг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадида «Ўзмаишийхизматуюшма» тугатилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини ҳудудий (вилоят) уюшмалари, маиший хизмат кўрсатувчи тадбиркорларнинг туман (шаҳар) уюшмалари бошқаради. Улар аҳолига 800 дан ортиқ хизмат турини кўрсатади.

Инновацион иқтисодиёт даврида ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, республикамизда охирги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Хизмат кўрсатиш фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, аҳолининг маиший хизматларга бўлган эҳтиёжларини ўсиб бориши билан боғлиқдир. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари бозор иқтисодиёти талаблари ҳамда иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарига қараганда осонроқ мослашишади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида маиший хизматларни миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар кундан-кунга ўзгариб ва ошиб бориши кузатилмоқда. Шунингдек аҳолининг моддий фаровонлигини ошиши натижасида маиший хизматларга ўзларининг эҳтиёжлари мавжуд бўлган қўлайликларни таъминлайдиган турли ассортиментдаги маиший хизматларга катта талобгорлар ҳисобланишадилар. Шу сабабли айрим маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан шу эҳтиёжларини қондиришга қаратмоқдалар.

Кейнги йиллар мобайнида республикамиз раҳбарияти, хусусан, республикамиз ҳукумати томонидан хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 795-сон, 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон қарорларида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган йўналишлар сифатида белгиланди.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қоида тариқасида, функционал аҳамиятга эга бўлган барча кўринишдаги фаолият турлари тушинилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш ва реализация қилиш жараёнларини ифодалайди[1]. Уларнинг фаолиятидан боғлиқ равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўринишлари бўйича эҳтиёжларни қондириш

[1] Свириденко Ю.П.. Сфера услуг: Проблеми и перспективы развития. -М.: Изд “Кандир”, 2001. - С.5.

хусусиятларига кўра, аҳамиятли равишда бир-биридан фарқланади.

Маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланиши тадбиркорлик фаолияти ривожланиши, аҳолининг қўшимча даромадлари ошиши, иш билан бандлик ва иш ўринлари сонининг юксалишига, шунингдек асосий ишдан ташқари ностандарт иш билан бандликни таъминлаш имкониятини яратади.

Шахсий эҳтиёжларни қондиришда хизматлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўзига хос истеъмол қийматига эга бўлган турли хил кўринишдаги (жисмоний, интелектуал, ижтимоий) эҳтиёжларни қондириш бўйича функционал аҳамият касб этади. Маиший хизматлар муҳим ва жуда керакли ҳаётий восита сифатида аҳоли истеъмол фондининг асосий қисмини ташкил этувчи ва эҳтиёжларни қондирувчи товарлар қаторига киради.

Иқтисодий адабиётларда маиший хизмат тушунчасини ижтимоий-иқтисодий категория сифатида моҳиятини ёритиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу масалани кўриб чиқилиши, ҳозирги кунда аввало, унинг долзарблигини ифодалаб, у ёки бу кўринишдаги маиший хизматларга тегишли бўлган ёки бўлмаган фаолиятлар турларини аниқлаш имконини беради. Бу эса пировардида аниқ турдаги маиший хизматлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат тушунчалари аста-секинлик билан ўз моҳиятига эга бўла бошлади. Ф.Котлер «хизматлар - бир томон иккинчи томонга таклиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки неъмат бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат» [1] деб қарайди. Т.А.Агапова, С.Ф.Серегина- «хизматлар номоддий соҳага тааллуқли бўлиб, моддий махсулот яратмайдиган инсоннинг турли фаолият юритишидир»[2] -деб ҳисоблайдилар. Худди шундай таърифларни хорижий олимлардан, З.И.Беликина[3], Е.А.Разомасова[4], Т.Бурменко[5], О.В.Конева[7], Л.Демидова [6, 7], В.Н.Соловьева [8], Н.Ю.Стоюшко [9], Л.В.Шемякина [1] ва

---

[1] Котлер Ф. Маркетинг-менежмент// Экспрес-курс. 2-е изд/перевод с анг. Под ред. Божун С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301

[2] Агапова Т.А., Серегина С.Ф. макроэкономика: Учебник/ Под обшей ред, д.э.н., проф, А.В. Сидоровича; МГУ им. М.В.Ломоносова.-4-е изд., перераб и доп.-М.: Дело и Сервис, 2007.-214 с.

[3] БеликинаЗ.И, Экономика: учебно-мегодический комплекс, - М, :Проспект, 2015. -224 с.

[4] Разомаоова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развигие: монография/ ,НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации».-Новосибирск, 2011,-С.53-54.

[5] Бурменко Т.Д Сфера услуг: Экономика : учебное пособие М, : КНОРУС, 2006.—424 с,

[6]Конева О.В., Соловьева Н.А. Мальш бизнес: оценка вклада в развитие сферн услуг: монография Краснояр. гос.торг.-экон. ин-т. - Красноярск, 2009. -158 с,

[7] Демидсва Л. Сфера услуг: шменение динамики производительности /Мировая экономика и международнь!е отношения, - 2006. - № 12. - С.40-52.

[9] Соловьева В.Н .Сфера сервиса: особенности развития, направления и методм исследования, Коллективная монография *I* Под обш. ред.; СоловьеваВ.Н. -СНб.: Нзд-во СПБГИСЭ, 2001,.

[9] Стоюшко Н.Ю. Тенденции развития предпринимательства в сфере услуг закрьгтого административно-территориаль!юго образовапия :на примере (ЗАТО Большой Камень)Специальпосгь; 08:00.05-

бошқаларнинг асарларида учратиш мумкин. Республикамизнинг иқтисодчи олимлари ҳам хизмат кўрсатиш сохасини чуқур тадқик этиб, қуйидаги таърифларни беришган. Жумладан, М.Қ.Пардаев хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳиятини меҳнат жараёни нуқтаи назаридан, ЯИМ ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, давлат нуқтаи назаридан, товар нуқтаи назаридан, меҳнат эгаси нуқтаи назаридан, мулк эгаси манфаатлари нуқтаи назаридан очиб беради[2], Ж.М.Қурбонов эса хизмат кўрсатишни – яхшилик, эзгулик, инсоннинг энг муҳим фазилати сифатида изоҳлайди[3]. И.С.Очилов эса хизмат кўрсатиш соҳасини жамият тараққиёти нуқтаи назаридан қарайди[4]. Г.Н.Ахунова, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуровлар «Иқгисодиёт асослари» номли ўқув қўлланмаларида хизматларни фаолият тури сифатида билиб, буюм ва нарсаларнинг сифатини ўзгартириш орқали кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради, деб ҳисоблайдилар.

Муайян маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг функционал шаклланиши ва йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида шахсий эҳтиёжларини қондириш сифатида уй хўжалигини юритишда оилавий-маиший муносабатларни ифодалайди деб бир қатор иқтисодчи олимларнинг қарашларида келтириб ўтилган[5]. Мазкур йўналиш намоёндаларидан бўлган В.Н.Кряжевнинг фикрича: “Маиший хизмат – бу халқ хўжалиги тармоқларига тегишли корхоналар сифатида оилавий-маиший муносабатларда юзага келадиган зарурий хизматларни ифодалайди”[6] дейилади. Бу эса хизматларнинг маълум фаолиятлари доирасининг чегарасини жиддий равишда иқтисодиётнинг бошқа ихтисослашган тармоқларига кенгайтиришни талаб этади. Чунки, ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизматлар соҳасида замонавий фаолият шакллари ва турларининг шаклланиб бориши мазкур соҳанинг турли йўналишларида кенгайиб боришини асослайди.

В.М.Дмитревнинг фикрига кўра: маиший хизмат – бу самарали ҳаракат сифатида кўпгина меҳнат унумдорлигининг натижалари бўлиб, ё моддий-ашёвий предметларда гавдаланадиган, ё сезиларли натижаларни ифодалайдиган аниқ кўринишдаги фаолият тури ҳисобланади”[7] дейилади. Аммо, муаллиф мазкур таърифда маиший хизмат моддий ишлаб чиқариш

Экономика *а* управление народньш хозяйством (по отраслям и сферам деятельности) Ученая степень: канднлат экономических наук. Владивосток 2008. -184 с.

[1] Шемякина Л. В. Рннок товаров и услуг в региональной хозяйственной сисгеме / Логистические технологии в развитии инновационной экономики : материалм междунар. науч.-практ. конф., Иркутск, июнь 2013 г. - Иркутск, 2013. - С, 136-140.

[2] Пардаев М.Қ. Хизматларнинг ижтимоий-иқгисодий табиати ва уни ривожлантиришнинг ўзига хос хусуснятлари. // Сервис., Илмий-оммабопжурнал., №1,2009 йил., -Б.38-46.

[3] Қурбонов Ж.М, Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис. // Сервис., Илмий-оммабоп журнал,. №1, 2009 йил., - Б.56.

[4] Очилов И.С.. «Хизмат кўрсатиш сохаси корхоналаридан самарадорликни ошириш йўллари» мавзусидаги диссертация автореферати.- Самарқанд., 2010. – Б. 24.

[5] Свириденко Ю.П. Сфера услуг: Проблеми и перспективы развития. М.: Изд “Кандир”, 2001.- с.5

[6] Крежев В.Н. Сфера обслуживания при социолизме. М.: 1966. – с.131.

[7] Дмитрев В.М. Основк изучения и прогнозирование спроса на бытовые услуги. М.: 2006.Экономика, - с.32

соҳасига тегишли тармоқ сифатида бу соҳада меҳнат унумдорлиги аниқланишини эътироф этади. Ушбу фикрни қўллаб-қувватловчи олимлардан яна бири Я.С.Ядгаров эса: “Аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос моддий ишлаб чиқариш сифатида маиший хизмат аниқланади”[1] ва мамлакат миллий даромади ва жами ижтимоий маҳсулотда тармоқнинг реал улушини ифодалайди деб таъкидлайди. Аммо, бу таърифда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг хусусиятлари ва ўзига хос функционал кўринишлари турдош моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан алоҳида ажратиб келтирилмаган.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ ҳисобланади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг асосий массасини турмуш даражасини қўллаб-қувватлашда унинг ижтимоий аҳамияти юксалиши билан шартланади”[2]. А.М.Саидовнинг фикрича, “маиший хизмат – бу фойдали фаолият бўлиб, аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий аҳамиятига эга маиший эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, провард натижалардир”[3] дейилади.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда маиший хизмат категорияси моҳиятини қуйидагича талқин этамиз: **“Маиший хизмат кишиларнинг барча турдаги маиший эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ хизмат тури бўлиб, аҳолини турмуш даражаси ва моддий фаровонлик даражасини баъзи жиҳатларини белгилаб берувчи мураккаб тузилмага эга ижтимоий-иқтисодий фаолиятдир”.**

Иқтисодиётнинг инновацион ва инвестицион ривожлантириш шароитида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг ўсиб бораётган маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга қўлай шарт-шароит яратиш ишнинг илмий аҳамиятини очиб беради. Бу соҳа аҳолини турли хил маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги эҳтиёжарини қондиришда уй хўжалигида меҳнат сарфини қисқартириш ва фуқароларнинг бўш вақтларини кўпайтириш имконини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Свириденко Ю.П.. Сфера услуг: Проблеми и перспективы развития. -М.: Изд “Кандир”, 2001. - С.5.

2. Котлер Ф. Маркетинг-менежмент// Экспрес-курс. 2-е изд/перевод с анг. Под ред. Божун С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301

3.БеликинаЗ.И, Экономика: учебно-мегодический комплекс, - М, :Проспект, 2015. -224 с.

4.Разомаоова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развигие: монография/ , НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации».-Новосибирск, 2011,-С.53-54.

[1] Ядгаров Я.С. Бытовая обслуживаний. Экономика и культура сервиса. М.: Экономика, 1990-с.19.

[2] Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. М.6 Изд «Кандид», 2001. – с.10.

[3] Саидов. А. М.“Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилишни такомиллаштириш йўллари”мавзусидаги диссертация 2011.й.

5.Бурменко Т.Д Сфера услуг: Экономика : учебное пособие М, : КНОРУС, 2006.—424 с,
6.Конева О.В., Соловьева Н.А. Мальш бизнес: оценка вклада в развитие сферн услуг: монография Краснояр. гос.торг.-экон. ин-т. - Красноярск, 2009. -158 с,
7.Демидсва Л. Сфера услуг: шменение динамики производительности /Мировая экономика и международнь!е отношения, - 2006. - № 12. - С.40-52.
8.Соловьева В.Н .Сфера сервиса: особенности развития, направления и методм исследования, Коллективная монография *I* Под обш. ред.; СоловьеваВ.Н. - СНб.: Нзд-во СПБГИСЭ, 2001, :
9.Стоюшко Н.Ю. Тенденции развития предпринимательства в сфере услуг закрьгтого административно- территориаль!юго образовапия :на примере (ЗАТО Большой Камень)Специальпосгь; 08:00.05- Экономика *а* управление

Э.А. Нозимов – СамИСИ, Банк иши кафедраси ассистенти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда мамлакатларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида иқтисодиётни рақамлаштириш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари интеллектуал воситаларининг мавжудлиги, маълумотларнинг ортиб бораётганлигининг аҳамияти, бизнес тармоғини ташкил этиш тизими, интернетдан кенг миқёсда фойдаланиш ва маълумотлар алмашинувининг глобал хусусиятини ўз ичига олади. Рақамли иқтисодиётга асосланган жамиятнинг муаммоларини ҳал қилиш воситалари учун рақамли платформалар, клоуд компутинг технологиялар ва йирик маълумот базаларини қайта ишлаш усулларини ўз ичига олади.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, янги иқтисодиёт, рақамлаштириш, онлайн бозорлар.

Аннотация: Целью данного исследования является разработка принципов формирования цифровой экономики. Подчеркивается важная роль цифровизации в социально-экономическом развитии стран. Особенности развития цифровой экономики включают в себя доступность интеллектуальных инструментов, растущую важность данных, систему деловых сетей, широкое использование Интернета и глобальный характер обмена данными. Включает цифровые платформы, технологии облачных вычислений и методы обработки больших баз данных для инструментов решения проблем общества, основанных на цифровой экономике.

Ключевые слова: цифровые технологии, новая экономика, оцифровка, онлайн-рынки.

Abstract: The purpose of this study is to develop principles for shaping the digital economy. It emphasizes the important role of digitalization in the socio-economic development of countries. Features of the development of the digital economy include the availability of intellectual tools, the growing importance of data, the system of business networking, the widespread use of the Internet and the global nature of data exchange. Digital platforms includes, cloud computing technologies, and large database processing methods for society’s problem-solving tools based on the digital economy.

Key words: digital technology, new economy, digitization, online markets.

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар энергетика, қурилиш, банк иши, транспорт логистикаси, савдо, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, оммавий тегишли технологиялар орқали амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий моделлар бирлашмаси саналади.

У рақамли технологиялар асосидаги инфратузилмани (кенг тармоқли линиялар, маршрутизаторлар), кириш учун ишлатиладиган қурилмалар (компютерлар, смартфонлар, камералар), улар фойдаланадиган Микрософт, андроид ёки "IOS" иловалар (Google, Ad Roll) ва улар тақдим этадиган функсияларни (IoT cloud computing, Storage, Data analytics,) қамраб олади. Ҳозирги замон глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиёт замонавий ҳаётнинг кўплаб жиҳатларига, жумладан, савдо, транспорт, таълим ва қишлоқ хўжалигига кириб борди. Рақамли иқтисодиёт бир қатор соҳаларда истеъмолчилар учун янада қулайлик яратади. Энди истеъмолчилар "Amazon", Wallmart", "PayPal", "Mall", "Aliexpress" ва "Banggood" онлайн бозорлар орқали товарларни сотиши ёки сотиб олиши , "Global Work and Travel" билан саёҳат режалаштириши, "Uber" билан таксига қўнғироқ қилиши, "Bokking" билан хона ижарага олиши, ёки "LinkedIn" билан иш топишлари мумкин. Инсон фаолиятининг деярли барча соҳалари рақамли технологиялар ёрдамида ўзгартирилди. Рақамли иқтисодиёт бизнес қилиш усулини ўзгартиради ва иштирокчилар учун янги имкониятлар яратади. Ривожланаётган мамлакатлардаги фирмалар, истеъмолчилар ва давлат тузилмалари билан биргаликда иқтисодиётга асосланган янги бизнес моделларидан фойдаланишлари мумкин. Товар ва хизматлар алмашинуви инсонларнинг ўзаро муносабатларининг дастлабки шаклларидан биридир. Кўп ҳолларда, бундай ўзаро муносабатлар оила ёки бевосита атроф муҳит доирасида чекланган эди. Рақамли технологиянинг жадал ривожланиши энди ўзаро манфаатли битимлар учун имкониятларни кенгайтирадиган агентларнинг анча кенг тармоғига кириш имконини беради. Натижада, рақамли иқтисодиёт одамларнинг саёҳат қилиш, харид қилиш ва ресурсларга кириш имкониятини ўзгартирди. Дунё мамлакатларида рақамли иқтисодиётнинг салоҳияти хилма-хил бўлсада, у яратаётган муаммолар ва салбий оқибатлар ҳам мураккаб ва хилма-хилдир. Қимматли қоғозлар иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларга кўп жиҳатдан фойда келтириши мумкин. Биринчидан, иқтисодиёт моделлари биргаликда фойдаланувчилар учун қиммат бўлган буюмлардан фойдаланишга имкон беради. Мослашувчан меҳнат шароитлари норасмий секторда ишчиларга тажриба орттириш ва уларни расмийлаштириш имконини беради. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги мавжуд ўзгаришлар, пост-индустриал тузилмага ўтиш рақамли иқтисодиётга хос бўлган бир қатор хусусиятлар билан бирга олиб борилади ва қуйидаги фикрларда намоён бўлади:

1. Ривожланишнинг энг муҳим шарти-иқтисодий самарадорликни ошириш учун фойдаланиладиган интеллектуал ҳаракатларнинг мавжудлиги. Ҳозирги кунда инвесторлар учун энг қулай компаниялар интеллектуал

ресурсларга эга бўлган компаниялардир. Бу ерда таниқли мисоллар “Google”, “Uber”, “Booking” каби интернет-иқтисод вакиллари бўлиб, улар аслида жисмоний ҳаракатларсиз рақамли платформалар ҳисобланиб, уларнинг капиталлашувида кўплаб саноат гигантларини топишади.

2. Хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишда Клоуд Компутинг афзалликлари беқиёс ҳисобланади. Клоуд компутинг ҳозирги кунга қадар янги технологияларга мослаштирилган барча шакл ва ўлчов компаниялари билан ривожланмоқда. Ишлаб чиқаришда ушбу тенденция яқин йилларда янада ўсиб боради ва янада ривожланади. Булутли ҳисоблаш, шубҳасиз, ўрта корхоналар учун катта компаниялар учун жуда фойдали. Булутли ҳисоблаш, ишлатиш, сақлаш ва янгилаш учун энг арзон нархлардаги усулдир. Клоуд технологиялари дастурий таъминот, ҳисоблаш кучи, маълумотларни сақлаш ва фойдаланиш учун имкониятлар беради..

3. Ахборот-коммуникациянинг асосий воситаси интернет ҳисобланади. Кенг тармоқли интернет, мобил интернет, интернет дастурлари ва гаджетларнинг ривожланиши одамларнинг ижтимоий хаётида мулоқот қилиш усулини тубдан ўзгартириб юборди. Веб-сайтлар, рақамли платформалар, тезкор мессенжерлардан фойдаланиш олдиндан қўлланилган алоқа воситаларидан фойдаланишдан кўра анча самаралидир.

4. Маълумотлар алмашиш жараёнининг ривожланиши глобаллашувни тақаозо этади. Глобал маълумотлар узатиш тармоғи, бозорлар ва бошқа мамлакатлар технологияларига эга бўлмаган, фақат чекланган маҳаллий бозорларда фаолият юритишга ҳаракат қилувчи иқтисодий агентлар тор доирада чекланиб, глобал рақобат курашида қатнашмайдилар ва глобаллашувнинг кейинги босқичларида анча самарали фаолият юритувчи иқтисодий агентларнинг пайдо бўлишига замин яралади.

5. Рақамли иқтисодиёт глобал миқёсда ривожланишда давом этар экан, маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бозорга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг мисли кўрилмаган яқинлашуви жараёни авж олмоқда. Рақамли ўзгаришлар бозор хатти-ҳаракатларининг бир неча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Бозорларни баҳолаш ва бозор шароитларини ўрганиш бизнес учун қийинлашмоқда. Маркетинг стратегияси билан рақамли платформанинг интеграциялашуви даражаси иқтисодий агентлар фаолиятнинг самарадорлигини баҳолайди.

6. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мамлакат учун ҳам унинг дунё миқёсидаги рақобатбардошлигини белгилаб берадиган стратегик аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Бу эса давлатимизга рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини учун шарт-шароитлар яратиш, уни энг керакли соҳаларга йўналтириш ва бу жараённи имконият даражасида рағбатлантириш зарурлиги билдиради. Миллий иқтисодиётимизнинг муҳим ажралиб турадиган жиҳати шундаки, ЯИМнинг асосий қисми давлат корпорациялари (ёки давлат иштироки улуши катта бўлган компаниялар) томонидан яратилади. Бундай шароитларда вазирликлар ёки давлат корпорациялари раҳбарлиги остида

индустриал рақамли платформалар яратиш энг оқилона қадам бўлиб ҳисобланади. Бундай платформалар рақамли иқтисодиётнинг тез ривожланиши ва унга мос келувчи технологияларнинг кенг тарқалиши учун зарур инфратузилма базисини яратади.

Айтиш мумкинки, улардан самарали кенг кўламли фойдаланиш муаммоларини ҳал қилмасдан, тармоқ инфратузилмасини ривожлантирмасдан туриб, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор вазифаларидан бирортасини муваффақиятли ҳал этиш мумкин эмас. Замонавий шароитларда бошқарувга ёндашувнинг муҳим ўзгариши инсонга ва унинг қарор қабул қилишдаги ролига нисбатан тубдан фарқ қилади. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши билан янги турдаги бизнес шароитида инсоннинг ўрни ва роли кўламли тарзда ўзгариб бормоқда. Бундай ўзгаришларни таҳлил қилиш ўзаро боғлиқ бўлган бир бутун қуйидаги масалалар мажмуасини [5] ўрганишни ўз ичига олади:

- меҳнат талабларини ўзгартириш,
- таълим ва тарбия тизимини ўзгартириш,
- бошқарув тизимига янгича ёндашувлар.

Аҳолининг рақамли технологиялар соҳасидаги билим, малака ва кўникмалар даражаси ушбу тенденсияларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларида тарқалиши ва ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бу омилини таҳлил қилиш учун "инсон капитали" категориясидан фойдаланилади. Классик талқинда инсон капитали деганда инсоннинг меҳнат жараёнида эгаллайдиган ва фойдаланадиган ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи тушунилади. Рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ушбу тушунчанинг талқини кенгайиб бормоқда, рақамли технологиялар соҳасидаги кўникмаларга берилган инсон капиталида янада муҳим рол ўйнайди. Инсон капиталининг сифатини яхшилаш, таълим жараёнларига одамларни жалб қилиш, рақамли технологиялар соҳасидаги кўникма ва малакаларни ривожлантириш рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва турли соҳаларда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади [6]. Кўникмаларга бўлган талабнинг ўзгариши таълим тизими ва илғор таълим учун икки жиддий муаммоларни ифодалайди. Биринчидан, келажакда кўникмаларга бўлган талаб бугунги кундан жуда фарқ қилади, ҳозирги тез ўзгараётган технологиялар туфайли уларни топиш ёки башорат қилиш қийин. Иккинчи муаммокўникмаларга бўлган талаб ўзгаргандан кейин кўникмаларни ривожлантириш тизимини янги шароитга мослаштиришдир. Юқори малакали ижодий ишларнинг устувор роли жамиятнинг янги тури ва унинг ўзига хос иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилига айланади. Замонавий шароитларда иқтисодий самарадорлик янги маҳсулотни яратиш ёки янги хизматни таклиф қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулини топиш, ўзгарувчан бозор шароитларига етарлича жавоб берадиган

мутахассисларнинг мавжудлиги каби ходимлар сонининг миқдорий кўрсаткичлари билан белгиланади. Инсон фаолиятининг янги шакллари пайдо бўлади, инсон капитали динамик равишда шаклланади ва у доимо янгиланиб борадиган билим ва кўникмаларда ўз ифодасини топади [7].

Узлуксиз таълим ва илғор таълим замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг шартига айланмоқда. Ҳозирги кунда таълимнинг ўртача даврини оширишга мойиллик кузатилмоқда. Бунга узлуксиз малака ошириш ижтимоий муваффақият ва барқарор даромад калити эканлиги ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ахборот технологиялари соҳасида, шунингдек, янги ахборот касблари мутахассисларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу эса ўз навбатида шахслар ва жамоаларнинг инсон капиталини, шунингдек бутун жамиятни ижобий томонга ўзгартиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарори.
4. Semyachkov K. State Management of Russian Regions by Means of Digital Technologies. Proceedings of the 18th European Conference on Digital Government ECDG 2018 pp. 206-213
5. Anvarovich N. E. Ways to Strengthen the Resource Base of Commercial Banks //Барқарорлик ва Етакчи Тадқиқотлар онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №. 6. – С. 689-694.-

II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Г.М.Шадиева – СамИСИ, Реал иқтисодиёт кафедраси профессори, и.ф.д.,
Г.Холмирзаева – СамИСИ магистранти

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда оилавий тадбиркорликнинг аҳамияти, оилавий тадбиркорлик унинг мазмун моҳияти, оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, оила фаровонлигини оширишнинг йўналишлари бўйича маълумотлар ёритилган. Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт шароитида республикамизда оилавий тадбиркорлик ривожланиши бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: оилавий тадбиркорлик; кичик бизнес, оилавий корхона оила хўжалиги; аҳоли бандлиги, фаровонлигини, солиқлар; “оилавий тадбиркорлик асослари”; касаначилик; оилавий хўжалик кластери, ҳар бир оила-тадбиркор,оила хўжалиги бизнеси.

Abstract: The article reveals the family business in increasing employment and welfare of the population, the essence of family business, the legal framework for organizing family business, the development of family business and improving the welfare of the family. In addition, there are proposals for the development of family businesses in the country in the digital economy.

Keywords: family business; small business, family farm; employment, welfare, taxes; "Fundamentals of family business"; home-based work; family farm cluster, each family entrepreneur, family farm business.

Аннотация: В статье раскрывается семейного бизнеса в повышении занятости и благосостояния населения, сущность семейного бизнеса, правовые основы организации семейного бизнеса, развития семейного бизнеса и повышения благосостояния семьи. Кроме того, даны предложения по развитию семейного бизнеса в стране в условиях цифровой экономики:

Ключевые слова: семейный бизнес; малый бизнес, семейная ферма; занятость, социальное обеспечение, налоги; «Основы семейного бизнеса»; надомная работа; семейный фермерский кластер, каждый семейный предприниматель, семейный фермерский бизнес.

Abstract: The article reveals the family business in increasing employment and welfare of the population, the essence of family business, the legal framework for organizing family business, the development of family business and improving the welfare of the family. In addition, there are proposals for the development of family businesses in the country in the digital economy.

Keywords: family business; small business, family farm; employment, welfare, taxes; "Fundamentals of family business"; home-based work; family farm cluster, each family entrepreneur, family farm business.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки оилавий тадбиркорлик аҳолини иш билан таъмилаш муаммосини ҳал қилиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, давлат хизматлари кўрсатишнинг тўғридан-тўғри мулоқотсиз замонавий интерактив шакллари жорий этилмоқда, давлат билан ишбилармонлар ўртасида тизимли мулоқот йўлга қўйилди, тадбиркорликлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг энг муҳим омили сифатида кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Тадбиркорликнинг назарий асослари уни ривожланиши масалалари хорижлик олимлардан Ричард Кантильон [1], Ж.Б.Сей[2], А. Смит [3], Андре Маршалл[4], Ж.Б. Кларк[5], Й. Шумпетер[6], Р.Хизрич[7], А.Хоскин[8], Ф.Хайн[9], россиялик олим Ю. М. Осипов[10] ва бошка бир қатор олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Абдуллаев Ё., Каримов[11] Ф., С.Ғуломов[12], А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар[13], Б.Ходиев[14], М.К. Пардаев [15], А.Ўлмасов[16], Ҳ.П.Абулқосимов[17], А.А.Қулматов[18], С.С.Ғуломов [19], Т.Мамадвалиев [20] У.Д. Ахмедов[21], Б.Беркинов[22], Р.Х.Ҳусанов[23], О.М. Пардаева[24], Ш.О.Қувондиқов[25] илмий ишларида баён этилган.

Оила хўжалиги фаровонлигини оширишнинг бир қанча йўлларидан бири оила хўжалигида ташкил қилинган тадбиркорликдир. Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам, иқтисодий адабиётларда айрим фикрлар айтилмоқда. уларни инобатга олиб, юқоридаги муаллифларнинг фикрларини кенгайтирган ва ривожлантирган ҳолда, унга оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигидан келиб чиқиб, оила хўжалиги тадбиркорлигига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Оила хўжалиги тадбиркорлиги деб оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада оилага даромад (фойда) ва ижтимоий наф келтирилишини кўзлаб қилинадиган эркин танланган фаолиятга айтилади[1][27] .

Ушбу таърифда оила хўжалигида тадбиркорлик бўлиши учун унда мулк, фаолият, мақсад ва шуғулланадиган фаолияти ўз ихтиёри ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин танланган бўлиши лозимлиги

[1] Shodieva, G. M. (2006). Improving the well-being of the household: problems and their solutions. *Monograph, T.: Fan.*

аниқ ифода этилган. Шундай қилиб, оила хўжалиги иқтисоди ва унда тадбиркорликни такомиллаштириш тўғрисидаги назарий хулосаларни кенгайтириш мумкин. Бу борада иқтисодий адабиётларда кўплаб назарий таҳлилилар келтирилган, бу борада биз ҳам ўз фикрламизни баён этамиз.

Оила хўжалиги бизнесига мамлакатимиз олимларидан Г.М.Шадиева, О.М.Пардаевалар қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ топишган. Ушбу олимларнинг эътироф этишича “Оила хўжалиги бизнеси деганда маълум бир мулкга эгалик қилган ҳолда оилага даромад (фойда) келтирувчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш билан боғлиқ барча фаолиятлар тушунилади” [1] дейилган[28]. Ушбу таърифда мазкур тушунчанинг мазмуни тўлиқ очиб берилган. Бунда кимнинг мулкига асосланиши унча аҳамияти йўқ, фақат оилага даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан қаралади.

2021 йилнинг январь-август ойларида республикамизда жами 54 279 та оилавий корхоналар рўйхатдан ўтган. 2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига улардан 50 924 таси фаолият юритмоқда. Ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган оилавий корхоналарнинг сони: Самарқанд вилояти – 8 649 та, Фарғона вилояти – 5 766 та, Сурхондарё вилояти – 5 252 та, Тошкент вилояти – 4 511 та, Хоразм вилояти – 4 150 та, Қашқадарё вилояти – 4 088 та, Навоий вилояти – 3 916 та, Тошкент шаҳри – 3 566 та, Бухоро вилояти – 3 142 та, Андижон вилояти – 2 877 та, Қорақалпоғистон Р. – 1 854 та, Жиззах вилояти – 1 636 та, Наманган вилояти – 1 151 та, Сирдарё вилояти – 366 тани ташкил этган. (Диаграмма 1)

Диаграмма 1



2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да савдода 33,9 %, саноатда 20,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик

[1] Shodieva, G. M., & Pardaeva, O. M. PROBLEMS OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP DEVELOPING AND INCREASING EMPLOYMENT AND INCOME OF THE POPULATION AND REDUCING POVERTY. GWALIOR MANAGEMENT ACADEMY, 23, 210.

хўжалигида 16,9 %, қурилишда 6,9 %ни ташкил этган. **(**Диаграмма 2)

(Диаграмма 2)



савдода 33,9 %, саноатда 20,9 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 16,9 %, қурилишда 6,9 %ни ташкил этган. **(**Диаграмма 3)

Бу эса ушбу мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашда жиддий силжишлар бўлишига катта умид уйғотади.

2021 йилнинг январь-мартида Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони1) (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) (Диаграмма 2)

(Диаграмма 3)



2021 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сонига кўра (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 32,9 бирлик, Навоий вилоятида 21,7 бирлик, Сирдарё вилоятида 21,6 бирлик, Жиззах вилоятида 19,3 бирлик, Бухоро вилоятида 17,8 бирликни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширила-ётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун

илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади.

Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиши бу муаммога янгидан ёндошишни талаб қилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодий назария фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмокда.

Рақамли иқтисодиёт шароитда республикамизда оилавий тадбиркорлик ривожланиши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тадбиркорларга уларни фаолиятини ишга тушириш ахборот марказлари маълумотлар бериб тўғри йўл кўрсатишлари, махсус фондлар орқали маолиявий жиҳатдан кўмак кўрсатишлари,зарур ҳолларда бинолар билан таъминлашга ёрдам бериш
2. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқоролар охирги илмий инновацион технологиялардан фойдалана олиш имкониятларига эга бўлишлари
3. Бугунги кунда оилавий тадбиркорликни рўйхатга олиш анча соддалаштирилган бу жараённи янада такомиллаштириш;
4. Оилавий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб қувватлаш, шу жумладан, хорижий мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
5. Хорижий мамлакатлар тажрибасидаги янги механизмларни мавжуд шароитларга мослаштирган ҳолда амалиётга қўллаш, яъни тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш орқали коронавирус пандемияси шароитида давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш механизмларини самарадорлигини ошириш.
6. Олий таълим,ўрта махсус ўқув юртларида “Оила иқтисодиёти“,"Оилавий тадбиркорлик асослари фанларини ўқув режаларига киритиш орқали оилавий корхоналар учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш лозим .

Бу ишларнинг амалга оширилиши натижасида одамларни ўзини ўзи иш билан таъминлаш имкониятлари очилади ва аҳоли бандлиги таъминланади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Кантильон Ричард // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М. : Советская энциклопедия, 1969—1978
2. 2.Сэй Ж.-Б. Трактат по политической экономии. Экономические софизмы; Экономические гармонии. М., Дело, Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, 2006.
3. Смит А.Исследование о природе и причинах богатства народов. М., Высшая школа, 1973.
4. Маршалл А. Принципы экономической науки. Пер. с англ. — М., Издательская группа «Прогресс», 1993. — 23 л.
5. Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40ст
6. Й. Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.
7. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20с.
8. А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23с.

G.T.Samiyeva – QarMII, “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti, i.f.f.d.
S.A.Primova – QarMII, “Iqtisodiyot” yo‘nalishi 2-kurs talabasi

KICHIK BIZNES, XUSUSIY VA OILAVIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR VAZIFALARI

Annotatsiya. Ushbu maqola kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish, oilaviy tadbirkorlikni rag‘batlantirish yo‘nalishlari hamda ustuvor vazifalariga bag‘ishlangan. Xususiy mulk egalarini ko‘paytirish orqali aholi turmush darajasini oshirish muhim masalalardan biri ekanligi maqolada aks ettirilgan.

Kalit so‘zlar: kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, oilaviy tadbirkorlik, xususiy mulkdor, turmush darajasi.

Аннотация: Эта статья посвящена развитию малого бизнеса и предпринимательства, стимулам и приоритетам семейного бизнеса. В статье отражается один из важнейших вопросов - повышение уровня жизни населения за счет увеличения числа собственников и частной собственности.

Ключевые слова: малый бизнес, частный бизнес, семейный бизнес, частный собственник, уровень жизни.

Abstract. This article focuses on small business and entrepreneurship development, family business incentives and priorities. The article reflects one of the most important issues - improving the standard of living of the population by increasing the number of owners and private property.

Keywords: small business, private business, family business, private owner, standard of living.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 07 fevralda qabul qilgan PF-4947-sonli “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” to‘g‘risidagi Farmonida O‘zbekiston iqtisodiyotini yanada rivojlantirish va liberallashtirish bo‘yicha belgilangan ustivor vazifalar qatoriga kichik biznes, xususiy va ayniqsa, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish alohida o‘ringa ega ekani ta’kidlab o‘tilgan. Xususan, “…xususiy mulk huquqi va kafolatlarini ishonchli himoya qilishni ta’minlash, xususiy tadbirkorlik va kichik biznes rivoji yo‘lidagi barcha to‘siq va cheklovlarni bartaraf etish, unga to‘liq erkinlik berish, “Agar xalq boy bo‘lsa, davlat ham boy va kuchli bo‘ladi” degan tamoyilni amalga oshirish;

kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni keng rivojlantirish uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, tadbirkorlik tuzilmalarining faoliyatiga davlat, huquqni muhofaza qiluvchi va nazorat idoralari tomonidan noqonuniy aralashuvlarning qat’iy oldini olish;

davlat mulkini xususiylashtirishni yanada kengaytirish va uning tartib-taomillarini soddalashtirish, xo‘jalik yurituvchi sub’yektlarning ustav jamg‘armalarida davlat ishtirokini kamaytirish, davlat mulki xususiylashtirilgan ob’yektlar bazasida xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish;

investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilish;

korporativ boshqaruvning zamonaviy standart va usullarini joriy etish, korxonalarni strategik boshqarishda aksiyadorlarning rolini kuchaytirish;

tadbirkorlik sub'yektlarining muhandislik tarmoqlariga ulanishi bo'yicha tartib-taomil va mexanizmlarni takomillashtirish va soddalashtirish;

mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonlarini tartibga solishda davlat ishtirokini kamaytirish, davlat boshqaruvi tizimini markazlashtirishdan chiqarish va demokratlashtirish, davlat-xususiy sheriklikni kengaytirish, nodavlat, jamoat tashkilotlari va joylardagi o'zini-o'zi boshqarish organlarining rolini oshirish…"[1] davlat rahbari tomonidan muhim strategik yo'nalish sifatida belgilandi.

Shu nuqtai nazardan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ishlab chiqarish hamda xizmatlar ko'rsatish salohiyatini yanada oshirish yo'llarini asoslash dolzarb masalalar qatoriga kiradi. Aholini tadbirkorlikka jalb etish va turmush darajasini yaxshilash borasida qilinayotgan ijobiy ishlardan yana biri – 2019 yil 7 mart kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4231 sonli qarori bo'ldi. Ushbu qaror "Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" bo'lib, hududlar aholisining muayyan mehnat faoliyati bilan shug'ullanish orqali daromad manbaini ko'paytirish maqsadida qabul qilingan[2]. Ayniqsa, bunda oilaviy tadbirkorlik muhim o'rin tutadi. "Har bir oila – tadbirkor" dasturini amalga oshirish to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarorida "... ijobiy natijalarga erishgan ishbilarmonlik tajribasiga ega tadbirkorlarni mahallalarda yangi biznes faoliyati bilan shug'ullanishni boshlagan oilalarga biriktirish – mini klasterlar tashkil etish" vazifasi qo'yilgan[3].

Xorijiy tajribalar tahlili shuni ko'rsatadiki, keyingi yillarda iqtisodiyotni isloh qilish va aholi daromadlarining yuqori darajasini ta'minlashda jiddiy muvaffaqiyatlarga erishgan mamlakatlarning rivojlanish tajribasi shundan dalolat beradiki, oila tadbirkorligiga qaratilgan tashabbus nafaqat bandlikni ta'minlashda, balki daromadlarni tekis taqsimlash, shu bilan bir qatorda ijtimoiy–iqtisodiy rivojlanishning barqaror omillari sifatini oshirishda tobora ko'proq ahamiyat kasb etmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 53-moddasiga ko'ra, bozor munosabatlariga qaratilgan O'zbekiston iqtisodiyotining negizini har xil shakllaridagi mulk tashkil etadi. Davlat iste'molchilar huquqi ustunligini hisobga olib, barcha mulk shakllarining teng huquqliligi va huquqiy jihatdan teng muhofaza etilishini kafolatlaydi. Mulkdor faqat qonunda nazarda tutilgan hollarda va tartibda mulkdan mahrum etilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasining "Tadbirkorlik to'g'risida"gi Qonunida

[1] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7.02 da qabul qilgan PF-4947-sonli "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi" to'g'risidagi Farmonidan

[2] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Hududlarda aholini tadbirkorlikka keng jalb qilish va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4231-sonli Qarori. 2019 yil 07 mart (lex.uz materiallaridan olindi)

[3] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Har bir oila - tadbirkor» dasturini amalga oshirish to'g'risidagi qarori, 2018 yil, 07 iyun.

tadbirkorlikning iqtisodiy-huquqiy mustaqilligi hamda ushbu mustaqillikni ta’minlash uchun zarur bo‘lgan kafolatlar tadbirkorlarning huquq va mas’uliyati aniq belgilangan. Ushbu Qonunda tadbirkorlar o‘rtasidagi munosabatlar, ularning boshqa korxonalar va tashkilotlar, davlat boshqaruv idoralari bilan munosabatlarini tartibga solishga taalluqli qoidalar ham yoritib berilgan. Ushbu qonun vositasida fuqarolarning tadbirkorlik faoliyati tartibga solingan tadbirkorlikni rivojlantirishning huquqiy kafolatlari belgilab berilgan. Qonun mulkchilik va xo‘jalik yuritish shakllarini erkin tanlashga, bu shakllarning teng huquqlilik asosida amal qilishiga, o‘zaro hamkorlik va erkin raqobatbardoshlikni ta’minlaydigan sharoitlarni yaratilishiga ko‘maklashadi.

Bundan tashqari, respublikada mustaqillik yillarida qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Yer to‘g‘risida”gi, “Mulk to‘g‘risida”gi, “Bank va banklar faoliyati to‘g‘risida”gi, “Korxonalar to‘g‘risida”gi, “O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyati to‘g‘risida”gi, “Kooperatsiya to‘g‘risida”gi, “Ijara to‘g‘risida”gi, “Monopolistik faoliyatni cheklash to‘g‘risida”gi, “Tadbirkorlik to‘g‘risida”gi, “Chet el investitsiyalari va chet el investorlari faoliyatlari kafolatlash to‘g‘risida”gi, “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi, “Xususiy korxona to‘g‘risida”gi Qonunlari tadbirkorlikni rivojlantirishning huquqiy bazasini tashkil etadi.

Yuqoridagi huquqiy asoslardan kelib chiqib, biznes va tadbirkorlik rivojlanishining ijtimoiy-iqtisodiy asoslari quyidagilardan iborat:

- ijtimoiy mehnat taqsimotining mavjudligi va rivojlanib borishi, ishlab chiqaruvchilarning biron-bir mahsulot ishlab chiqarishga va xizmat ko‘rsatish turiga ixtisoslashishining kengayib borishi;
- tovar-pul munosabatlarining rivojlanib borishi;
- bozor iqtisodiyoti zamonaviy modellarining paydo bo‘lishi va rivojlanib borishi;
- bozor, ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning rivojlanib borishi;
- xilma-xil mulk turlari va shakllarining rivojlanib borishi hamda xususiy mulk miqyoslarining kengayib, ustuvorligining ta’minlanishi;
- xo‘jalik sub’yektlarining iqtisodiy jihatdan mustaqilligi va faoliyat erkinligining oshib borishi;
- xo‘jalik sub’yektlarining tanlash erkinligining mavjudligi va ta’minlanganligi;
- jamiyatda kishilar ongida iqtisodiy tafakkurning rivojlanib borishi;
- davlat tomonidan mamlakatda qulay ishbilarmonlik, biznes yuritish uchun maqbul sharoit va muhitining yaratib berilishi, davlatning tadbirkorlik faoliyatini rag‘batlantirish va qo‘llab-quvvatlashining kuchayib borishi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik milliy iqtisodiyot taraqqiyotida tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

2020 yilda O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning YaIMdagi ulushi 55,7 %, sanoatdagi 27,9 %, qurilishdagi 72,5 %, bandlikning 74,5 %, eksportdagi ulushi 20,5 %, importdagi ulushi 51,7 % bo‘lganligi mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida kichik biznes va xususiy

tadbirkorlikning roli sezilarli darajada oshayotganligini ko‘rsatadi. Shu bilan bir qatorda, 2020 yilda yangi ish o‘rinlarining 67 foizidan ortig‘i kichik biznes, xususiy tadbirkorlik va fermerlik rivojini rag‘batlantirishni yanada kuchaytirish, xususan, ularga yangi imtiyoz va preferensiyalar berish, 32 foizidan ziyodi esa yangi korxonalar tashkil etish, kasanachilik kabi turli biznes va tadbirkorlik shakllarini kengaytirish hisobidan yaratildi.

Respublikamizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish orqali

- o‘rta mulkdorlar sinfi shakllanadi;
- makroiqtisodiy beqarorlik, ishsizlik va taqchillik kabi iqtisodiy muammolar barham topadi;
- sog‘lom raqobatchilik muhitining yaratilishi orqali YaIM ning miqdor va sifat jihatidan o‘sishi kuzatiladi;
- ichki bozor zarur tovar (xizmat)lar bilan to‘yinadi va ularning sifati oshadi;
- aholi turmush darajasining o‘sishiga erishiladi.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish nafaqat davlat va jamoat taraqqiyotida, balki har bir insonning yuksalib borayotgan hayotiy ehtiyojlarini qondirishda muhim ahamiyatga ega, ya’ni xizmat ko‘rsatish, chakana savdo, oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish kabi sohalarda ushbu faoliyat yaqqol namoyon bo‘ladi. Ayni paytda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlanishi uchun ba’zi ma’muriy to‘siqlar bartaraf etilishi, respublikamizda investitsiya va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish orqali xalqaro me’yorlarga to‘liq javob berishini ta’minlashda o‘z aksini topadi[1]

S.L.Alibekova – Samarqand Davlat universiteti dotsenti,
G.F.Mamatqulova – Samarqand Davlat universiteti magistranti
Z.M.Abdullayeva – Samarqand Davlat universiteti magistranti

AHOLI TURMUSH DARAJASI KATEGORIYASINING IQTISODIYOTDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya: maqolada aholi turmush darajasi va farovonligi o‘rganilib, muammolar yuzasidan xulosa va takliflar keltirilgan.

Аннотация: в статье исследуется уровень жизни и благосостояние населения, даются выводы и рекомендации по данной проблеме.

Abstract: The article examines the living standarts and welfare of the population, provides conclusion and recommendations on the problems.

Kalit so‘zlar: turmush daraja, turmush farovonlik, turmush sifati, ehtiyoj, is’temol, aholi daromadlari.

Ключевые слова: степень жизни, благополучие, качество жизни, необходимость, потребление, доход населения.

Keywords:live degree, well-being, quality of live, need, consumption, population income.

[1] Mirziyoyev Sh.Sh. Konstitutsiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. – T.: “O‘zbekiston”, 2018

Mustaqillikning ilk kunlaridan boshlangan, o‘ttiz yildan ortiq vaqt davomida izchil amalga oshirib kelinayotgan keng qamrovli islohotlar, say-harakatlari zamirida ulug’ maqsad yotibdi. Bu ham xalqimizning turmush darajasi va sifatini yuksaltirishdir. Mamlakatimizda yalpi ichki mahsulot, va xizmatlar ishlab chiqarishning yuqori sur’atlarda barqaror o‘sib borishi, budjet sohasi xodimlarining ish haqi, pensiya va nafaqalar miqdorining muntazam qayta ko‘rib chiqilishi, ta’lim, sog’liqni saqlash va ilm-fan sohalari xizmatchilarining mehnatini rag’batlantirish, aholi turmush darajasini tubdan yaxshilashga qaratilgan boshqa chora tadbirlar, ayniqsa oxirgi yillarda xalqimizning hayot sifati izchil yuksalib borishini ta’minladi.

O‘zbekistonda aholi turmush darajasini oshirish bo‘yicha bir qator natijalarga erishildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta’kidlaganlaridek: “Bugungi sharoitda sanoat korxonalari,tadbirkorlar va eksportyorlar bizdan aniq va samarali choralar kutmoqda. Shu bois iqtisodiyotda hisob-kitob qilinayotgan yo‘qotishlar o‘rnini qoplash uchun zaxira yaratish va makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlash hukumatning asosiy vazifasi bo‘lishi zarur”, mamlakatimizda aholi daromadlarini ko‘paytirish, ta’lim va sog’liqni saqlash xizmatlarining sifatini oshirish, uy-joy bilan ta’minlash tadbirlari keng ko‘lamda amalga oshirilmoqda. Mazkur tadbirlarning natijasi bugungi kunda odamlarning turmush darajasi ijobiy tomonga o‘zgarish orqali namoyon bo‘lmoqda. Shunga qaramay, bu borada mamlakatimizdagi imkoniyatlar bundanda ko‘proq, mazkur imkoniyatlardan samarali foydalanish uchun aholi turmush darajasini oshirish bilan bog’liq masalalarni nazariy va uslubiy jihatlardan chuqur o‘rganish va shu bo‘yicha ilmiy asoslangan takliflarni berish bugungi kunning dolzarb masalaridan biri hisoblanadi. Aholi turmush darajasi deganda, odamlarning zarur moddiy va ma’naviy ne’matlar bilan ta’minganligi, ularning is’temoli va ehtiyojlari qondirilganligi darajasi tushuniladi.

Aholining turmush darajasini o‘rganishga turli yondashuvlar bo‘lishi lozim va iqtisodiyotning alohida tarmoqlarini rivojlantirish orqali aholi turmush darajasini oshirishni o‘rganish zarur deb hisoblaymiz. Aholi turmush darajasi davlat olib borayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosat samaradorligini ifodalab beruvchi bosh mezon bo‘lib,uning oshib borishi ijtimoiy rivojlanishning asosini tashkil etadi. Turmush darajasi inson hayoti va faoliyatini qandaydir bir tomoni haqida tasavvur beruvchi ko‘rsatkichlar tizimi bilan belgilanadi.

Aholi turmush darajasini oshirish har qanday iqtisodiy tizimning barcha muammolari markazida turadi va ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyot sohasida barcha urinishlar pirovard natijada shu bosh muammoni yechishga qaratilgan bo‘ladi. Shu sababli ijtimoiy farovonlik va turmush darajasiga oid masalalar qadim zamonlardan beri ko‘plab iqtisodchilarning e’tiborini o‘ziga jalb qilgan. Aholi turmush darajasi kishilar hayotiy faoliyatining ko‘p qirralarini o‘zida mujassamlashtirgan murakkab ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya bo‘lib kishilarning hayotiy ehtiyojlarining qondirish me’yori hisoblanadi. Har bir kishini qancha miqdordagi va qanday sifatdagi Tovar va xizmatlarni is’temol qilishi uning turmush darajasi sifatida tavsiflanadi. Shuningdek, aholi turmush darajasi davlat

ijtimoiy –iqtisodiy siyosati samaradorligini baholashning eng muhim mezonidir.

Aholi turmush darajasini ifodalashda bir-biriga yaqin yoki chambarchas bog'liq bir qator atamalar mavjud. Ular jumlasiga turmush sharoiti, turmush darajasi, turmush sifati, turmush tarzi, turmush faoliyati xavfsizligi, mehnat faoliyati sifati, aholi farovonligi tushunchalarini kiritish mumkin. Yuqorida keltirilgan turli atamalar bir mazmunni anglatgandek bo'lsada, ba'zi hollarda ular o'rtasidagi farq muayyan xarakter kasb etadi, mazmuni bir-biridan sezilarli darajada farqlanadi.

Turmush darajasi haqida to'liq tasavvurga ega bo'lish uchun aholi daromadlari va ehtiyojlarini,iste'mol darajasi va tarkibini uy-joy, mulk, madaniy – maishiy buyumlar bilan ta'minlanganlik va boshqa ko'plab jihatlarini uyg'un birlikda o'rganish zarur. Aholi turmush darajasi " turmush sifati" tushunchasi bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ularning bog'liqligi turli ilmiy adabiyotlarda iqtisodchi olimlar tomonidan yetarli darajada yoritib berilgan. Turmush sifati-shaxsning uning faoliyat turlarini, ehtiyojlari tarkibini va ularni qondirish darajasini insonning jamiyatdagi turmush sharoiti va tabiat muhiti bilan uyg'un munosabatlarini tavsiflovchi turmushdan qanoatlanish hissini yaratuvchi hayotiy qadriyatlari majmuidir. Turmush darajasi aholi turmushining moddiy tomonlarini ifodalasa, turmush sifati aholi turmushining madaniy va maishiy jihatlarini bildiradi va turmush sifati insonlar hayotining rivojlanganlik darajasini ko'rsatadi. Aholi turmush darajasi aholining daromadlari va xarajatlari o'rtasidagi nisbat orqali belgilanadi. Aholi daromadlari uning xarajatlariga nisbatan qancha ko'p bo'lsa aholi turmush darajasini oshirish imkoniyatlari shunchalik yuqori bo'ladi. Aholi turmush darajasini oshirishda asosiy omillar makroiqtisodiy sharoitning qulayligi iqtisodiy o'sishning tez suratlarda ro'y berishi, iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlarning amalga oshirilishi va aholini ijtimoiy himoyalashni kuchaytirilishi hisoblanadi.

Rivojlangan davlatlarda aholi turmush darajasini baholash aholining daromadlari, oziq- ovqat iste'moli, uy- joy shart sharoitlarini tahlil qilish orqali amalga oshiriladi. Aholining o'sib borayotgan to'lov qobiliyati bilan korxonalarda ishlab chiqarilayotgan iste'mol tovarlari o'rtasida ichki bozorda mutanosiblikni ta'minlash, mahsulot turlarini kengaytirish bozorlarini o'zimizda ishlab chiqarilgan mahalliy mahsulotlar bilan ishonchli tarzda to'ldirib borish aholi turmush farovonligini oshirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki aholining turmush farovonligi ko'p jihatdan uning oziq-ovqat mahsulotlari ta'minoti darajasiga bog'liq. Mazkur masalani hal etishda xalq is'temoli mollari ishlab chiqaruvchi korxonalar samaradorligini oshirish zarur. Aholining turmush darajasi va daromadlari ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohalarining samaradorligi, ilmiy-texnik taraqqiyot darajasi, aholining madaniy- ma'rifiy saviyasi, milliy xususiyatlari, siyosiy hokimiyat va boshqalar bilan bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

2. Abduraxmonov X.X. Xftumoe A. A. Mehnat bozori va aholi ish bilan ta'minlash muammolari. T.:PIA TF, 2010.

3.Abduraxmonov X.X. (Inson taraqqiyoti. Darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2013 yil.

4. Abduraxmonov X. X. va boshqalar mehnat iqtisodiyoti. Darslik. – T.:" Fan va texnologiya", 2019.

G.T. Samiyeva– QarMII, “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti, i.f.f.d.
J.T. Xo‘jamov– QarMII, “Iqtisodiyot” mutaxassisligi 2-kurs magistranti

OILAVIY TADBIRKORLIKNING USLUBIY, TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARI

Annotatsiya. Maqolada oilaviy tadbirkorlik va uning nazariy, uslubiy hamda huquqiy asoslari yoritilgan. Shuningdek, tadbirkorlik va biznesni daromadli faoliyat sifatida davlatning rag‘batlantirish yo‘nalishlari haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar: oila, biznes, tadbirkorlik, oilaviy biznes, uy xo‘jaliklari

Аннотация. В статье описывается семейный бизнес и его теоретико-методологическая и правовая основа. Также в статье говорится о правительственных стимулах для предпринимательства и бизнеса как прибыльного бизнеса.

Ключевые слова: семья, бизнес, предпринимательство, семейный бизнес, домашнее хозяйство.

Abstract. The article describes the family business and its theoretical, methodological and legal basis. The article also talks about government incentives for entrepreneurship and business as a profitable business.

Keywords: family, business, entrepreneurship, family business, household.

“Oilaviy tadbirkorlik” tushunchasi bugungi kunda 30 dan ortiq turlicha ta’riflar bilan ifodalanmoqda. Ushbu ta’riflar bo‘yicha olimlar o‘rtasida yagona fikrning yo‘qligi turli xil yondashuvlarni yuzaga keltirmoqda. Ta’riflar o‘rtasidagi xilma-xillik ularni qiyoslash va umumiylik uchun qiyinchilik tug‘dirmoqda. Shunday bo‘lsada, ularning asosida oila manfaatlari va undan kelib chiqadigan munosabatlardagi umumiylikni ko‘rish mumkin. Oilaviy tadbirkorlik bu qarindoshlik yoki qonuniy nikoh asosidagi munosabatlar bilan bog‘liq bo‘lgan va bir oila tomonidan boshqariladigan yoki nazorat qilinadigan tadbirkorlikdir.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasining 63-moddasida “Oila jamiyatning asosiy bo‘g‘inidir hamda jamiyat va davlat muhofazasida bo‘lish huquqiga ega” [1] ekanligi alohida ta’kidlangan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan mamlakatimizda deyarli barcha yillarning nomlanishida ham asosiy e’tibor oilalarga qaratilganini ko‘rish mumkin.

Oilaviy biznes jahon iqtisodiyotida tobora muhim rol o‘ynamoqda. Jahon bo‘yicha oilaviy tadbirkorlikning keng tarqalishi davom etmoqda. Xususan, O‘zbekistonda ham yaratilayotgan shart-sharoitlar hisobiga kichik biznes, shuningdek, oilaviy tadbirkorlikni tashkil etish va rivojlantirish imkoniyatlari kengaymoqda. Natijada mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 2000 yildagi 31 foizdan 2020 yilda 57,2 foizga yetdi. Bugungi kunda ishlab chiqarilayotgan jami sanoat

[1] O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. – T. “O‘zbekiston”, 2017

mahsulotlarining 31,1% i, mahsulot eksportining 18% i, bozor xizmatlarining deyarli hammasi, iqtisodiyot tarmoqlarida ish bilan band aholining 76,5% foizidan ortig‘i kichik biznes va xususiy tadbirkorlik hissasiga to‘g‘ri kelmoqda. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik tarkibida oilaviy tadbirkorlikning ham o‘z o‘rni bor, albatta. Oilaviy tadbirkorlik kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish sharoitida katta ahamiyatga egadir. Kichik bo‘lsada, o‘z biznesiga ega bo‘lgan oila nafaqat o‘z farovonligini ta’minlaydi, balki davlatga ham daromad keltiruvchi mulkdorlar sinfini shakllantiradi.

Oilaviy tadbirkorlik sohasida olib borilayotgan tadqiqotlardagi muammolardan biri bu oilaviy tadbirkorlikni aniq ta’riflashdir. Afsuski, bu borada umumqabul qilingan ta’rif yo‘q va ko‘pgina sharhlovchilar oilaviy tadbirkorlikni ta’riflashda turli xil yo‘llar bilan yondoshmoqdalar. Oilaviy tadbirkorlik tushunchasi bugungi kunda turlicha ta’riflar bilan ifodalanmoqda. Ushbu ta’riflar bo‘yicha yagona fikrning yo‘qligi turli xil tadqiqotlar va yondashuvlarni keltirib chiqarmoqda. Ta’riflar o‘rtasidagi xilma-xillik ularni qiyoslash va umumiylik uchun qiyinchilik tug‘dirmoqda. Shunday bo‘lsa-da, ularning asosida oila manfaatlari va undan kelib chiqadigan munosabatlardagi umumiylikni ko‘rish mumkin.

Biz tadqiqot davomida bir necha adabiyotlarni ko‘rib chiqdik va ularda uchraydigan oilaviy tadbirkorlik haqidagi ta’riflarni jadval ko‘rinishida keltirishni lozim topdik.

1-jadval.

Oilaviy tadbirkorlik ta’riflari va mualliflari

№	Mualliflar	Ta’riflar
1.	Bernard, 1975	Oilaviy tadbirkorlik – amaliyotda bir oila a’zolari tomonidan nazorat qilinadigan tadbirkorlikdir
2.	Stern, 1986	Oilaviy tadbirkorlik – bir yoki ikki oila a’zolari tomonidan yuritiladigan va egalik qilinadigan tadbirkorlikdir
3.	Uelsh, 1993	Oilaviy tadbirkorlik - mulkchilik bir joyda jamlangan hamda mulkdor yoki mulkdorning qarindoshlari boshqaruv jarayoniga jalb qilingan tadbirkorlik
4.	Bernes va Xershon, 1976	Oilaviy tadbirkorlik – bir oila a’zolari yoki bir shaxsning qo‘lida qolgan mulkni boshqarishdir.
5.	Gallo va Svin, 1991	Oilaviy biznes – yagona oila ulushning ko‘p qismiga egalik qiladigan va to‘liq nazoratga ega bo‘lgan biznesdir
6.	Lansberg, Perrou, Rogolskiy 1988	Oilaviy biznes – bir oila a’zolari mulkchilik bo‘yicha qonuniy nazoratga ega bo‘lgan biznesdir
7.	Devis va Tagiuri, 1985	Biznes boshqaruviga ikki yoki undan ortiq oila a’zolari ta’sir ko‘rsatadigan tadbirkorlikdir
8.	Bebiki, 1987	O‘z g‘oyasiga ega, biznesni rivojlantirish uchun ko‘p mehnat qilgan va bunga erishgan, bir yoki bir necha shaxslar tomonidan odatda, cheklangan sarmoya bilan boshlangan kichik tadbirkorlik turidir
9.	Donkels va Froxlich, 1991	Oilaviy biznes – oila a’zolari aksiyalarning kamida 60% iga egalik qiladigan biznesdir
10.	Prett va Devis, 1986	Biznes boshqaruviga qarindoshchilik aloqalari, bosh-qaruv roli yoki mulkchilik huquqi orqali ta’sir ko‘rsa-tadigan ikki

		yoki undan ortiq oila a’zolari yuritadigan biznesdir
11.	Alkorn, 1982	Oilaviy firma – bu ham mulkchilik, ham hamkorlik, ham birlashmadir. Agar oila daromad qismiga umumiy egalik qilsa, oila biznesni ham boshqarishi kerak.
12.	Churchill va Xetten, 1993	Oilaviy biznes deganda yosh oila a’zosining katta oila vakilidan biznes boshqaruvini o‘z zimmasiga olishi yoki uning o‘zida bo‘lishi tushuniladi
13.	Uard, 1987	Oilaviy biznes boshqaruv va nazorat oilaning keyingi avlodiga qoldiriladigan biznes sifatida aniqlanadi
14.	Apton va Petti, 2000	Oilaviy biznes - bu ikki yoki undan ortiq oila a’zolari tomonidan boshqariladigan va egalik qilinadigan biznesdir
15.	Uestxid va Kauling, 1996	Biznesda mulkdor/menejer va/yoki mulkchilik va menejment tushunchasi mavjud oilaviy aloqadorlik bu oilaviy biznesdir
16.	Karsrud, 1994	Oilaviy biznes - mulkchilik va siyosat yuritish “jo‘shqin qarindoshchilik guruhi” a’zolari tomonidan ustunlik qilinadigan biznesdir
17.	Oilaviy tadbirkorlikning Yevropa ta’rifi, 2009	Biror darajadagi oilaviy tadbirkorlik agar: 1) Qaror qabul qilish huquqlarining ko‘pi firmani tashkil qilgan haqiqiy shaxs, yoki firmaning katta ulushiga egalik qiladigan haqiqiy shaxs, yoki ularning turmush o‘rtoqlari, ota-onalari, bola yoki bolalarining to‘g‘ridan-to‘g‘ri merosxo‘rlari qo‘lida bo‘lsa; 2) Qaror qabul qilish huquqlarining ko‘pi bevosita yoki bilvosita bo‘lsa; 3) Oilaning kamida bitta vakili yoki firma boshqaruviga jalb qilingan rasmiy qarindosh bo‘lsa;
18.	SH.Quvondiqov, 2008	Oilaviy tadbirkorlik deganda, jismoniy yoki yuridik shaxs maqomiga ega bo‘lgan, er-xotin va ularga ko‘maklashadigan oila a’zolarining mehnatiga va mulkiga tayanib, qonuniy asosda daromad olishga mo‘ljallangan tadbirkorlik faoliyati tushuniladi
19.	M.Pardayev va Z.Qurbonov, 1999	Oilaviy mulkka asoslangan, oila a’zolari ishtirok etadigan tadbirkorlik oila tadbirkorligi deb ataladi
20.	G.Shodiyeva, 2007	Oila xo‘jaligi tadbirkorligi deb oilaviy mulkka asoslangan, oila a’zolari ishtirok etadigan va ma’lum darajada oilaga daromad (foyda) va ijtimoiy naf keltirilishini ko‘zlab qilinadigan erkin tanlangan faoliyatga aytiladi
21.	O‘zbekiston Respublika-sining Qonuni “Oilaviy tadbirkorlik to‘g‘risida”, 2012	Oilaviy tadbirkorlik oila a’zolari tomonidan tavakkal qilib va o‘z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foyda) olish maqsadida amalga oshiriladigan tashabbuskorlik faoliyatidir

Oila jamiyatning, ijtimoiy-iqtisodiy hayotning boshlang‘ich bo‘g‘ini va iqtisodiy munosabatlarning asosiy subyekti sifatida bozor munosabatlari sharoitida o‘zining yangicha talqini va ta’rifini talab etmoqda. Iqtisodiy adabi-yotlarda “uy xo‘jaligi”ga nisbatan turlicha qarashlar shakllanib kelgan. Dastlabki uy xo‘jaliklari taraqqiyoti davomida A.Smit va uning izdoshlaridan biri bo‘lgan J.B.Sey mulohazalari diqqatga sazovordir. A.Smit omillarning sifat

jihatlarig, ularning ishlatilishiga ahamiyat beradi,pirovard natijada uy xo‘jaliklarining daromadi va iste’mol imkoniyatlarini shakllantiradi. J.B.Sey mulohazalarida boylikni taqsimlash nazariyasi muomala va ishlab chiqarish nazariyasi bilan chambarchas bog‘liqdir. Moddiy boyliklar alohida subyektlar orasida emas, balki alohida sinflar o‘rtasida aylanadi. F.Engels “Oila, xususiy mulk va davlatning kelib chiqishi” nomli asarida o‘z davridagi etnografik adabiyotlardan foydalanib, oila va ayollarning ahvoli, tarixiy o‘zgarishlarini boshidan kechirgani, bu o‘zgarishlar o‘z navbatida ishlab chiqarish usulining rivoji, ayniqsa mulkchilik shakllari bilan belgilanganligini ko‘rsatishga harakat qiladi.

A.Chayanovning “Krestyan xo‘jaliklarini tashkil qilish” nomli asarida oilaviy xo‘jaliklar tuzilishi, ularning turli darajadagi mahsulot ishlab chiqarish qobiliyati va rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillar chuqur tahlil etilgan.

Noklassik yo‘nalish doirasida 1992 yil Nobel mukofoti laureati G.Bekkerning ishlari katta qiziqish uyg‘otadi. Uning asarlarida oilada mehnat taqsimoti oila xo‘jaligining ishlab chiqarish vazifalari, oila daromadlarining taqsimlanishini gender nuqtai nazaridan tadqiq etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Oila bozordagi tovar va xizmatlarni faqat iste’mol qiluvchi emas, balki ishlab chiqaruvchi sifatida namoyon etadigan “yangi uy xo‘jaligi nazariyasi” paydo bo‘ldi.

J.M.Keyns o‘z tadqiqotlarida resurslarni asosiy yetkazib beruvchi va xarajat qiluvchi guruh sifatida uy xo‘jaliklarining iqtisodiyotdagi ikkilamchi rolini o‘rganishni mo‘ljallaydi. Uy xo‘jaliklarining daromadlari, iste’mol va jamg‘arish xulqi, ularning davlat bilan o‘zaro aloqadorligi, xo‘jalik yuritishning o‘zgaruvchan sharoitga moslashishini ko‘rib chiqadi.

Shunday qilib, g‘arb iqtisodiy ta’limotida uy xo‘jaliklarini tadqiq etish ko‘p yillar oldin boshlanganligini aytish mumkin. Tadqiqot obyektlarining xilma-xilligi va murakkabligi, nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy yondashishlarni qo‘llash zarurligi tufayli ushbu muammoni turli metodologik yondashuvlar asosida tadqiq etish bosqichi davom etmoqda.

Ш.У. Мадаминова – Андижон давлат университети, МИС йўналиши 301 гуруҳ талабаси

ТАДБИРКОР АЁЛ ЮРТНИНГ ФАРОВОНЛИГИДИР

Аннотация: Тадбиркорлик фаолиятини асосан аёл-қизлар ўртасида кенгайтириш, уларга ҳамма томонлама яъни моддий ҳам маънавий томонлама қўллаб қувватлаш. Бу соҳани бошлаш учун етарлича маслаҳат бериб боришлиги ва уларни бу соҳага ўқитиш, билим салоҳиятини назарий ҳамда амалий томонла ошириш баён этилган.

Калит сўзлар: тадбиркор, аёллар тадбиркорлиги, тадбиркорлик фаолияти, аёллар дафтари, тадбиркор аёл ассоциацияси, имтиёзли кредитлар, билим салоҳияти, таем менеджер, тадбиркорлик бўйича консалтинг, онлайн тизим, “DINAR GROP”.

Аннотация: Расширение предпринимательской деятельности, преимущественно среди женщин, оказание им всемерной поддержки, т.е. как материальной, так и духовной. Утверждается, что существует достаточно опыта чтобы начать обучать их в этой области, повышать их знаний как теоретически, так и практически.

Ключевые слова: предприниматель, женское предпринимательство, деловая активность, женская книга, женская бизнес-ассоциация, льготные кредиты, потенциал знаний, тайм-менеджер, бизнес-консалтинг, онлайн-система, “DINAR GROP”.

Abstract: Expansion of entrepreneurial activity, mainly among women, providing them with all possible support, i.e. both material and spiritual. It is argued that there is enough experience to start teaching them in this area, to increase their knowledge both theoretically and practically.

Keywords: entrepreneur, women's entrepreneurship, business activity, women's book, women's business association, preferential loans, knowledge potential, time manager, business consulting, online system, “DINAR GROP”.

Тадбиркорлик тушунчасини дастлаб инглиз иқтисодчиси Р. Кантилон XVIII асрда иқтисодий адабиётга олиб кирган. У тадбиркорликни асосан, савдогарлар фаолиятлари билан боғлиқ ва бу фаолиятнинг бош хусусияти таваккалчиликдан иборат деб кўрсатган. Яна бир таниқли инглиз иқтисодчи олими А.Смит ҳам тадбиркорни таваккал қилувчи мулк эгаси, тижорат билан шуғулланиб, фойда олувчи деб таърифлайди [1].

Тадбиркор ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган жуда кўп фикрлар иқтисодчи олимлар томонидан келтириб ўтилган. Бу фикрларни умумлаштирган холда, бизнинг фикримизча: **тадбиркорлар деб**, меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартиб-қоидалардан четга чиқмаган ҳолда, қўлидаги капиталларни қўшимча даромад олиш мақсадида сарфлаб, таваккалчиликдан қўрқмасдан фаолият юритадиган шахсларга айтилади. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлар иқтисодиётни ривожлантиришда, аҳоли бандлигини оширишда, инфляцияни пасайтиришда ўз ҳиссасини қўшаётган муҳим шахсларга айланмоқда. Ҳозирги кунда тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг улуши ҳам сезиларли даражада ошмоқда. Дунёдаги «бизнес эгалари орасида аёллар улуши энг кўп мамлакатлар Уганда 38,2%ни, Гана 37,9%ни, Ботсвана 36%ни, Буюк Британия 35,1%ни, Янги Зеландия 31,8%ни ва Россия Федерацияси 31,2%ни» ташкил этади. Статистик маълумотларга кўра, «дунёдаги янги бизнес тузилмаларнинг 25 фоиздан кўпроғи аёллар томонидан яратилган. Франция ва Буюк Британиядаги барча фирмаларнинг чорак қисми ҳамда Германия фирмаларининг учдан бир қисмини аёллар бошқаради. Японияда бу кўрсаткич 23%, АҚШда эса 38%ни ташкил этади»[2] АҚШнинг ишчи кучларининг қариб 47% ни аёллар ташкил этади. Бизнеснинг 52% дан ортиғини эса хотин-қизлар қамраб олган. Энг йирик 500 та компаниянинг 14% дан зиёдини аёллар бошқаради. Уларнинг таъсис кенгашида ўтирганларнинг 17% га яқини хам

аёллардир. Америка иктисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши каттадир. Уларнинг учдан бир қисмини ҳам аёллар ташкил қилади. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан улар кун сайин кўпайиб бормоқда [3]. Шу сабабли Мухтарам Президентимиз бу соҳани аёллар ўртасида ҳам ривожланишини кенг тарғиб қилган холда хотин-қизлар учун қатор фармон, қарорларни жорий этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020-йил 20-ноябрдаги "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳақида"ги СҚ-181-ИВ-сонли Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлиги борасида ягона ва яхлит "Маҳалла-Туман (шаҳар)-Вилоят-Республика" тизими йўлга қўйилган.

2020-йилда 5,5 минг нафар аёлнинг кичик бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар асосида 102 млрд сўм маблағ ажратилиб, хотин-қизлар учун 4 364 та янги иш ўрни яратилган.

2020 йилнинг шу даврига қадар "Аёллар дафтари"га киритилган, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жами 69 877 нафар хотин-қизнинг 28 фоизига ёки 19 643 нафарига Халқ банки томонидан 372,8 млрд сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилган [4].

Бундан ташқари бу фаолиятни кенгайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллари ассоциацияси ташкил этилган. Бу ассоциация 1991-йил мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликка, хусусан аёллар тадбиркорлигига катта эътибор бериш, имкониятлар яратиш, мақсадида очилган. Хозирда унинг рахбари тадбиркор аёл Гулнора Махмудова. 16 мингдан ортиқ тадбиркор аёллар аъзо бўлган бу ассоциация 100 минг нафардан ортиқ аёл тадбиркорларга иқтисодий, ижтимоий, маънавий томонлама ёрдам берган. Тадбиркор аёл ассоциацияси профессионал ташкилот сифатида аёлларни фақатгина иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Бу ташкилот давлат ташкилотлари билан ҳам алоқалари жуда яхши. Масалан: Божхона қўмитаси, Соғлиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш қўмитаси ва бошқа ташкилотлар. Улар хусусий капитални қандай сарф қилишни ҳар жабҳаларини ўрганиб чиқади. Бу ташкилот аёл тадбиркорларни хорижий тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларини ўрнатиш мақсадида ҳар йили "Biznes woman ekkespa" халқаро савдо ярмаркаси "Анор" миллий кўрик танловларини ташкил қилмоқда. Бугунги кунда туризм ва текстил соҳасида фаолият юритаётган аёл тадбиркорларни халқаро кўргазмаларда қатнашиши имконияти юзага келмоқда. Бунда аёллар учун ассоциация ҳам назарий ҳам амалий томонлама ёрдам беради. Халқ банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд"

уюшмаси ва бошқа қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда опа-сингилларимизни ўқитиш ишларини олиб боряпти.

Умуман, республикамиз бўйича жами 69 минг 877 нафар хотин-қизни ўқитиш ҳамда уларни махсус “сертификат”лар билан таъминлаш режалаштирилган. Ҳозиргача улардан 49 минг 174 нафари шундай “сертификат”лар олишга муваффақ бўлди[5].

“Аёллар дафтарига” киритилган аёлларга бефарқ бўлмаган ва мана шу камчиликларни бартараф этган ҳолда бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади. Уларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммоларини бартараф этиш учун жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилди. Бунинг учун бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириладиган бўлди.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг хоҳиш-истаклари, ҳар бир ҳудуднинг ички хусусиятларидан келиб чиқиб, бизнесга йўналтириш бўйича аниқ ҳисоб-китоблар билан тушунтиришлар берилди. Бу бўйича ташкил этилган ўқув-курсларига эса 2 минг нафардан зиёд аёллар жалб қилинди [6].

Статистик маълумотларга қараганда аёллар раҳбарлик қилган ташкилот эркакларга нисбатан кўпроқ гуллаб яшнайди ва ривожланади. Бунга сабаб, аёлларда одамларни бошқариш ва маълумотларни етказа бериш хусусияти анча яхши ривожланган бўлади. Шунинг учун ҳам “муваффақиятга эришган ҳар бир эркак орқасида ақлли аёл туради” деган нақл бор.

Шуни ҳам тан олиш керакки бугунги кунда ҳақиқатда тадбиркор аёллар учун, уйда маълум сабабларга кўра ўтирган аёллар учун, кам таъминланган ёки “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар учун, вояга етган қизлар ёки коллежни битирувчи қизлари учун албатта жуда катта имтиёзлар ажратиляпти ва моддий ҳамда маънавий томонлама кўмак бериляпти. Аммо бу берилаётган имтиёзлар ярмидан кўпи ҳавога сарфланаётгандек. Тўғри, фаолиятини йўлга қўйганлар ҳам бор, лекин биз кутганчалик эмас. Бунга энг асосий сабаб билим салоҳияти етишмаслигидандир деб ўйлаймиз. Чунки кўп аёл тадбиркорлар билан суҳбат қилинганда, асосан уларга берилаётган имтиёзлардан самарали фойдалана олмаётганлигидан, кредит билан боғлиқ ёки солиқ ставкаси билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётганини ёки хужжат ишари бўйича тушунмовчилик бўлаётганини айтишади. Юритаётган фаолиятини оммага тақдим қила олмаслиги ёки экспортдаги қийинчиликлари орқасидан зарарга кириб кетаётганини таъкидлашади. Ҳолбуки вилоят, шаҳар, туманларимизда айтиб ўтганимиздек тадбиркорликка ўқитиш ёки маслаҳат бериш марказлари бор. Бироқ, булар етарлича аҳолини ўртасида ривожланмаган. Биз шу муҳитни олиб киришимиз керак. Яъни тадбиркорлик фақатгина олди сотди жараёни эмас, балки бу катта

маъсулият талаб этувчи касб десак муболаға бўлмайди. Бу касб асосан мамлакат фаровонлигига катта ҳисса қўшади. Шунинг учун енг аввало Олий таълим муассасаларида Тадбиркорлик фаолиятига оид йўналишлар очилса, уларни амалиёт жараёнига боғлаган ҳолда амалга оширса, аёл тадбиркорларимизга ҳамда энди шу соҳага қизиқаётган ёшлар учун ҳам янги имкониятлар очар эди. Таълим жараёнига таем менеджмент фани ҳам қўшиб ўқитилса мақсадга мувоффиқ бўлади. Чунки куплаб аёл-қизлар умуман олганда тадбиркорлар ҳам вакт масаласи бўйича, кунни тўғри тақсимлай олмаслик муаммоларига дуч келади. Айнан шу фан вақтни тўғри ва қандай ишлатишни ўргатади. Тадбиркорликка ўқитиш жараёнларини кўпроқ амаллий тарзда корхоналар билан шартнома асосида келишилган ҳолда амалга оширилса масалан; четга экспорт киладиганАндижон вилоятидаги йирик корхоналар “DINAR GROP”, “Мубина” Текстиль МЧЖ, “АФИФА” Текстиль ва яна бошқалари билан назарий, ҳамда амалий билим бериб борилса ўқувчи ўзида шижоатни сезади, кўпроқ мотивация олади ва бошламоқчи бўлган ишини амалга ошира олишини тушуниб етади. Тадбиркорлик бўйича маслаҳат бериш марказларини ҳусусийлаштириш керак. Чунки ҳар бир шахс ўз мулкига ижобий ёндашади, маьсулият билан қарайди ва фаолиятни кенгайтиришга ва ривожлантиришга ҳаракат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган яна битта муаммо бу қоғозбозлик, хужжат жараёнларидир. Тадбиркорларнинг кўп вақти айнан шу хужжат ишларини тўғирлашга, ким учундир олиб боришга уни кутишга сарфланяпти. Ҳужжат ишлари бўйича жараёнларни ҳам онлайн тарзда амалга оширилса, беҳуда вакт йўқотиш хам бўлмайди. Тадбиркорнинг эътиборини кўпроқ юритаётган фаолиятига қаратади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Рузметов, Б.А.Ибрагимов, Ш.Б.Рузматов, Г.Ў.Қурбанбаева. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Урганч , 2016 й, 48 бет
2. Хусанова З.Р. Инновацион иқтисодиётда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш.(Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати (PhD). –А., 2021, -Б. 60;
3. https://youtu.be/-O1smhw9pCY
4. https://lex.uz/docs/5418581
5. https://review.uz/oz/post/ayollar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-uchun-byudjetdan-1-trln-somdan-ziyod-mablag-ajratiladi
6. https://lex.uz PQ-423507.03.2019.doc

III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор
М.Э.Ахтамова – СамИСИ мустақил тадқиқотчи

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: мақолада республикада, шу жумладан Самарқанд вилоятида учинчи ренессансни шакллантириш шароитида экотуризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратилиши ва истиқболлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: Учинчи Ренессанс, экотуризм, экотуризмни ривожлантириш концептуал йўналишлари, UNWTO 25-Бош ассамблеяси

Аннотация: В статье обоснованы концептуальные направления развития экотуризма в условиях становления Третьего Возрождения в республике, в том числе Самаркандской области, создание и перспективы Третьего Возрождения.

Ключевые слова: Третий Ренессанс, экотуризм, концептуальные направления развития экотуризма, 25-я Генеральная ассамблея ЮНВТО.

Abstract: The article substantiates the conceptual directions for the development of ecotourism in the context of the formation of the Third Renaissance in the republic, including the Samarkand region, the creation and prospects of the Third Renaissance.

Keywords: Third Renaissance, ecotourism, conceptual directions of ecotourism development, 25th UNWTO General Assembly.

Бугунги кунда Самарқанднинг туристик салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда уни дунё сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш борасида кўплаб ислоҳотлар қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президентининг Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2022 йил 28 январдаги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси 2021 йил 17 августда маҳаллий оммавий ахборот воситаларига берган биринчи интервьюси; Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги 15.01.2022 йилдаги ПФ-52-сонли фармонилари Ўзбекистонда “Янги

Уйғониш даври, Учинчи Ренессанс” пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгилаб олинган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”[1]. Шунинг учун бугунги кунда Республикада хизматлар соҳасини айниқса туризмни, жумладан Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантириш концептуал йўналишларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Экотуризмни ривожлантириш концептуал йўналишларига қуйидагилар ҳисобланади:

1.Янги экотуристик объектлари ва экотурларини излаб топиш ва кашф этиш, яъни **инсонлар кам ташриф буюрадиган табиат мўжизаларига бой жойларни аниқлаш, машхур тарихий жойларни экотуристик объектга айлантириш ва табиат мўжизаларига бой инсонлар хайратланадиган жойлар бўйича инсонлар дам оладиган зиёрат қилалиган ҳудудни ташкил этиш.**

2. Сайёҳларни дам олиши, хордиқ чиқариши, табиатдан завқланишига эришиш имкониятини яратадиган экотуристик объектларни ривожлантириш концептуал йўналиш бўйича энг аввало экотуристларнинг ташриф мақсадидан келиб чиқиб уларнинг эҳтиёжини қондиришга эришиш.

3.Республикада, жумладан, Самарқанд вилоятида экотуризмни молиявий қўллаб-қуватлаш мақсадида соҳага ички ҳамда ташқи инвесторларни олиб киришни купайтириш. Бу йўналишда энг аввало экотуристик объектларнинг мақсад йўналишига қараб хусусий инвесторлар жалб этишни ҳамда давлат- хусусий шерикчилик асосида янги хизмат кўрсатиш масканларини қуриш амалга оширилди. Инвесторлар бундай экотуристик объектларни барпо этиш асосида юқори даромад олиш имконияти, шарт-шароитини яратилиши зарур бўлади.

4. Экотуристик объектларда сифатли хизмат кўрсатиш асосида юқори даромад олишни ошириш. Мазкур йўналиш бўйича экотуристик объектлар учун кўпроқ экотуристларни жалб қилиш мақсадида бошқа экотуристик объектлардан фарқ қиладиган илмий асосланган объект тарихини шакиллантириш. Бунинг учун соҳа мутахассислари, тарихчи, этнографларни жалб этган холда уларнинг илмий – асосланган тарихини яратиш.

5. Экотуризм инфратузилма объектларини кенгайтириш ва ривожлантиришнинг асосида хизмат кўрсатишни юқори даражага ташкил этиш йўналишида энг аввало экотуристик обектнинг хизмат кўрсатиш йўналиши бўйича қуйидаги инфратузилма объектлари шакиллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жумладан, мухим инфратузилма объекти сифатида транспорт инфратузилмасини йўлга қўйиш. Бу йўналишда экологик талабларга жавоб берадиган транспорт хизматини амалга ошириш шу соҳада янги имкониятларни очиб беради. Шу билан бирга экотуристлар учун ётоқ ва

[1] http://old.muslim.uz/index.php/ar/maqolalar/itemlist/user/72-muslimuz

дам олиши учун меҳмонхона инфратузилмаси шакиллантирилади. Бу эса бир вақтнинг ўзида экотуристлар учун юқори сифатли хизматларини амалга ошириш асосида ушбу экотуризм объектининг келгуси туризмдаги статусини белгилаб беради.

6. Экотуристик объектга мижоз "сайёҳ"ларни кўпроқ жалб этиш мақсадида рақамли реклама хизматларини кўпроқ фойдаланиш йўналишда экотуризм бўйича реклама хизматларидан фойдаланишдан замонавий турларини қўллаш ўз самарасини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики жаҳон тажрибасига кўра рақамли реклама хизматларини йўлга қўйиш экотуристларни жалб этишни 3-4 мартага ошириб уларни хақиқий реал экотуристик объектларнинг барча қулайликларидан фойдаланиш бўйича зарурий маълумотлар билан хабардор қилади.

7. Экотуризмга юқори малакали хизматларни амалга оширувчини жалб этиш йўналишида қуйидаги соҳа бўйича тор мутахассислари ушбу туризм соҳасига етказиб бериш зарур бўлади. Жумладан, соҳага туризм, экотуризм бўйича олий маълумотли мутахассислар, юқори малакали тарихчилар, иқтисодчилар, гид-таржимон ва бошқаларни жалб этиш.

8. Экотуризм объектларининг моддий-техника базасини замонавий асосда кенгайтириш йўналиши бўйича экотуризмдан келаётган даромаднинг маълум бир қисми экотуристик объектларни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш шу асосда мавжуд экотуристик объектларда иш жараёнини ташкил этиш ва уларни қайта тикланишда муҳим ҳисобланади. Бунда энг аввало экотуристик фаолият юритиш учун керак бўладиган барча ресурслар (моддий,меҳнат,молиявий) билан таминлаш юқори самара беради.

9. Экотуристик хизматларини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишларини охирги ютуқларидан фойдаланиш йўналишида соҳани чуқур татқиқ этиш бўйича соҳа мутахассислари олимларни жалб этиб, экотуризмни ривожлантириш, бу бўйича йўл қўйилаётган мавжуд муаммоларни ечимини топиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, тарихда биринчи марта БМТ оиласи таркибига кирувчи ташкилотларнинг Бош ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтади [1]. Булар албатта Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатлари, жумладан, туризм соҳасини ривожлантириш, мамлакатимизнинг жаҳон саҳнадаги нуфузини ошириш йўлидаги саъй ҳаракатлари натижасидир.Таъкидлаш лозимки, UNWTO 25-Бош ассамблеясининг қадимий Самарқандда ўтказилиши бу ерга мингдан ортиқ хорижлик меҳмонларнинг ташриф буюриши ҳамда бу орқали маҳаллий аҳоли ва ҳунармандларнинг даромад кўришига олиб келади. Бундан ташқари, мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши жаҳон оммавий ахборот воситаларининг ҳам эътиборини тортиши аниқ, бу эса мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини, айниқса экотуризмни кенг

[1] https://uza.uz/uz/posts/2023-yilda-samarqand-butunzhahon-turizm-poytaxtiga-aylanadi_325941

тарғиб этиб юртимизга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш йўлида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Президентининг Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори 28 январ 2022 йил;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллий оммавий ахборот воситаларига берган биринчи интервьюси, «Янги Ўзбекистон» газетаси 17 август 2021 йил;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги фармони, 15.01.2022 йилдаги ПФ-52-сон;
4. Аҳтамова М.Э. “Экологик туризмни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг иқтисодий асослари (Самарқанд вилояти маълумотлари асосида)», монография, Самарқанд 2021йил.

A.F.Abduraxmanova – TDIU Samarqand filiali 2-kurs tayanch doktoranti,

EKOTURIZMNI IQTISODIY BAHOLASHDA SAYOHAT XARAJATLARI METODINING AHAMIYATI

Annotatsiya: Ekoturizm hozirgi kunda dunyo iqtisodchilari tomonidan juda katta qiziqishga ega bo‘layotgan sohalardan biriga aylanib ulgurdi. Shuning uchun bu sohani o‘rganihda bir qancha usullardan foydalanilmoqda. Shundan eng oson va keng qo‘llanilayotgan usul bu “Travel cost” ya’ni sayohat xarajatlar usulidir bu maqolada bu usulning qo‘lanish doirasi, nima uchun bu usuldan foydalanish lozimligi, hamda bu usulning avzalliklari keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Ekoturizm, sayohat, sayohat xarajatlari, maskan, ekotizim, usul.

Аннотация: Экотуризм стал одним из направлений, представляющих большой интерес для экономистов всего мира. Поэтому в исследовании этой области используется ряд методов. Самым простым и широко используемым методом является метод командировочных расходов, в этой статье описаны возможности этого метода, почему его следует использовать и преимущества этого метод.

Ключевые слова: Экотуризм, путешествие, расходы, место, экосистема, метод.

Abstract: Ecotourism has become one of the areas of great interest to economists around the world. Therefore, a number of methods are used in the study of this area. The simplest and most widely used method is the travel cost method, this article describes the features of this method, why it should be used and the benefits of this method.

Keywords: Ecotourism, travel, travel costs, place, ecosystem, method.

Sayohat xarajatlari metodi ekotizimlar yoki dam olish uchun ishlatiladigan joylar bilan bog'liq iqtisodiy foydalanish qiymatlarini baholash uchun ishlatiladi.

Usul quyidagi iqtisodiy foyda yoki xarajatlarni baholash uchun ishlatilishi mumkin:

• dam olish maskaniga kirish xarajatlarining o‘zgarishi

• mavjud rekreatsion maydonni tugatish

• yangi dam olish maskanini qo‘shish

• dam olish maskanida atrof-muhit sifatining o‘zgarishini baholashda

Sayohat xarajatlari usulining asosiy sharti shundaki, odamlar joyga yoki dam olish maskaniga tashrif buyurish uchun sarflaydigan vaqt va sayohat xarajatlari joyga kirishning "narxi" ni ifodalaydi. Shunday qilib, odamlarning joyga tashrif buyurish uchun pul to‘lashga tayyorligini ular turli sayohat davrida sayohatlar soni va qilgan xarajatlariga qarab baholash mumkin. Bu odamlarning sotiladigan tovar uchun har xil narxlarda talab miqdori asosida to‘lashga tayyorligini baholashga o‘xshaydi.

Sayohat xarajatlari usulining o‘zgarishlaridan foydalangan holda muammoga yondashishning bir necha yo‘li mavjud.

Bularga quyidagilar kiradi:

1. Asosan ikkilamchi ma'lumotlardan foydalangan holda, tashrif buyuruvchilardan to‘plangan ba'zi oddiy ma'lumotlardan foydalangan holda oddiy zonal sayohat xarajatlari yondashuvi.

2. Tashrifchilarning batafsil so‘rovidan foydalangan holda sayohat xarajatlarining individual yondashuvi.

3. So‘rov va boshqa ma'lumotlar va murakkabroq statistik usullardan foydalangan holda tasodifiy foydali yondashuv.[1]

Sayohat xarajatlari usulining eng munozarali jihatlari orasida sayohat vaqtining imkoniyat narxini hisobga olish, ko‘p maqsadli sayohatlarni qanday hal qilish kerakligi va sayohat vaqti ba'zi odamlar uchun xarajat emas, balki uning dam olish tajribasining bir qismi bo‘lishi mumkin.

Sayohat xarajatlari usulining afzalliklari:

• Sayohat narxi usuli iqtisodchilar tomonidan bozor narxlari asosida iqtisodiy qiymatlarni baholashda qo‘llaniladigan an'anaviy empirik usullarga yaqindan taqlid qiladi.

• Usul to‘lashga tayyorligidan ko‘ra, odamlar gipotetik vaziyatda nima qilishini aytadigan haqiqiy xatti-harakatlarga asoslanadi.

• Usulni qo‘llash nisbatan arzon.

• Joyda o‘tkazilgan so‘rovlar katta tanlamalarni olish imkoniyatini beradi, chunki tashrif buyuruvchilar odatda ishtirok etishga qiziqishadi.

• Natijalarni izohlash va tushuntirish nisbatan oson.

Sayohat xarajatlari usulining muammolari va cheklovlari:

• Sayohat xarajatlari usuli odamlar sayohat xarajatlaridagi o‘zgarishlarni qabul qilishda bahosidagi o‘zgarishlarga qanday munosabatda bo‘lsalar, xuddi shunday idrok etishi va ularga javob berishini nazarda tutadi.

[1] Bell, Frederick, and Vernon Leeworthy. ‘Recreational Demand by Tourists for Saltwater Beach Days,’ in*Journal of Environmental Economics and Management*. 18: 189-205 (1990)

• Eng oddiy modellar odamlar sayohatni bir maqsad - ma'lum bir dam olish maskaniga tashrif buyurishni nazarda tutadi. Shunday qilib, agar sayohat bir nechta maqsadga ega boʻlsa, joyning qiymati ortiqcha baholanishi mumkin. Sayohat xarajatlarini turli maqsadlarda taqsimlash qiyin boʻlishi mumkin.

• Vaqtning imkoniyat qiymatini yoki sayohatga sarflangan vaqt qiymatini aniqlash va oʻlchash muammoli boʻlishi mumkin. Sayohatga sarflangan vaqtni boshqa yoʻllar bilan ishlatish mumkin boʻlganligi sababli, u "imkoniyat narxiga" ega. Bu sayohat narxiga qoʻshilishi kerak, aks holda joyning qiymati kam baholanadi. Biroq, tegishli oʻlchov boʻyicha qat'iy konsensus yoʻq - shaxsning ish haqi stavkasi yoki ish haqi stavkasining bir qismi - va tanlangan qiymat nafaqa hisob-kitoblariga katta ta'sir koʻrsatishi mumkin. Bundan tashqari, agar odamlar sayohatning oʻzidan zavqlansa, sayohat vaqti xarajat emas, balki foyda boʻladi va joy qiymati ortiqcha baholanadi.

• Oʻrinbosar joylarning mavjudligi qiymatlarga ta'sir qiladi. Misol uchun, agar ikki kishi bir xil masofani bosib oʻtgan boʻlsa, ular bir xil qiymatga ega deb taxmin qilinadi. Biroq, agar bir kishida bir nechta oʻrinbosarlari mavjud boʻlsada, lekin afzal koʻrilgani uchun ushbu joyga sayohat qilsa, bu odamning qiymati aslida yuqoriroqdir. Ba'zi murakkab modellar oʻrinbosarlarning mavjudligini hisobga oladi.

• Ayrim joylarni qadrlaydiganlar yaqin atrofda yashashni tanlashlari mumkin. Agar shunday boʻlsa, ular past sayohat xarajatlariga ega boʻladi, ammo joy uchun usul bilan qoʻlga kiritilmagan yuqori qiymatlarga ega boʻladi.

• Joyda tashrif buyuruvchilardan intervyu oʻtkazish tahlilga tanlab olishning notoʻg'riligini kiritishi mumkin.

• Dam olish sifatini oʻlchash va dam olish sifatini atrof-muhit sifati bilan bog'lash qiyin boʻlishi mumkin.

• Sayohat narxiga standart yondashuvlar joriy sharoitlar haqida ma'lumot beradi, lekin resurs sharoitida kutilayotgan oʻzgarishlardan olingan daromad yoki yoʻqotishlar haqida emas.

• Talab funksiyasini baholash uchun sayohat xarajatlariga ta'sir qilish uchun bosib oʻtilgan masofalar va amalga oshirilgan sayohatlar soniga ta'sir qilish uchun sayohat xarajatlaridagi farqlar oʻrtasida yetarli farq boʻlishi kerak. Shunday qilib, yirik aholi punktlari yaqinidagi joylar uchun bu usul unchalik mos emas.

• Sayohat xarajatlari usuli oʻzining qoʻllash doirasi boʻyicha cheklangan, chunki u foydalanuvchi ishtirokini talab qiladi. Uni joydagi atrof-muhit xususiyatlariga va joy foydalanuvchilari qimmatli deb hisoblamagan taqdirda funksiyalarga qiymat berish uchun ishlatib boʻlmaydi.

• Barcha statistik usullarda boʻlgani kabi, ma'lum statistik muammolar natijalarga ta'sir qilishi mumkin. Bularga talab egri chizig'ini baholash uchun foydalaniladigan funksional shaklni tanlash, baholash usulini tanlash va modelga kiritilgan oʻzgaruvchilarni tanlash kiradi.

Sayohat xarajatlari usulini ekoturizm ob'ektlarini baholash va qiymatini chiqarish uchun keng qoʻllash mumkin. Oʻrganishlarimiz natijasida

Respublikamizdagi ekoturizm ob'ektlarining qiymatini yoki bahosini chiqarishda foydalanishni tavsiya etamiz. Sababi baholash usuli qulay va kamxarj hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Bell, Frederick, and Vernon Leeworthy. 'Recreational Demand by Tourists for Saltwater Beach Days,' in*Journal of Environmental Economics and Management*. 18: 189-205 (1990)
2. Shaw, Douglass. 'Recreational Demand by Tourists for Saltwater Beach Days: Comment,' in *Journal of Environmental Economics and Management*. 20: 284-289 (1991)

Ж. А. Кахаров – СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ХАЛҚАРО АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш истиқболли бўлиши таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва халқаро аҳамия ти асосланган.

Калит сўзлар: гастротуризм, мазали, миллий, фестивал, ярмарка.

Аннотация: в стае анализированы перспективности организации и развития гастрономического туризма в Узбекистане. А также обоснованы социально-экономичес кое и международное значения развития гастрономического туризма в Узбекистане.

Ключевые слова: гастротуризм, вкусный, национальный, фестивал, выставка.

Abstract: The article analyzes the prospects for the organization and development of gastronomic tourism in Uzbekistan. It is also based on the socio-economic and international significance of the development of gastronomic tourism in Uzbekistan.

Keywords: gastrotourism, delicious, national, festival, exhibition.

Ҳозирги вақтда гастрономия туризмининг ривожланиши «миллий иқтисодиётга ижобий таъсири, бандликни таъминлаш ва маданий мерос сифатида ҳар томонлама тавсиф» сифатида UNWTOнинг доимий назорати да ҳисобланади. UNWTO экспертларининг тақдим этган маълумотларига биноан «туризм соҳасидаги 30% ҳаражатларни гастрономия туризми ташкил этиб, гастротуризм маҳаллий маданиятнинг асосий элементи ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади. Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва халқаро аҳамиятини белгилаш учун олдин гастрономия туризмининг фаолиятларини ўрганиш талаб қилинади.

Гастрономия туризми халқаро туризмда шиддат билан ривожланмоқда. Бунда озиқ-овқат корхоналари, савдо ташкилотлари, меҳмонхона хўжаликлари ва озиқ-овқатларга маҳсулотлар етказиб берувчи қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналар улуши катта.

Гастрономия туризми халқаро миқёсда қисқа муддатларда тезлик билан ривожланмоқда. Халқаро миқёсда халқларнинг мазали миллий таомларини тановул қилиш, тайёрланишини кўриш орқали уларнинг миллий маданиятини билиш, танишиш каби мажмуали рекламаларнинг даврий равишда эълон қилиниши[1]. Шу билан бирга "Халқаро кулинария туризми ассоциацияси" (ISTA)нинг асосчиси ва президенти Эрик Вульфнинг 2001 йилда кулинария туризми ҳақида ёзган китоби виноларга, пиволарга ва таомларга, кулинарияга қизиқиш ва талаб тобора кучайиб бораётганлигини, маҳаллий овқатлантириш корхоналари бу бизнесга жиддий эътибор бериш кераклигини исботловчи катта ҳужжатга айланди. Эрик Вульф бу китоб орқали олдиндан мазали таомларни хуш кўрувчиларни дунё халқларидаги таомларнинг тайёрланиши, қандай масаллиғлар қўшилиши, хазм бўлиши, фойдалилиги, шифобахшлилиги ва таомларнинг бошқа хусусиятларига ҳам қизиқтирди. Китоб тезликда бутун Европага тарқалди.

Италиянинг "халқаро" ва "миллий кулинария ташкилотлари" ва гастрономия туризми ташкилотчилари дунёда биринчилардан бўлиб гастрономия турларини ташкил қилдилар. Айнан, италянлар ўзларнининг савдо ва технологик ишлаб чиқариш соҳаларига "мазали таомлар ва ичимликлар, соғлом овқатланиш" шиорларини қўшдилар ва бу мамлакатга ҳар-хил мақсадлар билан келаётган туристларни ўзларининг ошхоналарига, овқатлантириш корхоналарига қизиқтиришни уддалади. Бугунги кунда "Туризм бўйича Италия миллий бошқармаси"нинг маълумотлари бўйича 10% дан ортиқ туристлар Италияга гастрономия ва вино турлари бўйича келишмоқда.

Ошхона жиҳозлари ва асбоб-ускуналарининг янгидан такомиллаштирилиши натижасида таомларни тез тайёрлаш имкониятлари келиб чиқди, ҳароратда тайёрланадиган таомлар кўпайди. Мевалар, полиз ва сабзавот экинларининг шифобахш хусусиятлари гастрономия туризмига киритилди. Шу тариқа жаҳон гастрономия туризмининг саноати тармоқланиб, кенгайиб борди (1-Расм).

Шунинг учун ҳам, гастрономия туризми туризмнинг мавжуд турлари ичида янги инновацион соҳа сифатида ва туризмдаги бошқа турлар билан узвий боғланган ҳолларда тезкорлик билан кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Айниқса, кўпчилик халқаро туристлар давлатларнинг таомлари ҳақидаги рекламалар бўйича алоҳида аҳамиятга эга маданий урф-одатлари билан боғланган ва янги таомларини

[1].Драчева Е.Л.,Христов Т.Т., Гастрономический туризм: современные тенденции и перспективы, ж. № 3, Российские регионы:взгляд в будуще, 2015,-36-50 с.



1-Расм. Халқаро гастрономия туризми саноатининг иқтисодиёт соҳалари билан узвий боғланганлиги ва кенгайиб бориши

ўрганиш учун тажрибалар олиш мумкин бўлган янги гастрономия маршрутлари мавжуд бўлган турли давлатларни излашаяпти.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлдики, гастрономия туризмининг фаолият чегаралари туризмнинг бошқа турларига нисбатан жуда катта. Масалан, гастрономия туризмида туризмнинг бошқа турлари каби мавсумийлик йўқ. Гастрономия туризми йил давомида фаолият кўрсатади. Гастрономик фаолиятдан албатта биринчи навбатда овқатлантириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, гастрономия билан боғлиқ туристик ва нотуристик ташкилотлар манфаатдор. Бу ҳолатнинг ўзиёқ гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг истиқболли йўналиш эканлигини тасдиқлайди.

Адабиётларнинг таҳлилидан маълум бўладики, гастрономия туризмининг фаолиятларини кўпинча гастрономия туризмининг турлари бўйича белгилашади. Бу белгилаш асосан таом ва ичимликларнинг номи билан аталади (масалан, пишлоқ турлари Голландия, Швецария ва Италияда, пиво турлари Германия, Австрия, Швецария ва Белгияда, вино турлари Франция ва Болгарияда жуда оммавийлашган). Ҳозирга келиб, гастрономия туризмининг фаолият турлари анча тартиблаштирилди.Унинг давлатлардаги фаолият турлари Европа адабиётларида ҳам Россия давлатининг адабиётларида ҳам гастрономия туризмининг фаолият турлари асосан 4 гуруҳли турларга бўлишади[1] (2-Расм).

[1].Gonca G. S. Gastronomy tourism as an alternative tourism; 2015. 83 b; Кляп М. П. Современные разновидности туризма / учебное пособие /М.: Знание, 2011.-334 с.; Sajna, S. Shenoy *Food tourism and the*



2-Расм. Гастрономия туризмининг турлари

Расмда гастрономия туризмининг 4 та тури келтирилган. Бу турларнинг барчаси қишлоқларда ҳам, шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

- Ўзбекистонда гастрономия туризми тадбиркорлигини келтириб чиқаради (гастрономия туризми бўйича туристик фирмалар, туристик ташкилотлар, туристик операторлар, туристик агентликлар ва ахборот –реклама тизимлари ва бошқ. ташкил қилинади);
- Шаҳарларда ва маҳаллий меҳнат ресурсларини қўшимча, янги иш ўринлари билан таъминлайди;
- Миллий таомларимизни сифатли ва мазали тайёрлашга бўлган талаб ошади, унутилган таомларимиз қайта тикланади;
- Экологик тоза таомлар ва экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тартиблашади ва кучаяди;
- Қишлоқларда гастротуристларни қабул қилувчи махсус фермерлар хўжаликлари ташкил қилинади;
- Маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражаларини ўстиради;
- Миллий ошхоналаримизда сервис хизмат турлари ва сифати *даражаси ҳамда ошпазларнинг* касбий малакалари ошади;
- Халқлар ўртасида дўстона алоқаларни юзага келтиради ва мустаҳкамлайди;
- Миллий овқатланиш хизматлари ва маданиятини ташкил қилиш ва хизмат кўрсатишда миллий одоб, миллий этика ва миллий эстетика ҳамда муомила жараёнлари сифатини оширади;
- Гастрономия туризмида хизматларининг замонавий рекламалари,

---

culinary tourist. A thesis presented to the Graduate School of Clemson University. Advisor Dr. William C. Norman, 2005. -210 p.

маршрутлари яратилади, бу эса рекламалар ва маршрутларни ички ва халқаро гастрономия хизматлар бозорларига чиқишини кучайтиради.

Ўзбекистонда гастрономия туризмини ташкил қилиш ва ривожлантириш ватанимизнинг халқаро миқиёсда ижтимоий-иқтисодий юксалишига, тараққиётга қўшадиган ҳиссасини қўйидагича изоҳлашимиз мумкин.

- Давлатимизнинг халқаро миқёслардаги обрўсини оширади;
- Халқаро даражалардаги тансиқ ва мазали таомларимизни, овқатлантириш объектларимизни дунё халқларига таништиради;
- Гастрономия инфратузилмаларининг комфортлилик даражасини халқаро талаб даражаларига кўтаради;
- Гастрономия туризми қишлоқлари, ҳудудлари ва марказлари таъмирланади, кўкаламзорлаштирилади, ободонлаштирилади;
- Ўзбекистон гастрономиясига хорижий инвестициялар кириб келишига шароитлар ва имкониятлар яратади;
- Ўзбекистонликларнинг хорижий давлатларнинг гастрономия туризмини ривожлантириш соҳасидаги халқаро лойиҳаларида ишлаш, ҳамкорлик қилиш имкониятлари келиб чиқади;
- Халқаро гастрономия туризми маршрутлари яратилади;
- Халқаро гастрономия туроператорлари ва гастрономия гид-етакчиларни тайёрлаш талаблари келиб чиқади;
- Халқаро гастрономия марказлари ташкил қилинади (фестиваллар, кўргазмалар, ярмаркалар, сайиллар ва бошқ.).

A.F.Abduraxmanova – TDIU Samarqand filiali 2-kurs tayanch doktoranti,

QISHLOQ HUDUDLARIDA EKOTURIZMNING AHOLI DAROMADLARIGA TA’SIRI

Annotatsiya. Daromadlarni taqsimlashning ehtimollik modellari butun mamlakat aholisining turmush darajasini baholash, shuningdek, turli ijtimoiy tabaqalar yoki mamlakat mintaqalari turmush darajasini solishtirish imkonini beradi. Ushbu ishda qishloq hududlarida ekoturizimning aholi daromadlariga ta’sir doirasi va O‘zbekistonda aholi daromadlarining o‘sish sur’atlari tahlili, hamda amalga oshirish lozim bo‘lgan xulosa va takliflar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: Daromad, aholi daromadlari, ekoturizm, qishloq, baholash.

Аннотация: Вероятностные модели распределения доходов позволяют оценивать уровень жизни населения страны в целом, а также сравнивать уровень жизни различных социальных классов или регионов страны. В данной работе представлен анализ влияния экотуризма на сельские доходы и темпы роста доходов в Узбекистане, а также выводы и рекомендации по реализации.

Ключевые слова: Доход, доходы населения, экотуризм, сельский, оценка.

Abstract. Probability models of income distribution provide for evaluation of the living standard of population of a country at whole as well as for comparison of the living standard of different social classes or regions in the country. This paper presents an analysis of the impact of ecotourism on rural incomes and income growth rates in Uzbekistan, as well as conclusions and recommendations for implementation.

Key words: Income, population income, ecotourism, rural, assessment..

Daromadlar taqsimotini tadqiq etish va uni turli ijtimoiy-iqtisodiy va zamon va makon nuqtai nazaridan istiqbolli taqqoslash aholi turmush darajasini, ijtimoiy ta’minot darajasini va jamiyat tomonidan yaratilgan moddiy boyliklarni taqsimlashda ijtimoiy adolatni baholash uchun asos bo‘ladi. Shu sababli, aholi daromadlarini taqsimlashning statistik tahlillari budjet va ijtimoiy siyosat bo‘yicha qarorlar qabul qilish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

Daromadlarni taqsimlash to‘g'risidagi bilimlar butun mamlakatning barcha aholisining turmush darajasini baholash, shuningdek, turli ijtimoiy guruhlar yoki turli mintaqalar a'zolarining turmush darajasini solishtirish imkonini beradi. Daromad, shuningdek, boshqa mamlakatlarga nisbatan mamlakat aholisining nisbiy turmush darajasini ko‘rsatadi. Keng ma'noda, barcha moddiy va ijtimoiy hayot sharoitlari majmuasi bilan belgilanadigan turmush darajasini ushbu umumiy tushunchada aniqlab bo‘lmaydi. Shu sababli, turmush darajasini statistik tahlil qilish uchun biz faqat turmush darajasining o‘lchanadigan elementlariga e'tibor qaratamiz. O‘zbekiston Respublikasi aholi daromadlari asosan qishloq xo‘jaligi, xizmat ko‘rsatish sohasi, tadbirkorlik, hamda IT orqali amalga oshirilayotgan amaliyotlar va boshqalar orqali amalga oshiriladi.

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasida aholi umumiy daromadlarining 5 yillik holatini darajasi

Ko‘rsatkichlar nomi	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
Aholi umumiy daromadlari, mlrd.so‘m	236893,1	300842,7	365735,6	415085,0	515660,7
o‘tgan yilga nisbatan, % da	119,7	127,0	121,6	113,5	124,2
Aholi jon boshiga umumiy daromadlar, ming so‘m	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6	14769,0
o‘tgan yilga nisbatan, % da	117,7	124,8	119,3	111,3	121,8
Aholi real umumiy daromadlari, mlrd.so‘m	216400,1	255971,0	319336,1	367559,6	465271,8
o‘tgan yilga nisbatan, % da	109,3	108,1	106,1	100,5	112,1
Aholi jon boshiga real umumiy daromadlar, ming so‘m	6681,4	7767,0	9509,6	10737,3	13325,8
o‘tgan yilga nisbatan, % da	107,5	106,2	104,2	98,6	109,9

*Manba: O‘zbekiston Respublikasi statestika qo‘mitasi- stat.uz

Jadval ma’lumotlaridan ko‘rish mumkinki O‘zbekiston Respublikasida aholi daromadlari yildan yilga o‘sish sur’atini qayd etmoqda.

Mahalliy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda ekoturizmning rolini tushunish uchun uning qishloq joylaridagi uy xo‘jaliklari daromadiga qo‘shgan hissasini

tushunish muhimdir. Ushbu qishloq joylarida ekoturizmning uy xo‘jaliklari daromadlariga qo‘shadigan hissasini hisoblash respondent xodimlarning ma'lum maoshlari va ularning oylik uy xo‘jaliklari daromadlari asosida amalga oshirildi.

Bularning barchasi iqtisodiyot rivojiga, mahalliy aholi turmush farovonligini oshirishga salmoqli turtki bermoqda.

Demak, ekologik turizmni tashkil etishda mahalliy aholi manfaatlarini inobatga olgan holda namunaviy loyihalarni yaratish, ularni amalga oshirishda real ijtimoiy-iqtisodiy foyda olish asosiy vazifalardan hisoblanadi.

Ekoturizmda bandlik uy xo‘jaliklarining daromadlariga ijobiy ta'sir ko‘rsatishi ko‘rsatilgan, ammo xavfga ta'sir ikki xil bo‘lishi mumkin; agar diversifikatsiya kuchaysa, bu xavfni kamaytirishi mumkin, ammo ekoturizmga bo‘lgan talab o‘zgaruvchan bo‘lgan hududlarda uy xo‘jaliklari ekoturizmga suyansa, xavfni oshirishi mumkin yoki ekoturizm ham iqtisodiy, ham iqtisodiy bo‘lmagan ekzogen zarbalarga moyil bo‘lishi mumkin. Umuman olganda, o‘rganishlar shuni ko‘rsatadiki ushbu chekka qishloq joylarda yuqori darajadagi ekoturizm taklif etayotgan ish bilan ta'minlanganlik uy xo‘jaliklari uchun xavfsizroq va ishonchli daromad manbai bo‘lib xizmat qilishini ko‘rsatdi, ular ko‘pincha boshqa hollarda ya’ni qishloq xo‘jaligi, xizmat ko‘rsatish sohasidan bunday daromadga ega bo‘lmaydilar.[1]

Ekoturizm xodimlarining aktivlar va inson kapitaliga (ta'lim orqali) sarmoya kiritish qobiliyati kelajakdagi kambag’allikni yingish va samaraliroq yashash strategiyalarini qabul qilish imkoniyatlarini taqdim etishi ko‘rsatilgan. Shuning uchun ekoturizm bandligi uy xo‘jaliklarining uzoq muddatli barqarorligiga yordam beradi, xavf va kambag’allikni qisqartiradi, shuningdek uy xo‘jaliklari duch keladigan stressni kamaytiradi.

Ekoturizm obektlarida xizmat ko‘rsatish sektorining rivojlanishi ular joylashgan qishloq hududlarida tadbirkorlik sub’ektlarini soni va ko‘lamini kengayishi orqali ayollar va yoshlar bandligi hamda daromadlarini oshishiga, qishloq hududlarida kambag‘allikni qisqartirishga va farovonlikni oshirishga xizmat qiladi.

Ekoturizmni rivojlantirishda xalqaro ilg‘or tajribalardan foydalanish, muhofaza etiladigan tabiiy hududlarda ekoturizmni samarali tashkil qilish mexanizmlarini takomillashtirish, ekoturizm tarmog‘iga klasterlarni joriy qilish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqish, hamda tarmoqda investitsion loyihalarni samaradorligini hisoblash uchun takomillashtirilgan va mahalliy sharoitlarga moslashtirilgan baholash usullari, hisoblash formulalari va amaliy kompyuter dasturlari va mobil ilovalarini ishlab chiqishga katta ehtiyojning mavjudligi anilandi. Bu orqali ilmiy izlanishlarimizni shu faoliaytga qaratishimiz lozimligi kelib chiqmoqda. Ekoturizmni rivojlanishi ekologik maskanlar joylashgan qishloq hududlarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatmasdan qolmaydi. Xizmat ko‘rsatish sektorining rivojlanishi

[1] Susan Snyman “The impact of ecotourism employment on rural household incomes and social welfare in six southern African countries” January 2014 Tourism and Hospitality Research 14(1-2):37-52

tadbirkorlik sub'ektlarini soni va ko'lamini kengayishiga, bu orqali ayollar va yoshlar bandligi hamda daromadlarini oshishiga sabab bo'ladi. Yangidan barpo etiladigan umumiy ovqatlanish ob'ektlari, kungilochar maskanlar aholi punktlarini ko'rkamligini oshirish bilan birga, mahalliy aholi uchun ham ko'rsatilayotgan xizmatlar ko'lamini kengaytirib, bularning barchasi birgalikda qishloq hududlarida kambag'allikni kamaytirishga va farovonlikni oshirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, ekologik maskanlardan haddan ortiq foydalanish ularning yemirilishiga olib kelib, ushbu maskanlarga kelayotgan turistlar oqimini maqbullashtirishning iqtisodiy-tashkiliy asoslarini ishlab chiqish talab etiladi. Undan tashqari, insonlar foydalanishida bo'lgan ekologik maskanlar tabiiy tiklanish saloxiyatiga qo'shimcha ravishda undan keladigan daromad hisobiga doimiy ravishda tozalash va tiklash tadbirlarini olib borishni talab qiladi. Ekoturizm maskanlaridan foydalanish uchun o'rnatiladigan bahoni ("kirish chiptasi") belgilash usullarini takomillashtirish orqali bir tomondan, ularni holatini qayta tiklanish darajasida saqlab turishga imkon beradigan foydalanuvchilar sonining maksimum miqdoridan oshmasligiga, ikkinchi tomondan, ushbu maskandan keladigan pul tushumini maksimalashtirishga imkon beradi.

O'rganishlar jarayonida shunday xulosa va takliflar ishlab chiqildi:

- Chekka qishloq hududlarida mavjud ekoturistik manzillarni aniqlash va uni ro'yxatga olishni tashkil etish
- Aniqlangan ekoturizm maskanlarini iqtisodiy baholash lozim. Nafaqat yangilarini balkim eski ekoturistik maskanlarning bahosini shakillantirish lozim
- Ekozturizm maskanlarida shtatdagi ish faoliyatlarini shakillantirish
- Ekoturizm maskanlarida ish faoliyatini amalga oshiradigan aholining mavsumiy ishlash jarayonini doimiyga aylantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish lozim. Buning uchun ekoturizm manzillarining turizm bozoridagi salohiyatini hamda jozibadorligini o'stirishga erishish kerak.

Ekoturizmning yuksalishi nafaqat aholi daromadlarining o'sishiga balkim boshqa jumladan, ekologiya, xizmat ko'rsatish sohalarida ham ijobiy o'zgarishlarni yuzaga keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O.H.Hamidov, A.N.Norchayev "Ekoturizm" TDIU-Toshkent 2011
2. Слемент Аллам Тисделл "Экотуризмнинг иқтисодий жиҳатлари: ёввойи табиатга асосланган туризм ва унинг табиатга қўшган ҳиссаси" мақола Шриланка қишлоқ хўжалиги журнали 2003 Август
3. Sims R (2009) Food, place and authenticity: local food and the sustainable tourism experience. Journal of Sustainable Tourism 17(3):321-336. doi: 10.1080/09669580802359293
4. Susan Snyman "The impact of ecotourism employment on rural household incomes and social welfare in six southern African countries" January 2014 Tourism and Hospitality Research 14(1-2):37-52
5. Ceballos-Lascurain H (1996) Tourism, ecotourism and protected areas. IUCN: Gland, Switzerland

М.Э. Ахтамова– старший преподаватель кафедры «Менеджмента»
СамИЭС

ПРИОРИТЕТЫ РАЗВИТИЯ И ЭФФЕКТИВНОСТИ ЭКОТУРИЗМА В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ В УСЛОВИЯХ СТАНОВЛЕНИЯ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

Аннотация. В данной статье представлены приоритетные направления, предложения для повышения эффективности развития экотуризма в Самаркандской области в рамках Третьего ренессанса. А также приведены преимущества, согласно которым данная область актуальна для развития экотуризма.

Ключевые слова: экотуризм, историческое наследие, культурное и духовное просвещение, Третий ренессанс, эпоха Возрождения, Самаркандская область, Самарканд, приоритеты развития, эффективность экотуризма.

Annotatsiya. Ushbu maqolada uchinchi Uyg‘onish davri doirasida Samarqand viloyatida ekoturizmni rivojlantirish samaradorligini oshirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlar, takliflar keltirilgan. Shuningdek, ushbu hudud ekoturizmni rivojlantirish uchun dolzarb bo‘lgan afzalliklar berilgan.

Kalit so‘zlar: ekoturizm, tarixiy meros, madaniy-ma’naviy tarbiya, Uchinchi Uyg‘onish davri, Uyg‘onish davri, Samarqand viloyati, Samarqand, rivojlanish ustuvor yo‘nalishlari, ekoturizm samaradorligi.

Abstract. This article presents priority areas, proposals for improving the efficiency of ecotourism development in the Samarkand region within the framework of the Third Renaissance. And also the advantages are given, according to which this area is relevant for the development of ecotourism.

Keywords: ecotourism, historical heritage, cultural and spiritual education, Third Renaissance, Renaissance, Samarkand region, Samarkand, development priorities, ecotourism efficiency.

Термин Ренессанс французского происхождения (Renaissance) и дословно обозначает «заново рожденный», «возрождение». Главные его признаки проявляются в уходе от догматизма, невежества и фанатизма в мышлении и науке, прославлении человека, раскрытии таланта и возможностей умственной деятельности, горячем воспевании мелодии жизни и мирской красоты в литературе и искусстве, борьбе за свободы человека, а так же во всех сферах деятельности человечества.

Сегодня в Узбекистане наблюдается Третий ренессанс, что было упомянуто Президентом Шавкатом Мирзиёевым на торжественной церемонии, посвященной 29-й годовщине независимости Республики Узбекистан. При этом упоминание словосочетания «Новый Узбекистан» в мировом масштабе свидетельствует о признании наличия в республике этапа огромных преобразований и достижений. А точнее, реализация постановления Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «о дополнительных мерах по развитию сферы услуг»; первое интервью Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева местным СМИ 17

августа 2021 года газете «Янги Узбекистан»; постановление Президента Республики Узбекистан «о создании дополнительных условий для дальнейшего развития туризма, культуры, культурного наследия и спорта» ПФ-52 от 15.01.2022г.; постановление Президента Республики Узбекистан от 22.11.2021 г. «Об организационных мерах по разработке программы административных реформ Нового Узбекистана на 2022–2023 годы» и другие целевые мероприятия.

В связи с вышеизложенным будет целесообразным развитие экологического туризма, так как данное направление туризма позволяет повысить интерес общества к изучению природных и культурно-этнографических особенностей данной местности, а в результате расширить свой кругозор. Таким образом, одним из объектов экотуризма является Самаркандская область.

Самарканд – один из древнейших и красивейших городов мира. Его часто называют жемчужиной Востока, и неспроста. Ведь ещё в древние времена это был богатейший город Востока, ключевой пункт Великого шелкового пути, центр развития наук и ремесел. И до сегодняшнего дня в Самаркандской области сохранены почти все памятники архитектуры, возведенные нашими великими предками. Другой положительной стороной Самаркандской области стоит обозначить тот факт, что это место, где человек может погрузиться в мир природы и отвлечься от городской суеты, стоит лишь выехать за пределы города. Яркими примерами неописуемо красивых ландшафтов и пейзажей могут служить горы Миран-куль, посёлок Акбуйра, Хазрати Довуд, долина «Шайтан жига» или «Шлем дьявола» и другие. Всё это свидетельствует о том, что Самаркандская область обладает огромным потенциалом развития экотуризма. Именно поэтому сегодня она является одним из объектов модернизации – превращения в современный город, повышение комфорта жизни населения, деятельности предпринимателей и инвесторов, развитие сферы туризма.

Для повышения эффективности развития экотуризма в Самаркандской области, по нашему мнению, должны стать следующие приоритетные направления:

-открытие и внедрение новых объектов и видов экотуризма;

-развитие объектов экотуризма, создающих условия для отдыха туристов, развлечения и наслаждения природой;

-увеличение привлечения отечественных и иностранных инвесторов в отрасль с целью финансовой поддержки экотуризма в республике, в том числе в Самаркандской области;

-уделять особое внимание объектам экотуризма для получения высоких доходов на основе качественных услуг;

-организация высокого уровня обслуживания на основе формирования и развития инфраструктуры экотуризма;

-реализация рекламных услуг с целью привлечения большего количества «туристов» на объект экотуризма;

-привлечение высококвалифицированных экотуристов, специалистов в области оказания высококвалифицированных услуг экотуризма;

-формирование современной материально-технической базы объектов экотуризма;

-дальнейшая активизация научно-исследовательской работы по развитию услуг экотуризма.

В итоге повышение эффективности развития экотуризма в Самаркандской области приведёт к тому что:

-во-первых, сохранение национального богатства и природных достояний в первозданном виде и их защита – необходимо всеми силами уберечь исторические памятники архитектуры, природные достопримечательности от преобразований, модернизаций, ликвидаций. Это важно, поскольку так туристы смогут погружаться именно в ту историческую атмосферу и атмосферу природы, какими они были во времена наших предков.

-во-вторых, расширить наименований экотуристических объектов – важно уделять внимание не только популярным местам посещения и проводить экскурсии по стандартным маршрутам. Ведь важны не количество и размер природной или исторической достопримечательности, а их история – как они появились, кто их построил, какая деятельность осуществлялась и т.д.;

-в-третьих, организация объединений представителей различных ремесел с целью возрождения культурного наследия. Наши предки были людьми с золотыми руками и по сей день это нужно сохранять и оберегать как зеницу ока. Туристам и местному населению будет интересно узнать, изучить технику, научиться, например, гончарному делу, кузнечеству, ткачеству, вышивания тюбетеек, платков и т.д.

-в-четвёртых, подготовка квалифицированных и компетентных работников в сфере туризма и его направлений, что в разы повысит эффективность экотуристической деятельности. Например, гид-экскурсовод, который не обладает достаточным спектром знаний, навыками представления информации, умения и заинтересовать своих слушателей не сможет передать посетителям и погрузить их во времена прошлого. И в результате, у слушателей не произойдёт ни духовного ни культурного просвещения.

Представленные направления это основные направления, которые требуют скорейшей реализации. Их исполнение позволит как можно качественнее осуществить и культурное, и духовное и интеллектуальное просвещение, а также возродить историческое наследие, что соответствует духу Нового Узбекистана.

Список использованных источников:

1.Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «о дополнительных мерах по развитию сферы услуг» от 28 января 2022 года.

2.Первое интервью Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева

местным СМИ 17 августа 2021 года газете «Янги Узбекистан». 3. Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «о создании дополнительных условий для дальнейшего развития туризма, культуры, культурного наследия и спорта» ПФ-52 от 15.01.2022г.
4. Постановление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева «Об организационных мерах по разработке программы административных реформ Нового Узбекистана на 2022–2023 годы» от 22.11.2021 г.
5. https://yuz.uz/ru/news/novy-uzbekistan-i-tretiy-renessans.
6. https://iiv.uz/ru/pages/ozbekiston-respublikasi-prezidentining-farmonlari.

Ш.А.Юлдошева – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси ассистенти, мустақил тадқиқотчи

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСДАГИ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақолада коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли трансформациянинг тутган ўрни, мамлакатимизда учинчи ренессансни ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: уй-жой, коммунал хизматлар, рақамли иқтисодиёт, рақамли трансформация, инновацион иқтисодиёт, ахборот коммуникация технологиялари, учинчи ренессанс, сервис.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль цифровой трансформации в сфере ЖКХ, ее роль в развитии третьего ренессанса в нашей стране.

Ключевые слова: жилищно-коммунальное хозяйство, цифровая экономика, цифровая трансформация, инновационная экономика, информационно-коммуникационные технологии, третий ренессанс, сервис.

Abstract. This article discusses the role of digital transformation in the housing sector, its role in the development of the third renaissance in our country.

Keywords: housing and communal services, digital economy, digital transformation, innovative economy, information and communication technologies, third renaissance, service.

Янги Ўзбекистон меъмори ва ташаббускори ҳисобланувчи Президентимиз қайд этганидек, “Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”.

“Ренессанс” сўзи – французча “Renaissonce”, итальянча – “Rinascimento” – қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ, қайта тирилиш, уйғониш – деган маъноларни англатади.

Ўзбекистонда кейинги беш йилликда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

Тараққиёт стратегияси лойиҳаси қуйидаги 7 та устувор йўналишдаги масалаларни қамраб олади:

1. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
2. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
3. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;
4. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
5. Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;
6. Умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;
7. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш бўйича барча тармоқлар ва соҳаларда, хусусан коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан таъминлашда, коммунал хизматларни модернизация қилиш, коммунал хизматларга янги ёндашуви ва янги хизматларни ташкил этиш, уларни рақамли трансформация жараёнига ўтказиш ва бу орқали марказлашган хизмат кўрсатиш марказларини, смарт технологиялар, интеллектуал сервисларни ташкил этиш, коммунал соҳада ақлли ҳисоблагичлар улушини оширишга доир кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини кўришимиз мумкин.

“Коммунал хизматлар” тушунчасининг таърифига турлича қарашлар мавжуд бўлиб “коммунал хизматлар - бу совуқ сув таъминоти, иссиқ сув таъминоти, канализация, электр энергияси, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти бўйича фуқароларнинг яшаш жойларида турмуш шароитларини яхшилаш хизматидир”, деб таъриф берилади[1]. Бошқа бир илмий назарияга асосланган таърифда аҳолига хизмат кўрсатиш учун ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига қамраб олишни инобатга олиб,

[1] Фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида: Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2006 йил 23 майдаги қарори № 307 // "Гарант" СПС.

“коммунал хизмат - бу хавфсиз, қулай ва фаровон ҳаётни ва уларда аҳолининг (истеъмолчининг) мавжудлигини яратадиган турар-жой биноларининг ишлашини таъминлайдиган иқтисодиёт тармоқлари мажмуи”, деб таъриф берилган[1].

Хорижлик иқтисодчи олим Й.Шумпетер ғоясига асосан инновацион иқтисодиётда коммунал хизматлар соҳасини минтақанинг шаҳар ҳудудларида жойлаштирилиши лозимлигини ва шаҳар орқали бошқа ҳудудларга хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқлигини [2] алоҳида таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги тушунчалар деярли бир-биридан фарқ қилса ҳам лекин маъноси жиҳатдан бир хилдир. Яъни, коммунал хизмат тушунчаси - бу муайян бир жойда истиқомат қиладиган аҳолига турмуш даражасини яхшилаш ва табий ресурслардан самарали фойдаланиш учун таъсир қиладиган хизматлардир. Бундай хизматларнинг кўлами кейинги ўн йилликда дунё миқёсида анъанавий иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида кескин суръатлар билан кенгайиб бормоқда.

Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни рақамлаштириш учун янги ёндошувларни, модел ва усулларни излаш ҳамда жорий этиш, коммунал хизматларнинг кундан-кунга такомиллашиб, трансформацияланишини, унинг синергик хусусиятига эга эканлиги ҳам бугунги кунда иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилмоқда.

Рақамли коммунал хизматлар - рақамли платформадан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш асосида макро даражада ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича услубий хизмат кўрсатиш аппаратлари кенгайтирилган коммунал хизматлардир.

Бугунги кунда “коммунал хизмат кўрсатиш” тушунчасига ахборот-коммуникация технологиялари таъсирида рақамли трансформациясини ҳисобга олишни киритиш асосида “смарт коммунал хизмат кўрсатиш” иборасининг такомиллашган таърифи қўлланилмоқда.

Саноатнинг табиати тез ўзгариши шароитида рақамли трансформациянинг универсал хизмат, технологик ва телекоммуникация ҳаракатланувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ифодаловчи янги технологияларни киритишни ўз ичига олган, муайян коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаларининг моделидир.

Буни республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича белгилаб берилган қатор чора-тадбирлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон - 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида фармонига асосан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг

[1] https://ru.wikipedia.org/wiki/ Жилищно-коммунальное хозяйство (ЖКХ)

[2] Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия.//М.:Эксмо, 2007,862 с.

жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.[1] “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгиланган вазифалар асосида коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини рақамли трансформациялаш жараёнини ахборот технологияларида жорий этиш, ижтимоий тармоқларга кириш, веб-сайт, телеграм-бот, мобил-иловалар ишлаб чиқиш ва ишга тушириш билангина чекланиб қолмасдан, балки коммунал хизматларни рақамли трансформациясини амалга ошириш зарурлигидадир.

Рақамли трансформация жараёнида ушбу белгиланган омиллардан келиб чиқиб қишлоқ жойларда коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил қилишнинг бир нечта стратегик йўналишлари мавжуд бўлиб, асосан уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришда ахборот-таҳлил воситаларини қўллаш зарур ҳисобланади. Улар ўз вақтида қуйидаги имкониятлар яратилишига хизмат қилади:

- ахборот-таҳлил воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш, шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнида матн ва нутқни семантик таҳлил қилиш, кўп ўлчовли статистик таҳлил ва мураккаб воқеаларни қайта ишлаш;
- уй-жой коммунал хўжалигини молиялаштириш ҳажмини аниқлаш, иш сифатини назорат қилишда инсон омилини минималлаштириш;
- уй-жой коммунал хизматларини бошқариш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш объектлари датчикларидан, шунингдек, ҳисоблагичлардан тўғридан-тўғри маълумот олиш жараёнида нарсалар интернети технологиясини жорий этиш;
- ҳисобга олиш ва коммунал хизматлар учун тўловларни автоматлаштиришни таъминлайдиган ўлчаш мосламаларини Интернетга уланиши;
- мавжуд энергия, иссиқлик, газ ва сув таъминоти тизимлари асосида уй-жой коммунал хизматларининг ягона яхлит тизимини шакллантириш;
-яхлит тизим шаҳар ва қишлоқ уй-жой-коммунал инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа бир қатор маълумотларни ўз ичига олади;
- уй-жой коммунал хизматларини бошқариш жараёнида катта маълумотлар технологияси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш;
-уй-жой коммунал хизматларининг шаффофлигини ошириш, рақамли битимлар, ҳужжатлар, овоз бериш натижаларини ўтказиш, шунингдек, краудсоорсинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва бажарилган ишларни назорат қилиш учун технологиядан фойдаланиш.

Рақамли трансформация жараёнининг стратегик йўналишлари Ўзбекистон Республикасида давлат иштирокидаги кўпгина хизматлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.10.2020 й., 06/20/6079/1349-сон.

соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни рақамлаштириш натижасида мамлакатимизнинг ЯИМ ўсишига бевосита ижобий таъсирини ўтказиб, иқтисодий ўсишнинг муҳим йўналишларидан бирига айланишига кўмаклашади.

Стратегик йўналишларнинг аҳамияти шундаки, соҳа фаолиятида келиб чиқадиган муаммоларни ечиш йўлларига, турли инновацион тушунчага эга бўлишини талаб этадиган рақамли трансформациянинг асосий драйвери рақамли платформага ўтказилишида асос бўлади.

Коммунал хизмат кўрсатишнинг рақамли платформага ўтказилиши - бу коммунал хизмат кўрсатишнинг бизнес модели бўлиб, аниқ мувофиқлаштирилган коммунал хизматларини тақдим этади. Платформа истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчиларга ишонч рейтингини тузиш, контрагентларни топиш, битимлар тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга оширишда ўзаро алоқаларни тезлаштиришга имкон беради.

Рақамли трансформациялашув жараёнида соҳага оид илғор технологиялар асосида инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш, мутлоқ янги бўлган имитацион моделлар ва илғор таҳлилий усулларнинг яратилиши орқали намоён бўлишини инобатга олган ҳолда коммунал хизмат кўрсатишнинг рақамли трансформация жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади:

- рақамли иқтисодиёт шароитида коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасини рақамли ўзгартиришда давлатнинг ролини кучайтириш, ресурсларни етказиб берувчи ташкилотларнинг рақамли технологияларни жорий этишга тайёрлик даражасини ошириш;
- коммунал хизматлар кўрсатишда гео ахборот тизими (ГАТ)ни жорий этиш ва уни янада ривожлантириш, шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш учун ягона ахборот муҳитини яратиш бўйича ишларни фаоллаштириш;
- коммунал хизмат кўрсатишда блокчейн технологияларидан фойдаланиш, маълумотларни йиғиш ва сақлаш инфратузилмасини яратиш бўйича ишларни кучайтириш;
- коммунал хизмат кўрсатишнинг ахбороти ва киберхавфсизлигини таъминлайдиган фавқулодда ва инқирозли вазиятларда қарорларни қўллаб-қувватлашнинг ақлли тизимларини ишлаб чиқиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қишлоқларда кўрсатиладиган коммунал хизматларини мониторинг қилиш ва назорат қилиш бўйича ягона ахборот-таҳлил тизимини шакллантириш.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз мумкинки, коммунал хизматлар соҳасининг моддий ва маънавий жиҳатидан муаммоларни ҳал қилиш, хизматлар сифатини ошириш, харажатларни камайтириш ва замонавий шароитларда соҳанинг шаффофлигини ошириш зарур.

IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Х.С. Мухитдинов – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори
О. Тураев – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти 2-босқич магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДА КОРХОНАЛАРНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БОШҚАРИШНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ОПТИМАЛ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда кўп ишлатиладиган **“рақамли иқтисодиёт”** атамасининг назарий жиҳатлари кенг ёритилган. Шунингдек, ушбу атамага хорижлик олимлар томонидан билдирилган фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, реал сектор, электрон ҳукумат, рақамли эволуция, иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш, самарадорлик, бошқарув.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические аспекты термина **«цифровая экономика»**, который широко используется сегодня. Приводятся также мнения, высказанные зарубежными учеными по этому термину.

Ключевые слова: цифровая экономика, реальный сектор, электронное правительство, цифровая эволюция, экономический рост, производство, эффективность, управление.

Abstract: This article discusses the theoretical aspects of the term **"digital economy"**, which is widely used today. Opinions expressed by foreign scholars on the term are also cited.

Keywords: digital economy, real sector, e-government, digital evolution, economic growth, production, efficiency, management.

Рақамли иқтисодиёт шароитда корхоналар қатьий тежамкорлик асосода фаолият юритмоқлари лозим. Бу ишлаб чиқариш харажатларини махсулот сифати хамда ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлашга янгича ёндашувни талаб этади. Унга эса кўп жихатдан статистик хисоб

юритиш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усуллари рақамли технологияни қуллаш орқали эришиш мумкин.

Корхона ишлаб чиқариш ва бошқаришни рақамли усулларидан фойдаланиш моддий техника таъминотини бозор иқтисодиёти талаблари асосида яратиш, уларни замонавий рақамли технология билан қуроллантириш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ерга, мулкка бўлган эгалик хиссини янада ошириш, тадбиркорликка, ишбилармонликка, янги мулкчиликка ва рақамли иқтисодиётга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва оптимал тартибга солиш механизмлари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Замоннинг тезкорлик билан ривожланиш воқейлигида барча соҳаларнинг ортда қолмаслик шарти энг асосий жиҳат ҳисобланади.

Маълумки, бутун бир жамиятнинг глобал ривожланишигина замонавий дунё портретини тасвирлаб бера олади. Бу эса барча минтақаларда ахборот алмашиниш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш, илм-фан ютуқларидан ўз вақтида самарали фойдаланиш каби жараёнлар билан ўзвий боғланган. Шунингдек, бу ёндошув соҳавий олиб қаралганда ҳам, худди шу анология ўринли бўлади. Агар шундай бўлса айтиш мумкинки, соҳалар кесимида ҳам, ҳар бир соҳанинг комплекс ривожи талаб этилади. Бу ерда асосий масала сифатида маълум бир соҳанинг умумий ҳолати (бошқарув, ишлаб чиқариш, хизматлар ва бошқалар) ривожланиш даражасининг бошқа ривожланган соҳалардаги шу мазмундаги даража билан мослиги, узлуксизлиги, параллел соҳалар билан рақобатбардошлиги тушунилади.

Бугунги кунда ривожланиш майдонида рақамли трансформация тушунчаси асосий жараёнлардан бири сифатида кўрилмоқда. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.[1]

Ривожланган давлатлар корхона маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муаммолар сферасининг тежаш босқичидан ўтиб, ривожланишнинг кейинги босқичларига қадам қўйишган. Уларнинг бу мақомга мос бўлишлигида асосий мезонларидан бири рақамли эволюция индексининг қиймати қабул қилинган. Маълум характерига кўра рақамли эволюция индекси 4 та гуруҳ бўйича ажратилади. Бунда 1-гуруҳ лидерлар деб номланиб, гуруҳнинг характеристик тавсифи рақамли ривожланишнинг юқори даражаси ва тез суръатда ўсишни ифодалайди. Бу гуруҳда Сингапур, Буюк Британия, Янги Зеландия, Эстония, Гонконг, Япония ва Исроил мамлакатларини киритиш мумкин. 2-гуруҳ “секин суръатли ўсиш”

[1] «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент ш., 2020 йил 5 октябрь, ПФ-6079-сон

деб номланиб, характеристик жиҳатдан узоқ вақт давомида динамик ўсишда давом этиб, ҳозирги вақтда ривожланиш суръати пасайиб кетганлиги билан тавсифланади. Уларда инновацияларни динамик равишда амалга оширмаслиги сабабидан рақамлаштиришнинг етакчиларидан орқада қолиш эҳтимоли юқори эканлиги кутилади. Бу гуруҳга Жанубий Корея, Австралия, шунингдек, Ғарбий Европа ва Скандинавия мамалакатларини ҳам киритиш мумкин. Рақамлаштиришнинг умумий даражаси дастлабки икки гуруҳга нисбатан паст, аммо шу билан бирга барқарор рақамли ривожланиш динамикасига эгалиги билан характерланадиган индекслашнинг 3-гуруҳига Хитой, Кения, Россия, Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин, Индонезия, Бразилия, Колумбия, Чили, Мексика мамалакатлари киритилади. Булардаги мавжуд ҳолат инвесторларни жалб қилиши ва ҳатто уларнинг етакчилар гуруҳига киришга имкон бериши ҳам мумкин. Сўнги 4-гуруҳ "муаммоли" деб номланади ва гуруҳ характери асосан ички омиллар билан боғлиқ кўпгина тўсиқлар таъсирида секин ўсиш суръатли, ривожланишнинг паст даражаси билан тавсифланади. Бу гуруҳга мамлакатлардан Жанубий Африка Республикасини, Перу, Миср, Греция, Покистонни киритиш мумкин.[1]

Замонавий ишлаб чиқариш параметрларини баҳолашда хориж тажрибасига таяниш асосий манбалардан биридир. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёт сеторларида рақамли технологияларнинг қўлланилиши ҳақида сўз кетганда, унинг нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарадорлик кўрсаткичларини ахборот сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки рақамли технологиялар иқтисодиёт тармоқларининг барчасининг комплекс ривожи учун бирдай хизмат қилади ва умум ривожланиш ҳолатини белгилаб беради. Шу маънода иқтисодий ўсиш даражасини рақамли технологиялар билан боғлаганда, кўплаб жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари, тадқиқот институтларининг тадқиқот ишларида иқтисодиётнинг маълум сектори фақат шу секторга тегишли натижалар таҳлили билан чекланиб қолмаган.[2]

Рақамли трансформация глобал миқёсида ҳам иқтисодиётда, ҳам алоҳида секторлар даражасида амалга оширилмоқда. Ушбу жараённи ўрганиш ҳозирда жуда долзарбдир, чунки халқаро корпорациялар ўзларининг рақобатчилари енгиб бўлмайдиган технологик тўсиқларни яратиш орқали ўз соҳаларида етакчи мавқеини сақлаб қолиш учун янги технологияларни ва ўз бизнес моделларини, рақамли трансформациясини жорий қилаётганлигини кўриш мумкин.[3]

"Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси ҳозирги глобал

[1] Т. Д. Санникова и друг. Зарубежные модели цифровой трансформации и перспективы их использования в российской практике. Журнал Экономические отношения. Том 9, № 2, Апрель–июнь 2019. Стр-481-494

[2] Б. М. Гарифуллин, В. В. Зябриков. Цифровая трансформация бизнеса:модели и алгоритмы. Журнал креативная экономика. Том-12, №9,09.2018, 1345-1358

[3] Гарифуллин Б.М., Зябриков В.В. Цифровая трансформация бизнеса: модели и алгоритмы. Журнал "Креативная экономика". Том 12, Номер 9, Изд. Креативная экономика-2018, с.-1346-1358

ривожланиш механизмларини ҳисобга олиб, бажарилиши шарт бўлган талаблар асосида рақамлаштирилган, замонавий комплекс тизимни шакллантиришни мақсад қилади. Рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича келтирилган тадбирлар амалга оширилган ҳолатда корхона маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни учун ривожланишнинг минимум даражаси қандай кўринишда бўлиши мумкин. Минумум ҳолат деганда, яратилган имкониятлардан умумий, яъни оммага хос фойдаланишни тушуниш мумкин. Бунда асосан қуйидаги жиҳатга эътибор қаратиш лозим, яъни соҳавий тезкор ахборот олиш ва алмашиниш майдонининг мавжудлиги. Бу соҳада табиий равишда реклама бозорини кучайтиради, тажриба орттириш ва алмашиниш, рақобатнинг кучайиши ҳисобига сифат ва миқдорий такомиллашувнинг вужудга келиши, маҳсулот етиштиришга таъсир этувчи айрим факторлар жорий ва келгуси ҳолати тўғрисида очиқ маълумотлардан фойдаланиш, билимлар базасининг шаклланиши ва кенгайишига сабаб бўлади.

Электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар давлат хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор қўлайликлар яратади. Провардида вақт ва маблағ тежалиши, турли хил бюракратик тўсиқларнинг йўқ бўлиши ва бошқаларга эришилади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар таннархини камайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш тизимини ташкил этиш – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ устувор йўналишларидан биридир.

Рақамли технологиялар асосида бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этган кўпгина корхоналар, ишлаб чиқарувчиларнинг статистик маълумотларига таянилганда, ушбу таҳлил натижалари келтирилган. Бошқаришнинг замонавий янги усули ва рақамли технология факторининг иқтисодий ўсишга фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ҳолати бўйича таъсири бир неча вариантларда келтирилган. Бунда икки фактордан фойдаланмаслик вариантида ишлаб чиқарувчи рақобатчиларига нисбатан иқтисодий ўсиш даражаси 24% га камайгани келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал.

Ишлаб чиқарувчининг рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича самарадаорлик кўрсаткичи (%)[1]

Вариант	Технология	Янги бошқариш усули	Фойда
1	-	-	-24%
2	-	+	+9%
3	+	-	+11%
4	+	+	+26%

[1] Электрон манба: https://sloanreview.mit.edu/projects/strategy-drives-digital-transformation

Рақамли технологиялаштириш янги бошқариш усулидан фойдаланишга нисбатан 2% юқори самара бериши, ҳар икки ҳолатда ҳам у ёки бу факторнинг тадбиқ этилиши самарали эканлиги исботланади. Бу жараёнда энг катта самара уларнинг биргаликда қўлланилиши бўлиб, у ишлаб чиқарувчига 26% лик иқтисодий ўсишини таъминлайди.[1] Агар буни Қашқадарё вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, корхоналарни ривожлантиришнинг техник-иқтисодий босқичларига кўра меҳнатни ва хом ашёни тежаш муаммолари энг катта характерда кўринмайди, балки мавжуд хом ашёлардан самарали фойдаланишнинг бошқа омилларига эътиборнинг кўп қаратилаётганлини кузатиш мумкин. Масалан, тизимлаштириш жараёни. Аслида тизимлаштириш жараёнини рақамли технологиялар ёрдамисиз ташкил этиб бўлмайди. Демак, вилоятда "Ақилли" корхона лойиҳасини жорий этиш билан ечим топиш мумкин. Бунинг учун соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали эришилади.

"Ақилли" корхона технологияларига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Internet of Things – IoT (Интернетдаги нарсалар) - бу турли хил "ақлли қурилмалар" ёрдамида бошқариш жараёнларини автоматик автоматлаштириш катта ҳажмдаги маълумот алмашиш тизимидир. IoT технологиясини корхоналарга қўллаш соҳаларига ресурсларни бошқариш, маҳсулотларни сақлаш, транспортини бошқариш ва бошқалар киради.

Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирларнинг корхона маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнидаги минумим самарадорлигини баҳолаш учун қуйидагиларга эътибор қаратамиз.

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини иккига, дастлабки ва иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ажратамиз. Рақамли трансформациянинг аҳамиятлилик жиҳатларидан бири, фақат ҳомашё етиштириш ва унинг экспортини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш эмас, балки иккиламчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам қўллаб-қувватлашдир. Айтайлик, рақамли технологиялар тадбиқ этилиши билан корхона маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди, меҳнат унумдорлигига эришилди. Бунинг иккинчи томони ҳам борки, яъни бўшатилган меҳнат ресурсларини мақсадли йўналтириш масаласи пайдо бўлади.

[1] MIT Sloan Management Review, Strategy, Not Technology, Drives Digital Transformation– Becoming a Digitally Mature Enterprise. – 2015

Н.Т.Махкамов – СамИСИ докторанти

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ УСУЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация: мазкур мақолада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежментни учинчи ренессансни шакллантириш шароитида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда сифат менежменти усулларининг қўлланилиши ўрганилган.

Калит сўзлар: сифат менежменти, нарх ва сифат уйғунлиги, учинчи ренессанс, рақобатбардошлик, сифатни бошқариш тизими, меҳнат сифати, инсон капитали сифати, иқтисодий ислоҳотлар

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования менеджмента развитием и повышения эффективности производства и услуг в условиях становления третьего ренессанса. Изучено применение методов менеджмента качества в повышении конкурентоспособности производителей и предприятий сферы услуг.

Ключевые слова: менеджмент качества, сочетание цены и качества, третий ренессанс, конкурентоспособность, система менеджмента качества, качество труда, качество человеческого капитала, экономические реформы

Abstract: This article discusses the issues of improving management development and increasing the efficiency of production and services in the context of the formation of the third renaissance. The application of quality management methods in increasing the competitiveness of manufacturers and service enterprises has been studied.

Keywords: quality management, combination of price and quality, third renaissance, competitiveness, quality management system, labor quality, human capital quality, economic reforms

Рақобат тобора ўсиб бораётган даврда маҳсулот, хизмат сифатига алоҳида эътибор қаратиш, нарх ва сифат уйғунлигини таъминлаш каби иқтисодий омиллар муҳим кўрсаткичлар даражасига кўтарилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш рақобатбардошлигини оширишда сифат даражасини таъминлашга қаратилган қатор иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сифат менежментини амалиётга кенг жорий қилишга қаратилган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.[1]. Ушбу ислоҳотлар хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда сифат менежментини учинчи ренессансни шакллантириш шароитида такомиллаштириш масалаларини ўртага чиқармоқда.

Сифатнинг ўзи – ишлаб чиқарувчининг бозордаги муваффақиятининг ҳал қилувчи омилларидан бири, маҳсулот ва уни ишлаб чиқарувчи корхона рақобатбардошлигининг етакчи омили.

Вақт шуни кўрсатдики, маҳсулот сифатини барқарор яхшилашга бир марталик тадбирлар орқали эришиб бўлмайди. Фақат техник, ташкилий,

иқтисодий ва ижтимоий тадбирларни амалга оширишга илмий асосда тизимли ёндашувгина маҳсулот сифатини тез ва доимий равишда такомиллаштира олади. [2]

Маҳсулот ва хизматлар сифатини оширишда, албатта, ходимлар малакаси ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Ходимлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳам натижада маҳсулот ва хизматлар сифатининг ошиши ва корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Замонавий менежментнинг энг асосий функцияларидан ҳисобланган мотивациянинг ҳам бу ўринда аҳамияти катта, албатта. Мотивация орқали ходимларни яхшироқ ишлашга, ўзининг бор имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиш орқали меҳнат сифатини оширишга ундаш, ходимдан олинадиган наф ва унинг корхонага келтирадиган фойдасини оширишга хизмат қилади.

Инсон капитали сифатини ошириш, малакали ва етук мутахассислар тайѐрлаш, мунтазам равишда кадрлар малакасини ошириб бориш, замонавий билимлар ва технологияларни ходимларга ўргатиб борилишини ташкил этиш, мутахассисларни бозор талаблари асосида тайѐрлаш ва бошқа шу каби жараѐнлар пировард натижада, албатта умумий ривожланишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. [3]

Масалага кенгроқ ѐндашадиган бўлсак, турли соҳа ва тармоқларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини тубдан такомиллаштириш учун кадрларни тайёрлаш тизими сифатини янада яхшилаш ва соҳаларга зарурий замонавий билим ва тажрибага эга мутахассисларни етказиб бериш республика иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш зарур. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилиши даркор. [4]

Шунингдек, турли соҳа ва ҳудудларнинг ривожланиши бевосита ёки билвосита бир-бири билан чамбарчас боғланган. Баъзи соҳаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, унга хом-ашё етказиб берувчи ёки фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа соҳанинг ривожи таъсир кўрсатади. Барча тармоқ ва ҳудудларнинг ўзаро алоқаларини

мустаҳкамлаш ва тизимли ёндашувни қўллаш орқали уларнинг параллел, мутаносиб ривожланишини таъминлаш мумкин. [5]

Таклиф ва тавсиялар. Ўзбекистон учинчи ренессансни шакллантиришдек муҳим даврга кираётган бир пайтда бошқа соҳалар каби ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда менежмент, хусусан, сифат менежментини такомиллаштириш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида охирги йиллар давомида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, албатта. Шу билан бирга корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, кўрсатаётган хизматлар сифатини ошириш талаби тобора ошиб бормоқда.

Нафақат жаҳон бозори, балки Республиканинг ички бозори ҳам маҳсулот ва хизматларга нисбатан янги сифат талабларини қўймоқда. Натижада айрим товарларни талаб қилинган сифат даражасида ишлаб чиқариш, харид имкониятларидан юқорироқ таннархларга эга бўлмоқда.

Демак, сифатни оширган ҳолда таннархни камайтириш чоралари хусусида чуқурроқ изланиш, замонавий, тежамкор технологияларни қўллаш, илм-фан натижаларини жорий қилиш долзарблиги ошмоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириш бевосита ишчи-хизматчиларнинг касбий малакаси ва компетенциялари билан узвий боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, соҳаларда рақобатбардошликни ошириш учун ходимлар малакасини мунтазам ошириб бориш талаб этилади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, таклиф этилаётган хизмат сифати даражасини белгилаш учун потенциал бозорнинг талабларини доимий ўрганиб бориш ҳам сифат ва нарх уйғунлигига эришиш, корхона рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.standart.uz/cyrl/page/view?id=40
2. В.И.Кожухов. Система менеджмента качества как фактор стабильного обеспечения конкурентоспособности предприятия, https://cyberleninka.ru/article/n/sistema-menedzhmenta-kachestva-kak-faktor-stabilnogo-obespecheniya-konkurentosposobnosti-predpriyatiya/viewer
3. Н.Т.Махкамов, Натижавий бошқарув давлат ривожланишининг асосий омили сифатида. Academic Research in Educational Sciences, *2*(10) 2021,607-614. https://ares.uz/jurnallar-sahifasi/ares-vol-2-no-10-2021
4. Н.Т.Махкамов, The relevance of the management system and the integration of education. Республика “Фан, таълим ва амалиёт интеграцияси” илмий-методик журнали, 02(02)(2021), 34-45. Retrieved from https://bilig.academiascience.org/index.php/isepsmj/article/view/51
5. Н.Т.Махкамов, The relevance of the application of structural management. in Uzbekistan, Special Issue on Application of Science and Technological Advancements for Sustainable Development, Novateur Publication India’s JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, ISSN: 2581-4230, 26th Dec. 2020, 40-46 б.

М.А.Машарипова – PhD, доцент экономического факультета УрГУ
М.А. Сапарова– студентка экономического факультета УрГУ

РАЗВИТИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МАРКЕТИНГА В СФЕРЕ УСЛУГ

Аннотация. В статье рассмотрена сущность маркетинга в сфере услуг. Показано основное влияние маркетинга на данную сферу, а также обоснована необходимость использования маркетинговых инструментов. Показаны основные направления использования маркетинга, как инструмента для продвижения, в сфере услуг.

Ключевые слова: маркетинг, сфера услуг, производства, рынок услуг, маркетинг в сфере услуг

Аннотация. Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳасидаги маркетингнинг моҳияти ёритиб берилади. Маркетингнинг бу соҳага асосий таъсири ҳамда маркетинг воситаларидан фойдаланиш зарурлиги тадқиқ этилган.Хизмат кўрсатиш соҳасида рағбатлантириш воситаси сифатида маркетингдан фойдаланишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар:маркетинг ,хизматлар сохаси,ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бозори, хизмат кўрсатиш соҳасида маркетинг.

Abstract. The article examines the essence of marketing in the service sector. The main influence of marketing on this sphere is shown, as well as the necessity of using marketing tools is justified. The main directions of using marketing as a tool for promotion in the service sector are shown.

Keywords: marketing, service sector, production, service market, marketing in the service sector

Характерной особенностью развития современной цивилизации является превращение сферы услуг в доминирующий сектор экономики. По данным Всемирного банка, в настоящее время доля сектора в валовом внутреннем продукте развитых стран составляет 74%, в общей численности занятых 70-75% и в общем количестве предприятий 90-95%. Уровень развития сферы услуг стал определяющим фактором обеспечения высокого качества жизни населения и ускорения темпов экономического роста.[1]

Сфера услуг очень разнообразна.Сегодня сфера услуг один из быстроразвивающихся рынков в международной торговле.Поэтому необходимо следить за особенностями рынка и современными тенденциями и маркетинговыми трендами, чтобы работа организации была эффективной.

Маркетинг в сфере услуг-совокупный, универсальный механизм для управления организацией, изменяющийся очень быстро под влиянием внешних факторов и откликающийся на желания потребителей.[2] Роль маркетинга в сфере услуг очень высока, так как он является неотъемлемой частью развития организации в сфере услуг. Современное общество и переизбыток рынка различными видами услуг доминируют над

[1] https://review.uz/post/sfera-uslug-v-napravleniyax-sovershenstvovaniya
[2] Новаторов Э.В., Маркетинг услуг: теория и технология, Санкт-Петербург, 2015, с. 18-19.

классической моделью управления организацией, которая не включает в себя маркетинговый подход. Даже услуга высокого качества не сможет привлечь большое количество потребителей без маркетинга. Для того чтобы быть конкурентоспособным необходимо использовать маркетинговые инструменты.

В настоящее время маркетинг в сфере услуг играет ключевую роль в развитии не только организации, но и рыночной экономики. Маркетинг в сфере услуг ориентируется на две задачи: максимизация прибыли организации и удовлетворение спроса потребителей. Маркетинг в сфере услуг гибкий и подстраивается под современные тенденции. Маркетинг в сфере услуг выполняет некоторые функции: исследование и анализ рынка, оптимизация ассортимента услуг, стимулирование сбыта, формирование спроса, разработка ценообразования. Так же основной целью маркетинга в сфере услуг является сопровождение клиента от оценки услуги до её приобретения, а также стимулирование потребителя к повторной покупке.

В связи с этим направленность на удовлетворение социальных потребностей – одна из особенностей маркетинга в сфере услуг. Для того чтобы удовлетворить социальную потребность не нужно проходить все стадии товара, такие как хранение и транспортировка. Услуга предоставляется здесь и сейчас, поэтому необходимо качественно исполнять услугу. Хорошо исполненная услуга – залог положительной репутации организации. При выполнении услуги удовлетворяются человеческие потребности, повышается эмоциональный фон потребителя, от его эмоциональной характеристики зависит повторная покупка, а также приведение новых клиентов. Отсюда вытекает основная цель маркетинга в сфере услуг- помощь потребителю в оценке организации и исполнении услуги.

А так же необходима отметить что принципы маркетинга в сфере услуг такие же, как и в традиционном маркетинге, только существуют некоторые особенности, влияющие на характер деятельности маркетинга. К этим принципам относится:

-влияние социального фактора;
-комплексный подход;
-производство товара, ориентированного на потребительский спрос и решающего проблемы потребителей;
-ориентация на достижение максимально положительной реализации услуги и захват доли рынка;
-интеграция с активно изменяющимся спросом;
-создание условий для долгосрочной работы с использованием инновационных технологий;
-учет внешних факторов, воздействующих на рынок.

На рынке услуг усиливается действие принципа адекватности меняющегося спроса и способов производства и реализации продукта. Это обусловлено, во-первых, динамичность спроса на услуги вследствие развития социальных потребностей и изменения платежеспособности, а

во-вторых, – особой значимостью показателей удовлетворения спроса

Кроме того маркетинговая деятельность в сфере услуг строится в соответствии с принципами гибкости, комплексности и адаптивности, предлагаемыми системой маркетинг-микс. Она реализует всю совокупность функций, присущих маркетингу , исследование рынка, координация проектирования и производства услуг, оптимизация ассортиментного ряда и распределение услуг, разработка ценовой политики, формирование спроса и стимулирование сбыта услуг и другие.

Также современный маркетинг услуг это не просто одна из функций бизнеса, он предназначен для создания такой комбинации услуги, которая действительно представляет для клиента требуемую ценность, создает мотивацию для ее приобретения и удовлетворяет его истинные потребности.

В связи выше изложенных маркетинг услуг можно охарактеризовать как комплексную, программную деятельность на рынке услуг, интегрирующую в себе процесс создания и производства товара-услуги, а также доведения ее до потребителя на основе изучения потенциального и реального спроса потребителей и конкретных рыночных условий.

В качестве заключения хотелось бы отметить, что дать краткую характеристику такой системе, как маркетинг в сфере услуг не представляется возможным ввиду того, что она настолько многогранна, насколько сегодня развиваются отрасли народного хозяйства, но следует сформулировать некие выводы, касающиеся маркетинга в сфере услуг. Во-первых, развитие основных видов услуг имеет существенные особенности, в-вторых, тенденции развития сферы услуг в нашем государстве должны коррелировать с общими тенденциями в мире, что можно считать стратегической задачей в данном направлении на предстоящий период.

Ф. К. Ачилова– Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали катта ўқитувчиси

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА “DIGITAL COMMUNAL” МОБИЛЬ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақола уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда мобиль иловаларнинг афзалликлари, қўллашнинг усул ва технологиялари, иқтисодий самарадорлиги, моҳияти ва вазифалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, уй-жой коммунал, хизмат кўрсатиш, бошқариш, рақамлаштириш, замонавий технологиялар, самарадорлик.

Аннотация: В данной статье представлена информация о преимуществах, методах и технологиях применения, экономической эффективности, сущности и задачах мобильных приложений при оцифровке управления жилищно-коммунальным хозяйством.

Ключевые слова: информационные технологии, ЖКХ, сервис, менеджмент, оцифровка, современные технологии, эффективность.

Abstract: This article presents information about the advantages, methods and technologies of application, economic efficiency, the essence and objectives of mobile applications in the digitization of housing and communal services management.

Keywords: information technologies, housing and communal services, service, management, digitization, modern technologies, efficiency.

Кириш. Бугунги кунда ҳар бир соҳада хизмат кўрсатишда мобил иловалардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Мобил иловалар фойдаланувчилар учун ҳар томонлама қулай бўлиб, дастурларнинг содда интерфейсга эгалиги, мобил қурилмадан фойдланиш, ҳажм жиҳатдан ҳам ихчамлиги, олиб юриш учун қулайлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Мобил иловалар масаланинг берилиши бўйича турларга ажратиш мумкин: интерактив иловалар, ўйинли иловалар, таълимга оид иловалар, маълумот берувчи иловлар, веб сайтлар иловалари, таржимон иловалар, қурилмаларни бошқарувчи, тизимни бошқарувчи, маълумот алмашинувчи иловлар ва ҳакоза.

Асосий қисм. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштириш масалалари бўйича бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Соҳада платформалар, биллинг тизимлари, веб сайтлар, маълумотлар базалари, мобиль иловалар кабилар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётда жорий этилмоқда. Мақсад аҳоли фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини ошириш, иқтисодий тежамкорликка эришиш, ортиқча харажатларни камайтириш, кўп вақт сарфлашни олдини олиш, масофани қисқарши кабилардан иборат. Инсон қадри учун, инсон манфаатлари учун хизмат кўрсатиш кўрсаткичларини янада ошириш, ортиқча сарсонгарчиликларни олидини олиш, соҳада электрон хужжат алмашинувини янада кенгайтириш энг муҳим масалалардандир.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда “Digital Communal” мобиль иловасини жорий этилиши аҳоли учун кўпгина қулайликларни яратиб беради. Мобил илованинг функционал имкониятлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, дастлаб мобил иловадан фойдаланишда ўзбек, рус ва инглиз тилларини танлаш учун махсус функционал тугмалар жойлашган бўлиб, фойдаланувчилар ўзларига керакли тилни танлайди.

Махсус бўлимлар, интерактив хизматлар, боғланиш контактлари, хабарномалар, коммунал тўловлар миқдорлари, онлайн ариза юбориш, сервис хизматлари каби менюлардан иборат.

Мобиль илова асосан Қашқдарё вилояти Шаҳрисабз тумани мисолида ишлаб чиқилган бўлиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш туман бўлими фаолиятини ўз ичига олади.

“Digital Communal” мобил иловасини ишлаб чиқишда қўйидаги вазифалар амалга оширилди:



1-расм. “Digital Communal” мобиль иловаси ташкилий тузилмаси.

1-жадвал.

Уй-жой коммунал хизмат таърифлари маълумотлар базасига киритиш мумкин бўлган маълумотлар

т/р	Уй-жой коммунал хизмат таърифлари	Ҳисоблагич	Ҳисоблагичсиз
1	Электр энергия	295	норма
2	Совуқ сув	400	норма
3	Иссиқ сув	5242	норма
4	Газ	380	норма
5	Чиқинди	4500	-
6	Канализация	350	норма

1. Соҳага оид адабиётлар ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди;
2. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига оид маълумотлар базаси шакллантирилди;
3. Мобил илованинг дизайни учун график маълумотлар ишлаб чиқилди;
4. Дастурий таъминот қисми ишлаб чиқилди;
5. Мобил илова учун маълумотлар киритилди;
6. Керакли маълумотни қидириб топиш учун қидирув функцияси ишлаб чиқилди;
7. Мобил илова учун иконка ва титул ишлаб чиқилди.

Анъанавий коммунал хизмат кўрсатишга қараганда, мобил иловали хизматлар кўп фойдаланувчиларга эга бўлади, яъни бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчилар турли масофалардан, ўзларига қулай бўлган вақтларда фойдаланиш мумкин. Онлайн режимда мобил иловаларни юклаб олишнинг осонлиги, офлайн режимда мобил қурилмалардаги махсус маълумот алмашиниш дастурлари ёрдамида маълумотни юклаб олиш имкониятларининг мавжудлиги ҳам эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Мобил иловалардаги маълумотларини қайта ишлаш, ўзгартириш киритиш, маълумотларни янгилаш каби амалларни бажариш кўп вақт ва ортиқча харажат талаб этмайди ҳамда мобил илованинг янгиланган варианти автоматик равишда тизимда ҳам, фойдаланувчилар мобил қурилмаларида ҳам янгиланади.



2-расм. “Digital Communal” мобиль иловасининг фойдаланувчи интерфейси.

Хулоса ва таклифлар. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш соҳа бошқаруви ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шаффофлиги рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ. “Digital Communal” мобиль иловаси ёрдамида ариза ва мурожаатларни иложи борича тезроқ қабул қилиш ва қайта ишлаш, ресурслар истеъмолини ҳисобга олиш, ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича ишлаш, хизматларни тақдим этиш ва аҳолини

хабардор қилиш имконини беради. Мобиль иловадан фойдаланиш қулай бўлганлиги, смартфонимизни доимий ёнимизда бўлиши, ишда ҳам, уйда ҳам олиб юришда қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Соҳа бошқаруви билан аҳоли ўртасида дунёнинг исталган нуқтасидан алоқа мавжуд бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. Т: «Aloqachi», 2017.
[2] Jaroslav Pokorny, Vaclav Repa “Information Systems Development. Business Systems and Services: Modeling and Development”. 2011.
[3] С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Дарслик, Тошкент, 2000.
[4] А.Алексеев, Введение в Web-дизайн. Учебное пособие. – М.: ДМК Пресс, 2019.

М.Ш.Ахмедов – Наманган муҳандислик-технология институти таянч докторанти

КОРХОНАЛАРДА ХОДИМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ АСОСИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада ходимларни рағбатлантиришнинг самарали ташкил этиш йўллари ёритилган.

Калит сўзлар: ходим, ходимлар мотивацияси, инновация, менежмент, менежер, ходимлар иштиёқи, лидерлик, ишонч.

Аннотация. В статье описаны способы эффективной организации мотивации сотрудников.

Ключевые слова: сотрудник, мотивация сотрудников, инновации, управление, менеджер, восторженность сотрудников, лидер, уверенность.

Abstract. The article describes ways to effectively organize the motivation of employees.

Keywords: employee, employee motivation, innovation, management, manager, employee enthusiasm, leader, confidence.

Республикамизда мустақилликдан сўнг амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугунги кунда барча соҳаларни ривож топаётганида ўз аксини топмоқда. Айниқса яқин 5 йил ичида бўлаётган ижобий ўзгаришларга барчамиз гувох бўлиб турибмиз. Президентимиз бошчиликларида амалга оширилаётган стратегик ва тактик ўзгаришлар барча соҳаларни қамраб олмоқда.

Сўнгги йилларда Давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликка берилган эркинликлар, имтиёзлар, тадбиркорларга ўз фаолиятини ривожлантиришга туртки бўлди. Ҳозирда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам тадбиркорлик жадал суратларда ривожланиб бормоқда. Шундай бўлсада энди ривож топишни бошлаган корхонада ходимларда турли муаммолар кўрина бошлади. Айниқса бу ходимлар билан муносабатда кўзга ташланмоқда. Тадбиркорда менежерлик

қобилиятини етишмаслиги бу борадаги муаммоларни янада катталаштирмоқда. Уларни тўғри хал этиш, ўринли рағбатлантириш ўз вақтида амалга оширилиши зарур.

Ходимларни рағбатлантириш тизимига ҳам бошқа тизимларда бўлгани каби инновацион ёндашув зарур. Президентимиз Ш.Мирзиёев айтганларидек, “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, иновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак...” [1]. Шундай экан персонални рағбатлантиришга ҳам инновацион ёндашув зарур.

Техника ва технология бир неча йил ўзгармасдан ишлари мумкин, лекин инсон бу қурилма эмас. Шунинг учун ҳам бир биридан фарқ қилади.

Қайси бир соҳани олманг, унинг ривожланишида инсон фактори асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Инсонга бўлган муносабат қаерда аъло даражада бўлса, шу ерда доимий ижобий мухит ва унинг асосида ривожланиш бўлади. Инсон омилига эътибор самарали мотивация орқали бўлади. Бир ишчининг мотивация даражаси пасайиб кетишига раҳбар асосий айбдор саналади. Агар бу муаммога вақтида эътибор берилмаса, худди у инсондаги кичик касаллик эътиборсизлик сабабли катта ўнглаб бўлмас ҳолатга олиб келгани каби вазиятга тушиб қолади. Бу эса корхонадаги ижобий муҳитни секин аста йўққа чиқаради. Аслида, мотивациянинг етишмаслиги ёмон ишлашга, мижозларга қониқарсиз хизмат кўрсатишга, даромаднинг пасайишига ва бренд обрўсининг секин аста йўқолишига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда биз барча тадбиркорларимизга бу борадаги муммоларни бартараф этиш, ходимларни ўринли мотивация қилиш бўйича умумжаҳон эътироф этган, илмий жиҳатдан тасдиқланган, ҳозирда муваффаққиятга эришиб келаётган корхоналар томонидан узлуксиз равишда қўллаб келинаётган қуйидаги рағбатлантириш йўлларини доимий қўллаб боришларини тавсия этамиз:

1. **Бизнесингизни ёқимли маконга айлантиринг**. Хеч ким ёқимсиз жойда мажбур бўлсада узоқ қолиб кетишни ҳоҳламайди. Бу борада аввало тозалик, иш жойини яхши ёритилганлигига алоҳида аҳамият беринг. Ишлашга қийинчилик туғдирадиган эски техникалардан корхонангизни тозаланг. Намангандаги хизмат кўрсатиш соҳасига кадрлар тайёрлайдиган коллежлардан бирида спорт фанлари бўйича ўқитувчи бўларди. 2010 йиллар оралиғида бу ўқитувчининг дарси 1.5 ставка бўлиб, яхшигина ойлик маош оларди, лекин унинг мотивация даражаси унинг ишлайдиган спорт зали ёқимсиз холатдалиги сабабли тушиб кетганди. Кун келдики спорт зали дастурга тушиб янгидан қуриб битказилди, янги спорт жихозлари олиб келинди. Бу ҳолат ўқитувчига жуда катта рағбат бўлди. Хаттоки 2014 йилдан коллежда ўқувчилар контингенти камайиб, бу

[1] Ўзбекистон Реиспубликаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабр, http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-o-22-12-2017.

ўқитувчининг дарс соати 0.75 ставкага тушиб қолганда ҳам ўқитувчидаги рағбати камаймади. Демак бундан кўринаки ёқимли макон ходим учун асосий мотивлардан бири.

2. **Филни бутунлигича эмас, балки кичик бўлакларга бўлиб истеъмол қилинг.** Фил бу – сизнинг стратегик мақсадингиздир. Бу мақсадингизни албатта сиз билан елкадош сифатида ходимлар амалга оширади. Мақсадларни режалаштириш ва белгилаш - ходимларни рағбатлантириш-нинг ажойиб усули, аммо агар бериладиган вазифа жуда катта бўлса, ходимларингиз ўзларини ҳаддан ташқари ноқулай хис эта бошлайди. Кичик мақсадлар ҳар бир ходимларингизни катта мақсадни амалга оширишга аста-секин яқинлаштиради. Сизни стратегик мақсадингиз ўзингизга ва ходимларингизга ҳам ёрқин кўринмайди. Хафталик мақсадлар, худди тунда машина чироқлари қисқа масофани ёритиб тургани каби ходимлар харакат йўлини ёритиб турадиган мотив бўлади.

3. **Ҳалол, адолатли ва қўллаб-қувватловчи менежер бўлинг.** Ходимларингиз билан ҳалол бўлиш рағбатлантиришнинг энг яхши усули ҳисобланади. Уларга катта қарорлар қабул қилишда иштирок этишларига имкон беринг. Агар улар катта режалар ҳақида билишса, улар сизнинг ҳалоллигингизни содиқлик ва ортиб бораётган мотивация билан ҳурмат қилишади. Яъни шаффофлик албатта бўлиши зарур. Нотўғри юритилган бошқарув ходимларни парокандалигига олиб келади. Нима учун пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) суннатлари доимий амалда, Темурийлар сулоласи нега узоқ давр хукмронлик қилди. Барчаси халол, адолатли, самимий бошқарув асосида.

4. **Ходимларни асосий иш ҳақи ва мукофотлаш тизимини самарали жорий қилинг.** Моддий рағбат ходимларни консентрациясини айнан сизнинг мақсадингизга ундайди. Вақтида берилган иш хақи ва мукофот энг яхши мотивлардан биридир. Бу борада ходимни эхтиёжи бўйича табақаларига ҳам алоҳида аҳамият беринг.

5. **Ходимлардаги ишонч содиқликни келтириб чиқаради**. Корхонангиз муваффақияти сизнинг ходимларингиз ишлаб чиқарадиган иш сифатига боғлиқ. Сиз ва бизнесингиз уларнинг ишига боғлиқлигини ва уларга бор кучини беришга ишонишингизни билдиринг. Уларнинг қобилиятларига ишончингиз юқори эканлигини кўрсатиш уларга ўзини жамоанинг бир қисми сифатида ҳис қилишига ёрдам беради ва корхонангизга содиқликни рағбатлантиради.

6. **Уларни иштиёқини ривожлантиринг.** Бу борада аввало ходимларни иштиёқини асосини ўрганиш лозим. Масалан, кўпчилик ходимларники моддий, кимдадир сиз билан хамкорлик, касбни севиш ва бошқалар. Бундан ташқари ходимни табиатида мавжуд қизиқишларини ўрганиб, шу орқали рағбат беришингиз унинг иштиёқини кескин оширади. Иштиёқ кимдадир физиологик, кимдадир карьера, лидерлик ёки мўмай даромад бўлиши мумкин.

7. **Мунтазам яккама-якка учрашувларни режалаштиринг.** Бу муам-

моларни ўрнида хал қилиш ва ходимлар билан яқинлик учун зарур. Бу ҳолатда улар билан эркин мулоқот қилинг, фақат фирмангиз муаммоларини эмас, унда мавжуд муаммоларни ҳам шу учрашувда ҳал этинг. Бу ҳолатда ходим ғамхўр раҳбарлигингиздан рағбат олади.

8. **Ютуқларни тан олинг ва нишонланг.** Умумий йиғилишда ёки жамоа билан овқат пайтидами уни мақтанг ва бу воқеани нишонлашга харакат қилинг. Бу яхшигина мотив беради.

9. **Ходимни иш, оила ва бошқа ижтимоий мувозанатини қадрланг.** Ҳаёт фақат ишдан иборат эмас. Қайсики раҳбар ходимига шундай муносабат қилса, ходимда мотивация бутунлай ўлади. Аксинча бу мувозанатни ушлашга ходимга ёрдам берсангиз, сиз ходимингиз учун қадрли инсонга айланасиз.

10. **Ходимларнинг ғояларини тингланг.** Ҳозирги кунда бизда энг кам эътибор берилаётган жиҳатлардан биридир. Янги ғояни ташқаридан эмас, балки ўз ходимларингиздан изланг. Чунки сизнинг корхонангиз ишини шу ходимлар яхши билади.

11. **Корхонангизнинг лидери бўлинг.** Сизда лидерликнинг барча фазилатлари мавжуд бўлса, ходимлар бундан яхшигина рағбат олади.

12. **Мослашувчан режалаштиришни таклиф қилинг.** Ходимларни қайсидир турлари вазифаларини уйда бажариш имконияти бўлса ва у шуни ҳоҳласа унга бу имконни беринг. Уйда туриб ишлаш имкониятими ёки мослашувчан вақтми, агар сиз илғор иш берувчи сифатида қарашни ва юқори истеъдодларни жалб қилишни истасангиз, турли режалаштириш вариантларини таклиф қилинг.

13. **Иш жойида овқат таклиф қилинг.** Айтганимиздек инсоннинг табиати, организми иш фаолияти бир хил эмас. Ахир, ҳеч ким оч қолганда яхши ишламайди. Бу жуда оддий кўринади, лекин баъзида одамларни хурсанд қилиш учун қилиш керак бўлган ягона нарса уларни овқатлантиришдир. Бу эса яхшигина мотиватор вазифасини бажаради.

Албатта бу каби умумжаҳон эътироф этган тавияларга амал қилиш ҳар бир тадбиркорнинг фаолияти самарадорлигининг асосий калити бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сонли қарори.
2. Abdurahmonov Q.X., Xolmo‘minov SH.R., Zokirova N.Q. Personalni boshqarish: Darslik. -T.: Sharq, 2008
3. Кибанов А.Я. и др. Управление персоналом: теория и практика. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности: учебно-практическое пособие. – М.: Проспект, 2013 – 64 с
4. https://www.cliffsnotes.com/study-guides/principles-of-management/motivating-and-rewarding-employees/motivation-strategies
5. https://www.indeed.com/career-advice/career-development/self-motivation-in-the-workplace

Д.Р.Махмудова – СамИСИ таянч докторанти

КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТИЗИМИ

Аннотация: Мақолада кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизими хусусида сўз юритилган бўлиб, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараён таҳлил қилинган. Соҳани рақамли иқтисодиёт шароитида ривожлантиришда хориж тажрибасининг аҳамияти ўрганилган. Мавзу юзасидан амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, рақамли иқтисодиёт, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий ва инновацион ёндашувлари.

Аннотация: В статье рассматривается система государственного регулирования и меры поддержки по совершенствованию управления малым бизнесом, анализируются экономические, социальные и политические процессы. Изучено значение зарубежного опыта развития отрасли в условиях цифровой экономики. Разработаны практические предложения и рекомендации по теме.

Ключевые слова: малый бизнес, цифровая экономика, традиционный и инновационный подходы к оценке эффективности государственной поддержки.

Abstract: The article discusses the system of state regulation and support measures to improve the management of small business, analyzes the economic, social and political process. The importance of foreign experience in the development of the industry in the digital economy has been studied. Practical suggestions and recommendations on the topic have been developed.

Keywords: small business, digital economy, traditional and innovative approaches to evaluating the effectiveness of government support.

Кириш. Мамлакатимизнинг мустақиллик давридан бошлаб кичик бизнесни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналишларидан бирига, иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилига айланди. Иқтисодиётимизни либераллаштириш, модернизациялаш, диверсификация-лаш ва унинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлашда кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти тобора кучайиб бормоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли мавжуд бўлмаган бўлсада, давлатнинг бу соҳада яратаётган имкониятлари ва ҳаётга тадбиқ этаётган оқилона сиёсати натижасида ҳозирги кунга келиб тадбиркорлик субъектларининг 90 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, мамлакат жами аҳолисининг 5 миллиондан кўпроғи шу соҳада банд ва унинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади.

Иқтисодиётнинг ўсиши, бюджетнинг даромади, аҳоли фаровонлиги лўнда қилиб айтганда, мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан тадбиркорлар ва тадбиркорликнинг дастлабки бўғини бўлган кичик бизнесга боғлиқ.

Айниқса, рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнес

бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаши стратегик сиёсатининг долзарб вазифалардан бирига айланди. Бу борада Президент Ш.Мирзиёевнинг ўз нутқида [1] “Биз қанча маблағ берганимиз, шарт-шароит яратганимиз билан раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркорлар билан янгича ишламасак натижа бўлмайди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватламасак, шароит яратмасак, кўпайтирмасак маҳаллий бюджет, ишчи ўринлари, ЯИМ ва барқарор ўсиш бўлмайди” деган сўзлари фикримизнинг исботидир.

Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизими негизида бир катор қонун ва қонун ости ҳужжатлар[2] ўз самарасини бериб, соҳанинг янада ривожланишига сабаб бўлди. ЯИМ ҳажмини 2030 йилга бориб 2 баробарга кўпайтириш мақсадини амалга оширишда ҳам кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш марказий ўринга чиқди. Шуниси диққатга сазоворки, охирги уч йилда солиқлар тури 16 тадан 9 тага қисқартилилди ва 5 йил ичида мамлакатимизда ёш тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, уларнинг сони 500 мингдан ошди.

Тадбиркорлдик субъектларига берилаётган имтиёз ва қулайликларга қарамасдан, соҳада ечилиши зарур бўлган муаммолар кўп. Хўш, тадбиркорликни ривожлантиришда қандай тўсиқ ва муаммолар мавжуд?

Бугунги кунга қадар энг долзарб муаммоларни тизимлаштириб, уларни ҳал этишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди[3]. Бу йўналишлар жумласига қуйидагилар киради: Бизнесни молиялаштириш ва молия кредит масалалари; солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш; тадбиркорларга ер ажратиш; бизнес учун зарур бўлган инфратузилма муаммолари; экспортиёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни экспорт фаолиятига кенг жалб этиш; ҳудудлараро савдо ва кооперация

[1] Ш.М.Мирзиёевнинг Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш видеоселлектор йиғилишидаги нутқидан 8.04.2021 й.

[2] Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги 207-XII-сон Қонуни. 15.02.1991.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-789-сон Фармони. 15.03.1994.; Ўзбекис-тон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги 229-XII-сон Қонуни. 15.02.1991.; «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги 59-I-сон Қонуни. 21.12.1995.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октабрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 феврал ойидаги “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қкватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6208 сон Фармони;

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувида сўзлаган нутқи. *20.08.2021 йил.*

алоқаларини боғлашда транспорт-логистика масалалари; тадбиркорлик фаолиятига аралашувларни қисқартириш, соҳадаги тартиб-тамоилларни соддалаштириш, хусусий мулк дахлсизлиги кабилар. Рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнеснинг яшовчанлик цикли, рақобатбардошлигини оширишда ва бошқарувини такомиллаштиришда ҳам аввало, ана шу муаммолар юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Асосий қисм. Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизми бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган[1]. "Давлатнинг иқтисодиётда содир бўлаётган жараёнларга таъсирини камайтириш, яъни бунда давлат назорати механизмларини такомиллаштириш орқали рухсат бериш тартиб-тамоилларига оид айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш; давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларнинг ташкил этилишини чеклаш; маҳаллий маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, мамлакатнинг инвестицион ва туристик жозибадорлигини ошириш; илғор ғоя, ноу-хаулар яратиш ва "ақлли" технологияларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иқтисодиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш" каби тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги келтирилган.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни хар томонлама қўллаб-қувватлашнинг пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий-иқтисодий муҳитининг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бу ислоҳотлар натижасида, умумий ҳисоб-китобларга кўра ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари жами корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил этиб, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда[2]. Бундай ҳолат эса давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмининг тўлақонли ривожланганлигини англатади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг кенг кўлламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари[3]

Асосий хусусиятлар	Асосий хусусиятларнинг қайси давлатларга хос эканлиги
Янги маҳсулот ва технологияларни ишлаб чиқариш харажатларини 50 фоизгача тўғридан-тўғри молиялаштиради (субсидиялар, заёмлар)	Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлар
Фоизсиз ссудалар тақдим этилади	Швейция

[1] Сатторқулов О.Т., Мухамадиев Т.Ж., Исроилова У.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари. Молодой учёный. 2020.- №9 С. 215-217. https://moluch.ru/archive/299/67475/

[2] Холикулов А.Н. Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш. Монография. Самарқанд 2020.

[3] Ғойибназаров Б.К., Рахмонов Ҳ.Ў. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили". Т: Фан. 2011-184 б.

Дотациялар берилади, кичик бизнесга кредитлар ажратишда венчур фондларидан самарали фойдаланилади	Амалда барча ривожланган мамлакатлар
Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида венчур молиялаштириш фондлари ташкил этилади	АҚШ, Англия, Германия, Франция, Швейцария, Нидерландия
Якка тартибдаги кашфиётчилар учун давлат божлари пасайтирилади	Австрия, Германия,АҚШ, Япония
Кашфиётлар энергияни тежашига қаратилган бўлса, давлат бошларини тўлашдан озод этилади	Австрия
Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича патентлар олишда божлардан озод этилади.	Нидерландия, Германия, Япония
Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар солиққа тортишдан озод этилади, солиқлар фақатгина экспорт қилишда солинади	Хитой
Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш (бозорга чиқишда, шериклар топишда, ахборот билан текин таъминлашда, имтиёзли нархда ижарага бино ва иншоотлар, керакли асбоб-ускуналар тақдим этиш)га алоҳида эътибор қаратилади	Буюк Британия, Италия
Тадбиркорларга фаолиятининг дастлабки икки йилида фоизсиз кредитлар берилади, кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади	Германия
Кичик бизнеснинг суғурта қилинмаган зарарларини қоплаш учун ёрдам пули берилади. Ёрдам пули инновацияларнинг хавфли лойиҳаларини қоплайди. Давлат банк кредитларини олишда кафил сифатида қатнашади.	АҚШ

Жадвални таҳлили шуни кўрсатдики, кичик бизнесни инновацион такомиллаштириш масаласи иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бундан анча йиллар олдин стратегик вазифа сифатида мақсад қилинган ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини тобора ошириб бормоқда. Айниқса, ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида бу сектор давлатнинг оқилона сиёсати ва кўмагига муҳтож бўлиб, унинг инновацион фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш муҳим вазифалардан эканлигини хориж тажрибаси яққол исботлайди.

Умуман олганда, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолашнинг хорижий усуллари иккита ёндашув билан тавсифланади. Булар, анъанавий ёндашув ва инновацион ёндашув. Анъанавий ёндашувда миқдорий-харажатли мақсадларга эришишга эътибор қаратилса, инновацион ёндашувда эса асосий эътибор сифатли ва самарали жараёнга қаратилади[1]. Демак, самарадорликни баҳолашнинг хорижий усулларидан инновацион ёндашув ҳозирги кунда иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатларда қўлланилиб келаётганлигини юқоридаги жадвал маълумотларида кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизимининг ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида самарали ишлашида аввало хориж тажрибасини амалиётга босқичма-босқич

[1] United Nations Economic Commissions for Europe: Leasing, Lessons of Experience, prepared for the Southeast European Cooperative Initiative, 2013.

жорий қилиниши нафақат соҳани ривожлантиради, балки жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширади. Юқорида келтирилган хориж тажрибасини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

- Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- Янги фаолиятини бошламоқчи бўлган стартапларга ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик томонлама кўмак чора-тадбирларини амалга ошириш;
- Хориж амалиётида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда юқори самарадорлик кўрсатиб келаётган маслаҳат (консальтинг) марказлари фаолиятини мамлакатимизда изчил такомиллаштириш;
- Ҳар бир вилоятлар кесимида бизнес инкубатолрлар ташкил қилинишига эришиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёевнинг Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш видеоселлектор йиғилишидаги нутқидан 8.04.2021.
2. Сатторқулов О.Т., Мухамадиев Т.Ж., Исроилова У.А. Кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари. Молодой учёный. 2020.- №9 С. 215-217. https://moluch.ru/archive/299/67475/
3. Холикулов А.Н. Махмудова Д.Р. Иқтисодиётни стратегик ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш. Монография. Самарқанд 2020.
4. Ғойибназаров Б.К., Рахмонов Ҳ.Ў. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш омили”. Т: Фан. 2011-184 б.
5. United Nations Economic Commissions for Europe: Leasing, Lessons of Experience, prepared for the Southeast European Cooperative Initiative, 2013.

Ф. К. Ачилова– Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали катта ўқитувчиси

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақола уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда маълумотлар базасининг афзалликлари, усул ва технологиялари, иқтисодий самарадорлиги, моҳияти ва вазифалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

Калит сўзлар: маълумотлар базаси, уй-жой коммунал, хизмат кўрсатиш, бошқариш, рақамлаштириш, замонавий технологиялар, самарадорлик.

Аннотация: В данной статье изложена информация о преимуществах, методах и технологиях, экономической эффективности, сущности и задачах базы данных при оцифровке управления жилищно-коммунальным хозяйством.

Ключевые слова: база данных, ЖКХ, сервис, менеджмент, оцифровка, современные технологии, эффективность.

Abstract: This article presents information about the advantages, methods and technologies, economic efficiency, the nature and objectives of the database in the digitization of housing and communal services management.

Keywords: database, housing and communal services, service, management, digitization, modern technologies, efficiency.

Кириш. Бугунги кунда ҳар бир соҳада бошқарув жараёнларини рақамлаштириш, ахборот технологияларини тадбиқ этиш долзарб масалалардан биридир. Бошқарув жараёнларида ахборот технологияларининг жорий этилиши иш унумдорлигининг ўсишига, ортиқча харажатларнинг қисқаришига, вақтнинг ва ресурсларнинг тежалишига, сифатнинг ўсишига эришиш мумкин. Соҳа бошқарувида рақамлаштириш жараёнлари қисман тадбиқ этилган, аммо қониқарли даражада эмас ҳамда кенг қамровли ташкил этилмаган. Ҳозирга қадар аҳоли навбатга туриш, ортиқча вақт сарфлаш, ресурсларнинг исроф бўлиши каби муаммоларга дуч келмоқда.

Маълумотлар базаси энг муҳим параметрларидан биридир, чунки соҳада бир қанча турдаги маълумотларнинг базасини шакллантириш мумкин. Дастлаб, маълумотлар базаси тушунчасига тўхталиб ўтсак. Электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида қидириб топилиши ва қайта ишланиши мумкин бўлган тарзда тартибга солинган маълумотлар тўплами. Аниқ қоидалар асосида ташкил қилинган ва амалий дастурларга боғлиқ бўлмаган маълумотлар тўплами. Бу қоидалар маълумотларни таърифлаш, сақлаш ва жойининг ўзгаришига оид умумий тамойилларни назарда тутади. Маълумотлар базаси етарлича тўла, тўғри ташкил қилиниши, ҳозирги кунга доимо мос келиши ва фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим. Бу маълумотлар бир-бирига зид бўлмаслиги зарур. Маълумотларни таҳрирлаш, тўлатиш ва йўқотиб ташлаш, ҳамда уларни қидириб топиш ва саралаш маълумотлар базасини бошқариш тизими ёрдамида амалга оширилади. Маълумотлар базалари шахсий ва жамоавий фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Жамоа фойдаланадиган йирик маълумотлар базаси-ларни кузатиб боришни маълумотлар базасининг бошқарувчиси амалга оширади. Битта компьютерда жойлашган локал базалар ва бир-бири билан боғланган бир нечта компьютерларда тақсимланган базалар фарқланади.

Асосий қисм. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда маълумотлар базасини ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутади. Соҳага оид бир неча минглаб маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш, сўровлар яратиш, сўровларга жавоб олиш, маълумотларни қайта ишлаш, маълумотларни саралаш асосида керакли маълумотларни ажратиб олиш, сонли маълумотларни яхлитлаш, статиктик маълумотларни таҳлил қилиш кабиларни ўз ичига олади ҳамда соҳа ҳодимларининг маълумотлар билан ишлашда иш самарадорлигини ошишида имкон яратади.

Масалан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш Шаҳрисабз тумани бўлими мисолида оладиган бўлсак, бўлимнинг ташкилий тузилмаси, ишчи-ходимлари маълумотлари, жиҳозлари, киримлар ва чиқимлар,

мурожаатлар, аҳолига хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари, кунлик хисоботлар, кириш хатлар, чиқиш хатлари, аризаларни қабул қилиш ва уларга жавоб бериш каби маълумотлари базасини умумий бир катта базада жамлаш мумкин ва шу маълумотлар базаси ёрдамида соҳанинг рақамлаштирилишига эришиш мумкин.

Ҳар бир соҳада маълумотлар билан ишлашда тезкорлик, аниқлик, маълумотларнинг хавфсизлиги кабилар талаб этилади. Шу ўринда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам аҳоли учун кенг имкониятларни яратиб беришда маълумотлар базаси ўз ўрнида ортиқча қоғозларнинг исроф бўлишини, кўп вақт сарфланишини, соатлаб кутиш, сарсонгарчиликларни, сарф-харажатларнинг камайишига эришилади.

Маълумотлар базасини ишлаб чиқишда дастурий таъминотни танлаш имконияти мавжуд, бунда биз маълумотлар базалари билан ишловчи махсус дастурий воситалардан, амалий пакетлардан фойдаланишимиз мумкин. Access, DataBase, MySQL, SQL каби амалий дастурлари маълумотлар базасини ишлаб чиқишга мўлжалланган. Веб сайт, веб платформа, Windows илова ёки мобиль иловалар учун ҳам маълумотлар базаси ишлаб чиқилади ва ушбу маълумотлар базаси ёрдамида бошқарилади.



1-расм. MySQLда маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ойнаси.

Хулоса ва таклифлар. Демак, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда маълумотлар базасини ишлаб чиқишнинг алоҳида ўрни борлиги, бир қатор амалий натижаларни бериши, маълумотларни қабул қилиш, маълумотларни қайта юбориш, маълумотларга ишлов беришда самарадорликка эришиш мумкинлиги яққол кўриниб турибди. Асосан матнли ва сонли маълумотларга ишлов бериш кенг йўлга қўйилган, лекин соҳада тасвирли ва видео маълумотлар базасини шакллантиришда, уларга ишлов беришда етарли дастурий ва техник таъминот ҳамда етарли мутахассислар йўқлиги, катта

маълумотларни сақлашда катта хотирларни етарли эмаслиги долзарб муаммолардан биридир. Ушбу муаммоларни бартараф этишда BigData технологияларни жорий этиш бир қатор муаммоларни бартараф этади. Бундан ташқари умумий маълумот базаларига эга бўлган платформани жорий этилиши соҳанинг иш самарадорлигини оширишда ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1] Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы. Т: «Aloqachi», 2017.
[2] Jaroslav Pokorny, Vaclav Repa “Information Systems Development. Business Systems and Services: Modeling and Development”. 2011.
[3] С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов. Ахборот тизимлари ва технологиялари, Дарслик, Тошкент, 2000.
[4] А.Алексеев, Введение в Web-дизайн. Учебное пособие. – М.: ДМК Пресс, 2019.

Ш.У. Ташматов – СамИСИ ўқитувчиси,

ИНТЕРНЕТ-ДЎКОН ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ ВОСИТАЛАРИ

Аннотация: мақолада интернет-дўконнинг ҳаёт цикли босқичлари, ҳар бир босқичда қўлланиладиган ташкилий-бошқарув воситалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: интернет-дўкон, ташкилий-бошқарув воситалари, аутсорсинг, digital-каналлари, digital-маркетинг

Аннотация: В статье рассматриваются этапы жизненного цикла интернет-магазина, используемые на каждом этапе организационные и управленческие инструменты.

Ключевые слова: интернет-магазин, организационно-управленческие инструменты, аутсорсинг, цифровые каналы, цифровой маркетинг.

Annotation: The article discusses the stages of the life cycle of an online store, the organizational and management tools used at each stage.

Key words: online stores, organizational and managerial tools, outsourcing, digital channels, digital marketing.

Бозор хўжалиги субъекти бўлган интернет-дўкон хизматларини ривожлантиришнинг энг самарали ташкилий-бошқарув воситаларини шакллантириш учун илғор миллий ва чет эл инетернет-дўконларида қўлланиладиган асосий воситалар рўйҳатини тузиб чиқиш зарур. Интернет-дўкон ҳаёт циклини уч босқичга ажратиш мумкин: I босқич – интернет-дўкон концепциясининг пайдо бўлиши; II босқич – Интернет тармоғида интернет-дўконнинг фаолият кўрсатиши; III босқич – барқаро фаолият даври – интернет-дўкон хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув воситаларини доимий такомиллаштириш даври. Ушбу босқич шуни англатадики, интернет-дўкон бир кун келиб ўз мавқеини йўқота бошлайди. Натижада, ривожланишнинг янги даражасига кўтарилишга ёки фаолиятни тўхтатишга зарурият пайдо бўлади.

Босқичларнинг ҳар бирига ҳамда уларнинг воситаларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

I. Босқич – интернет-дўкон концепциясининг пайдо бўлиши. Ушбу босқичада интернет-дўкон концепцияси шаклланади, ташкилий тузилма, кўрсатиладиган хизматлар йўналиши ва таклиф этиладиган товар турлари белгилаб олинади, барча хужжатлар расмийлаштирилади, таъминотчилар аниқланади, етказиб бериш хизмати ташкиллаштирилади, сайт ишлаб чиқилади, товар ва хизматлар учун тўлов усуллари белгилаб олинади.

Ушбу босқичда хизматларни ривожлантиришнинг қуйидаги ташкилий-бошқарув воситалари қўлланилади:

1) Бошқарув ташкилий тузилмасини ривожлантириш воситалари. Корхона тузилмасини ташкилий моделлаштириш, ҳар бир ходимнинг штати ва компетенцияси аввало корхонанинг бизнес-моделига боғлиқ.

2) Персонални бошқариш воситалари. Аутсорсинг ҳолатида персонални бошқариш курьерлик хизмати раҳбари зиммасида бўлса, ўз курерлик хизматига эга бўлган интернет-дўконларда ишни ташкил қилиш интернет-дўкон раҳбари томонидан амалга оширилади.

3) Интернет-дўкон муваффақияти ва узоқ муддат ривожланиши билан боғлиқ бўлган яан бир муҳим масала – бу ишга тушгандан кейин тезкор сотувни амалга ошириш ҳисобланади. Тезкор сотувни таъминлаш учун интернет-дўконни ишга туширишдан олдин стратегик режалаштириш воситасидан фойдаланиш керак. Стратегик режани тузишда қуйидагилар аниқланади: сегмент рақобатдошлиги ва рақобатчиларнинг фаоллиги; трафикнинг ўз-ўзини қоплайдиган оптимал каналлари; устувор товарлар учун тарғиб қилишнинг асосий ҳудуди; бизнеснинг рақобат афзалликлари; интернет-дўконни тарғиб қилишга халақит берувчи омиллар; потенциал истеъмолчиларнинг асосий гуруҳлари.

Кейинчалик стратегик режани Lean Canvas, Value Proposition Canvas каби график воситалар ёрдамида ифодалаш мумкин.

II. Фаолият кўрсатиш босқичида интернет-дўкон хизматлрини ривожлантиришнинг барча воситаларидан тўғри фойдаланиш жуда муҳим, шунингдек, ҳамиша тескари алоқа мавжуд бўлиши керак.

1) Шу сабабдан интернет-дўкон хизматлари сифатини ошириш учун қуйидаги ташкилий воситалардан фойдаланилади: сайтни бошқаришнинг мураккаб бўлмаган воситалари; тескари алоқа воситалари тўлиқ ахборот олиш имконини бериши лозим; харидорлар томонидан ҳар бир товарни баҳолаш тизимини ташкил этиш ва улар томонидан қолдирилган изоҳларни эълон қилиб бориш воситаси; конфиденциалликни (махфийликни) таъминлаш воситаси; асл маҳсулот сифатини тасдиқлаш мақсадида сифат сертификатлари ёки сотиладиган товар ишлаб чиқарувчисининг расмий регистрацияси ҳақидаги гувоҳномасини тақдим этиш; харид шартлари, кафолат мавжудлиги ва низоли вазиятларни ҳал қилиш тартибини белгилаб берувчи шарноманинг стандарт шакли; яна харидни амалга оширишни таъминловчи воситалар; харидорлар ўртасида доимо онлай-сўровнома ўтказиш йўли билан интернет-дўкон томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш воситаси.

2) Интернет-дўконнинг муҳим вазифаларидан бири харидорларни жалб қилиш ҳисобланади, шунинг учун хизмат кўрсатишнинг Digital-каналлари жуда муҳим. Уларнинг энг оммалашганлари қуйидагилар: қидирув тизимларидаги пуллик реклама - Search Engine Marketing (SEM ёки контекст реклама); бепул қидирув трафиги – Search Engine Optimization (SEO); прайс-агрегаторлар ва маркетплейслар; электрон почта жўнатмалари ёрдамида сотиш – email-маркетинг (emailing); интернет-нашрларда дўкон ҳақида ахборотларни ёритиш, PR ва ташриф буюрувчи мақоласини ёзиш (контент-маркетинг); ижтимоий тармоқлар - Social Media Marketing (SMM); контент-маркетингнинг турли шакллари.

Шундай қилиб, Digital-маркетинг ёрдамида сотув ҳуни шакллантирилади:

- хабардорлик. Ушбу босқичда медиа реклама, SEO, ижтимоий тармоқлардаги мақсадли реклама, ведио реклама, шунингдек, қидирув контекстли реклама каби воситалар ёрдамида интернет-дўкон сайтига ўтишлар амалга оширилади. Ўқувчиларнинг жалб қилиниши контент маркетинг сабабли руёбга чиқади.

- қизиқиш. Ушбу босқичда фаол обуначилар пайдо бўлади. Уларнинг кўлами сайтни оптималлаштириш, аналитика, e-mail маркетинг ва бошқа шу каби ташкилий-бошқарув воситалари орқали кенгаяди.

- қарор қабул қилиш. Харидорларга конверция оптималлашади ва сотувлар амалга оширилади.

- содиқлик. Босқич ремаркетинг (кросс-сотишлар, акциялар), электрон почталар базаси бўйича жўнатмалар, фойдаланувчилар тажрибаларини оптималлаштириш, шунингдек, обрўни бошқариш (SMM воситаси) каби воситалардан фойдаланиш ҳисобига такрорий харидлар ва мижозларда содиқликнинг шаклланиши билан характерланади.

3) Истеъмолчининг интернет-дўкон товари ёки хизматини истеъмол қилишдан оладиган нафлари рўйхати оффер воситасини характерлайди. Оффер воситасининг мақсади таклиф қилинаётган маҳсулот ёки хизмат билан мижоз эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ҳисобланади. Бироқ, шу билан бирга тўлов шартлари (кредит ёки бўлиб тўлаш имконияти), етказиб бериш шартлари (олдинда тўлов, бошқа шаҳарга етказиб бериш, транспорт компаниялари билан ҳамкорлик), харид шартлари (тарқатиш пункти, шоу-рум, харид қилгани учун соғва, содиқлик дастурларининг мавжудлиги), энг яхши хизмат таклифининг мавжудлиги (товарни осон қайтари ёки алмаштириш, хизмат кўрсатиш сифати, сервис), дўкон бренди, товарлар катологи (тўлиқ тавсифи, изоҳлари ва видеоси билан) каби параметрлар ҳам муҳим ҳисобланади.

4) Техник қўллаб-қувватлаш. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фойдаланувчиларнинг 45 фоизидан кўпроғи 2 сония ичида сайт юкланишини кутишга тайёр, агар сайт узоқ вақт давомида юкланса, фойдаланувчилар унга бошқа қайтиб кирмасликлари мумкин. Фойдаланувчилар сайтни ҳатто унга қарамасдан тарк этмасликлари учун

сайтнинг техник аудити деб номланувчи воситадан фойдаланилади. У интернет-дўкон ишлаши давомида юзага келадиган потенциал муаммоларни қидириб топишни назарда тутади. Ушбу муаммолар реклама каналларини ривожлантиришда сайтнинг ишлаш самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Хизматларни тарғиб қилишнинг ҳар бир канали учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлган муҳим параметрлари мавжуд [1]: сайтнинг юкланиш тезлиги (2 сониядан камроқ); товарга буюртма бериш воситасининг тўғри ишлаши; турли мобил қурилмалар орқали сайтдан фойдаланишнинг қулайлиги; аналитика воситалари созланмаларидаги аниқлик; хостингнинг хатога бардошлилиги; сайтда тўғри мослашувчан тартибнинг мавжудлиги.

Контекстли рекламани ишга туширишдаги муҳим параметрлар: филтрлар учун статик URLнинг мавжудлиги; URLнинг utm, gclid ва yclid теглари билан тўғри ишлаши; мақсадли саҳифаларда қайта йўналтиришларнинг йўқлиги.

SEO каби восита учун устувор техник хусусиятлар: сайтда саҳифалар дубликатларининг йўқлиги; URLларни шакллантиришнинг тўғрилиги; ички техник хатоларнинг йўқлиги; саҳифаларда микро-белгиларнинг мавжудлиги; Яндекс ва Google қидирув тизимлари билан мослик.

5) Интернет-дўкон учун контент маркетинг – мижозларни жалб қилишнинг биринчи канали сифатида. Ушбу воситани муваффақиятли қўлаш учун асосий шарт – контентнинг юқори сифати ва унинг креативлиги. Ушбу воситанинг турларидан бири – бу ташқи контент маркетинг ҳисобланиб, у потенциал истеъмолчилар мўлжал оладиган етакчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилишни англатади. Бу – ташқи ресурсларга қизиқарли контентни жойлаштириш орқали сайтга нуфузли ҳаволаларни жалб қилишдир. Ташқи контент маркетинг – бу SEO учун катализатор, чунки сайтга биринчи сифатли ҳаволаларни олиш имконини беради, бироқ сезиларли даражада молиявий ва вақт сарфларини талаб қилади.

6) Хизматларни тарғиб қилиш натижаларининг веб-аналитикаси воситаси. Сотувлар стартида Google Analytics ва Яндекс Метрика аналитик тизимлардан фойдаланган ҳолда мақсадлар мониторингини амалга ошириш айниқса муҳим ҳисобланади. Аналитик тизимлардан фойдаланиш натижасида конверсиялар сони кўрсаткичи олиниб, у сотиш ҳунининг барча босқичларидан ўтган истеъмолчилар сонини кўрсатади. Шунингдек, аналитика сайт орқали сотувлар ҳамда сотиш каналлари тўғрисидаги ахборотларни пул эквиваленти бўйича конкретлаштирилмаган ҳолда олиш имконини беради. Аналитиканинг асосий парамертлари: конверсиялар сони; мижозларни сайтга йўналтирган саҳифаларни кўрсатиш; калит сўзлар (контекстли реклама учун); қурилмалар бўйича конверсия даражаси.

Фойда бўйича муайян сотиш канали кесимида янада тўлиқроқ

[1] Стратегии продвижения интернет-магазина в 2020 году [Электрон ресурс]. URL: https://livepage.pro/blog/promo-ecommerce.html.

ахборотни кенгайтирилган электрон савдога созланган Google Analytics ёки Яндекс Метирка воситалари беради. Ушбу воситалар ҳар бир каналнинг рентабиллик даражасини кўрсатади ва бу эса, уларнинг қайси бирини танлаш бўйича бошқарув ҳаракатларини тўғри амалга ошириш имконини беради.

Бевосита сайтда буюртма беришдан ташқари интернет-дўконнинг ихтисослигига қараб мижозларнинг 20 фоиздан 80 фоизигача Колл-трекинг каналидан фойдаланишади. Ушбу мижозлар илгари сайтда харидни амалга оширган. Интернет-дўкон фаолияти бошида ушбу воситадан фойдаланмаслик мумкин, аммо унинг ривожланишида бундай ахборот керак бўлади, чунки маркетинг фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ҳамда интернет-дўкон ишини оптималлаштириш имконини беради.

III. Босқич. Интернет-дўконнинг барқарор фаолияти босқичда хизматларни ривожлантиришнинг асосий воситалари: SEO, E-mail-маркетинг, PR ва контент-маркетинг, PPC ва SMM. Барқарор трафик даражасига эришгандан сўнг, ремаркетингни, яъни интернет-дўкон сайтига илгари ташриф буюрган фойдаланувчиларга бошқа сайтларда реклама кўрсатиш имконини берувчи реклама воситасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ушбу восита: қандайдир сабабларга кўра харидни якунламаган потенциал мижозларни сайтга қайтариш; такрорий сотишни амалга ошириш; акциялар ва махсус таклифлар ҳақида мижозларни хабардор қилиш; сотиб олинган маҳсулотларга изоҳлар ёзишга рағбатлантириш имконини беради.

Рақобатбардош позицияни сақлаб қолиш босқичида хизматларни ривожлантиришнинг барча воситаларидан фойдаланиш мумкин, бироқ қуйидаги воситаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: CPA (инг. Cost Per Action – амалиёт учун тўлов) – тармоқлари. Бу шундай воситачи – реклама тизими бўлиб, унда интернет-дўкон сайтида фойдаланувчилар томонидан амалга оширилган фақат мақсадли амалиёт, яъни харид қилиш, рўйхатдан ўтиш, анкеталарни тўлдириш ва бошқалари учун ҳақ тўланади; шериклик дастури (инг. Affiliate program). Товар сотиш ёки хизмат кўрсатишда сотувчи ва шериклар ўртасидаги ишга оид ҳамкорлик шакли; табиий реклама (англ. Native advertising) – реклама берувчи сайт контекстида ўзига эътиборни тортади, яъни бу реклама мазмун жиҳатдан реклама сифатида қабул қилинмайди ва аудиториянинг ғашига тегмайди; PR (publicrelations) – бу ташкилот ва жамоатчилик ўртасидаги ахборот оқимини бошқаришдир. Мақсад потенциал истеъмолчи онгида ташкилот ҳақида ижобий таассурот уйғотиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, интернет-дўконнинг муваффақиятли фаолият юритиши хизматларни комплекс тарғиб қилиш, яъни хизматларни ривожлантиришнинг турли воситалари комбинациясидан фойдаланишга боғлиқ. Шу билан бирга воситаларнинг тўғри комбинацияси ҳар бир интернет-дўкон учун индивидуал ҳамда танланган бозор сегменти, бозордаги ҳолат, рақобат даражаси ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ.

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

Х.С. Мухитдинов - Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори
Ў.Эшмахматов – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти магистранти

УЙ ЖОЙ КОММУНАЛ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ МУНОСОБАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОМПЛЕКС МОДЕЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Аннотация: Ушбу мақолада уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришни комплекс моделини ишлаб чиқишнинг усуллари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: солиқ муносабатини моделлаштириш усули, модел, эконометрика, коммунал хизмат кўрсатиш, коэффициент.

Аннотация: В данной статье рассматриваются методы разработки комплексной модели формирования налоговых отношений в деятельности жилищно-коммунального хозяйства.

Ключевые слова: метод моделирования налоговых отношений, модель, эконометрика, полезность, коэффициент.

Abstract: This article discusses methods for developing a comprehensive model for the formation of tax relations in the activities of housing and communal services.

Keywords: method of modeling tax relations, model, econometrics, utility, coefficient.

Кириш: Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан аҳоли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сони ошиши муносабати билан аҳоли уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги, сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истиқболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқот методлари: Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини ташкил этишдаги ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда таҳлил учун танланадиган кўрсаткичлар тизими қуйидаги тамойилларга таяниши

лозимлиги олимлар томонидан таклиф этилган[78,32]:

Бу борада 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида « ... арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ... »[1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишни, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришни ва уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг комплекс моделини талаб этади.

Уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланишини комплекс моделлаштиришда тегишли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур бўлади.

Уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантириш жараёнида уни амалга оширишда қўлланиладиган моделлар ва методларни аниқлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш энг муҳим босқичлардан ҳисобланади. Тадқиқотлар методологиясида модель ва методлар илмий билишнинг муҳим қуроли сифатида қайд этилади.

Ўрганилаётган объектнинг яширинган ички ва ташқи хусусиятларини билишда мантиқий, тарихий ёндашувлар унинг ташқи хусусиятларини очиб беради, холос. Объектни чуқурроқ ўрганиш эса муайян бир ёндошувлар тизимидан фойдаланишни тақозо этади, бу эса модель ва методларга эҳтиёжни келтириб чиқаради. Аввало, “модель”, “моделлаштириш”, “метод” каби тушунчаларнинг мазмунини билиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “модель” лотин тилидан олинган бўлиб, “modulus” – “ўлчов, меъёр” деган маънони бериши, моделлаштириш эса жараёнларни модель ёрдамида тадқиқ қилиш экани айтилган, аммо ушбу тушунчаларнинг иқтисодиёт билан боғлиқ жиҳатлари келтирилмаган.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги 2017—2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2922-сонли, 2018

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. // www.lex.uz

йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади[16,17,40].

Натижа ва муҳокама: Уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг методологик асослари қуйидагиларда намоён бўлади:

уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги фаолияти кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича динамика қаторларида мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда баҳоланади;

уй-жой фонди статистик кузатиш асоси бўлиб, унинг ҳажми, ҳудудий жойлашуви, таркиби, тузилмаси, техник ҳолати, ободонлаштирилиш даражаси ҳисобланади;

Коммунал хўжаликларида солиқ муносабатларини шакллантиришда асос ҳисобланган, коммунал корхоналар фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Водопроводлар ва уларнинг тармоқларидаги фаолиятни статистик таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичларга асосланилади :

амалда водопроводларнинг мавжудлиги;

умумий водопроводлар сонида амалда ишлаб турганларининг улуши;

шаҳар ҳудудида водопровод тармоқларининг қамрови;

хизмат кўрсатиш даражаси;

сувнинг битта кишига тўғри келадиган ўртача харажати ва бошқалар.

Канализация фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади:

мавжуд канализация миқдори;

амалда канализациянинг умумий канализация сонидаги улуши, %;

алоҳида канализация сетлари сони, унинг узунлиги ва бошқалар.

Коммунал корхоналар фаолиятини ўрганиш ва статистик таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларга асосланилади:

барча кўчалар, проезд ва кўчаларнинг умумий узунлиги;

умумий кўчалар ҳажмида асфальт қилинган кўчалар улуши, %

мавжуд чироқлар сони;

умумий чироқлар сонида амалдаги чироқларнинг улуши,%;

шаҳарларнинг ёритиш тизими билан таъминланганлик даражаси,%;

тармоқ зичлиги – 1 км кўча қисмини ёритиш учун ўртача чироқлар сони;

шаҳар ҳудуди ерларининг республика умумий ер майдонидаги ҳажми;

чиқинди ташиш, ҳудудларни тозалашда фойдаланиладиган автомашиналар сони;

ташилган чиқиндилар ҳажми ва бошқалар.

Илмий ишимизда иқтисодий барқарорликнинг интеграл кўрсаткичларидан фойдаланиб, уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий

ҳолатини ҳисоблаш ва рейтингини аниқлаш услубини таклиф этамиз. Ушбу услуб нафақат уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий ҳолатининг интеграл кўрсаткичлар орқали статистик баҳолашгина эмас, балки инвестиция жалб этиш учун ҳам хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хўжаликлари иқтисодий ҳолатини ҳисоблаш ва солиқ муносабатлари шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади:

Уй-жой фондини сақлаш ва молиялаштириш кўрсаткичлари уй-жой коммунал хўжалиги тизимида ислоҳотларни амалга ошириш ва аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Уй-жой харажатларига оиланинг рухсат этилган максимал харажатлари мамлакатимиз учун янги ижтимоий стандартдир. Уни қабул қилиш кам таъминланган фуқароларнинг уй-жой коммунал соҳасида ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб боришини англатади. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг иқтисодий барқарорлигини характерловчи энг муҳим омиллар қуйидагича ифодаланади (1-жадвал):

1-жадвал

Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий барқарорлигини характерловчи энг муҳим омиллар

№	Омиллар	Ҳисоблаш формулалари, кўрсаткичлари	Белгиланиши
1.	Фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги	$\Phi_{сам} = \frac{В(1 - К_{мат}) + Ф_а}{Н_х}$	В–ўрганилаётган даврда корхонанинг тушуми, сўм; $К_{мат}$–ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳисобланадиган материал харажатлари коэффициенти; $Ф_а$–асосий фаолиятдан олинган фойда, сўм; $Н_х$–накладной харажатларининг ҳақиқий миқдори, сўм
2.	Фонд самарадорлиги	$\Phi_{сам} = \frac{Q}{\overline{АФ}}$	$Ф_{сам}$–фонд самараси кўрсаткичи, сўм; Q-бажарилган ишлар ҳажми, сўм; $\overline{АФ}$-асосий фондларнинг ўртача йилик қиймати, сўм;
3.	Салоҳиятдан фойдаланиш даражаси	$С_ф = \frac{ПМ_{ҳақ}}{ПМ_{мак}}$	$ПМ_{ҳақ}$–корхонанинг ҳақиқий ишлаб чиқариш қуввати, сўм; $ПМ_{мак}$–корхонанинг максимал ишлаб чиқариш қуввати, сўм
4.	Доимий ишловчи кадрлар таркиби даражаси	$К_д = \frac{К_{иш}}{\overline{Т_ў}}$	$К_д$–доимий ишловчи кадрлар коэффициенти; $К_{иш}$–бутун йил давомида ишлаган ишловчилар сони, киши; $\overline{Т_ў}$–ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши
5.	Соф фойда	$С_ф = СТ_ф - С$	СФ–соф фойда, сўм; СТФ–солиқ тўлангунга қадар фойда, сўм; С–солиқлар, сўм
6.	Амортизация ажратмалари суммаси (йиллик)	$А^{йил} = \frac{А - Л}{Х}$	А–йиллик амортизация суммаси, сўм; Л–асосий фондларни тугатиш қиймати, сўм; Х–асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати, йил

7.	Молиявий воситалар билан таъминланиши	$М_в = \frac{ЗК}{ХК}$	$К_м$– молиявий активлик коэффициенти; ЗК–қисқа ва узоқ муддатли кредит ва заёмлар миқдори, сўм; ХК–хусусий капитал, сўм
8.	Корхонанинг хусусий айланма маблағлар билан таъминланиши	$К_а = К_а + Ш_м - У_м$ $Р = \frac{К_а \times 100}{В}$	$К_а$–хусусий маблағларнинг мустақиллик коэффициенти; $Ш_М$–корхонанинг шахсий (хусусий) маблағлари, сўм; $У_М$–умумий маблағлар ҳажми, сўм
9.	Тўловга қобилятлилиги	$К_{пр} = \frac{ҚДҚ + ҚМҚ + ПМ}{ҚМ}$	$К_{пр}$ – ликвидлилик коэффициенти; ҚДҚ–қисқа муддатли дебитор қарзлари, сўм; ҚМҚ–қисқа муддатли молиявий қийматлар, сўм; ПМ–пул маблағлари, сўм; ҚМ–қисқа муддатли мажбуриятлар, сўм
10.	Талаб ва таклиф муносабати	$С_{тт} = \frac{V_{реал}}{V_{режа}}$	$С_{тт}$–ҳудудларда тақдим қилинаётган хизматларга талаб ва таклиф даражаси; $V_{реал}$–ҳудудда сотилган хизматлар ҳажми, сўм; $V_{режа}$–кўрсатиладиган хизматларнинг шартнома ҳажми, сўм
11.	Рақобат даражаси	$Р_{дар} = \frac{n_1X_1 + \ldots + n_1Xn}{\sum(X_1 + \ldots + X_{湧})}$	1…..n–бажариладиган ишларнинг шартнома (норматив) қиймати, сўм; X_1.....X_n _ і объектга хизмат кўрсатишнинг смета таннархи, сўм;
12.	Солиққа тортиш тизими	$C = \frac{N_{солиқ}}{Т_{сот} - МХ}$ x100	$N_{солиқ}$– ташкилот солиқлари миқдори, сўм; $Т_{сот}$– сотишдан олинган тушум миқдори, сўм; МХ–таннархга нисбатан материал харажатлари, сўм
13.	Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги	$K_k = \sum_{i=1}^{n} K_i \times P_i$	$К_к$–ҳудуд инвестицион жозибадорлигининг комплекс кўрсаткичи; $К_і$–ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини бир томондан характерловчи і–мезон қиймати; Р-і–мезонни рейтинг баҳолаш

Хулоса: Уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришда фақат давлат томонидан кўрсаткичларни жамлаш, таҳлил қилиш ва прогнозлаш мазмунида қараш нотўғри. Негаки, уй жой комунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришда статистика ҳисоботлари аввало,уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари бошқаруви юзасидан қуйидаги муҳим муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Яъни, асосий тенденция ва жараёнлар, уларнинг натижалари ҳақидаги ижобий ва салбий ўзгаришларни доимий билиб туриш; статистик кўрсаткичларни таҳлил этиш орқали уларнинг сифатини баҳолаш; статистика манбалари асосида хўжалик юритувчи субъектнинг келгусидаги ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш; бошқарув субъектларида ҳаққоний маълумотларга нисбатан хавфсиз ва ишонч ҳиссини шакллантириш: аниқ далилларга таянган ҳолда фаолиятни бошқариш; камчиликларга йўл қўйилаётган соҳалар бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашда статистика ҳисоботлари жуда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони. // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармони. // www.lex.uz.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4040-сонли қарори. // www.lex.uz

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4028-сон қарори. // www.lex.uz

5.Иванов А.П. Комплексное развитие жилищно-коммунального хозяйства городов и сел. – М., Стройиздат, 2016. – 160 с.

6.Генцлер И. Развитие ТСЖ в Узбекистане. В сб. «Товарищества собственников жилья: опыт деятельности разных стран». – Т.: Урбан Институт, 2005.

7.Мухитдинов Х.С. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини бошқариш модели // Бозор, пул ва кредит. – 2004, №4. – Б.45-49

8.Эрназаров Г.Б. Коммунал хизмат тўловлари тўлиқлигини таъминлашнинг услубий асослари. –Т.: // Иқтисодиёт ва таълим, 2012, № 2. − Б.104-108.

9.Эрназаров Г.Б. Коммунал хизмат тизимини ислоҳ қилишда илғор ёндашувлардан фойдаланиш.–Т.: // Иқтисодиёт ва таълим, 2017, № 5. − Б.111-114.

Р.М. Гайбуллаев – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда инвестиция сиёсатини олиб бориш масалалари, инвестициявий жозибадорлик ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими ва инвестицион фаоллигини ошириш, молиялаштириш манбаларидан бири сифатида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ечимидаги ёндошишлар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: инвестиция сиёсати; инвестицион молиялаштириш; хорижий инвестициялар; молиявий қўллаб-қувватлаш тизими; инвестицион фаоллик;

Аннотация: В статье рассмотрены вопросы инвестиционной политики в стране, система инвестиционной привлекательности и финансовой поддержки предпринимательства и повышения инвестиционной активности, подходы к привлечению иностранных инвестиций как одному из источников финансирования.

Ключевые слова: инвестиционная политика; инвестиционное финансирование; иностранные инвестиции; система финансовой поддержки; инвестиционная деятельность;

Abstract: The article describes the issues of investment policy in the country, the system of investment attractiveness and financial support for entrepreneurship and increasing investment activity, approaches to attracting foreign investment as one of the sources of funding.
Keywords: investment policy; investment financing; foreign investment; financial support system; investment activity;

Миллий иқтисодиёт трансформациясининг ҳозирги шароитида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиб боришининг етакчи омили сифатида фаол инвестицион фаолиятни амалга ошириш давр талабига айланиб бормоқда. Инвестицион фаолиятнинг муҳим манбаларидан бири хорижий инвестициялар бўлиб, уни ривожлантиришнинг афзаллиги шундаки, у асосан самарали инвестицион лойиҳалар учун мўлжалланади. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб қилишда “очиқ эшиклар” сиёсатини олиб борилиши Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, жаҳон бозорида ўз мавқеига эга бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизида ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатлар йўлга кўйилиши ва ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда чет эл сармояларини жалб этиш назарда тутилади.

Айниқса, бу борада Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кўмаги билан тузилган, Республикада фаолият юритаётган инвесторлар билан бевосита мулоқотни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг роли ҳам аҳамиятлидир.

Шу жумладан, Республикамизда инвестиция сиёсати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шакллантириладиган дастур асосида ҳам амалга ошириб борилади. Бу дастур инвестицияни молиялаштиришда унинг манбаларидан уйғун ҳолда фойдаланишни назарда тутади.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш доирасида қатор ҳуқуқий негизлар ҳам яратилдики, улар жумласига 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини киритиш мумкин ва мазкур қонун бу сиёсатни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Янги қонуннинг 3-моддасида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва тартиблари ҳақида ва инвестиция сиёсатига қўйидагича таъриф берилган. “Инвестиция сиёсати – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаоллигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи”дир деб белгилаб қўйилган[1].

Мамлакатимизда яратилган бу каби хуқуқий меъёрлар ҳамда олиб борилаётган самарали инвестицион сиёсат натижасида чет эллик сармоядорлар учун сармоя қўйишнинг қулай иқтисодий ва ҳуқуқий муҳити яратилмоқда. Хорижий сармоядорлар иқтисодда туб таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда, техника ва технологияни янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, биринчи навбатда ишлов берувчи саноатни ривожлантиришда ёрдам бермоқда. Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар республиканинг кимё, газ, нефть саноати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этмоқда.

Қатор иқтисодчи олимлар хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш – бу барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида баҳолайдилар. Жумладан, Л.В.Стахованинг фикрича, “жаҳондаги бирон-бир давлат хорижий сармояларни жалб қилмасдан туриб тараққиётга ҳамда иқтисодиёт ривожига эриша олган эмас”[2]. Ёки, О.С. Сухарев, С.В.Шманев, А.М.Курьяновлар олиб борган тақдиқотлари хулосасига кўра, “Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга киритилиши тадбиркорликнинг келажаги сифатида баҳоланди”[3]. Республикамиз иқтисодчи олимларимиздан М.Қ.Пардаев, А.Н.Холиқулов, Г.Жумаевалар хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига жалб қилиниши юзасидан қуйидигича фикр билдирадилар: “Ички инвестиция манбалари чекланган бир шароитда, айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эга” [4].

Шу боис ҳам бу иш мамлакатимизнинг иқтисодий сиёсатида устувор йўналишларидан бирига айланган.

Инвестицион сиёсат вазифасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларни олиб беришга кўмаклашиш, янги технологияни олиб келиб ўрнатилишида тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳам киради. Шунингдек, республикамизда тадбиркорлик субъектларида инвестиция лойиҳалари ташаббускорларини амалий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишдаги энг ёрқин мисол - бу 2020 йилда тузилган экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг фаолияти бўлиб, унинг вазифаларига тадбиркорлар ва экспортчилар билан яқин ҳамкорлик қилиш, пандемия туфайли юзага келган чекловлар билан боғлиқ муаммоларни тахлил қилиш, шунингдек, ҳар бир тадбиркорлик субъектининг муаммосини ҳал қилишда индивидуал ёндашув асосида тезкор ва самарали ечимларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Ўтган 2021 йил якуни бўйича Ҳукумат комиссияси аъзоларининг жойларга чиққан ҳолда олиб борган фаолияти натижасида мамлакатдаги мавжуд 98 мингдан ортиқ корхоналар фаолияти манзилли тартибда

ўрганилган ва натижада 5902 та корхоналарнинг 6235 та муаммоли масалалари аниқланиб, муаммолар тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимият органлари ва Республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан яқин ҳамкорликда ўз ечимини топган.

Тадбиркорлик тузилмаларининг инвестиция салмоғини ўсишида хорижий сармоялар иқтисодий омиллар сафида асосий белгиловчи ўрин тутмасада, аммо муҳим омил сифатида ўз таъсир кучига эгадир. Республикамизнинг бугунги ўтиш даврида иқтисодиётда хорижий сармояни қўллаш ва унинг ўсишига таъсири таҳлили катта қизиқиш уйғотади.

Инвестиция сиёсатини олиб бориш асносида Ўзбекистон Республикасида молиялаштириш бўйича асосий капиталга инвестиция киритиш миқдори 2020 йилда 202,0 трлн. сўмни ташкил этди. Инвестициялар асосан жалб қилинган маблағлар (65.4%) , жумладан, давлат, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳамда корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари (34.6%) орқали молиялаштирилди. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 8,2 фоизга кам ўзлаштирилган.

2020 йилда 86647.0 млрд. сўм ёки асосий капиталга инвестицияларнинг 42,9%и хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан ўзлаштирилган. Жаъми хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида хорижий инвестициялар 32847.0 млрд. сўмни ташкил этган ва қолган 53799,8 млрд. сўм хорижий кредитлар ҳисобига тўғри келди.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва фойдаланишнинг муаммоларини таҳлил қилишлар шуни кўрсатадики, бу фаолият соҳасига ҳукумат томонидан мунтазам равишда қулай инвестицион муҳит яратилиши ва ушлаб турилиши, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг янада самарали механизми ва дастакларини шакллантириш тақозо этилади. Чунки, хорижий инвестицияни тадбиркорлик субъектларига жалб қилиниши иқтисодий ривожланишнинг амалий воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида мувофиқ равишда сармоя қўйишнинг афзаллиги ва заиф томонлари тўғрисида таҳлиллар ўтказилганда унинг афзаллик томонлари хорижий инвестицияни жалб қилишга имкон борлигидан далолат беради. Ўзбекистон иқтисодиётининг сармоявий афзалликларига ишчи кучининг етарли даражадалиги ва унинг ихтисослик даражаси билан уйғунлашганлиги, ёқилғи-энергетика ва хом ашё мажмуаларининг катта имкониятлари, саноат ускуналарининг мавжудлиги киради. Бу афзалликларни келтириш билан бирга, бир қанча заифликлар ҳам мавжудки, улар иқтисодий, молиявий, ташкилий ва қонунчиликда ҳам учраб туради. Улар жумласига ўтиш даврида амалдаги меъёрлар ва қоидаларнинг бозорларда тез ўзгариб туриши; хорижий инвестицияни жалб қилишда етарли даражадаги бозор инфратузилмасининг йўқлиги; яқин хориж мамлакатлари билан хўжалик алоқаларининг узилганлиги ва протекционизм сиёсатини амал қилиши; сармоявий лойиҳаларни тезда

ишга туширилмаслиги; ишлаб чиқарувчиларнинг янгиликни ва юқори технологияни татбиқ этишда молиявий иложсизлиги ва бошқалар киради. Шунинг учун, бугунги кунда хорижий сармояни оқиб келиши мунтазам равишда эмасдир. Фикримизча, бу жараён яхши йўлга қўйилиши учун бир қатор муаммоларни ҳал этиш зарурдир:

- хорижий сармояни жалб қилиш учун қулай иқтисодий муҳитнинг мавжуд бўлиши, жумладан солиқ, молиявий ва номолиявий рағбатлар билан таъминланиши;

- чет эл капиталини жалб қилишда ва улар билан ишлаш учун жаҳон амалиётида умумқабул қилинган ва тан олинган қоидаларни шакллантириш ва унга риоя қилишнинг миллий хос-хусусиятларини мужассам этган инвестициялаш механизмида муайян вазифаларни бажаришга ваколатли органлар, инвестицион-молия ва бошқа ташкилий тузилмаларни яратилиши;

- қимматбаҳо қоғозлар бозорида махсус хорижий сармоя заёмларини чиқариш ва унга инвестицион йўналиш берилиши зарур, яъни унинг устун даражадаги молиявий ресурсларини инвестицион мақсадларга ишлатиш керак;

- иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга ҳамда тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ самарали лойиҳаларига чет эл капиталини жалб қилиш.

Қўйилган вазифаларни амалга оширишда сармоя қўйиш учун фойдалироқ бўлган ва қисқа муддат ичида юқори даражадаги иқтисодий самара олишни таъминловчи инвестицион лойиҳалар мажмуини мунтазам равишда шакллантириб бориш зарур. Бунда илмий-техник кичик тадбиркорлик лойиҳалари устуворлигига эришиш лозим. Бу лойиҳаларни татбиқ этиш учун кафолатланган маблағлар ажратиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Фақат шу ҳолдагина, бу маблағлардан фойдаланишнинг ижобий натижаларини кутиш мумкин.

Юқори таваккалчилик шароитида давлат кафилликлар бериш йўли билан сармоя қўйиш ва сармоядорларнинг манфаатдорлигини ошириши мумкин ва бу хорижий капитални ҳам жалб этишнинг самарали усули бўлиши мумкин. Чунки, хорижий сармоядорлар мамлакатдаги сиёсий аҳволни эҳтиёткорлик билан кузатишади. Аммо, хусусий инвестицияда биргина давлат кафолатидан фойдаланишнинг ўзи инвестицион жараён учун қулай шарт-шароит яратилганлигини англатмайди. Бундан ташқари, кафолатлардан фойдаланишда кўпгина чегаралашлар ҳам мавжуд бўлади. Биринчидан, давлат сармоядорнинг капитал қўйилмаларини сиёсий хавфдан кафолатлаши мумкин (яъни, солиқ сиёсати, қонуний меъёрлар, ташқи савдо сиёсати ўзгаришидан). Сиёсий хавфларни тижорат хавф-хатарларидан фарқлаш лозим, чунки булар баҳонинг, маҳсулотга талабнинг ва ҳакозоларнинг қўққисдан ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Бу хавф-хатарлар тўлиқлигича давлат таъсиридан ҳоли бўлади ва сармоядорларни ҳимоя қилиш учун уринишлар аянчли аҳволга олиб

келиши мумкин, яъни: бу ҳолат юз берганда сармоядорлар олдидаги бюджет мажбурияти суммаси шунчалик катта бўлиши мумкинки, кафиллик шартномасида келтирилган маблағни тўлашнинг ҳеч қандай реал имконияти бўлмай қолади, кафиллик эса оддий қоғозга айланиб қолиши мумкин. Маълумки, амалиётда айнан, тижорат хавфи инвестиция тўғрисида қарор қабул қилишнинг бош чегараловчиси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонуни. http://www.lex.uz (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими).
2. Стахова Л.В. Управление инвестициями-М., 2001. С-356.
3. Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьяновлар А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: ИНФРА-М, 2006. – 243с.
4. М.Қ.Пардаев, А.Н.Холиқулов, Г.Жумаева. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: "Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи" нашриёти, 2021. - 252 бет.

O.T. Astanakulov– O‘zXIA dotsenti
Z.X. Ahmadaliyeva– O‘zXIA magistranti

UCHINCHI RENESSANSNI SHAKLLANTIRISH SHAROITIDA ISLOM MOLIYASI INSTRUMENTLARINING O‘RNI

Annotatsiya. Mazkur maqola uchinchi renessansni shakllantirish sharoitida iqtisodiyotning nazariy va metodologik muammolarini hal qilishda islom moliyasi instrumentlarining o‘rni va ularni mamlakatimizga tadbiq etishning yo‘nalishlariga bag’ishlangan. Unda islom banklarining jahon miqyosidagi salohiyati ham tahlil qilingan. Bundan tashqari, islom banklari instrumentlarini milliy iqtisodiyotga tatbiq qilish bo‘yicha tavsiyalar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: islom moliyasi, islom banklari, loyihalarni moliyalashtirish, islom banklari instrumentlari.

Аннотация. Данная статья посвящена роли исламских финансовых инструментов в решении теоретических и методологических проблем экономики в условиях формирования третьего ренессанса в нашей стране. В ней также анализируется глобальный потенциал исламских банков. Кроме того, даны рекомендации по применению исламских банковских инструментов в национальной экономике.

Ключевые слова: исламские финансы, исламские банки, проектное финансирование, исламские банковские инструменты.

Abstract. This article is dedicated to the role of Islamic financial instruments in solving the theoretical and methodological problems of the economy in the context of the formation of the third renaissance in our country. It also analyzes the global potential of Islamic banks. In addition, there have been given some recommendations on the use of Islamic banking instruments in the national economy.

Keywords: Islamic finance, Islamic banks, project financing, Islamic banking instruments.

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston Mustaqilligining yigirma to‘qqiz yilligiga bag’ishlangan tantanali marosimdagi nutqida ta’kidlaganlaridek, “Xalqimizning ulug‘vor qudrati jo‘sh urgan hozirgi zamonda O‘zbekistonda yangi bir uyg‘onish – Uchinchi Renessans davriga poydevor yaratilmoqda, desak, ayni haqiqat bo‘ladi. Chunki bugungi O‘zbekiston – kechagi O‘zbekiston emas. Bugungi xalqimiz ham kechagi xalq emas”.

Albatta, ushbu davr mobaynida iqtisodiy barqarorlikka erishish, mamlakatdagi iqtisodiy muammolarni aniqlash va ularni hal qilishning strategik yo‘nalishlarini belgilab olish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Shu o‘rinda aytish joizki, mamlakatimizda Islom moliyaviy hizmatlaridan foydalanishni yo‘lga qo‘yish, loyihalarni moliyalashtirishda islom moliyasi instrumentlarini joriy qilish orqali qator muammolarga yechim topish mumkindir.

Islom moliyasi shariat tamoyillariga mos keladigan tarzda tuzilgan moliya tizimi hisoblanadi. Islom moliya tizimi e’tiqod, qadriyat va tamoyillarga asoslangan bo‘lib, u nafaqat musulmonlar, balki jamiyatning ko‘plab boshqa qatlamlari tomonidan ham qo‘llanilishga mo‘ljallangan tizimdir.

Bugungi kunda ko‘plab mamlakatlarning islom moliya tizimidan foydalanishiga turtki bo‘luvchi asosiy omil shundan iboratki, ushbu tizim yordamida undan foydalanuvchilar islom institutlariga kirish imkoniyatiga ega bo‘lishlari va shu orqali investorlar bazasini sezilarli darajada kengaytirishlari mumkin. Shu sababdan ham, islom moliyasi va islom banklari kundan-kunga butun dunyo bo‘ylab keng tarqalib kelmoqda.

Jahon Banki taqdim etgan hisobotga ko‘ra, islom banklarining aktivlari 2013-2018-yillar oralig’ida dunyo bo‘ylab 1350 mlrd AQSh dollaridan 1680 mlrd AQSh dollari miqdoricha ortgan (1-jadval).

1-jadval

Dunyo bo’yicha islom banklari aktivlarining 2013-2018-yillardagi o’sishi[1]

Yillar	Bank aktivlari (mlrd USD)	Sukuk (mlrd USD)	Takaful (mlrd USD)	Fondlar (mlrd USD)
2013	1350	140	10	40
2014	1540	175	10	60
2015	1590	190	15	60
2016	1600	200	15	40
2017	1680	210	15	70
2018	1680	250	15	60

Shuningdek, ushbu davr mobaynida dunyo bo‘ylab islomiy qimmatli qog’ozlar, ya’ni sukuk, islomiy sug’urta (takaful) va islom fondlari aktivlari miqdori ham ortganligini ko‘rishimiz mumkin (1-rasm).

Hozirda, butun dunyo bo‘ylab, loyihalarni shariat normalari asosida muvaffaqiyatli moliyalashtirish bo‘yicha katta tajriba to‘plangan.

Shariat standartlariga ko‘ra loyihalarni moliyalashtirishda keng qo‘llaniluvchi asosiy instrumentlar quyidagilardan iborat:

[1] Central banks, Islamic Financial Service Board, Eikon, S&P Global Ratings.

• Istisno instrumenti: Bunda xaridor mahsulotni keyinchalik yetkazib berilish sharti asosida savdo shartnomasi imzolaydi. Loyihalarni moliyalashtirish nuqtai jihatidan, istisno shartnomasi asosan muayyan loyihalarning qurilish bilan bog'liq qismini moliyalashtirish uchun ishlatiladi.

• Ijara: Ijara shartnomasida ijara haqi evaziga tomonlarga ijara predmetidan "foydalanish huquqi" beriladi. Ijara instrumenti odatda loyihalarni moliyalashtirishning operatsion bosqichida qo'llaniladi.

• Vakala: Ushbu shartnoma "Vakil" moliyalashtiruvchi tomon nomidan agentlik vazifasini bajaradigan agentlik shartnomasi hisoblanadi.

• Sukuk: Bu instrument obligatsiyaning islomiy ekvivalenti hisoblanadi, lekin bunda investor qarz talabi o'rniga asosiy kapitalda ulushga ega bo'ladi. Sukuk tuzilmasi Yaqin Sharqdagi bir qator loyihalarni moliyalashtirish bitimlarida qo'llanilgan.

• Murobaha: Bu qarzga oldi-sotdi shartnomasi bo'lib, bunda foyda moliyalashtiruvchi taraf va mijoz o'rtasida kelishiladi va oldi-sotdi shartnomasida ko'rsatilgan.



1-rasm. Dunyo bo'yicha islom banklari aktivlarining o'sish tempi, 2013-2018-yillar (mlrd USD)[1]

Islom moliyasini loyihalarga tatbiq qilish uchun avvalo shariat qoidalariga loyihani moliyalashtirish jarayonining bir qismi sifatida qaraladi. So'ngra esa islom institutlariga ularning ushbu loyihaga bo'lgan qiziqishlari va ularning tuzilmaviy talablarini aniqlab olish uchun murojaatnoma yuboriladi. Bu

[1] Central banks, Islamic Financial Service Board, Eikon, S&P Global Ratings.

jarayonning muhim va o‘ziga xos qismi shundan iboratki, bunda loyiha yuzasidan ishonchli shariat ulamosidan rozilik olinishi zarur hisoblanadi.

Islom banklari, hamda xalqaro banklarning islom moliya darchalari tomonidan taqdim etiladigan ushbu turli moliyalashtirish instrumentlari muntazam ravishda bank kreditlari bilan bir qatorda loyihalarni moliyalashtirishning bir qismi sifatida taqdim etilishi mumkin.

Loyihalarni moliyalashtirishda hozirda aynan islom moliyasi instrumentlaridan foydalanish keng tarqalmoqda. Bunda asosiy maqsad sifatida loyihaning investorlar bazasini kengaytirish, shuningdek, loyihani moliyalashtirishga islom institutlarini jalb qilish istagi hizmat qiladi.

Bundan xulosa qilish mumkinki, islom moliyasi O‘zbekiston iqtisodiyotida ham tadbirkorlar, ham jismoniy shaxslar uchun zarur bo‘lgan yangi sohadir. Muqobil moliyalashtirish mahsulotlarining paydo bo‘lishi aholining moliyaviy xizmatlardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. Dilmurod Yusupaliyevich Khujamkulov, Ruhiddin Khusniddin Ogli Zayniddinov, Dilmurod Rakhmatullayevich Ergashev, Mamajon Akhmatjonovich Mamatov, Khusniddin Fakhriddinovich Uktamov, “Improving the Use of Islamic Banking Services in Financing Investment Projects in Uzbekistan”, 2021.
2. Rajesh Kumar, “Islamic Influence”, Strategies of Banks and Other Financial Institutions, 2014.
3. E.R.Yescombe, “The Project-Finance Markets”, Principles of project finance (Second edition), 2014.
4. Central banks, Islamic Financial Service Board, Eikon, S&P Global Ratings.
5. https://yuz.uz/news/ozbekistonda-yangi-bir-uygonish--uchinchi-renessans-davriga-poydevor-yaratilmoqda.

Н.Р. Муртазаев – ҚарМИИ катта ўқитувчи

ЎЗБЕКИСТОНДА МИНТАҚАВИЙ СУҒУРТА БОЗОРЛАРИ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Аннотация: Бугунги кунда ривожланаётган бозор иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда суғурта хизматлари алоҳида ўрин тутади. Ушбу мақолада Ўзбекистондаги суғурта ташкилотларининг бугунги кундаги фаолияти, суғурта хизматларини кўрсатишда амалга оширилаётган амалий ишлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Молия бозори, суғурта ташкилотлари, суғурта бозори, суғурта фаолияти, мажбурий ва ихтиёрий суғурта.

Аннотация: Страховые услуги играют особую роль во всестороннем развитии и поддержке сегодняшней развивающейся рыночной экономики. В данной статье рассматривается текущая деятельность страховых компаний Узбекистана, практическая работа, проводимая при оказании страховых услуг.

Ключевые слова: финансовый рынок, страховые компании, страховой рынок, страховая деятельность, обязательное и добровольное страхование.

Abstract: Insurance services play a special role in the comprehensive development and support of today's emerging market economy. This article deals

with the current activities of insurance companies in Uzbekistan, the practical work carried out in the provision of insurance services.

Keywords: Financial market, insurance companies, insurance market, insurance activity, compulsory and voluntary insurance.

Суғурта бозорининг ривожланиши нафақат хўжалик юритиш, инвестиция ва инновация фаолияти хатарларини пасайтирган ҳолда, балки муҳим инвестиция ресурси сифатида суғурта заҳираларини шакллантириб, таббий суғурта, ҳаётни суғурта қилиш ва аҳолини суғурта қилишнинг ишчи кучининг ривжлантиришини таъминловчи бошқа жамғариладиган турлари (ўқитишни суғурта қилиш ва б.) ҳисобидан бизнесга ортиқча ижтимоий юкламани олиб ташлаган ҳолда минтақалар иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Avesta Ibvestment Group (МЧЖ) инвестиция гуруҳининг тадқиқот материалларида таъкидланганидек, мамлакатимиз минтақалари бўйича ЯИМ ишлаб чиқаришни кўриб чиқаётиб, шуни қайд этиш мумкинки, олдинги йиллар мобайнида ҳар бир минтақанинг иштирокида туб ўзгаришлар рўй бермади. Тошкент мамлакатимизда молиявий ва ишбилармонлик маркази бўлиб қолаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, пойтахтнинг ЯИМдаги улуши энг катта бўлиб, у ўсишда давом этмоқда. Қолган минтақаларда асосий стратегик саноат мажмуалари ва ҳунармадчилик жойлашган бўлса-да, уларнинг иштироки 10 фоиздан ошмайди. Товарлар ва хизматларнинг кўплаб минтақалар кооперацияси асосида ишлаб чиқариладиган қисми ўсишнинг энг юқори суръатларини намоён этади, бу ҳол минтақалар ўртасида диверсификация ва иқтисодий алоқаларнинг кенгайганлигидан далолат бериб турибди.

Молия бозори етарлича ривожланмаган республика шароитида суғурта компанияларининг минтақавий даражага чиқиши суғурта компанияларининг кўламларига, банк секторининг фаоллигига, тадбиркорлик тузилмаларининг инвестициявий имкониятларига ва улар капитал базасининг даражасига, минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигига, аҳолининг суғуртавий фаоллигига боғлиқ ҳолат ҳисобларади.

Ҳозирги даврда суғурта мукофотларини йиғишда жиддий таркибий номутаносиблик сақланиб қолмоқда: суғурта мукофотларининг асосий улуши юридек шахсларни суғурта қилишнинг улуши жуда кам, бу ҳол юқорида таъкидланганидек, суғурта хизматларининг Ўзбекистон пойтахти доирасида тўпланишига ва минтақавий камчиликларга олиб келади.

Бундай ҳолатга барҳам бериш учун, биринчи галда, Ўзбекистон суғурта бозорини ривожлантириш умумий Концепциясининг стратегик қоидаларини унинг суғурта бозорининг қолган минтақаларнинг ривожланишига таъсирига мос келиши нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш лозим. Суғурта бозори умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитга интеграциялашганлиги муносабати билан уни ривожлантириш бўйича стратегик қарорлар

суғурта субъектлари-вазирликлар, уюшмалар ва ҳоказоларнинг бошқарув тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликка таяниши мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий бозорларни ривжлантириш стратегияси суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг республика, минтақавий ва минтақалараро тармоқ дастурларида ишлаб чиқилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда хорижий ва мамлакатимиз тадқиқотчилари итомонидан ишлаб чиқилаётган иқтисодий назариясида умуман иқтисодиётни ҳамда тармоқ ва минтақавий бозорларни ривожлантиришнинг концептуал асосларини шакллантириш масалалари юзасидан ҳамон баҳс-мунозаралар қилинмоқда. Бу ҳол амалиётда стратегик йўналишлар ҳисобга олинишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Суғурта бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда (2007) кўпроқ суғурта бозори иштирокчиларининг сонини, суғурта мукофатларининг ҳажмини ошириш ва суғурта фаолиятининг ҳуқуқий базасини ривожлантириш муаммолари ҳисобга олинди.

Минтақавий бозорларни ривожлантириш йўналишларни ишлаб чиқишда суғурта хизматлари минтақавий бозорларининг ҳар хиллигини ҳисобга олиш лозим. Шу нуқтаи назардан, минтақаларни, бизнингча, қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) маҳаллий суғурта компанияларининг мавжуд эмаслиги туфайли суғурта бозорига эга бўлмаган минтақалар; 2) суғурта бозори ривожланишининг қулай кўрсаткичларига эга бўлган минтақалар; 3) ривожланган суғурта бозорига эга бўлган минтақалар.

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш,ахолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу сохада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт шароитлар яратиш чора тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислохатларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кўчайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда суғурта фаолияти талаб даражада шаклланган йўқ, суғурта тармоқни ва суғурта бозорини ривожлантириш учун турли ислохатлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2002 йил 5 апрелда “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда юридик ва жисминий шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талабни тўлароқ қондирилишини ва суғурта муносабатлари барча субьектлари манфаатларини химоя қилиниши ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг ривожланишини таъминлаш чора–тадбирлари тўғри-

сида” ПҚ-4412 сонли қарори ва 2019 йил 31декабрда Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1060 сонли қарори суғурта бозорини ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқоридаги яратилган ҳуқуқий асослар ва кафолатлар туфайли суғурта суғурта фаолияти субьектларнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва роли тобора ўсиб бормоқда.

Суғурта фаолиятининг ушбу ҳудудни ривожлантиришга оид умумиқтисодий чора-тадбирларга боғлиқлигини аниқлаш минтақавий суғурта бозорларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиши мумкин. Бироқ бунда суғуртанинг иқтисодий ривожланишдаги ролини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади, бу суғуртанинг хўжалик фаолияти хатарларини пасайтиришга ва аҳоли турмушининг ижтимоий жиҳатларига таъмирини ҳамда минтақалар инвестициявий фаолиятини суғуртанинг ролини баҳолашда ўз аксини топиши керак.

Бизнингча, ҳозирги вақтда шаклланаётган концептуал стратегик йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- суғурталовчилар ва ҳокимият органларининг хўжалик юритувчи субъектларни ривожлантириш муаммоларини ёки аҳоли турмушининг ижтимоий жаҳатлари масалаларини ҳал этиш, жамиятнинг хавфсиз турмуш кечиришини таъминлаш юзасидан эҳтиёт чораларини кўриш ҳамда суғурта ташкилотларининг капитал базасини ошириш масалаларинеи ҳал этиш учун биргаликдаги ҳаракатлари режаси;
- иқтисодиёт субъектларнинг барқарор фаолиятига кўмаклашувчи янги суғурта маҳсулотларини бозорга чиқариш учун қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва дастурлар ишлаб чиқиш чора-тадбирлари;
- суғурта компаниялари ходимларининг маълумот даражасини ошириш имкониятлари, суғурта иши соҳасида мутахассисларни ўқитиш ва улар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;
- таълим муассасаларига минтақавий суғурта компаниялари учун мутахассислар тайёрлашда қўмайлашиш чора-тадбирлари ва ушбу таълим муассасаларини оммалаштириш;
- суғурталовчилар ўртасидаги номоғлом рақобатга барҳам бериш ва суғурта муносабатларининг аниқлагини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- маҳаллий ҳокимият органлари билан суғуртанинг мажбурий ва бошқа турлари бўйича ишловчи суғурта компанияларининг биргаликдаги фаолиятини уйғунлаштириш чора-тадбирлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. - «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.

2. Шеннаев Х.М., Очилов И.К., Ширинов С.Е., Кенжаев И.Ғ. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.Т.: Иқтисод-молия, 2014.
3. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августда “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг ривожланишини таъминлаш чора–тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412 сонли қарори
5. 2019 йил 31 декабрда Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1060 сонли қарори

О. Тўраев – ҚарМИИ 2-босқич магистранти

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИДА КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳозирги кунда кўп ишлатиладиган **“рақамлаштириш”** атамасининг назарий жиҳатлари кенг ёритилган. Шунингдек, ушбу атамага хорижлик олимлар томонидан билдирилган фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, молиявий прогнозлаш, реал иқтисодиёт, тадбиркорлик, маҳсулот ишлаб чиқариш, эконометрик ва статистик кўрсаткичлар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются теоретические аспекты термина «оцифровка», который сегодня широко используется. Приводятся также мнения, высказанные зарубежными учеными по этому термину.

Ключевые слова: цифровизация, финансовое прогнозирование, реальная экономика, предпринимательство, производство продукции, эконометрические и статистические показатели.

Abstract: This article discusses the theoretical aspects of the term "digitization", which is widely used today. Opinions expressed by foreign scholars on the term are also cited.

Keywords: digitization, financial forecasting, real economy, entrepreneurship, product manufacturing, econometric and statistical indicators.

Корхоналар стратегиясида белгиланган трансчегаравий электрон тижоратни ривожлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини қулай ва ўз вақтида экспорт қилишни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг корхоналар учун энг моҳиятли томони шундаки, бу ерда етиштирилган маҳсулотларни сифатли сақлаш, таннархнинг ўсишига таъсир этувчи барча иккиламчи омилларни оптимал камайишига эришишдир.

Рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва

истиқболли “рақамли” стартапларни ривожлантириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар миқёсида корхона маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган, маҳаллий имкониятлар, худуднинг географик, экологик, геологик, биологик хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда ишлайдиган маҳаллий технологик – дастурий рақамли воситаларни ишлаб чиқариш зарур. Бунинг минумим босқичи бу хорижий ривожланган мамлакатлар корхоналарида қўллаётган замонавий технологик – дастурий рақамли воситалардан фойдаланишни етарлича ўзлаштиришнинг оптимал ечимини аниқлаш талаб этилади.

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали мақсадли кўрсаткичлар билан берилган натижаларга эришиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармонига 13-иловасида “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2020–2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш Дастури келтирилган.[1]

Қашқадарё вилоятида рақамли инфратузилмани кенгайтириш чора-тадбирларининг асосий амалга ошириш механизми юқори тезликдаги ахборот узатиш, қабул қилишнинг оптик-толали ва симсиз алоқа тармоқларига уланиш тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича инновацион ва технологияларни қўллаш орқали корхоналарда транспорт, қурилиш, савдо ва бошқа соҳаларда кўрсатилаётган хизматлар ҳақида аҳолига маълумот бериш, онлайн буюртма бериш имконини берувчи мобил илова яратиш дастлабки йил учун асосий вазифалар қаторида белгиланган. Мобил илованинг энг аҳамиятлилик жиҳати, бу энг қулай тарзда маълумотлар базасидан фойдаланиш воситаси бўлади. Бунда, корхона маҳсулотлари ишлаб чиқариш тури, ҳажми, нархи, сифати ва бошқа маълумотлар билан аҳолини, тадбиркорларни, ишлаб чиқарувчиларни таъминлаш билан, қайси мазмундаги ахборотларга мурожаатлар реестери асосида талаб даражасини аниқлаш имконияти келиб чиқади.

Иқтисодиётнинг реал секторида корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун яхлит тизим асосида интеграциялашган ҳолатда фаолият қуйидагилардан иборат бўлиш керак:

-илмий тадқиқотлар маркази;

-техник-технологик хизмат кўрсатиш маркази;

-лойиҳалаштириш маркази;

-дастурлаштириш маркази;

-ахборот маслаҳат маркази.

Илмий тадқиқотлар маркази ахборотлашган тизим бўлиб, корхоналарда молиялаштирилган илмий тадқиқотлар олиб борилади. Молиялаштиришнинг манбаларидан бирини соҳанинг ишлаб чиқариш

[1] “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида 2020–2022 йиллар Қашқадарё вилоятини рақамли трансформация қилиш ДАСТУРИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармонига 13-илова. https://lex.uz/ru/docs/5030957

объектларидаги реал муаммолар ечимига йўналтирилган илмий тадқиқотлар шартномаларини тузиш орқали ташкил этиш мумкин. Марказ маҳсулот сифати ва миқдорини ошириш, турини кўпайтириш ва бошқа йўналишлар бўйича илмий асосланган ғоялар бериш, хўжаликнинг маълум бир ёки умумий тармоғи учун илғор хориж тажрибаларини самарали тадбиқ этишнинг тажриба-синовдан ўтказилган усул, технология, воситаларини таклиф этиши, инновацияларни киритишни, янги техник-технологик жараёнларни моделлаштириш, лойиҳалаш хизматларини кўрсатади. Шунингдек, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқаришнинг эконометрик моделларини тузиш, оптимал режалаштириш, таваккалчилик фаолиятининг самарадорлик эҳтимоллиги маълумотларини, иқтисодий ўсиш прогнозини тақдим этади. Марказ ОТМ ва илмий-текшириш институтларининг илмий потенциалидан фойдаланган ҳолатда ташкил этилади.

Техник-технологик хизмат кўрсатиш маркази корхоналарни ривожлантиришнинг замонавий технологиялари, хусусан, интенсив усулда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, электрон тизимлаштириш, рақамли технологиялар билан таъминлаш, юқори даражадаги механизациялаш, соҳани автоматлаштириш қурилма ва воситалари билан таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Бугунги кунда рақамли иқтисодиётнинг аҳамияти узлуксиз равишда ортиб бориши ҳамда миқдорий ҳисоблаш ва иқтисодий назариялар ва гипотезаларни баҳолаш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ заруриятга айланиб боришидадир.

Шу боисдан корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва оптимал бошқариш бугунги куннинг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, ушбу муҳим вазифаларни хал этиш оркали корхона ишлаб чиқариш ва бошқаришни рақамлаштириш натижасида:

- мехнат натижаси ва самарадорлигини устиришга эришилади:
- махсулот ишлаб чиқарувчи бозор иқтисодиётининг эркин рақамли субьектига айланади.
- махсулот қиймати талаб ва таклиф қонунлари асосида белгиланади:
- махсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлиги ва маъсулияти ортади.

Рақамлаштиришда кўзда тутиладиган мақсад ҳар қандай иқтисодий муносабат ва фоалятнинг асосий ташкил қиливчи мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, шу аснода хўжалик ташкилий тизмларда мутлақо янги буғинни рақамли дунёни юзага келтиришга қаратилган мажмуали тадбирлар тизими замирида гавдаланади. Бу янгича рақамли ташкилий тизимлар бир томондан мамлакатнинг иқтисодий фаолият соҳасидаги бош сиёсати, рақамли иқтисодиётни шакллаштиришда чин воқеликни қарор топишга иккинчи томондан кишилар руҳиятида мехнатга нисбатан, ташаббус ва ижодий ёндашув хис-тўйғуларни шакилантиришга амалий жихатдан объектив шароит яратиб беради.

Ҳозирги даврда кўпгина корхоналар янги бўлганлиги боис, унинг ижтимоий, техникавий, молиявий ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда

эконометрикани жорий этиш ва такомиллаштириш борасида бир қатор муаммолар кўзга ташланмоқда.

Булар қуйидагилардан иборат:

- аксарият хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳисоби ва унинг статистикаси тўлиқ ташкил этилмаган ;
- хўжалик жараёнларини ҳисобга олувчи бошланғич ҳисоб регистрларининг ҳозирги шароитга мос шакллари мавжуд эмас;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳисобининг тўлиқ ташкил этилмаганлиги боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга сарф меъёрлари билан бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги сарфи бир-бирига мос келмайди;
- бошланғич ҳисоб ишларини юритишда талаб этиладиган қатъий статистик ҳисоб ҳужжатлар йуқ;
- хўжаликларининг фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи махсус ҳисоботлар ва статистик кўрсаткичлар етарли даражада эмас.

Корхона ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишга , ишлаб чиқариш ва ихтисослашувнинг ташкилий шакллари ҳам таъсир кўрсатади. Кўп тармоқли ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳисоб объектларининг, умуман ҳисоб ишларининг кўпайишига олиб келади.

Шу муносабат билан уларни рақамли бир тизимга келтириш, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни амалга ошириш устидан назорат қилиб бориш учун рақамли технологиялардан фойдаланиб, кузатув олиб бориш зарурияти вужудга келади. Шунинг учун корхоналарнинг унчалик мураккаб бўлмаган ёзув дафтарчаси ва корхоналар учун рақамли статистик ҳисоботни ташкил этиш ўринлидир.

Корхоналарда бошқарув ҳисобининг яхши йўлга қўйилмаганлиги боис, уларнинг статистикасини юритишда ҳам маълум муаммолар пайдо бўлмоқда. Бундай муаммолардан бири корхоналарнинг хусусиятларига мос бўлган эконометрик ва статистик кўрсаткичлар тизими мукаммал яратилмаганлигидир. Яъни ҳозирга қадар ҳам корхоналарнинг статистик маълумотлари умумлаштирилаётганда анъанавий статистикасидан фойдаланиб келинмоқда. Шу сабабли, корхона статистикасини яратиш, уларнинг хусусиятларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда статистик ҳисоботларни такомиллаштириш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ва бошқаришни рақамлаштириш дан мақсад, уларнинг миқдорий томонини, аниқ жойдаги вақтдаги жараён-ларини, миқдорий нисбати ва ўлчамларини, боғланиши ва ривожланиш қонуниятларини ва мониторингини ахборот коммуникация техноло-гиялари орқали ташкил қилиш ва оптимал қарорлар қабул қилишдир.

Корхонани миқдорий ўрганиш бу эконометрика ва статистиканинг объектив хусусиятидир. Даврнинг ҳар бир вақти учун воқелик ўз даражасига эга бўлиб, статистика кўрсаткичларига киритилган ёки киритилмаганлигига боғлиқ эмас. Бу корхона воқеликларининг ўзгаришидир.

O.Astanakulov – O‘ZXIA dotsenti,
M. Iskandarov– O‘ZXIA, magistranti

TAKAFUL – INVESTITSION FAOLIYATNI AMALGA OSHIRISH SIFATIDA

Annotatsiya: Ushbu maqolada takaful an’anaviy sug’urtaning muqobil alternative sifatida ko‘rib chiqilgan. Takaful an’anaviy sug’urtadan afzalligi va musulmon aholisi ko‘p mamlakatlar uchun riskni oldini olishning eng muqobil variati ekanligi keltirib o‘tilgan. Buning misoli sifatida takafulning vakala modeli keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: sug’urta, kafalah, sug’urta mahsulotlari, takoful, aksiyadorlar, takaful operatori, vakala, ribo, maysir, g’arar, takaful fondi.

Аннотация: В данной статье такафул рассматривается как альтернатива обычному страхованию. Говорят, что такафул является преимуществом перед обычным страхованием и наиболее альтернативным вариантом предотвращения рисков для многих мусульманских стран. Примером этого является модель такафул вакала.

Ключевые слова: страхование, кафала, страховые продукты, такофул, акционеры, такафул-оператор, вакала, ростовщичество, майсир, гарар, такафул-фонд.

Abstract: In this article, takaful is considered as an alternative to conventional insurance. Takaful is said to be an advantage over conventional insurance and the most alternative risk prevention option for many Muslim countries. An example of this is the vakala model of takaful.

Keywords: insurance, kafalah, insurance products, takoful, shareholders, takaful operator, vakala, usury, maysir, gharar, takaful fund.

Insonning barcha faoliyati kutilmagan hodisalar natijasida yo‘qotish xavfiga duch keladi. Jismoniy shaxslar uchun ushbu yukni engillashtirish uchun sug’urta deb ataluvchi predmet miloddan avvalgi 215 yildan beri mavjud. Ushbu tushuncha 1400 yildan ortiq vaqt davomida turli shakllarda amalda bo‘lgan. Bu arabcha "Kafalah" so‘zidan kelib chiqqan bo‘lib, “bir-biriga kafolat berish” yoki “birgalikda kafolat berish” degan ma’noni anglatadi. Bu konsepsiya jamoa o‘rtasidagi umumiy majburiyatlarga mos keladi.

Mamalakatimizda sug’urta faoliyatiga juda katta e’tibor berilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 2-avgust PQ 4412-sonli qarori buning yaqqol misoli bo‘la oladi. Ammo shunday bo‘lsa ham mamlakatimizda sug’urta faoliyatini amalga oshirishda bir qancha muammolar mavjud. Eng asosiy muammolardan bittasi bu aholini sug’urtaga bo‘lagan ishonchi mavjud emasligidir. Ayniqsa hozirda mavjud bo‘lgan “Hayotni uzoq muddatli sug’urtalash” bo‘yicha deyarli kompaniyalar o‘z sug’urta mahsulotlari bilan O‘zbekiston sug’urta bozoriga qatnashgani yo‘q. Buning asosiy sabablaridan bittasi mahsulotning daromadliligi juda ham past. Ya’ni aholi uchun deyarli manfaatli joyi yo‘q. Bundan tashqari mamlakatimiz aholisining aksariyati

musulmonlarni tashkil qiladi. Bu esa aholining aksariyat qismi an’anaviy sug’urta xizmatlaridan foydalanmaslikni anglatadi.

Mamlakatimizda islom moliyasiga katta e’tibor qaratilmoqda va bu moliyaviy tizim investitsion faoliyatni kengaytirishga turtki bo‘lmoqda. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 29-dekabr kuni Oliy Majlisga yo‘llagan Murojaatnomasida “Mamlakatimizda islom moliyaviy xizmatlarini joriy etish bo‘yicha huquqiy bazani yaratish vaqti-soati keldi. Bunga Islom taraqqiyot banki va boshqa xalqaro moliya tashkilotlari ekspertlari jalb etiladi”, degan so‘zlari bu borada uzoq kutilgan o‘zgarishlarga debocha bo‘ldi.

Takaful (Islom sug’urtasi) qadimgi arab qabilalari ichida boshqa bir qabila a’zolariga qarshi huquqbuzarliklar qilganlarga jabrlanganlarga yoki ularning merosxo‘rlariga tovon puli to‘lashni majburiyat sifatida birlashtirgan majburiyat sifatida kelib chiqqan. Keyinchalik ushbu prinsip hayotning turli sohalariga, shu jumladan dengiz savdosiga ham taalluqli bo‘lib, unda ishtirokchilar dengiz bo‘ylab sayohatlarni boshdan kechirgan har qanday guruhni qoplash uchun fondga hissa qo‘shdilar.

Takaful odatda Islomiy sug’urta deb ataladi. Bu kafolat shartnomasi va sug’urta shartnomasi o‘rtasida aniq o‘xshashlikka bog’liq. Ammo takaful kooperativ prinsipiga va aksiyadorlarning mablag’lari va operatsiyalari o‘rtasida bo‘linish prinsipiga asoslanadi, shu bilan Takaful (Sug’urta) jamg’armasi va operatsiyalarni polis egalariga topshiradi. Musulmon huquqshunoslari ta’kidlashadiki, Islomdagi sug’urta o‘zaro javobgarlik va hamkorlik tamoyillariga asoslanishi kerak va bu javobgarlik, birgalikda javobgarlik, umumiy manfaatlar va hamjihatlik unsurlarini o‘z ichiga olishi lozim.

Takafulda polis egalari sug’urta sotuvchisi (takaful operatori) bilan sherik bo‘lgan investorlar sifatida ishtirok etadi, sug’urtalovchilar esa mudarib - menejer yoki tadbirkorlik agenti sifatida ishtirok etadilar. Sug’urta polisi egalari investitsiya fondining foydasida va uning yo‘qotishlarida qatnashadilar. Polis bo‘yicha ijobiy foyda qonuniy kafolatlanmagan, chunki har qanday qat’iy foyda kafolati foizlarni olish va riboga qarshi taqiqni buzish bilan barobar bo‘ladi.

Bir muncha vaqt uchun odatiy sug’urta shariatga mos kelmaydigan deb hisoblanib, u muomalada haddan tashqari noaniqlikni va foizli aktivlarga investitsiyalarni taqiqlaydi, ikkalasi ham an’anaviy sug’urta biznesiga xos bo‘lgan omillardir.

Ammo takaful shariatga mos keladi (unda kompensatsiya tamoyillari va jamoa o‘rtasidagi majburiyatlar ko‘rsatilgan) va musulmon ulamolari tomonidan ma’qullangan. Bunda musulmon jamoalari uchun umumiy, sog’liq va oilaviy (hayotiy) takaful dasturlari mavjud.

G’aror, Maysir va Riboning taqiqlari.

Garar: Sug’urta shartnomasida garar mavjud, chunki da’vo qilinmasa, bir tomon (sug’urta kompaniyasi) olgan barcha foyda (mukofot)ni olishi mumkin, boshqa tomon (ishtirokchi) esa hech qanday foyda ololmaydi. Mashhur musulmon olimi Ibn Taymiya yana “bu shartnomada g’aror mavjud, chunki bir tomon foyda olgan, boshqa tomon foyda bermagan” deb ta’kidlagan

Maysir: Islom ulamolari maysir (qimor) va g'aror o'zaro bog'liqligini ta'kidlashgan. Garar elementlari bo'lgan joylarda, odatda, maysir elementlari mavjud. Maysir quyidagi hollarda mavjud:

- polis egasi katta miqdordagi mablag' olish umidida oz miqdordagi mukofotni qo'shadi;
- sug'urta hodisasi yuz bermagan taqdirda polis egasi mukofot uchun to'langan pulni yo'qotadi;
- da'volar polis egalari tomonidan kiritilgan miqdordan yuqori bo'lsa, kompaniya kamomadga duch keladi.

Ribo: Shartnomada kafolatlangan to'lovni va'da qilgan oddiy sug'urta polislari, shuning uchun ribani taqiqlash huquqini buzadi. Riba elementi, shuningdek, sug'urta kompaniyalari tomonidan sug'urtalovchilar talablarini to'lash uchun ishlatiladigan investitsiyalar foydasida ham mavjud. Buning sababi, sug'urta fondlarining aksariyati ular ribo elementlarini o'z ichiga olishi mumkin bo'lgan sohalarga yo'naltiriladi. Masalan, an'anaviy banklarga omonat tariqasida yo'naltiriladi.

Qimor va sug'urta. Qimor va sug'urta ikki xil va har xil operatsiyalardir. Qimor o'yin xavfni baholashda spekulyativ hisoblanadi, xolbuki, sug'urta sof xavf hisoblanadi va spekulyativ emas. Qimor o'yinlarida bunday xavfni keltirib chiqargan kishi yutishi yoki yo'qotishi mumkin. Sug'urtalashda xavf allaqachon mavjud va kimdir ushbu xavfning moliyaviy ta'sirini minimallashtirishga harakat qiladi. Sug'urta ushbu xavfning ta'sirini boshqa birovga o'tkazadi va xavfdan xalos qiladi. Xavf baribir saqlanib qolaveradi.

Islom olimi Yusuf Ali o'zining Qur'oni karim tarjimasida Al-Baqara surasining 219-oyati, "Ish tamoyillari asosida olib borilganda sug'urta qimor o'yin emas. Bu yerda hisoblash uchun asos bo'ladi. Sug'urtalovchilar aniq va ilmiy jihatdan hisoblab chiqilgan tavakkalchiliklarga mutanosib ravishda mukofot oladilar".

Takaful asoslari va tamoyillari.

Islom sug'urtasi har bir ishtirokchidan kutilgan talablarni qondirish uchun yetarli miqdorda hissa qo'shgan holda, bir-birini qo'llab-quvvatlash uchun foydalaniladigan fondga mablag' kiritishni talab qiladi.

Takafulning asosiy prinsiplari quyidagicha umumlashtirilishi mumkin:

- polis egalari umumiy manfaatlar uchun o'zaro hamkorlik qiladilar;
- har bir polis egasi o'z hissasining bir qismini yordamga muhtoj bo'lganlarga yordam uchun xayriya sifatida to'laydi;
- yo'qotishlar bo'linadi va majburiyatlar jamoalarni birlashtirish tizimiga muvofiq taqsimlanadi;
- obuna va kompensatsiya masalalarida noaniqlik yo'q qilinadi;
- boshqalarning foydasiga foyda olishga intilmaydi.

Nazariy jihatdan, Takaful kooperativ sug'urta sifatida qabul qilinadi, bu yerda a'zolar umumiy pulga ma'lum miqdordagi pul qo'shadilar. Ushbu tizimning maqsadi foyda emas, balki "bir-biringizning yukingizni ko'taring" tamoyilini qo'llab-quvvatlashdir.

Vakala modeli takafulning eng oddiy ko‘rinishlaridan biri bo‘lib u quyidagicha amalga oshiriladi.

Bu modelga ko‘ra, unda bir shaxs boshqasi uchun agent sifatida ishlaydi. Vakalaga asoslangan takaful mahsuloti bo‘lsa, takaful operatori direktorlar deb nomlangan takaful ishtirokchilari nomidan agent sifatida ishlaydi. (Operator yoki agent - bu vakildir.) Takaful operatori fondni boshqaradi va qatnashchilar jamg’armasining oldindan belgilangan foizini yoki belgilangan to‘lovni oladi, bu boshqaruv to‘lovi vakolatli to‘lov deb ataladi.



1-chizma. Vakala modeli[1]

Bundan tashqari, takaful operatori iloji boricha fondni boshqarish uchun rag’batlantiradigan ishlashga asoslangan to‘lovni talab qilishi mumkin. Takaful operatori shariat kengashi bilan maslahatlashganidan keyin qancha haq to‘lash kerakligini belgilaydi. Yig’ilgan har qanday to‘lovlar aksiyadorlar fondiga joylashtiriladi va aksiyadorlarni mukofotlash uchun ishlatiladi.

Bundan tashqari takafulning bir qancha modellari mavjud. Bular quyidagilardan iborat:

- Mudharabah model ;
- Hybrid mode;
- Vaqf Model va boshqalar.

Yuqorida aytilganidek islom sug’urtasi noaniqlik va birovning hisobidan kun kechirishga yo‘l qo‘ymaydi. Sug’urtalovchilar aniq va ilmiy jihatdan hisoblab chiqilgan tavakkalchiliklarga mutanosib ravishda mukofot oladilar va bu esa nafaqat sug’urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini taminlashda, balki mijozlarda sug’urtaga bo‘lgan ishonchlilikni taminlashda juda katta xizmat qiladi.

Mamlakatda ishlab chiqariladigan mahsulot albatta iste’molchi uchun manfaatli va iste’molchi mentaliteti, diniga mos kelishi shart. Chunki mahsulot istemol jarayonida hech qanday to‘siqlarga uchramaslik kerak. Masalan, arab mamlakatlarida yashil rang muqaddas hisoblangani uchun bu rangda har qanday mahsulotni ham ishlab chiqarib bo‘lmaydi.

Yuqorida ko‘rib chiqqanimizda takaful (Islom sug’urtasi)da kompaniyalar bevosita investitsion faoliyatda ishtirok etib o‘zlarining vakillik hamda

investitsion faoliyatida ishtirok etganlari uchun o‘z xizmat haqlarini oladi. An`anaviysug’urtada esa asosan banklarga deposit qo‘yish orqali foyda olishadi. Bunday hollarda esa mijozga keluvchi daromad uch qismga bo‘linib ketadi. Takaful (Islom sug’urtasi)da ikki qismga mijoz va kompaniya o‘rtasida taqsimlanadi. Bu riskni oldini olish imkonoyatini maksimallashtiradi. Bu o‘z navbatida kompaniya uchun ham, mijoz uchun ham manfaatlidir.

Xulosa qilib, mamlakatimizda potensial sug’urtalanuvchilarni sonini oshirish va sug’urtalovchi kompaniyalarning daromadligini kengaytirishda quyidagilarni amalga oshirish lozim.

- Mahsulot taklif qilinganda albatta iste’molchi manfaatini birinchi o‘ringa qo‘yish.
- Xalqimiz mentalitetiga mos keladigan sug’urta faoliyatini yo‘lga qo‘yish.
- Mamlakatimizda sug’urta kompaniyalarining investitsion faoliyatlarini amalga oshirirshda keng imkoniyatlarni yaratish.
- Mamlakatda sug’urta muammolarini o‘rganuvchi tashkilotni yo‘lga qo‘yish.

М. Хамроев – СамИСИ, “Молия” кафедраси катта ўқитуичиси
Ш. Тулкинов – СамИСИ, МДМ 120 гуруҳ магистранти

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ҚАДАМЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта тизимига суғурта телематикасини киритиш, унинг ривожланланиш тенденцияларини таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Хорижий тажрибага асосланиб Ўзбекистонда суғурта телематикасини амалиётга жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: *суғурта тизими, суғурта фаолияти, суғурта ташкилотлари, рақамли иқтисодиёт, суғурта телематикаси.*

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы интеграции страховой телематики в систему страхования при развитии цифровой экономики в стране, анализируются тенденции ее развития. Рассматриваются перспективы внедрения страховой телематики в Узбекистане с учетом зарубежного опыта.

Ключевые слова: *система страхования, страховая деятельность, страховые организации, цифровая экономика, страховая телематика.*

Abstract: This article discusses the integration of insurance telematics in the insurance system in the development of the digital economy in the country by analyzing the trends of its development. Prospects of introduction of insurance telematics in Uzbekistan are considered, taking into account foreign experience.

Keywords: insurance system, insurance activity, insurance organizations, digital economy, insurance telematics.

Ривожланган электрон-рақамли дунё суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорликка бевосита таъсир қилувчи рискларни имкон қадар аниқ ва тўғри баҳолаш мақсадида суғурталанувчиларни кенг қамровли маълумотлар билан таъминлаб, суғурта фаолияти учун кўплаб

имкониятларни очиб бермоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни суғурталовчилар, яъни суғурта бозорининг асосий иштирокчилари, суғурта фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ҳам жиддий таъсир этади.

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг базавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Хўш рақамли суғуртанинг ўзи нима?

Рақамли суғурта бу – рқамли техналогиялар орқали суғурта ҳимоясига бўлган анъанавий ёки ўзига хос рақамлаштириш натижасида ҳосил бўлган эҳтиёжларни қонлириш усулидир. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичида ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.Суғурта бозорида рақамлаштириш деганда суғурта компаниясининг бизнес жараёнларида рақамли техналогиялардан фойдаланиш тушунилади. Ушбу тушунча билан бир қаторда “ бизнес – жараёнларни рақамлаштириш” атамасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпинча рақамлаштириш жараёнида янги ишлаб чиқариш ва симсиз технологиялардан фойдаланиш назарда тутилади. Хозирги вақтда суғурта компанияларида қуйидаги бизнес жараёнлари рақамлаштирилмоқда:

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
- шартномани расмийлаштириш олдиндан суғурталанувчиларнинг рискларини баҳолаш жараёнларида
- суғурта хизматларини сотиш ва даъволарини кўриб чиқиш жараёнларида

“Рақамли суғурта” маъносини аниқлаш муаммоси унинг икки томонлама ҳолатни англатиши ётади.



1-расм.Рақамли суғуртага икки томонлама ёндашув

Бир томондан, рқамли суғурта рақамли иқтисодиёт томонидан яратилади, бошқа томондан эса, бу суғурта институтларининг таркибий қисмларида амалга ошириладиган рақамли технологияларнинг фаолиятини англатади.

Иқтисодий муносабатларни индивидуаллаштириш суғурта бозоридаги оммавий стандартлаштирилган маҳсулотлардан воз кечган ҳолда суғурта компаниялари таклифларини индивидуаллаштиришда намоён бўлади.

Рақамли технология	Технология таснифи ва қўлланилиши
Big data	Катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш технологияси
Интернет “нарсалар” (internet of things, IoT)	Суғурталашнинг потенциал объекти сифатида ишлайдиган ва интернетга уланадиган қурилмалар тўғрисида қўшимча маълумотларни тўплаш
Кўрсаткичларни йиғиш ускуналари (телематика, ҳаёт ва соғлик кўрсаткичларини масофадан туриб йиғиш)	Суғурта объектлари тўғрисида қўшимча маълумотларни масофадан туриб мақсадли йиғиш
Симсиз алоқа технологиялари	Суғурталанувчи (суғурталанган шахс) ҳақида wi-fi жойлашуви бўйича қўшимча маълумот олиш
Виртуал вокейликдан маълумотларни йиғиш	Суғурталанувчи (суғурталанган шахс) томонидан ижтимоий тармоқларда жойлаштириладиган маълумотларни таҳлил қилиш

2-расм. Суғурта компанияларида суғурта таклифини индивидуаллаштириш технологиялари

“Ақлли суғурта” маҳсулотларини жорий қилиш натижасида технологиянинг ўзи янги бўлишидан ташқари суғурта портфелининг сезиларли даражада ўсиши ва ривожланиши рўй беради, аммо кўп жиҳатдан бу энг муҳим омил ҳар бир мижоз ва суғурта объектининг ўзига хос хусусиятларини имкон қадар ҳисобга олган ҳолда воқеа юз беришининг энг аниқ эҳтимолий нарх кўрсаткичларини шакллантириш имконини берувчи суғурта маҳсулотларини сотиш, бу охир-оқибат рискларни баҳолашдаги аниқликни анча ошириш ва суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигига ижобий тарзда таъсир қилишига имкон беради. Худди шунга ўхшаш тизимларни Ғарбда жорий этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, “ақлли суғурта” маҳсулоти йўллардаги йўл-транспорт ҳодисалари миқдорининг пасайиши, йўл ҳаракати хавфсизлигининг умумий даражасини ошириш, автомобиль эгаларининг суғурта ва ёқилғи харажатларини қисқартириш, шунингдек, шаҳарларнинг экологик ҳолатини яхшилашга имкон берди. Касалликни унинг эрта босқичида ташхислаш самарали даволаш гарови бўлган тиббиёт учун бундай қарорлар мижозларнинг тиббий харажатларини камайтириш, суғурта компанияларига эса суғурта қопламаси тўлаш ва таъминлашга доир харажатларини умумий камайтиришга қаратилган олдини олувчи

чоралар кўришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 24.01.2020, http//www.uza.uz
2. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. – М. ЮНИТИ, 2001. – 311 б.
3. Ефимов С. Л. Энциклопедический словарь: Экономика и страхование. - М.: Церих-ПЭЛ, 1996. - 528 б.
4. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 462 с.
5. Дюжиков Е.Ф. Перспективы сотрудничества стран СНГ в области страхования // Финансы. - 2000. - №6.-С.42-44
6. Ptolemus Consulting Group консалтинг маркази маълумотлари.
7. Berg Insight консалтинг маркази маълумотлари.
8. Future Market Insights консалтинг маркази маълумотлари.

К.З. Музаффарова – ҚарМИИ катта ўқитувчиси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада инвестициявий муҳитни шакллантириш, инвестицион жозибадорликни ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар, минтақа иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ижобий таъсир кўрсатаётган омиллар назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестиция, инвестиция муҳити, қўшма корхона, маҳсулот, аҳоли даромадлари, экспорт, импорт.

Аннотация: в данной статье дано теоретическое освещение факторов, влияющих на формирование инвестиционного климата, повышение инвестиционной привлекательности, факторов, влияющих на инвестиционный климат, положительно влияющих на проникновение иностранных инвестиций в экономику региона

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, совместное предприятие, продукт, доходы населения, экспорт, импорт.

Keywords: investment, foreign investment, investment climate, joint venture, product, household income, export, import

Abstract: this article provides theoretical coverage of the factors influencing the formation of the investment climate, increasing investment attractiveness, factors affecting the investment climate, positively affecting the penetration of foreign investment into the economy of the region.

Инвестицияларни жалб қилиш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда қулай инвестиция муҳитини яратишэнг муҳим шартлардан бири саналади.

Г.Подшиваленко ва Н.Киселева таҳрири остида тайёрланган ўқув

қўлланмада “Инвестициялаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда энг кенг тарқалган мезонлардан бири бу – макродаражадаги инвестицион

Ўзбекистонлик ва бошқа кўплаб хорижий олимларнинг “инвестиция муҳити” ва “инвестициявий жозибадорлик” тўғрисидаги илмий муҳит ва инвестициялаш объектининг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш ҳисобланади”[1], деб таъкидланади.

Шунингдек, “инвестиция муҳити”га нисбатан турли сифат тавсифларини қўллаш ҳолати ҳам кузатилади. Жумладан, Б.А.Охунов мақбул инвестиция муҳити тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Мақбул инвестиция муҳити – инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан мамлакат ва инвесторлар хавф-хатарлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар тизимидир”[2].

Иқтисодий адабиётларда “инвестицион муҳит”, “инвестиция муҳити”, “инвестициявий муҳит”, “инвестицион иқлим” деган иқтисодий категорияларга дуч келамиз. Бизнингча бу тушунчаларнинг ҳар бири айнан бир хил мазмунни ифодалаши, яъни синоним сўз бўлганлиги боис, ўзбек тилининг қонун-қоидаларидан келиб чиққан ҳолда “инвестиция муҳити” тушунчасини қўллаймиз.

Фикримизча, “инвестиция муҳити” деганда, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган инвестициялар самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий омиллар ва шарт-шароитлар йиғиндиси тушунилади. Инвестиция муҳитининг ҳолати яратилган ҳуқуқий база ва унинг асослари, қонун ҳужжатларининг сифатли тузилиши ва уларга риоя қилинишини талаб этади.

Республикамизда барқарор сиёсий-иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳити яратилиши ва хорижий капитални қабул этиш тизимининг самарали бўлиши чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурий шартидир. Инвестиция муҳити, инвестицион ресурсларни жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағлар даромадлилигини таъминлаб беради.

Инвестиция жозибадорлиги эса инвестиция муҳити шаклланган сўнг унинг мавжуд салоҳияти тўғрисидаги ахборотларни инвесторларга етказиш мақсадида “бонг уриш” тамойили билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий фаолиятлар тизимидир.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ижобий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин: арзон ва малакали ишчи кучининг мавжудлиги; республикамизнинг табиий-иқтисодий ресурсларга бой эканлиги; мамлакатимиз

[1] Инвестиционная деятельность: учебное пособие / Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2006. –432 с.

[2] Охунов Б.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши шароитида мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш (Фарғона водийси вилоятлари мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2010.

табиий-иқлим шароитларининг йирик миқдорда қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқариш имкониятига эгалиги; миллий бозорнинг истиқболли эканлиги; мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги; қулай меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги ва ҳ.к.[1]

Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни таъсир натижасига кўра ижобий ва салбий омилларга гуруҳлаш мумкин.

Ижобий омиллар – бу инвестиция муҳитининг яхшиланишига таъсир этувчи ҳолатлар йиғиндиси ҳисобланиб,уларга иқтисодий ҳолат, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси, унинг фаолият кўрсатишга қулай қонун ва қоидалар, маданият ва маънавият, инвесторларнинг қизиқишини киритиш мумкин.

Салбий омиллар – бу инвестиция муҳитининг яхшиланишига акс таъсир этувчи омиллар йиғиндиси ҳисобланиб,уларга иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, суғурта қилиш механизмидаги камчиликлар, инвестиция лойиҳалари учун аниқ маълумотнинг йўқлиги, қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва бошқаларни киритиш мумкин (1-расм).



1-расм. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар[2].

Иқтисодий адабиётда инвестиция муҳитини яратиш кўплаб омиллар таъсирига боғлиқ эканлиги таъкидланади[3], уни таҳлил қилишда асосий эътибор ички ва ташқи хусусиятларга қаратилиши ва бу йўналишда

[1] Тухлиев Н., Хақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. - 233-б.
[2]Муаллиф томонидан тузилган.
[3]Бродский М.Н., Костенко С.И. Инвестиции как источник конкурентоспособности // Ученые записки Института права С.Петербургского государственного университета экономики и финансов. / Под ред. А.А.Ливревского. – СПб, 2001. Вып. 6. С.95.

инвестиция муҳитининг ривожланиш даражаси, унинг жозибадорлиги ва инвестиция рискини аниқлаш усулларининг аҳамиятининг муҳимлиги эътироф этилади[1].

Инвестиция муҳитини такомиллаштириш биринчи ўринда инвестиция жозибадорлиги даражасини оширишга боғлиқ.

Инвестиция жозибадорлиги - мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхона инвестициялари даромадлилиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция риски даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестиция жозибадорлиги инвестиция салоҳияти ва инвестиция риски даражасини шакллантирадиган омилларнинг бир вақтда таъсир этиши орқали аниқланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлилиги, жозибадорлиги ва инвестиция риски даражасини аниқлаш мумкин. Инвестиция риски даражаси инвестиция муҳитига бевосита, яъни тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Хорижий инвесторлар учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳим ҳисобланади ва ривожланган мамлакатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар жалб этишдан манфаатдор давлатларни инвестиция муҳитини ўрганадиган ва инвесторлар учун хулосалар берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Хусусан, Швейцария, Германия каби қатор мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири: 0-қониқарсиз ва ўта қулайгача бўлган балли шкала бўйича баҳоланадиган 15 та муҳим кўрсаткичлар асосида "BERI" (business environment risk index) индекси ҳисобланади. "BERI" индекси дунё мамлакатлари бўйича йилига 3 марта эълон қилинади.

Инвестиция муҳити объектив иқтисодий категория бўлиб, у ўзида ҳар бир олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради. Жумладан, давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Ушбу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция тизимининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил тарзда ташкил этилади. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонни хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этса, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ортиб бориш ҳолатига баҳо беради.

[1] http://ifc.org, http://economic-dictionary.ru

З.М.Мухаммедова – СамИСИ катта ўқитувчиси, PhD,
А.Т.Сафаров – СамИСИ, МДМ 121 –гуруҳ магистранти

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ГУРУҲЛАНИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналиши эканлиги тадқиқ этилган. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича муҳим таклифлар баён этилган. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳудуднинг молиявий потенциалига боғлаб асосланган. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясини шакллантириш бўйича таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: Маҳалий бюджет, молиявий стратегиялар, даромадлар, харажатлар барқарорлиги, бюджет барқарорлиги, бюджет тушумлари, молиявий тақчиллик, молиявий қарамлик коэффициенти, харажатлар монандлиги.

Аннотация: В этой статье рассматривается, что обеспечение исполнения местных бюджетов и укрепление их финансовой устойчивости является важным аспектом финансовой стратегии. Намечены важные предложения по укреплению финансовой устойчивости местных бюджетов. Эффективное функционирование финансовой стратегии местных бюджетов во многом зависит от финансового потенциала региона. Были сформированы предложения по формированию финансовых стратегий местных бюджетов.

Ключевые слова: местный бюджет, финансовые стратегии, доходы, устойчивость расходов, устойчивость бюджета, доходы бюджета, финансовый дефицит, коэффициент финансовой зависимости, сходство расходов.

Abstract: This article discusses that ensuring the execution of local budgets and strengthening their financial stability is an important aspect of the financial strategy. Important suggestions have been outlined to strengthen the financial sustainability of local budgets. The effective functioning of the financial strategy of local budgets largely depends on the financial potential of the region. Proposals were made to formulate financial strategies for local budgets.

Keywords: local budget, financial strategies, revenues, sustainability of expenditures, budget sustainability, budget revenues, financial deficit, coefficient of financial dependence, similarity of expenditures.

Маҳаллий бюджет молиявий стратегияларини аниқлаштириш ва унга нисбатан ёндашувларни асосланган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Молиявий стратегия мамлакат миқёсида бир хил хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин ҳудудий нуқтаи назардан ўзаро фарқланиши мавжуд бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади.

Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан ҳудуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган вертикал молиявий ваколатларни горизонтал хусусиятга ўтказишни тақозо этади. Ушбу ҳолатнинг жорий этилмаслиги молиявий мустақилликни истиқболини мавҳумлаштиради. Умуман олганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб – молиявий мустақиллик ҳисобланади. Шу боисдан, маҳаллий бюджетларнинг харажатларини амалга оширишдаги барқарорлиги молиявий старегияни мустақил шакллантиришдаги ваколатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда харажатлар ягона ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланади. Умуман олганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясида молиявий мустақиллик икки омилга боғлиқ эканлиги олимлар томонидан ҳам асослаб берилмоқда. Жумладан, булар бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобланади. Шу боисдан, уларни мувозанатлаштириш молиявий стратегиянинг бош мақсади бўлиб қолади.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий бюджетларнинг молиявий стартегияларини шакллантиришдаги асосий муаммолардан бири – бу бюджет сиёсатини марказдан бошқарилиш амалиёти мавжудлиги билан изоҳланади. Албатта ушбу тажрибанинг амал қилиши макроиқтисодий барқарорликка жиддий таъсир кўрсатмаслиги мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларида ҳудудий молиявий мустақилликни таъминланиши иқтисодий ривожланишни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Бу эса, ҳудудий молиявий ваколатларни қайтадан кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Бизнингча, молиявий ваколатларни горизонталлаштиришда эътибор берилиши лозим бўлган жиҳат – бу қуйи ва юқори чегараларни белгиланиши лозим. Фикримизча, бюджет харажатларини республика ва ма.аллий бюджет нуқтаи назаридан ажратилишини таклиф этилиши .удудларнинг молиявий стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, харажатларни амалга ошириш ваколатларини белгилашда аниқликни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди//Халқ сўзи, 2020 й. 10 июнь, №122.
2. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2002. – 22 б.
3. Рўзиев З.И. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2011. – 22 б.
4. Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромадлар базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА. 2011. – 22 б.
5. Қиёсов Ш. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш муаммолари//Молия журнали. –Т.: 2014. -№1. – Б. 36-40.

Г. Нарзиева –СамИСИ, МДМ 120 гуруҳ магистранти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ОПТИМАЛЛАШТИРУВ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мақолада давлат бюджетининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, уни миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли борасида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Давлат бюджетининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрни юзасидан хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий хулосалари тизимлаштирилган. Уларга нисбатан муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети, бюджет очиқлиги, бюджет-солиқ сиёсати, бюджет харажатлари, бюджет даромадлари, ташаббускорлик бюджети.

Аннотация: в статье проводится исследование социально-экономического значения государственного бюджета, его места и роли в народном хозяйстве. Систематизированы научные выводы зарубежных и отечественных ученых о роли государственного бюджета в макроэкономической политике. К ним разработаны авторские подходы. На основании проведенных исследований сформированы научные выводы.

Ключевые слова: государственный бюджет, прозрачность бюджета, фискальная политика, расходы бюджета, доходы бюджета, инициативный бюджет.

Abstract: The article studies the socio-economic significance of the state budget, its place and role in the national economy. The scientific conclusions of foreign and domestic scientists on the role of the state budget in macroeconomic policy are systematized. They developed their own approaches. On the basis of the conducted research, scientific conclusions are formed.

Keywords: state budget, budget transparency, fiscal policy, budget expenditures, budget revenues, initiative budget.

Жамият пайдо бўлибдики, унда аъзоларнинг турмуш фаровонлиги кун тартибидаги доимий масала бўлиб келган. Кўплаб ҳолатларда аҳоли фаровонлиги давлат бюджети билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил этилганлигини кўриш мумкин. Бунда давлат томонидан аҳоли қўлидаги даромаднинг маълум қисмини кам даромадли бошқа аҳоли қатламига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида бюджет-солиқ сиёсатининг илк кўринишларини ўзида акс эттириб беради. Бюджет сиёсатининг турмуш тарзини барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти кўп жиҳатдан молиявий қарорларнинг вертикал ва горизонтал тарзда тақсимланганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий таълимотлар тарихида кўплаб адабиётларда бюджет сиёсатига доир кўплаб қарорларнинг марказлашган ҳолда амалга оширилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, бюджетнинг аҳоли турмуш даражасига таъсирнинг ижобий ёки салбий бўлишига шарт-шароит яратган. Кўпгина адабиётларда марказий ҳокимият томонидан молиявий қарорларни қабул қилиниши салмоғи кўп бўлиши уларнинг сифатига салбий таъсир этиши

қайд этиб ўтилади. Бизнингча, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда бюджет ишларига оид қарорларни қабул қилишда аҳоли иштирокининг кенгроқ таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, бюджетнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини мустаҳкамлаш учун молиявий қарорларни горизонтал шаклдан вертикал шаклга ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида бюджетни янада очиқ бўлиши ва фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Шу боисдан, солиқ сиёсати аҳолининг турмуш фаровонлигига доим сезиларли таъсир ўтказиб келган. Масалан, Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари даврида ҳам ушбу масаланинг намунасини кўриш мумкин. Жумладан, солиқ ва бошқа тўловларнинг кескин ортиб кетиши аҳоли турмуш шароитлари бирмунча пасайишига олиб келган. Бунга асосий сабаблардан бири сифатида молиявий бошқарувнинг ҳаддан зиёд марказлашуви ва яккаҳокимликнинг кучайиб кетиши ортидан вужудга келган деган хулосалар қайд этиб ўтилади [1]. Бюджет сиёсатини оптималлаштириш орқали ҳаёт даражасини мустаҳкамлаш олтин нуқтани топиш каби мураккаблик касб этади. А.Темур давлатида эса, бюджет ишлари дастлаб хазинабон томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик вазирликлар кесимида бюджет маблағларини назоратини амалга ошириш белгилаб берилган. Шу билан бирга, давлат молиявий амалдорининг молиявий камомадларга йўл қўйишига нисбатан молиявий санкциялар ҳам кўзда тутилганлиги бюджет сиёсатидаги тартибнинг мавжудлигини ўзида акс эттиради [2]. Бизнингча, иқтисодий самарадорлик категорияси сарф этилган бюджет маблағларининг иқтисодий қайтими нуқтаи назаридан қараш мумкин. Бунда аҳолини ичимлик сувини таъминлаш, йўл инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва бошқа ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш юзасидан молиялаштирилган тадбирларни мисол сифатида келтириш мумкин. Бошқача айтганда, бюджет харажатлари ҳисобидан қанча узунликдаги йўлни асфальт қилинганини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мумкин. Натижада, маблағларнинг рентабеллик даражасини аниқлашга имкон туғилади. Лекин давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш учун солиқларни марказлаштириш талаб этилади. Бу эса, марказий бошқарув органларининг қарор қилиш ваколатларини кучайишига олиб келиши мумкин[3]. Бизнингча, харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш босқичларини мавжуд бўлиши натижавийликнинг вужудга келишига шарт-шароит яратади, деб ўйлаймиз. Мазкур босқичларнинг амалга оширилиши бюджет сиёсатида иқтисодий самарадорликни тизимли равишда ҳаракатга келишини таъминлайди. Бунда бюджет сиёсатининг нормаказлашуви марказий ваколатларнинг маҳаллий даражада амалда бўлишини назарда тутишини ўзида акс эттиради[4].

Ўзбекистон амалиётида бюджет харажатларининг иқтисодий самарадорлиги бюджет тузилиши билан боғлиқ ҳолатларни такомиллаштириш зарур ҳисобланади. Бунда давлат бюджети дефицитининг марказий бюджетдагина амал қилиши маҳаллий бюджет

органларига даромад ва харажатларни тўлиқ бошқаришга имкон бермайди. Шу боисдан, маҳаллий ҳудудларга молиявий ваколатлар тақдим этилганда ушбу жиҳатга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади[5].

Мамлакатда макроиқтисодий сиёсатнинг ажралмас бўлаги сифатида фискал сиёсат тадқиқ этилади. Мазкур сиёсатнинг иқтисодий ўсишга нисбатан сезиларли таъсири сабаб иқтисодчи олимлар уни ўрганишни доимо назарда тутадилар. Бунинг асосий сабабларидан бири аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш натижа омили сифатида қаралишидир. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бюджетнинг ижтимоий ҳимоя харажатлари сезиларли рол ўйнайди. Бу эса, бюджетнинг макроиқтисодий аҳамияти долазрблигини ўзида акс эттириб беради. Бизнингча, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қидувчи омил сифатида фискал сиёсати алоҳида рол ўйнамоқда. Бунда аҳолининг даромадларини барқарорлаштириш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради. Давлат бюджети аҳолини бирламчи тиббий хизматлар билан қамраб олиш, таянч таълим билан таъминлаш ва кам даромадли қатламни молиявий қўллаб-қувватлаш каби масалаларни ечишда ҳал этувчи ролга эга ҳисобланади[6]. Умуман олганда, давлат бюджети харажатларининг амалга оширилиши ва бюджет сиёсатининг миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ролини назарий асосларига қаратилган қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга харакат қилдик:

– бюджетнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда – бюджет сиёсати молиявий қарорларини қабул қилишни номарказлаштириш ва ваколатларни вертикал тақсимлашга эришиш;

– бюджет дефицитининг марказлашувини тугатиш учун ҳудудларнинг молиявий қарорларни қабул қилиш юзасидан ваколатларини кенгайтириш;

– бюджет тузилмасини шакллантиришда аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган инфратузилмани шакллантиришга эришиш;

– бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлашга қаратилган натижа мезонларини шакллантириш ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

– бюджет сиёсатининг макроиқтисодий сиёсатдаги ўрнини мустаҳкамлаш учун ЯИМ нисбатан таъсир чораларини назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан асосларини яратиш;

– бюджет харажатлари йўналишларини аниқлашда аҳоли иштирокини оширишга қаратилган шаффофлик ва ташаббуслик механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, давлат бюджети ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида сезиларли аҳамиятга эга бўлмоқда. Иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлиги бюджет маблағларини натижага йўналтирилган ҳолатда сарф этилишини тақозо этмоқда. Бошқа жиҳатдан

эса, бюджет харажатлари йўналишларини ишлаб чиқишда аҳоли мурожаатлари ва ташаббуслари асосида амалга оширилиши назарий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. – Т.: Iqtisod-Moliya. 2009. – 180 б.
2. Толаметова З.А., Қулматов А.А. Амир Темур давлатининг иқтисодий ривожланиши ва савдо алоқалари//Иқтисод ва молия, 2012. - №5. – Б.10-19.
3. Морозова Е.А. Модели бюджетного федерализма в развитых странах и особенности их применения в Российской Федерации: автореферат ... д.э.н. – М.: Московского государственного университета имени М.В.Ломоносова. 2009.–49 с.
4. Эрназаров К.Ю. Бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хс хусусиятлари//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil
5. Алимов И. Бюджет тизими: ўзига хос хусусиятлар// Бизнес-Эксперт журнали. – Т., 2017. - №7. – Б. 7-10.
6. Шеров А.У. Ўзбекистонда бюджет сиёсати: амалий ва стратегик йўналишлари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2019 йил.

Ю.М.Ҳасанова – ҚарМИИ, “Молия” кафедраси катта ўқитувчиси

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОҲИЯТИ

Аннотация: мақолада хорижий инвестициялар ҳақида тушунча, ўрни ва уларни иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятига эътиборберилган,статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Үшбу мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммолар, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида кенг ёритилган.

Калит сўзлар: инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инфратузилма таркиби, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, портфел инвестициялар, экспорт, импорт, модернизация, диверсификация

Аннотация:впредставленной статье дано значение важности иностранных инвестиций в обеспечении стабильности экономики государства, приведён анализ статистических данных. В статье описаны существующие проблемы с привлечением иностранных инвестиций, а также меры по их решению. Также в статье дана информация о существующих проблемах с привлечением иностранных инвестиций и мерах по их решению.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционный климат, инвестиционная политика, инфраструктура, прямые иностранные инвестиции, портфельные инвестиции, экспорт, импорт, модернизация, диверсификация.

Abstract:this article discussesof foreign investment and its important ensuring economic stability and analyzes it on the basis of statistical data.The article also describes the existing problems in attracting foreign investment and measures to address them.There are proposals to improve foreign investment in ensuring economic stability.

Keywords: investment, foreign investment, investment climate, investment policy, infrastructure structure, direct foreign investment, portfolio investment, export, import, modernization, diversification.

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигининазарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади ва ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган устувор ишлар йилдан-йилга тобора ошиб бораётганлиги эътиборга молик.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Инвестиция иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчикучи-драйверидир”[1]. Бугунги кунда Ўзбекистон инвестициявий муҳитни яхшиланиши натижасида мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, жалб этилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш вазифалари амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш, стратегия ва жорий вазифаларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ.Ушбу вазифаларни бажариш натижасида ўтган йилларда инвестицияларнинг ўсиши жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Умуман олганда, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш зарур. Натижада 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилади.“ [2]. Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттирилмоқда.Инвестициялар жорий даромад олиш ёки келажакда уларнинг қийматини ошиб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига пул, моддий ва номоддий шаклда йўналтирилган узоқ муддатли капитал маблағларидир.[3]

Инвестиция муҳитининг яхшиланиши ҳисобига 2019 йил давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 220,7 трл.сўмга етказилиб, тасдиқланган йил прогнозига нисбатан 2 баробарга ўсди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажми 189,9 трл.сўмни, 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръати эса 1,3 баробарни ташкил этди. Асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018 йилда 30 фоиздан амалдаги 36,2 фоизга қадар ўсди, яъни умумий инвестициялар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми 2019 йил натижалари билан 42,1 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида янги истиқболда инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларга хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнифаол жалб қилиш вазифаларини амалга ошириш белгилаб олинган. Мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни яратилиши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция имиджи ва инвестиция жозибадолигини янада яхшилаш, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятидан хабардорликни ошириш, шунингдек хорижий инвесторлар билан ишлашни такомиллаштиришни ва кўрсатилган хизматлар сифатини ошириш мақсадида хорижий инвесторларга кўмаклашувчи гуруҳнинг ташкил этилганлиги, хорижий инвесторлар учун яна бир имконият яратилганлигидан далолат берди. Республика минтақаларидаги бой минерал хом-ашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, тоза атроф муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз хорижий инвестициялар оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналарривожига хизмат қилади.Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ҳисобига ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтиб, уларнинг аксарияти мамлакатимизда яратилаётган ялпи ички маҳсулот ўсишида, меҳнатга лаёқатли ишчи ва хизматчиларни янги иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар вилоят, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини давр талабига мос равишда шакллантиришда яқиндан кўмак бериб келмоқда. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича тақсимланганлиги ва уларнинг умумий хорижий инвестициялардаги улуши бир текисда бўлмай, номутаносибликсақланиб турганлигини кўришимиз мумкин. Айрим вилоят ёки шаҳарларда аҳоли жон бошига нисбатан керагидан ортиқ бўлса, айримлардаи жуда пастлиги намоён бўлмоқда. Хусусан, 2019 йил 1январ ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 фоизга ўсган. Үшбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ҳисобига тўғри келади.

Шуни айтиш керакки, вилоятда Инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган маблағлар марказлазлашган инвестициялар бўйича 2019 йилда 10501555,3 млн.сўмни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 2288926,8 млн.сўмга ошган. Шундан тараққиёт ва тикланиш жамғармаси ҳисобидан

жадвал

Қашқадарё вилоятида 2019 йилги инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган маблағлар тўғрисида маълумот (млн сўм)[5]

т/р	Манбалар ва соҳалар	2018 йил ҳақиқатда	2019 йил Ҳақиқатда
	Жами капитал маблағлар	-	-
I	**Марказлашган инвестициялар**	**8212628,5**	**10501555,3**
1	Республика бюджети ҳисобидан	198798,3	781873,9
2	Суғориладиганерларнингмелиоративҳолатини яхшилаш жамғармаси	-	171582,8
3	Маҳаллий бюджет маблағлари	-	-
4	Давлатнинг мақсадли фондлари маблағлари	442954,5	-
4. 1	Республикайўл жамғармаси	-	-
4. 2	Болалар спорти жамғармаси	45442,4	-
4. 3	Умумтаълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш, реконструкциява капитал таъмирлаш жамғармасиҳисобидан	-	-
5.	Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси	687263,0	9548098,6
6.	Хукумат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари	6838170,3	-
II	**Марказлаштирилмаган инвестициялар**	**7405643,0**	**7697479, 8**
1	Корхоналарнинг ўз маблағлари	3736427,8	3507776,1
2	Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари	1560128,7	2413671,0
3	Банк кредити	710195,8	388527,6
4	Аҳоли маблағлари	1398890,7	1387505,1

2019 йилда 9548098,6 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилга нисбатан 8860835,6 млн.сўмга ошган. Марказлаштирилмаган инвестицияларга келсак, улар 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 291836,8 млн.сўмга ошган. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2019 йилда 2018 йилга нисбатан маблағлар228651,7 млн.сўмга камайган. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари бўйича 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 853542,3 млн.сўмга ошган. Банк кредитлари бўйича 2019 йилдаги кўрсаткич 2015 йилдагига нисбатан 321668,2 млн.сўмга камайган. Аҳоли маблағлари2019 йилда2018 йилганисбатан 11385,6 млн.сўмгакамайган. Маълумотлардан кўриш мумкинки, ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада ошириш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга кенг миқёсда жалб этиш ўтиш даврининг стратегик ва жорий вазифаларнинг ҳал этиш зарурияти билан боғлиқ ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётимизга жалб қилинаётган чет эл сармояларини кўпайтириш учун, аввало, инвестиция муҳитини дунё миқёсида белгиланган стандартлар даражасига олиб чиқиш лозим. Шунингдек, инвестициялар оқимига тўсиқ бўлаётган омиллар, уларни

аниқлаш, бартараф қилиш йўлларини топиш долзарб аҳамият касб этади. Тўғридан-тўғри инвестициялар мамлакатимиз учун ташқи молиялаштиришнинг муҳим манбаига айлангани, бу инновацион технологияларни татбиқ қилиш ва бошқарувни яхшилаш нуқтаи назаридан катта иқтисодий таъсирга эга. Мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни тадбиқ этилиши муҳим ҳисобланади:

биринчидан, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган мақсадли йўналтирилган сиёсат юритиш;

иккинчидан, инвестицияларни реал ишлаб чиқариш соҳасига, яъни хом-ашёни қайта ишловчи тармоқларга жалб этиш;

учинчидан, маҳаллий маҳсулотларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоғиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, хорижий иқтисодий субъектлар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва улар билан эркин инвестицион иқтисодий зоналарни ташкил этиш;

бешинчидан, инфратузилмаси мавжуд ва ривожланиши қулай бўлган жойларга инвесторларни жалб қилиш орқали саноатни тизимли ривожлантириш;

олтинчидан, узоқ муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб этиш ишларини кучайтириш;

еттинчидан, хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда хорижий инвесторларни давлат томонидан қўллаб-қувватловчи жамғармалар ташкил этиш.Юқоридаги таклифларни амалиётда жорий этиш миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Үшбу ҳолат пировардида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш асосида, келгусида мамлакатимизда инвестицион сиёсатни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/3107036.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи, 2020йил 30 декабрь 276 (7778). https://president.uz/

3. Гаврилова А.Н. Финансовый менеджмент. - М.: Кнорус, 2005. - 156 б.

4.https://stat.uz/uz/preview=option=com_dropfilesformat=task=frontfile.downloadcatid=153id=205Itemid=1000000000000.

5.https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments

А.Б. Қурбонов– ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти,
Ж.Б. Бердиев– ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси 2-курс магистранти

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг эволюцион ривожланиш тенденциялари кўриб чиқилган. Тадбиркорлик соҳасидаги олимларнинг назарий таҳлили йўналишлари кўрсатилган. Тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароитларни баҳолаш ва ташкилий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Ҳудудлар ва ҳудудлардаги корхоналарнинг иқтисодий-молиявий мувозанатини таъминлаш механизми ўрганилди.

Калит сўзлар: инвестициялар, инвестиция фаолияти, ташқи савдо айланмаси, экспорт, импорт, қўшма корхоналар, тадбиркорлик.

Аннотация. В статье рассмотрены тенденции эволюционного развития малого бизнеса и частного предпринимательства. Указаны направления теоретического анализа ученых по категории предпринимательство. Анализируются оценка условий, созданных для предпринимательства, и показатели организационно-экономического развития. Исследован механизм обеспечения экономической и финансовой сбалансированности предпринимательства в регионах и регионах.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, внешнеторговый оборот, экспорт, импорт, совместные предприятия, предпринимательство.

Abstract: The evolutionary development trends of small business and private entrepreneurship has been examined in this article. The directions of theoretical analysis of scientists on the category of entrepreneurship are indicated. Assessment of the conditions created for entrepreneurship and indicators of organizational and economic development are analyzed. The mechanism of ensuring economic and financial balance of entrepreneurship in the regions and regions has been studied.

Keywords: investment, investment activity, foreign trade turnover, export, import, joint ventures, entrepreneurship.

Бозор муносабатларининг қарор топиши шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиши йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади. Бозор иқтисодиётининг эволюцион ривожланишида истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мувозанатини тадбиркорлик таъминлаб келган. Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви чегараси қонунчилик, солиққа тортиш даражаси, иқтисодий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатдорлик асосида муносабат

юритишга имкон берадиган кичик тадбиркорликка жорий этилган имтиёзлар тизими орқали тартибга солиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми ва динамикаси келтирилган. Қашқадарё вилоятида 2020 йилда иқтисодиётга жалб этилган инвестиция 189924,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2002 йилга нисбатан 124 марта, 2012 йилга нисбатан 7,7 марта, 2018 йилга нисбатан 1,5 мартага ошган. Бунинг натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Жумладан, Қашқадарё ташқи савдо айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2020 йилда 29,4 фоизни ташкил қилиб, кенги беш йилда икки баробардан отиқ ошган. Шунингдек, инвестициялаш натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ишлаб чиқариш хажми ошиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши кейинги беш йилда 10 фоизга ошган.

Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир.

Кейинги йилларда давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмокда. Жумладан, Бозор иқтисодиётни шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштирилган. Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш камайиб боради. Бундай холларда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан маданияти, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалар молиялаштирилади ҳамда бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг микиёсда қурилиб фойдаланиш топширилаётган тиббиёт муассасалари, таълим муассалари, уй-жой қурилиши ва бошқаларни келтириш мумкин. Жумладан, 2020 йилда Қашқадарё вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар 15321.1 милрд. сўмни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 3 баробар ошган. Шундан ноишлаб чиқаришга сарфланган инвестициялар жами инвестицяларда 30 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан икки баробарга ошган. Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоғига 70 фоизга яқин инвестициялар жалб этилган.

Юқорида санаб ўтилган маблағлар манбаидан корхоналар ишлаб чиқаришини барпо қилишда йирик саноат корхонларини модернизация ёки

техник - технологик жиҳатдан янгилашда, кичик корхоналарда айланма маблағларини кўпайтиришда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жихатдан кўллаб қувватлаш мақсадида давлат томонидан субцидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмоқда. Давлат томонидан олиб борилаётган кўллаб-қувватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса эндигина иш бошлаган хорижий инвестицион ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзлари бериши ҳам алоҳида аҳамият касб этмокда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва шу сўммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар.

Бундан ташқари корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам кўшимча маблағларга эга бўлишлари лозим. Инветиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аҳоли маблағлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг зарур манбаи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг риножланганлиги аҳоли маблағлари тўғридан тўғри инвестицпяларга йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоятда ҳам қимматли қоғозлар бозори шаклланиб бормокда аҳолининг бўш пул маблағларининг жамғариш тижорат банкларида амага оширилмокда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатди кредит ишига йўналтирилмоқда. Шуни айтиш керакки вилоятимизда чет инвестицияси киритилган корхоналар сони 2020 йилда 192 бирликни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 4,2 баробар ошган. Қашқадарё вилоятида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 2020 йилда 2015 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги (9 марта), саноат (3,2 марта), қурилиш (10марта), қурилиш (3,8 марта), ташиш ва сақлаш соҳаси (4 марта) ўсган[3].

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз тадбиркорликни ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудларда тадбирколик ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир. Шу ўринда инвестицион жараёнларни таҳлил қилиш ва амалга оширишда келажакда иқтисодий ривожланишга асос бўлувчи инвестиция йўналишларига урғу бериш керак.

Фикримизча, инвестиция деганда кўп қиррали фаолиятни тушуниш лозим ва у бўш бўлган молиявий маблағларни келажакда моддий ва

молиявий бойликни яратувчи тадбиркорлик субъектларига сарфлашни ифодалайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг ва давлатнинг ҳудудий инвестиция билан боғлиқ кўп қиррали фаолияти, тадбиркорларнинг ўз маблағлари, аҳоли маблағларининг моддий ва молиявий бойликларни яратадиган объектларга сарфланадиган молиявий ресурсларни шакллантириш лозим.

Ҳудудларда тадбиркорлик субъектларига инвестиция жалб қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- чет эл сармояси тақсимоти;
- хорижлик ишбилармонлар учун жозибадор имконият;
- лойиҳалар ва ҳамкорлик;
- механизмни такомиллаштириш зарурати;
- молия оқимини кўпайтириш.

Юқоридаги йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инвестицион сиёсатни амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантиришга, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидан жуда ҳам катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма - босқич яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Турсунов Имамназар Эгамбердиевич, Курбанов Алишер Бобокулович Инновационные подходы развития предпринимательства // International Journal of Innovative Technologies in Economy. 2018. №5 (17).
2. Khamrayeva Sayyora Nasimovna, Kurbanov Alisher Bobokulovich, Fayziyeva Shirin Shodmonovna. Thınkıng Desıgn an Effectıve Way to Shape and Develop Innovatıons. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 7954-7960.
3. Курбанов А.Б., Джалилова Н.М. Роль кооперации в формировании аграрной собственности Economics № 4 (47), 2020
4. АБ Курбанов, КБ Сафаров. Развитие форм собственности в аграрном Секторе - современные проблемы развития …, 2021 - elibrary.ru
5. Марказий осиё инвесторларни нимаси билан жалб этиши мумкин? // https://kun.uz/news/2018/10/21.
6. Қашқадарё вилоят статистика бош бошқармаси маълумотлари.

Kh.Q. Rasulov– senior teacher of “Innovative economics” department, Karshi engineering-economics institute,
I.Ibragimov – 1st year student of KarIEI

FINANCIAL SERVICES AS THE MEANS OF INFLUENCE ON THE PRODUCTIVITY OF AGRICULTURAL FIRMS IN THE WORLD

Abstract. The article highlights the impact of financial services on the productivity of agricultural entities around the world. The factors and potential risks that hinder the provision of services to the agricultural sector by financial institutions have also been studied. Martin Kanz, an economist, studied the subject. The consequences of providing financial services tailored to the needs of farmers and agribusiness in agricultural productivity are summarized in the concluding section.

Keywords: financial services, agriculture, productivity, rural financial infrastructure

Аннотация. В статье освещается влияние финансовых услуг на производительность сельскохозяйственных предприятий по всему миру. Также изучены факторы и потенциальные риски, препятствующие оказанию услуг аграрному сектору финансовыми институтами. Мартин Канц, экономист, изучал этот вопрос. Последствия предоставления финансовых услуг, адаптированных к потребностям фермеров и агробизнеса в производительности сельского хозяйства, резюмируются в заключительном разделе.

Ключевые слова: финансовые услуги, сельское хозяйство, производительность, сельская финансовая инфраструктура.

Annotatsiya. Maqolada moliyaviy xizmat koʻrsatishning butun dunyo boʻylab qishloq xoʻjaligida faoliyat yuritayotgan sub'ektlar ishlab chiqarish samaradorligiga ta’siri yoritib berilgan. Shuningdek, moliyaviy institutlar tomonidan qishloq xoʻjalik sektoriga xizmat koʻrsatishiga toʻsqinlik qiluvchi omillar va ehtimoliy xatarlar oʻrganilgan. Iqtisodchi olimlardan Martin Kanzning bu boradagi tadqiqotlari oʻrganilgan. Qishloq xoʻjaligidagi mahsuldorlik fermerlar va agrobiznes ehtiyojlariga moslashtirilgan moliyaviy xizmatlarni taqdim etish oqibatlari xulosa qismida keltirilgan.

Kalit soʻzlar: moliyaviy xizmat koʻrsatish, qishloq xoʻjaligi, mahsuldorlik, qishloq joylaridagi moliyaviy infratuzilma

Worldwide, agriculture is the main source of income among the rural poor. Relative to other sectors, agricultural growth can reduce rural poverty rates faster and more effectively. As discussed in the Global Financial Development Reports in recent years, one relevant vehicle to achieve growth in the sector may be finance.

Farmers’ decisions to invest and to produce are closely influenced by access to financial instruments. If appropriate risk mitigation products are lacking, or if available financial instruments do not match farmers’ needs, farmers may be discouraged to adopt better technologies, to purchase agricultural inputs, or to make other decisions that can improve the efficiency of their businesses. Improving access to finance can increase farmers’ investment choices and provide them with more effective tools to manage risks.

What is then preventing farmers and agricultural businesses to obtain finance? Historically, financial institutions have been reluctant to serve the sector for many reasons.

One major reason is geographical. Low population density and large

geographical dispersion of clients in rural areas make it difficult for banks to operate at a profitable scale. The lack of financial institutions branches has translated in a limited provision of saving, insurance and credit products to farmers and agribusinesses.

A second factor inhibiting financial institutions from serving the sector has to do with the systemic risk characterizing agricultural activities. When natural hazards or adverse weather conditions take place, they typically affect a large number of farmers and firms simultaneously, making it more challenging for financial providers to diversify their portfolio of clients, since when one client fails to pay, many others will be in the same situation. This problem is aggravated by the paternalistic behavior or political motives that governments may have. Policies ranging from bailouts to relieve households from their debt obligations to political loans to the sector may distort firms and farmers incentives and discourage financial providers to enter the market. As researcher Martin Kanz studied during his researches, he finds that the world's second largest country with its population–India's largest bailout program (the Debt Waiver and Debt Relief Scheme for Small and Marginal Farmers) did not alleviate problems of debt overhang of its beneficiaries. Instead, program recipients increased their reliance on informal credit and reduced their productive investment. His findings suggest that beneficiaries were concerned of the stigma of being identified as defaulters due to the program, and the effects this may have in their future access to formal credit.

Another challenge that banks face when serving the agriculture sector is that financial infrastructure in rural areas is in general very poor. Tracking identity of clients or monitoring production outcomes becomes extremely difficult in rural areas. If financial provides cannot track their clients back, then the punishment of default or underperform for a farmer is low, especially if contract enforcement is low. Hence, potential lenders or insurers may well decide not to engage with the sector in the first place, or to respond by excessive credit rationing or over-reliance on traditional forms of collateral, which many farmers lack.

In the last two decades, new approaches attempting to reduce these challenges have been developing in agricultural finance. One with great potential in agricultural settings is the use of technology to facilitate financial transactions. Credit and movable collateral registries, mobile banking and correspondent banking are examples of ways in which technology can help ease market failures in the agriculture setting. While rigorous impact evaluations on many of these new developments are pending, there are some studies that provide some insights. In Malawi, Giné and others found that the use of fingerprints to identify clients made the threat of future credit denial credible. As a result, the incentives for clients to pay back the loan increased, while simultaneously incentivizing lenders to engage in more transactions. Even though projects of this type are in piloting stages, these initiatives show great potential in reducing information costs of lenders or insurers. Other examples

include Kenya's M-Pesa and initiatives to introduce registries for movable collateral.

Proper risk management strategies are of extreme relevance to the sector. Instruments such as index insurance succeed in minimizing moral hazard and adverse selection, and under some circumstances can incentivize farmers to take riskier but more profitable investments. However, index insurance remains a small fraction of the broad range of insurance products, and there are some challenges that index insurance still faces- having a low take-up rate, being too complicated for farmers to understand and value, or failing to dissipate an important part of the risk faced by farmers.

As agricultural production transforms into integrated and more complex market chains, value chain finance has gained importance, helping link small farmers with the rest of the chain. As defined by Food and Agriculture Organization of the United Nations, value chain finance refers to the financial services that flow through the value chain to address the needs of those participating in the chain. Financial needs could range from securing sales, to procuring products, or obtaining finance. Several financial products have been developed to finance value chains, such as trade finance instruments, warehouse receipts, leasing, factoring, etc. An innovative business model in value chain financing is Agrofinanzas in Mexico. Agrofinanzas specializes in lending to small farmers with little experience with banks and formal financing. Its business model is based on relationships with larger firms that are connected to smaller farmers. Agrofinanzas identifies its borrowers with information obtained by large firms on their small suppliers.

Summing up, evidence suggests that productivity in the agricultural sector can benefit from better access to financial instruments tailored to the needs of farmers and agribusinesses. Policy makers can take a series of steps to make this happen. First, investing in rural financial infrastructure can overcome the information asymmetries that discourage financial providers from serving agricultural firms. The availability of public databases on agricultural and weather statistics would allow lenders and insurers to distinguish good clients from bad ones more precisely and monitor their actions. Governments have a comparative advantage in providing information to help lenders or insurers identify their risks and price them accordingly. Second, strengthening property rights and contract enforcement can open up access to important financial products to farmers and agribusinesses. Third, governments should abstain from paternalistic policies that discourage financial providers from entering the market and that distort the incentives for farmers and firms. Public subsidies directed at agriculture should be carefully considered because they provide inappropriate incentives for farmers to invest in unprofitable farming activities. While certain subsidized insurance products could be justified on the basis of achieving the higher take-up of these products and allowing users to understand their value, subsidies that do not involve proper assessments of the quality or feasibility of projects should be avoided.

З.М.Мухаммедова – СамИСИ катта ўқитувчиси, PhD,
А.Т.Сафаров – СамИСИ, МДМ 121 –гуруҳ магистранти

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Аннотация: Илмий мақолада маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет салоҳиятини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилган. Маҳаллий бюджет даромадларининг концептуал асосларини чуқур ўрганиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган. Солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти ва маҳаллий бюджет даромадларини ошириш ҳамда маҳаллий солиқлар рўйхатини кенгайтириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар таклиф этилган.

Калит сўзлар: бюджет салоҳияти, бюджетлараро трансферт, даромад базаси, маҳаллий бюджетлар, маҳаллий солиқлар, солиқли даромадлар, молиявий мустақиллик, маҳаллий бошқарув.

Аннотация: В научной статье рассматриваются вопросы укрепления бюджетного потенциала органов местного самоуправления. Он основан на необходимости глубокого изучения понятийного аппарата доходов местных бюджетов и разработки практических рекомендаций по обеспечению их устойчивости. Предложены роль налогов в формировании доходов местных бюджетов и предложены практические предложения и рекомендации по увеличению доходов местных бюджетов и расширению перечня местных налогов.

Ключевые слова: бюджетный потенциал, межбюджетный трансферт, доходная база, местные бюджеты, местные налоги, налоговые поступления, финансовая самостоятельность, местное самоуправление.

Abstract: The scientific article discusses the issues of strengthening the budgetary potential of local governments. It is based on the need for a deep study of the conceptual apparatus of local budget revenues and the development of practical recommendations to ensure their sustainability. The role of taxes in the formation of local budget revenues is proposed and practical proposals and recommendations for increasing local budget revenues and expanding the list of local taxes are proposed.

Keywords: budget potential, inter-budget transfer, revenue base, local budgets, local taxes, tax revenues, financial independence, local government.

Ҳозирги пайтда давлат томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилди.

Илк бор, «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат

бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан маҳаллий бюджетлар харажатлари халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириладиган даромад турлари кенгайтирилди. Бугунги кунда давлат молиясини шакллантириш жараёнидаги муаммолардан бири маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўлиб, бу борада иқтисодчи олимлар маҳаллий бюджет молиявий барқарорлигини таъминлаш молиявий омилларга боғлиқ эканлигини эътироф этади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Бунда маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим. Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш, харажатларини барқарорлаштириш, уларнинг даромад базасини кенгайтириб бориш долзарб масалалардан биридир. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси ҳудудларда яратилаётган миллий даромад, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, даромадларнинг доимий ва бир маромда тушиши билан бевосита боғлиқдир. Маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг ички резервлари ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳар бир ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантириш жараёнларини назарий ва амалий ўрганиш ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари, яъни маҳаллий солиқлар ҳажмини ошириш ва уларнинг асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини қайта тиклаш;

маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумдавлат солиқларидан ажратмалар миқдорларини ҳар йили қайта кўриб ўзгартириш киритмасдан, ҳеч бўлмаганда 3 йилда бир марта ўзгартириш тартибини киритиш лозим;

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджет даромадлари барқарор-

лигини таъминлаш маҳаллий ҳокимият органларининг тадбиркорликни ривожлантиришга, хусусан, кичик ва ўрта бизнес соҳасида манфаатдорлигини оширишдан далолат беради, бунда давлатнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари молиявий ҳолатини яхшилаш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз даромад базасини ривожлантириш имконияти юзага келади. Бюджет тизимини марказсизлаштириш аҳолининг ижтимоий турмуш шароитларини ҳал қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини оширади, бу эса ўз навбатида аҳолига устувор ижтимоий хизматларни тақдим этиш ва бошқа вазифаларини бажариш учун молиявий ресурсларининг етарли миқдорда бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Примова Н.И. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиялари шаклланиши ва уларнинг гуруҳланиши// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil
2. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – Б. 72.
3. Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. – Тошкент:

К.З. Музаффарова– ҚарМИИ катта ўқитувчиси,
М.Ҳ. Ҳолиқова– ҚарМИИ, 2-босқич магистранти
М.П. Қудратова– ҚарМИИ, 2-босқич магистранти

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётда тутган ўрни, Қашқадарё вилояти иқтисодиётига хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг роли ва уларни шакллантиришдаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича хулоса ва таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестиция, инвестиция муҳити, қўшма корхона, маҳсулот, аҳоли даромадлари, экспорт, импорт.

Аннотация: В данной статье была рассмотрена роль иностранных инвестиций в экономике, роль предприятий в участии иностранных инвестиций в экономике Кашкадарьинской области и проблемы в их формировании, выводы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, инвестиционный климат, совместное предприятие, продукт, доходы населения, экспорт, импорт.

Abstract: This article considered the role of foreign investments in the economy, the role of enterprises in the participation of foreign investments in the economy of Kashkadarya region and problems in their formation, conclusions and proposals for their elimination.

Keywords: foreign investment, investment climate, joint venture, product, household income, export, import

Инвестициялар ҳар қандай давлатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Моддий

активлардан тортиб, то интеллектуал ва инсон капиталига турли шаклларда йўналтирилувчи инвестициялар амалга оширилгани, инвестор-компания самарадорлигининг ўсишига ҳам катта ҳисса қўшади. Инвестицияларнинг ижобий жиҳатларини инкор қилмаган ҳолда, айни чоғда уларни қабул қилувчи мамлакат иқтисодиётига уларнинг бир қатор салбий таъсирларини ҳам кўздан қочирмаслик зарур. Масалан, иқтисодиётнинг шундай бир тармоқ ва соҳалари мавжуд бўладики, улар кўпинча инвестицияларга ҳаддан зиёд тўйинганликдан азият чекадилар. Бу эса ўз навбатида ресурслардан самарасиз фойдаланиш ва активларнинг ортиқча унумдорлигида кўзга ташланади. Инвестициялар оқими, шу билан бир қаторда, етарли самарадорликни, ижобий ижтимоий тавсифга эга бўлган таъсирларни таъминламайдиган ва ҳаттоки, атроф-муҳитга катта зарар келтирувчи тармоқларга ҳам йўналтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги №598-сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонунда хорижий инвестор тушунчасига ойдинлик киритилган ва чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар эканлиги айтиб ўтилган.[1]

Аксарият ҳолатларда хорижий инвестор томонидан инвестиция қабул қилувчи корхона устидан тўлиқ бошқариш ҳуқуқи берилмасада, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритувчи инвестор тўғридан-тўғри инвестиция киритган корхона устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилади. Айни мана шу ҳолат хорижий инвесторни инвестиция киритишга ундовчи асосий мотив бўлиб ҳисобланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси дастури қабул қилинган даврдан Ўзбекистон Республикасида ва унинг минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари фаоллашди. Ўзбекистон, Марказий Осиё давлатлари орасида хорижий инвестициялар борасида энг юқори даражадаги ўсиш кўрсаткичига эга бўлди.[2]

Минтақаларда табиий-ресурс ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг ўзаро фарқланиши ушбу ҳудудлар барчасида ягона

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги №598-сонли “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни https://lex.uz/docs/4664142

[2] РОССИЯ В ЦИФРАХ 2020. Краткий статистический сборник – С.548.

стандартлашган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ёндашувини инкор этади. Шунинг учун миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуришда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳудудий тузилиш ва пропорцияларни ўз ичига олувчи минтақавий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни ҳудудлар бўйича ҳажми таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида турли тенденциядаги тебранишлар кузатилган. Натижада асосий капиталга киритилган инвестицияларда ҳудудларнинг улуши турли даражаларда кузатилган. Буни 1-жадвал маълумотлари орқали ифодалаш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Тошкент шаҳрида жами Республика бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши таҳлил қилинаётган даврда 23,4 %дан (2005 йилда) 24,1%гача (2020 йилда) диапазонида, Қашқадарё вилоятида 14,4 % дан 9,9%гача, Тошкент вилоятида 2,6%дан 10,1%гача тебранмоқда. 2020 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестицияларда Тошкент шаҳрининг улуши 24,1 фоизни ташкил қилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар улуши тўғрисида маълумот (жамига нисбатан фоизда)[1]

Т/Р	Кўрсаткичлар	2005 й	2010 і	2015й	2020 й	2020 йилда 2005 йилга нисбатан ўртача қиймат	2020 - 2005 й. (+) ёки (-) ўзгариши
1	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	
2	ҚҚР	4,7	3,0	13,4	3,4	6,1	-1,3
3	Андижон	4,1	3,4	4,4	4,6	4,1	0,5
4	Бухоро	8,2	13,1	9,1	5,8	9,1	-2,4
5	Жиззах	2,4	2,3	2,9	5,9	3,4	3,5
6	Қашқадарё	14,4	10,4	13,2	9,9	12,1	-4,5
7	Навоий	7,2	10,5	8,2	7,5	8,4	0,3
8	Наманган	3,4	3,6	5,0	5,7	4,4	2,3
9	Самарқанд	6,4	5,7	7,2	6,9	6,6	0,5
10	Сурхондарё	5,4	3,8	4,1	4,8	4,5	-0,6
11	Сирдарё	1,7	2,5	2,4	3,4	2,5	1,7
12	Тошкент	2,6	9,4	9,9	10,1	8	7,5
13	Фарғона	5,1	6,1	5,7	5,3	5,6	0,2
14	Хоразм	2,7	2,5	3,4	2,6	2,8	-0,1
15	Тошкент ш.	23,4	23,1	15,3	24,1	21,5	0,7
	X_{max}	23,4	23,1	15,3	24,1	21,5	2,3
	X_{min}	1,7	2,3	2,4	2,6	2,5	-4,5
	Вариацион кенглик, $R= X_{max}- X_{min}$	21,3	20,8	12,9	21,5	19	6,8

[1] Муаллиф К.З.Музаффарова томонидан тузилган (Манба:Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. мазкур йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган. www.stat.uz-сайти маълумотлари)

Қашқадарё вилоятида эса 2020 йилда асосий капиталга 20557,6 млрд сўм инвестиция киритилган бўлиб, бу кўрсаткич аҳоли жон бошига 6214,7 минг сўмни ташкил этади. Унинг катта қисми, яъни жами инвестицияларнинг 69,3 %и Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари хисобидан 21,6 %, Республика бюджети 3,6 %, тижорат банклар кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан 3,8 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилган.[1]

2021 йилда инвестициялар соҳасида эришилган натижалар бўйича тезкор маълумотлар маълум қилинди. Жумладан, ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 254 трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 109 фоизга ўсди, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 8,6 млрд долларни ташкил қилди. Ҳисобот даврида давлат Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,9 миллиард долларлик 318 та йирик инвестициявий лойиҳа, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида эса 7,4 миллиард долларлик 15710 инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли жами 275 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. [2] 2021йил 25 декабрда Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича “Uzbekistan GTL” заводининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда йилига умумий қиймати 1 миллиард АҚШ доллари ёки 12,8 триллион сўмдан ортиқ импорт ўрнини босувчи нефть маҳсулотлари ва углеводород хом ашёлари ишлаб чиқарилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилоят инвестиция ва ташқи савдо худудий қўмитаси минтақага хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги йўналишларда ишларни фаоллаштириши лозим: Минтақада ХИИКни ва ЭИЗларни хорижий инвестициялар кам жалб этилган Косон, Китоб, Ғузор, Чироқчи, Касби туманларида ташкил этишга устуворлик бериш; Минтақанинг ФТТ ютуқларига тез берилувчи саноат тармоқларда иқтисодиётнинг инновацион ривожлантириш йўлини шакллантиришда, жадаллашган амортизация усулларини солиқ сиёсати билан ўзаро боғлиқлиги асосланган ҳолда табақалаштирилиб рағбатлантириш; Вилоятнинг инвестицион порталида минтақанинг хорижий инвестициялар кам жалб этилган Косон, Китоб, Ғузор, Чироқчи, Касби туманлари бўйича хорижий инвесторларни рағбатлантирадиган ва жалб этадиган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш; Минтақада янги билим, ғоялар ва инновацияларни ишлаб чиқарувчи ва уни амалиётга жорий қилувчи кичик, илмий техникавий корхоналарни ташкил этиш.

[1] www.stat.uz
[2] info@mift.uz

Э.А. Нозимов– СамИСИ, Банк иши кафедраси ассистенти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИЧКИ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари ёритилган, ички инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш услубиёти келтирилган, капитал самарадорлиги таҳлил қилинган ва ички инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: инвестициялар, ички инвестициялар, акселератор модели, капиталга чекланган мойиллик, капитал самарадорлиги, ички инвестициялардан самарали фойдаланиш.

Аннотация: В статье освещаются научные основы эффективного использования внутреннего инвестиционного потенциала в национальной экономике, дается методология оценки использования внутренних инвестиций, анализируется эффективность капитала и даются рекомендации по эффективному использованию внутренних инвестиций.

Ключевые слова: инвестиции, внутренние инвестиции, модель акселератора, предельная склонность к капиталу, эффективность использования капитала, эффективное использование внутренних инвестиций.

Abstract: This article highlights the scientific foundations for the effective use of domestic investment potential in the national economy, provides a methodology for assessing the use of domestic investment, analyzes the efficiency of capital and gives recommendations for the effective use of domestic investment.

Keywords: Investments, domestic investments, accelerator model, marginal propensity to capital, capital efficiency, efficient use of domestic investment.

Инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ўсишини таъминлаш, уни ҳар томонлама тараққий эттиришнинг зарур шарти ва манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш, минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олиш, шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда инвестиция дастури ва минтақавий инвестицион дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, иқтисодиётда инвестиция ҳажми йилдан йилга сезиларли даражада ўсиб боришига ҳамда миллий ишлаб чиқариш ҳажми ортиши орқали ижобий натижалар беришга имкон яратмоқда. Мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев таъбирлари билан айтганда “Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларни ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди”.

Миллий иқтисодиётга киритиладиган ички инвестициялар ҳажмини

белгиловчи энг муҳим омиллардан бири бўлиб кутилаётган соф фойда нормаси ҳисобланади. Фоиз ставкаси билан инвестиция харажатлари миқдори ўртасида тескари боғлиқликни инобатга олсак, кутилаётган соф фойда нормаси динамикаси билан инвестиция харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Агар кутилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кутилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади. ЯИМ ҳажми пасайиб кетганда эса, яъни иқтисодий фаоллик пасайиши шароитида бўш турган қувватлар мавжудлиги туфайли, инвестиция харажатлари пасайиб кетади.

Аммо ЯММнинг даврий тебранишлари, инновацияларни доим ҳам бир текисда бўлмаслиги, ускуналарни узоқ муддат хизмат қилиши, иқтисодий кутишдаги хавфлар туфайли инвестициялар ҳажми барқарор бўлмайди.

Миллий иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг ўрнини фақат инвестицион самарадорлик кўрсаткичлари билан баҳолаш қийин. Қолаверса, капитал қайтимининг ўзгарувчанлик хусусиятга эгалигидан келиб чиқиб, олдинги йилга нисбаттан қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан қўшимча киритилган инвестиция ҳажми ўртасидаги алоқадорликни таҳлил қилиш натижаларни янада аниқлаштиради.

Капиталга чекланган мойиллик ўз хусусиятига кўра ишлаб чиқаришнинг барча омиллари ўзгармаган шароитда қўшимча капиталнинг ишлаб чиқариш жараёнига жалб этилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг аввал ўсишига, маълум нуқтага етгандан сўнг камайишига олиб келади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш аввало ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясининг пухта ишлаб чиқилишини талаб этади.

Бизнинг фикримзча инвестицияларни ички молиялаштириш манбалари ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш асосида корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини кенгайтириш ва банк тизимида бозор механизмларини тўлақонли ишлатиш орқали кредитлар самарасини ошириш;

- аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда молия бозори замонавий инструментларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш ва бошқалар.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизмини замонавий бозор инструментларидан фойдаланишни жорий этиш орқали

такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб қилишда инвестиция агентликлари, инжиниринг компаниялари каби бозор механизми институтларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали давлатнинг инвестицияларни жалб қилишдаги масъулиятини хусусий секторга ўтказиб бориш;

- ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хомашёни иккиламчи ва учламчи қайта ишлаш, меҳнат сиғимли ва илмталаб тармоқларини ривожлантиришга мавжуд истиқболли заҳиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиб инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Юқоридаги каби тадбирлар амалга оширилса, миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланилади ва иқтисодиётга киритилаётган ички инвестициялар ҳажми ўсишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
2. Ахмедов Д.К. Бизнес - настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение №5(221), 2018 г.- с.80-84.
3. Садиков А.А. Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», 2005. С. 198.
4. Харитонов В.А., Алексеев А.О. Концепция субъектно-ориентированного управления в социальных и экономических системах// Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. №109(05), 2015 г. стр. 1-17.

Г.Нарзиева – СамИСИ, МДМ 120 гурух магистранти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада молиявий ресурсларни соғломлаштиришга (нормаллаштиришга) қаратилган муносабатлар тизимини такомиллаштириши ва бу ресурсларнинг самарали ҳамда оқилона фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириш каби масалалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: бошқарув, молия, ресурс, бошқарув харажатлари

Аннотация: В данной статье рассматриваются такие вопросы, как совершенствование системы отношений, направленных на оздоровление (нормирование) финансовых ресурсов и контроль за эффективным и рациональным использованием этих ресурсов.

Ключевые слова: управление, финансы, ресурс, управленческие затраты.

Abstract: This article addresses issues such as improving the system of relations aimed at the rehabilitation (normalization) of financial resources and control over the efficient and rational use of these resources.

Keywords: management, finance, resource, management costs

“Бошқарув” атамаси умумий тарзда объектни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида унга онгли равишда таъсир кўрсатишни англатади. Молия тизими доирасида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ҳар доим маълум бир мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлади. Бу нарса маълум бир тарзда бошқарув схемасини ташкил этишни тақазо этади. Шу маънода ва энг умумий кўринишда бошқарув субъектининг бошқарув объектига мақсадга йўналтирилган таъсири бошқарув дейилади. Давлат жамиятнинг социал-иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган молиявий ресурсларни соғломлаштиришга (нормаллаштиришга) қаратилган муносабатлар тизимини такомиллаштириши ва бу ресурсларнинг самарали ҳамда оқилона фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириши керак. Ана шу вазифани (муаммони) бажариш (ечиш) молиявий бошқарувнинг зиммасига юклатилган. Молиявий бошқарув мураккаб жараён бўлиб, бошқариладиган (объектлар) ва бошқарувчи (субъектлар) тизимларнинг ягоналигидан иборатдир. Бошқарувчи тизим, бу ерда молиявий институтларнинг (ташкилотларнинг) тўпламидан (мажмуидан) иборат бўлган молия тизимини назарда тутса, бошқариладиган тизим эса пул муносабатлари тўпламидан (мажмуидан) иборат бўлган молия тизимини ўз ичига олади. Бунда молиявий бошқарув жараёни бир хил тарзда бўлмасдан, у бир томондан, фақат объектларни бошқаришни эмас, балки иккинчи томондан, бошқарув субъектларини ташкил қилишни ва улар фаолиятини такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Молиявий бошқарувнинг объекти сифатида молиявий муносабатларнинг турли кўринишлари, шу жумладан, давлатнинг социал тузуми (тузилиши), мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашиши (нисбати) ва қайта тақсимлаш жараёнларига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар билан белгиланадиган ўзига хос бўлган молиявий муносабатлар майдонга чиқади. Давлат молияси, маҳаллий молия ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясида молиявий бошқарувнинг субъекти бўлиб молиявий аппарат деб номланувчи махсус хизматлар ҳисобланади.

Давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва уй хўжаликлари билан молиявий муносабатлар соҳасидаги ўзаро муносабатлари солиқ тизими, кредит муносабатларини регламентация қилиш (тартибга солиш), молия бозорини тартибга солиш, давлатнинг қўллаб-қувватлаш тизими, пенсия таъминоти тизими, ишловчи аҳолининг даромадларини тартибга солиш механизми ва ҳ.к.лар орқали амалга оширилади. Молиявий бошқарувнинг мақсади макроиқтисодий мувозанатда, бюджет профицитида, давлат қарзининг камайишида, миллий валютанинг барқарорлиги ва

мустаҳкамлигида ва ниҳоят, давлат ва жамият барча аъзолари иқтисодий манфаатларининг ягоналигида (муштараклигида) намоён бўладиган молиявий барқарорлик ва молиявий мустақилликни таъминлашдир.

Шунга монанд равишда унинг асосий методологик принциплари қуйидагилардан иборат:

пировард мақсадга боғлиқлик;

• хўжалик барча тармоқларининг макроиқтисодий мувозанатлилиги;
•жамият барча аъзоларининг манфаатларига мос келиш;

• иқтисодий қонунлардан фойдаланиш;

• реал имкониятлар асосида ички ва ташқи иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш. Молиявий бошқарувнинг конкрет методлари ва шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

•молиявий режалаштириш;

• башоратлаш (прогнозлаштириш);

• дастурлаштириш;

•молиявий тартибга солиш;

•молиявий назорат;

•молиявий қонунларни (қонунчиликни) қабул қилиш;

•молиявий ресурсларни жалб қилиш методлари тизими

Молия тизимини умумий бошқариш мамлакатнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Умумдавлат миқёсида молиявий бошқарув тизими қуйидаги бошқарув органларидан ташкил топиши мумкин:

• Президент ва Президент девони;

• Олий Мажлис ва молия, бюджет, солиқ ва банк масалалари бўйича Олий Мажлис ҳар икки палатасининг тегишли қўмиталари;

•Вазирлар Маҳкамаси;

• Ҳисоб палатаси;

Молия вазирлиги ва унинг қуйи (жойлардаги), жумладан, Хазиначилик тизими органлари;

• Марказий банк;

•Давлат солиқ қўмитаси;

•Давлат божхона қўмитаси;

•Давлат мулк қўмитаси;

•Қимматли қоғозлар бўйича комиссия;

• Нобюджет фондларнинг ижроия дирекциялари ва бошқалар.

Молиявий оқимларнинг миқдорий ва сифат тавсифномалари орқали корхонанинг фаолияти ифодаланади. Улар ишлаб чиқариш барча омиллари ҳаракатининг қийматдаги ифодасидан иборатдир. Менежментда сифат жиҳатдан фарқланувчи бошқарув тизими - корхонани молиявий бошқариш тизими шаклландики, бу нарса молиявий оқимлар орқали ишлаб чиқариш, маҳсулот реализацияси, ресурсларнинг айланувчанлиги, харажатлар, рентабеллик ва бошқа жараёнларнинг бошқарилишини кўзда тутади. Молиявий оқимлар бюджети бу ҳақиқатда турли даврий муддатларда

ҳисобланадиган корхонанинг молиявий режасидир. Турли даврлар учун (кунлик, декадалик, ойлик, чораклик, йиллик ва узоқ истиқболдаги) молиявий оқимларнинг башоратли бюджетларини тузиш корхонанинг тўловга қобиллик даражасини оширишга имкон беради ва келажакда унинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.

2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издателство Юрайт, 2012. – 590 с.

3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). –Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.

4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисодмолия, 2008 й.

5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.

6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISODMOLIYA”, 2009 й., 200 б.

7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..

8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисодмолия” , 2010й .

9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.

10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.

11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.

12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б. 13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

К.Мисиров – Фискал институти “Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодиёт” кафедраси доценти

ЭКОЛОГИК ХАРАЖАТЛАР АУДИТИ БУГУНГИ КУНДА ДОЛЗАРБЛИГИ

Аннотация: Мақолада экологик аудитнинг моҳияти, экологик харажатлар аудитини мамлакатимизда амалга оширилишини хорижий давлатлар амалиётини ўрганган ҳолда ташкил этиш ва хўжалик юритувчи субъектларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш жихатлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, экологик сиёсат, аудит, экологик назорат, экологик аудит ва экологик харажатлар аудити.

Аннотация: В статье рассмотрены сущность экологического аудита, организация аудита экологических затрат в нашей стране на основе изучения практики зарубежных стран и государственной экологической экспертизы хозяйствующих субъектов.

Ключевые слова: охрана окружающей среды, экологическая безопасность, экологическая политика, аудит, экологический контроль, экологический аудит и экологический аудит затрат.

Abstract: The article considers the essence of environmental audit, the organization of audit of environmental costs in our country based on the study of the practice of foreign countries and the state environmental expertise of economic entities.

Keywords: environmental protection, environmental safety, environmental policy, audit, environmental control, environmental audit and environmental cost audit.

Иқтисодиётнинг устун бўлган йўналишларини ривожлантиришда зарур бўлган, табиий ресурсларга бўлган талабнинг тобора кўпайиб бораётганлиги ушбу ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни мамлакатимизда барқарор прогрессив ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ўсишнинг муҳим шартларидан бирига айланаётганлиги ҳамда у аҳолини ҳаёт даражасини яхшиланишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш

фаолияти атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ, шунинг учун иқтисодий фаолиятни кўкаламзорлаштириш, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун табиатни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд бўлиб, бунда экологик талабларни бажариш мувозанати ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги кузатилиши керак. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни бошқариш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётини бошқаришда табиий ресурсларни тежаш, инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш жараёнининг дастлабки босқичини англатади, бу эса ҳар бир саноат ишлаб чиқариш корхоналарида ресурслардан унумли фойдаланишни талаб қилмоқда.

Экологик аудит хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолият билан боғлиқ молиявий, экологик ва ижтимоий хатарларини бошқариш асосида ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни бошқариш доирасида компенсация чораларини ишлаб чиқишга асосланган экологиянинг тикланишига доир иқтисодий қарорларни қабул қилишни таъминлайди. Хўжалик субъектлар фаолиятида экологик аудит экологик хавфсизлик талабларини самарали тартибга солиш, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилиш билан боғлиқ тижорат хавфини камайтиришга имкон берадиган энг янги восита ҳисобланади. Экологик ҳисобнинг ажралмас қисмидан бири бўлиб, экологик аудит ҳисобланади, бу хўжалик субъектларининг алоҳида соҳалари ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда баҳолаш имконини беради.

Хўжалик субъектларида экологик аудитни ташкил этишни ўрганиш шуни кўрсатдики, бошқарувчилар инвестиция лойиҳалари доирасида экологик харажатлар аудитини ўтказади ва атроф-муҳитга антропоген таъсирни камайтиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, атроф-муҳитни бошқаришнинг назарий ва услубий асосларини илмий асослаш бугунги кунгача долзарб бўлиб қолмоқда, яъни унинг моҳиятини аниқлаш, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда функциялар ва вазифаларни умумлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилишда экологик аудит йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Экологик аудитни амалга оширишнинг аниқ бир қатъий тартибга солинган тартиби мавжуд эмас. Жаҳон амалиётида, экологик аудитнинг энг кенг тарқалган турлари 1-жадвалда келтирилган.

Иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида, минимал зарарли таъсирлар йўналиши бўйича табиий мувозанатни ҳисобга оладиган ёки табиий потенциалнинг яхшиланишига олиб келадиган уй хўжалигини юритишнинг бундай усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш хўжалик юритувчи субъектлардан атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва атроф-муҳитга тегишли тадбирларни ўтказишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда алоҳида корхоналарда тизимли экологик ҳисоб юритиш амалга оширилмаяпти ва атроф-муҳитнинг алоҳида тадбирлари, яъни давлат

1-жадвал

Экологик аудитнинг асосий турлари[1]

№	Экологик аудит турлари	Мазмуни
1	Экологик бошқарув тизимида экологик аудит	Экологик бошқарув тизимининг хусусиятлари хўжалик юритувчи субъекти фаолиятини баҳолашда махсус белгиланган мезонларга мос келишини аниқлаш учун ўрнатилган кўрсаткичларни объектив текшириш ва баҳолаш
2	Экологик экспертиза	Хўжалик юритувчи субъект фаолияти, маҳсулот ва хизматлари ҳамда уларнинг атроф-муҳитга таъсирини дастлабки комплекс таҳлил қилиш, экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш ва бошқалар
3	Инвестицион экологик аудит	Акцияларнинг назорат пакетини сотиб олиш ёки инвестиция жиҳатлари бўйича қарор қабул қилишда иқтисодий субъектнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш учун экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий асослаш
4	Хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ҳудудларнинг экологик ҳолатини баҳолаш	Ишлаб чиқариш жараёнларида чиқиндиларни текшириш; текширилаётган объект ҳудудлари экологик ҳолатларини таҳлил қилиш ва атроф-муҳит ифлосланиш кўрсаткичлари
5	Маркетинг тадқиқотлари асосида маҳсулотларнинг экологик аудити	Маҳсулотларнинг хавфсизлик ва экологик мезонларга мувофиқлигини баҳолаш
6	Экологик муаммолар бўйича молиявий хулоса	Экологик ҳисобот ёки молиявий ҳисоботнинг экологик масалаларга бағишланган бўлимидаги маълумотларни баҳолаш
7	Экологик ҳисобнинг аудити	Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳолатини ва ишончлилигини текшириш
	Экологик аудит ҳисоботи	Экологик харажатлар, мажбуриятлар ва тўловлар, молиявий ҳисоботда экологик муомилаларнинг таъсир этишини таҳлили ва ошкор қилиш

экологик экспертизаси, мониторинги ва атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш, корхоналарни табиатдан фойдаланишни лицензиялаш ва ушбу фаолият натижасида атроф-муҳит фаолиятига етказилган зарарни баҳолаш амалга оширилмоқда.

Атроф-муҳитни ҳисобга олишнинг ажралмас қисми бўлиб экологик аудит ҳисобланади, бу хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти ўртасидаги муносабатларни мунтазам равишда баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-541-сон қарорида. Хўжалик юритувчи субъектларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шаффофлигини ошириш,

[1] Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

атроф муҳитга таъсир кўрсатишнинг юқори (I тоифага мансуб), ўртача (II тоифага мансуб) ва паст даражада хавфли (III тоифага мансуб), шунингдек, маҳаллий даражада таъсир кўрсатувчи (IV тоифага мансуб) фаолият турларининг атроф муҳитга таъсирни баҳолаш, экологик харажатлар аудитини ўтказишда атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тартиби белгиланган. Йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналарида экологик харажатлар ва мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлашнинг усулларидан бири бу махсус аудит йўналишларидан бўлган экологик аудит ҳисобланади:

– саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик аудит сиёсатини, унда белгиланган қоидаларнинг экологик қонунчилик талабларига қандай мувофиқлиги, шунингдек, корхона фаолиятида, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда атроф-муҳитга таъсирининг мураккаблиги ва кўлами аниқланади;

– корхонанинг экологик фаолияти билан боғлиқ харажатларига етарлича эътибор бермаслик натижасида ташкилотнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини нотўғри баҳолашдан қочишга имкон берадиган экологик харажатлар аудити, шунингдек, корхона томонидан амалга оширилаётган экологик харажатларнинг атроф-муҳит тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, атроф-муҳитга таъсирининг кўлами ва мураккаблигига баҳо бериш;

– ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг аудити, бу корхонанинг чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги экологик қонунчилик стандартлари ва талабларига мувофиқлигини, шунингдек, текширилаётган ташкилотда чиқиндиларни камайтиришни таъминлайдиган технология-ларни жорий этиш самарадорлиги даражасини баҳолашга имкон беради;

– экологик ҳисоботни тайёрлашда йўл қўйилган жиддий хатоларни экологик ҳисоботдаги малумотларга асосан аниқлайди ва уларни аудиторлик текшируви ўтказишга кўмаклашади.

Берилган таклиф ва амалий тавсиялари хўжалик юритувчи субъектларининг атроф-муҳитга таъсир даражасини баҳолаш орқали экологияга чиқариладиган чиқиндиларни қисқаришига хизмат қилган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг жамоатчилик ҳисоботининг ривожланиш даражаси унинг инвесторларни ва жамиятни ишончини кучайтириш, рақобатбардошлигини ошириш, коррупцияни камайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва ижтимоий масъулиятни намойиш этиш учун зарур бўлган ахборот шаффофлигига бўлган интилишини баҳолашга имкон беради.

Д.Д. Пашаходжаева – СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедра доценти в.б**.**

ФОЙДА СОЛИҒИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада фойда солиғи аудитининг долзарблиги асосланган. Солиққа тортиладиган база (Фсб)нинг реаллигини таъминлаш учун жами 14 та омилларнинг модели кўрсатилиб, уларни амалиётда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фойда солиғи, ахборот риски, аудиторлик риски, Фойда солиғига тортиладиган базага таъсир кўрсатувчи бевосита ва билвосита омиллар.

Аннотация: Данная статья основана на актуальности проверки налога на прибыль. Представлена модель из 14 факторов, обеспечивающих реальность налогооблагаемой базы (ННБ), и разработаны рекомендации по их практическому применению.

Ключевые слова: налог на прибыль, информационный риск, аудиторский риск, прямые и косвенные факторы, влияющие на базу, облагаемую налогом на прибыль

Abstract: This article is based on the relevance of income tax audit. A model of 14 factors that ensure the reality of the taxable base (TNB) is presented, and recommendations for their practical application are developed.

Key words: income tax, information risk, audit risk, direct and indirect factors affecting the base subject to income tax

Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ҳужжатлари талабларига кўра фойда солиғи базаси ҳамда суммасининг маълум кетма-кетликда ҳисоб-китоб қилиниши, бунда фойда солиғи кўрсаткичлари айримлари тўғрисидаги ахборотларнинг тизимли, бошқа бирлари тўғрисидаги ахборотларнинг эса тизимсиз равишда шакллантирилиши улар бўйича доимий равишда ахборот риски[1] мавжудлигидан дарак беради. Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи аксарият кўрсаткичларни тизимсиз шакллантирилиши ҳисобланган фойда солиғи кўрсаткичлари бўйича ахборот риски даражасини юқори бўлишига олиб келади. Фойда солиғи бўйича ахборот рискининг доимий мавжудлиги ҳамда уни даражасининг бошқа объектларга нисбатан юқори бўлишлиги сабабли, мос равишда, улар бўйича аудиторлик риски[2] ҳам бошқа объектларга нисбатан юқори бўлади. Буларнинг барчаси фойда солиғи аудитининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлигидан дарак беради.

Фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичлар аудиторлик таҳлилининг пировард натижаси бўлиб солиққа тортиладиган база суммасининг тўғри ҳисоб-китоб қилинганлигини таъминлаш ҳисобланади. Солиққа тортиладиган база (Фсб)нинг реаллигини таъминлаш учун жами

[1] Ахборот риски деганда, одатда, тўғри бўлмаган ва турли чалкашликларга олиб келадиган ахборотларга асосланиш натижасида вужудга келадиган риск тушунилади.

[2] Аудиторлик риски деганда, одатда, аудитор томонидан молиявий ҳисоботда муҳим хатоликлар бўлган ҳолатда унга мос бўлмаган аудиторлик фикрини билдириш риски тушунилади.

14 та омилларнинг (шулардан 6 та бевосита ва 8 та билвосита таъсир қилувчи омиллар) ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини таҳлил қилиб чиқиш лозим (1-расмга қаранг).



Бу ерда**:** **Фст** – солиқ тўлангунга қадар фойда; **Стх** – солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар; **Сбх** – ҳисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекин келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар; **Счх** – солиқ базасидан ҳисобот даврида чегириладиган харажатлар; **Дтм** – тўлов манбаида солиқ олинган даромадлар (олинган дивидендлар, фоизлар); **И** – имтиёзлар; **Ст** – сотишдан тушган соф тушум; **Тсм** – сотилган маҳсулотларнинг таннархи; **ДХ** – давр харажатлари; **Дбо** – бошқа операцион даромадлар; **Мд** - молиявий фаолият даромадлари; **Мх** – молиявий фаолият харажатлари; **Фф** – фавқулодда фойда; **Фз** – фавқулодда зарарлар.

1-расм. Фойда солиғига тортиладиган базага таъсир кўрсатувчи бевосита ва билвосита омиллар[1].

Фойда солиғига тортиладиган базага бевосита ва билвосита таъсир қилувчи барча омиллар реаллиги таҳлилини қуйидаги кетма-кетликда ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди:

Биринчидан, ушбу омилларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг корхонада «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ҳамда «Фойда солиғи ҳисоб-китоби»да кўрсатилган суммаларига ҳисоб регистрларида, яъни журнал-ордерлар ва бош китобда акс эттирилган маълумотлар асосида текшириб чиқилиши лозим. Бу аудиторларга «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ҳамда «Фойда солиғи ҳисоб-китоби»да кўрсатилган суммаларнинг жорий ҳисоб маълумотлари билан ўзаро уйғунлигига ишонч ҳосил қилишига ёки улар ўртасида мувофиқлик мавжуд эмаслигини аниқлашга имкон беради.

Иккинчидан, солиққа тортиладиган базага бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ҳар бир омил бўйича тўпланган маълумотлар таҳлили асосида улардаги хатоликлар аниқланади, яъни ушбу кўрсаткичлар бўйича кўпайтирилиши ёки камайтирилиши лозим бўлган суммалар исботланади.

[1] Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси асосида муаллиф ишланмаси

Учинчидан, солиққа тортиладиган базага бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ҳар бир омил бўйича корхонанинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»да ҳамда «Фойда солиғи ҳисоб-китоби»да кўрсатилган суммаларга тузатишлар киритилади.

Тўртинчидан, шу асосда солиққа тортиладиган базага бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ҳар бир омил бўйича унинг ҳақиқий миқдорини ифодаловчи суммалар аниқланади ҳамда тасдиқланади.

Юқоридаги кетма-кетликларда бажариладиган таҳлилий муолажалар натижалари тегишли жадваллар кўринишида расмийлаштирилиши лозим.

Фойда солиқ суммаси ўзгаришига алоҳида олинган омилларнинг таъсир кучи даражасини аниқлаш услуби «Навруз» АЖ мисолида кўрсатиб берилди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

«Навруз» АЖда 2018-2019 йилларда фойда солиғи суммасига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар таъсир кучидаги ўзгаришлар[1]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2018 йилда	2019 йилда	Фарқ, (+,-)
1	Солиққа тортиладиган база	Минг сўм	1775072	1356963	-418109
2.	Фойда солиғи суммаси	Минг сўм	133130,4	101772,4	-31358
3	Солиққа тортиладиган базанинг фойда солиғи суммасига таъсир кучи (1қ.:2қ)	марта	13,3	13,3	0
4	Шундан солиққа тортиладиган база элементларининг таъсир кучи		+8,9	+14.0	+5,1
4.1	Солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатларнинг таъсир кучи	марта	+9,3	+15,1	5,8
4.2	Олинган дивиденд ва фоизларнинг таъсир кучи	марта	-0,4	-1,1	-0,7
4.3	Солиқ имтиёзларининг таъсир кучи	марта	-	-	-
5	Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарарлар) элементларининг таъсир кучи. Шундан:	марта	+4,4	-0,7	-5,1
5.1	Соф тушумнинг таъсир кучи	марта	+94,3	+185,3	+91,0
5.2	Сотиш таннархининг таъсир кучи	марта	-68,3	-139,7	-71,4
5.3	Давр харажатларининг таъсир кучи	марта	-24,5	-52,0	-27,5
5.4	Бошқа операцион даромадларнинг таъсир кучи	марта	+2,2	+5,0	+2,8
5.5	Молиявий фаолиятга доир даромадларнинг таъсир кучи	марта	+1,0	+3,0	+2,0
5.6	Молиявий фаолиятга доир харажатларнинг таъсир кучи	марта	-0,3	-2,3	-2,0

Ушбу ҳисоб-китоблар фойда солиғига таъсир кўрсатувчи бевосита ва билвосита омиллар таъсирини аниқлаш имкониятини беради.

[1] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

А.Худайкулов – ТДИУ, “Молиявий таҳлил ва аудит” кафедраси стажёр-тадқиқотчиси
Ж.Адинаев – ТерДУ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши 3-босқич талабаси

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ХЎЖАЛИК РИСКИНИ АНИҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур тезисда бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида умумий аудиторлик рисикини аниқлашнинг таркибий қисми бўлган, ички хўжалик рискини ҳисоблаш амалиётида юзага келадиган жараёнлар вазиятли асосларда таҳлилий равишда ёритиб берилган.

Калит сўзлар: аудиторлик риски, ички хўжалик риски, муҳимлик, мижоз корхона ва унинг бизнеси, бизнес рисклари, ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими, риск даражалари

Аннотация: В данном тезисе аналогично на ситуационной основе освещены процессы, возникающие на практике расчёта внутрихозяйственного риска, входящий в состав определения общего аудиторского риска в Республике Узбекистан на сегодняшний день.

Ключевые слова: аудиторский риск, внутрихозяйственный риск, существенность, предприятие клиент и его бизнес, риски бизнеса, система внутреннего контроля и бухгалтерского учета, уровни риска.

Abstract: This thesis, similarly, on a situational basis, highlights the processes that arise in the practice of calculating internal risk, which is part of the definition of general audit risk in the Republic of Uzbekistan today.

Key words: audit risk, internal risk, materiality, client enterprise and its business, business risks, internal control and accounting system, risk levels.

Бугунги кунда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 9-моддасига[1] асосан аудиторлик фаолияти миллий стандартлари бекор қилиниб, унинг ўрнига аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик фаолияти олиб бориш белгиланди. Бунга эса асосий сабаб Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан[2] Ўзбекистонда йирик солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида ҳисобот топшириши мажбурий этиб белгиланганлиги сабаб бўлди.

Маълумки аудиторлик рисикини йўл қўйиш мумкин бўлган ҳажми амалиётда 5 фоизни ташкил этади. Бу эса аудиторлик иши сифати ва берадиган хулосаси камида 95 фоиз ишончли бўлиши лозимлигини келтириб чиқаради.

Умумий аудиторлик риски қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$AR = IR * CR * DR$$

Бунда: **AR** – аудиторлик риски

[1] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”. Тошкент ш., 2021 йил 25 февраль, ЎРҚ-677-сон;
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Тошкент ш., 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон;

IR – ички хўжалик (ажратиб бўлмайдиган) риск

CR – назорат риски

DR – хатонинг топилмаслиги риски

Ажратиб бўлмайдиган рискнинг аниқ рўйхати 315-сонли “Субъект ва унинг муҳитини ўрганиш, муҳим хатоларга йўл қўйиш таваккалчилигини баҳолаш” номли аудитнинг халқаро стандартида [1] атрофлича келтириб ўтилган.

Аудитор таҳлил этилаётган асосий 3 та рискни аниқлаш учун одатда уларнинг ҳар бири учун 50 тадан ортиқ тест тузиб чиқади.

Ички хўжалик рискини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклда амалга оширилади:

Аудитор томонидан келтириладиган саволномага жавоб қайтариш лозим. Саволномани текширилаётган мижоз корхона ёки аудиторнинг ўзи тўлдиради. Тўғри деб топилган қатордаги жавобга “1” рақами қўйилади, қолган қаторларга эса “0” рақами қўйилади. Ҳар бир назорат графаси охирида жами олинган жавоблар ҳажми ёритилади.

Бунда аудитор танланган жавоб вариантлари тўғрилиги бўйича тегишли асосларга эга бўлиши лозим.

1-жадвал

Ички хўжалик (ажратиб бўлмайдиган) рискни ҳисоблаш бўйича САВОЛНОМА

Т/р	Рискни келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат графаси
		Юқори		Ўрта		Қуйи		
		Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*
Мижоз корхона субъекти ва унинг бизнеси								
1.	Тармоқдаги иқтисодий аҳвол	Аҳвол барқарор эмас, тармоқ ривожида пасайиш ҳолатлари, катта миқдордаги банкротлик ҳолатлари мавжуд	0	Тармоқда аҳвол барқарор, лекин ривожланиш белгилари кузатилмайди	0	Тармоқ корхоналарининг жадал суръатларда ривожланиши белгилари кузатилмоқда	1	1
2.	Хом-ашё ва материал ресурслар таъминоти бўйича хорижий бозорларга тобеълик	Доимий, муҳим ва яққол тобелик мавжуд	0	Тобелик мавжуд, лекин у фаолият соҳаларида ҳал қилувчи ролни ўйнамайди	0	Ташқи бозор таъминотчиларига тобелик мавжуд эмас	1	1
3.	Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш масаласи бўйича хорижий бозорларга тобелик	Доимий, муҳим ва яққол тобелик мавжуд	0	Тобелик мавжуд, лекин у фаолият соҳаларида ҳал қилувчи ролни ўйнамайди	0	Ташқи бозор таъминотчиларига тобелик мавжуд эмас	1	1
Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти характери								

[1] Выявление и оценка рисков существенного искажения посредством изучения организации и ее окружения (МСА 315 (пересмотренный, 2019 г.)). Совет по международным стандартам аудита и заданий, обеспечивающих уверенность IAASB. https://www.ifac.org/system/files/publications/files/ISA-315-Full-Standard-and-Conforming-Amendments-2019_rus_secure.pdf

Т/р	Рискни келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат графаси
		Юқори		Ўрта		Қуйи		
		Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*
4.	Кредит ресурсларига тобелик	Доимий, муҳим ва яққол тобелик мавжуд	0	Тобелик мавжуд, лекин у фаолият соҳаларида ҳал қилувчи ролни ўйнамайди: кредит ресурсларидан самарасиз фойдаланилади	0	Тобелик мавжуд эмас, кредит маблағларидан фойдаланилмайди	1	1
5.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакллари	Кўпгина операциялар олдиндан тўлов шакли асосида амалга оширилади	0	Барча ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланилади	1	Кўпгина операциялар кечиктириб, бўлиб-бўлиб тўлаш шакли асосида амалга оширилади	0	1
6.	Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларда қўлланиладиган ҳисоб-китоб шакллари	Кўпгина операциялар бартер шартномалари асосида амалга оширилади	0	Барча ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланилади	0	Кўпгина операциялар олдиндан тўлов шакли асосида амалга оширилади	1	1
Мақсадлар, стратегиялар ва тегишли бизнес рисклари								
7.	Рақобат даражаси	Тармоқ бўйича жуда юқори	0	Муайян ва ўрнатилган сегментлар асосидаги соғлом рақобат мавжуд	0	Мижоз рақобатни ҳис қилмайди ёки ўз тармоғининг лидери бўлиб ҳисобланади	1	1
8.	Мижоз ишлаб чиқарадиган маҳсулотга бўлган талаб	Талабнинг қисқариши кузатилмоқда	0	Бир хил йўсинда барқарор	0	Талабнинг мунтазам равишда ошиши кузатилмоқда	1	1
9.	Фаолият турлари	Мижознинг фаолият турлари қисқариши кузатилмоқда	0	Фаолият турларида ўзгариш йўқ	0	Мижоз корхона ўз фаолият турларини кенгайтирмоқда	1	1
Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти натижалари								
10.	Жорий ликвидлик	Қуйи (1,2 дан паст)	0	Ўрта (1,2-1,8 оралиғида)	0	Меъёрий ҳолатга яқин ва ундан юқори	1	1
11.	Фаолиятнинг молиявий натижалари	Бир неча ҳисобот даврлари давомида молиявий натижалар зарар билан чиққан	0	Ўзгарувчан: баъзида фойда, баъзида зарар	1	Даромадлилик йилдан-йилга барқарор равишда ошиб бормоқда	0	1
12.	Мижоз корхонанинг банкрот бў лиш эҳтимоли	Юқори ёки жуда юқори	0	Мавжуд	0	Қуйи ёки мавжуд эмас	1	1
Ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизими								
13.	Ходимлар ўртасидаги масъулият ва мажбуриятлар тақсимоти	Мажбуриятларнинг мақсадсиз такрорланиши ва вазифаларнинг бир хиллиги ҳолатлари мавжудлиги	0	Алоҳида турдаги вазифаларнинг бир бўлиб бирлашиши кўзда тутилган	1	Вазифалар бир хиллиги мавжуд эмас, мажбуриятлар ҳам аниқ тақсимланган	0	1
14.	Ностандарт ва нотипик операциялар мавжудлиги	Муҳим аҳамиятга эга бўлган хатарли операциялар мавжуд	0	Муҳим аҳамиятга эга бўлмаган хатарли операциялар мавжуд	0	Ностандарт ва нотипик операциялар амалга оширилмайди	1	1

Т/р	Рискни келтириб чиқарувчи омиллар	Риск синфлари						Назорат графаси
		Юқори		Ўрта		Қуйи		
		Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	Тавсифи	Баҳо	
1	*2*	*3*	*4*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*
15.	Ички назорат тизимининг амалда ишлаши	Ички назорат амалда ишламайди, номунтазам операцияларга руҳсат этилган	0	Ички назорат амалда ишлайди, муҳим операцияларга руҳсат этилган. Руҳсат олинмаган ҳолда моддий бўлмаган суммалар бўйича операцияларни амалга ошириш натижалари пировардида катта умумий моддий ҳажмни ташкил этади	0	Назорат мунтазам амалга оширилади, руҳсат этилмаган операциялар ўтказилмайди	1	1
Жавоблар миқдори:		**x**	**0**	**x**	**3**	**x**	**12**	**15**

Саволнома якунларига мувофиқ қуйидаги натижалар олинди:

- 0 та жавоб бўйича – юқори рискнинг мавжудлиги (100%);
- 3 та жавоб бўйича – ўртача рискнинг мавжудлиги (50%);
- 12 та жавоб бўйича – қуйи даражадаги рискнинг мавжудлиги (0%).

Мазкур натижалар асосида ички хўжалик риски ҳисоб-китобини амалга оширамиз:

2-жадвал

Ички хўжалик (ажратиб бўлмайдиган) риски ҳисоб-китоби

Т/р	Риск даражаси	Риск даражалари бўйича олинган жавоблар сони*	Ҳисоб-китоб учун формула[1]
1.	Юқори	0	$= 100 – [(n_1*(100/N)+n_2*(100/N/2)]$
2.	Ўрта	3	
3.	Қуйи	12	

n_1 – қуйи риск даражасига эга жавоблар сони **

n_2 – ўрта риск даражасига эга жавоблар сони ***

N – жами жавоблар сони*

* Жами жавоблар сони (рискнинг умумий омиллари) саволномадаги жами саволлар сонига тенг, лекин формула бўйича ҳисоб-китобда фақат қуйи ва ўрта риск даражалари бўйича жавоблар сони иштирок этади. Юқори риск даражалари бўйича жавоблар сони ҳисоб-китобда иштирок этмайди – риск 100 % даражада қабул қилинади (улар шунинг учун ҳам юқори рискни келтириб чиқарувчи омил, деб аталади);

** Формулада қуйи риск даражаси бўйича жавоблар сонини (бизнинг мисолимизда - 12 та) иккига бўлиш орқали корректировка қилинмайди;

*** Формулада ўрта риск даражаси бўйича жавоблар сонини (бизнинг мисолимизда – 3 та) иккига бўлиш орқали корректировка қилинади. Чунки

[1] Риск – дело ограниченное. Р.Хайдаров, председатель Палаты аудиторов Узбекистана. Газета НТВ / 2013 год / № 45.

ўртача риск шартли равишда 50 фоиз даражасида этиб қабул қилинган. Бундан қуйидаги ифода ҳосил бўлади: 100/15/2.

Ички хўжалик (ажратиб бўлмайдиган) риски ҳисоб-китоби:
=100-[(12*(100/15) + 3*(100/15/2)] = 100-(12*6,67+3*3,33) =
=100-(80,04+9,99) = 9,97%

Берилган саволларга белгиланган жавобларни ҳисобга олган ҳолда муайян мижоз корхона бўйича ички хўжалик рискини ҳисоблаганимзда у 9,97 фоизни ташкил этди.

Хулоса ўрнида ҳисоб-китоблар асосида айтишимиз лозимки, ички хўжалик рискини дастлабки баҳолашимизда у ўртача кўрсаткичдан анча паст эканлиги маълум бўлди. Ушбу кўрсаткични аъло даражада дейиш мумкин, чунки ўтказилган назорат саволларига олинган жавобларга эътибор қаратадиган бўлсак текширилаётган мижоз корхонада ички хўжалик тизими яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлади. Олинган натижадан кейинги ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланамиз.

Пировардида айтиш лозимки, аудиторлик рискини аниқлаш учун фойдаланиладиган **ички хўжалик рисикини аниқлаш формуласи** – ички хўжалик рискини йўл қўйиш мумкин бўлган максимал улушини аниқлаб беришга мўжалланган. Шунинг учун ҳам у (максимал риск миқдори) формулада иштирок этмайди ва жами кўламдан, яъни 100 рақамидан айрилади.

З.Б. Эшпулатова– СамИСИ, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедра ассистенти

КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Анотация. Ушбу мақолада даромадлар ҳисобининг долзарблиги асосланган. Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандарти бўйича Россия амалиётида қабул қилинган тажрибалар илмий талқин қилиниб, уларнинг маълум бир жиҳатларини мамлакатимизда қўллаш ҳамда Бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда даромадларга оид қоидаларни мувофиқлаштириш, шунингдек молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: даромадлар, товарларни сотишдан даромад, одатдаги фаолиятидан олинган асосий даромадлар, бошқа даромадлар, фойда ёки зарарлар.

Аннотация: в этой статье обоснована актуальность вопросов учета доходов. На основании практических примеров ведения учёта в России Положением “Доход организации” и Международным стандартам Финансовой отчетности, разработаны предложения по приведению в соответствие с МСФО нормативно правовых документов Узбекистана по учету доходов, а также по совершенствованию отчета о финансовых результатов.

Ключевые слова: доходы, доходы от реализации товаров, основные доходы по обычным видам деятельности, прочие доходы, прибыли и убытки

Abstract: This article substantiates the relevance of revenue accounting. Based on

practical examples of accounting in Russia by the Regulation of PBU 9/99 "Income of an organization" according to International Financial reporting standards Board (IASB), proposals have been developed to bring the regulatory documents of Uzbekistan on income accounting in accordance with IFRS, as well as to improve the financial results report.

Keywords: income, earnings from the sale of tokens, basic income from ordinary activities, other income (gains), profit and loss.

Бугунги кунда халқаро интеграциялашувнинг кенгайиши дунё мамлакатларида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларини (МҲХС) тан олиш ва жорий қилишга бўлган ҳаракатларининг жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. 2018 йил 1 январдан амалга киритилган 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти тушумларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботдарда акс эттиришнинг янги тартибини жорий этишни кўзда тутади. Шу боис, ушбу стандарт талабларига мувофиқ ҳисоб-китобларни ташкил этиш, молиявий ҳисоботларда даромадлар ва фойда тўғрисида шаффоф ахборотларни акс эттириш, халқаро инвесторларга уларга тушунарли бўлган воситаларда, яъни энг синалган ва самарали усул ҳамда услублар, тан олиш ва баҳолаш мезонлари, халқаро қоида ва принциплардан фойдаланган ҳолда компаниянинг даромадлари, фойдаси ва унинг тақсимоти ҳамда фойдадаги улуши тўғрисидаги ишончли, уйғун ва таққосланувчи молиявий ахборотларни тақдим этиш методологиясини жорий этиш ўта долзарб масаладир. Шу боис, мазкур вазифалардан келиб чиқиб “Корхоналарда даромадлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзуда чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Даромадларни одатдаги фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган бошқа умумлашган даромадларга таснифлаш ҳамда уларнинг таркибини белгилаш асосида фойдаланувчилар эҳтиёжига мос даромадлар ҳисобида ахборотларни шакллантирилиши ва қамровини кенгайтирилиши асосланган;

Концептуал қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботнинг элементларини қуйидаги 1-расмда акс эттиришимиз мумкин:



1-расм. Молиявий ҳисоботнинг элементлари[1].

[1]«Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари” асосида муаллиф ишланмаси

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва Россия Бухгалтерия ҳисоби Низомларидаги даромадларнинг тавсифи, таснифи ва таркибий қисмларини солиштирдик.

Ушбу солиштириш натижаларидан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин. Даромадлар халқаро стандартларга мувофиқ одатдаги фаолиятидан олинган даромадлар, яъни асосий даромадлар ва одатдаги фаолиятига боғлиқ бўмаган даромадларга ажратилган. Ўзбекистонда "Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари"да бошқа даромадлар таркиби тўлиқ шакллантирилмаган. Молиявий фаолиятдан олинган даромад--ларнинг айрим моддалари, жумладан молиявий ижара, роялти, дивидендлар ва фоизлар асосий тушумлар таркибига киритилиши керак бўлади.

Тадқиқотлар асосида компанияларнинг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботида акс эттириладиган даромадларни қуйидагича таснифлашни таклиф этамиз (1-расм).



1-расм. Даромадларнинг халқаро стандартларга мувофиқ таснифи[1]

[1]Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

Ушбу расмда келтирилган таснифланиш асосида даромадларнинг таркибий қисмларининг белгиланиши даромадлар ҳисобида фойдаланувчилар эҳтиёжига мос ахборотлар қаторининг шакллантирилиши ва қамровининг кенгаштирилиши асослашга хизмат қилади. Келтирилган таснифлашдан хулоса қилиш мумкинки, "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"ни концептуал қоидаларга[1] мувофиқлаштириш керак. Халқаро концептуал асосларда "бошқа даромадлар" фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилганда одатда улар алоҳида ҳар бир моддаси бўйича очиқланиши талаб этилади, чунки улар тўғрисидаги ахборотлар иқтисодий қарорларни қабул қилишда ўта фойдали ҳисобланади.

Юқорида баён қилинган даромадлар ва харажатларни баҳолаш, таснифлаш ва ҳисоботини такомиллаштириш бўйича хулоса ва тавсиялар компаниялар амалиётида қўлланилиши молиявий ҳисоботда шаклланаётган ахборотларнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Таклиф қилинган фойда ва зарарлар ҳамда тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот формати халқаро стандартлар талабларига мувофиқ келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-

2. З.Б.Эшпўлатов EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy Research Support Center www.innacademy.uz Volume 1 Issue 6, September 2021 ISSN 2181-2020 Page 89

3.Учет доходов. https://www.audit-it.ru/terms/accounting/ uchet_dokhodov.html

4. Accounting for recognition of enterprises income (accounts) in accounting with international standarts and "financial reporting conceptual fundamentals" Eshpulatova Zaynab (Samarkand, Uzbekistan) International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England http://euroasiaconference.com April 3rd -4th 2021

5. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал acochttp://bhms.uz/?page_id=20%22

Н.Р. Эргашева– ҚарМИИ магистранти

АГРАР СОҲА КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация.Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, уларни ҳисобга олиш даврида ушбу хусусиятларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобида харажатларни маҳсулотлар ўртасида тегишлича тақсимлаш зарурати келиб чиқишини ва ҳисоблаш йўллари очиб берилган.

Калит сўзлар.Бухгалтерия ҳисоби, ўзига хос хусусиятлар, моддий харажатлар, тақсимлаш.

[1]Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал acochttp://bhms.uz/?page_id=20%22

Аннотация: В статье приведены особенности ведения бухгалтерского учета в сельскохозяйственных предприятиях, которые следует учитывать в течение отчетного периода. Также выявляется необходимость соответствующего распределения затрат между продукцией в учете и способах калькуляции.
Ключевые слова. Бухгалтерский учет, особенности, материальные затраты, распределение.
Abstract. The article contains specific features of accounting in agricultural enterprises, which should be considered during the accounting period. It also reveals the need for an appropriate distribution of costs between products in accounting and ways of calculating.
Keywords. Accounting, specific features, material costs, distribution.

Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида қатор хусусиятлари билан тавсифланади. Улар асосан табиий омиллар таъсири билан белгиланади. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, аввало бу ерда ишлаб чиқариш жараёни ер ва меҳнат буюмлари сифатида қатнашувчи қишлоқ хўжалик ҳайвонлари шунингдек, ўсимликлар билан боғлиқдир. Бунда ишлаб чиқариш жараёнининг анчагина қисми ҳайвонларга мақсадли таъсир этишдан – уларни муайян даражага қадар парваришлаш, кўпинча бу табиий иқлим шароитлари туфайли келиб чиқадиган узилишлар билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш давр-и бошқа тармоқлардагидан анча узоқроқ давом этади. Гўшт етиштиришга бир неча йил, мевали дарахтзорлар ташкил этишга кўплаб йиллар, ўрта минтақа иқлими шароитида деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга бир йил кетади. Бундай ҳолатлар, табиийки, қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда акс эттириши зарур.

Қишлоқ хўжалик корхоналаридаги бухгалтерия ҳисоби тармоқнинг ўзига хослигидан келиб чиқувчи хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ер бўлганлиги туфайли ер-мулкнинг ва ерга сарфланадиган маблағларнинг аниқ ҳисобини таъминлаш муҳимдир. Ер амалдаги қонунчиликка биноан корхонага мулк тарзида берилган ер майдонларидир. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 17-моддасига кўра, “юридик шахслар Ер Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер майдонларига эга бўлишлари мумкин”[1] Қишлоқ хўжалик корхоналарига фақат ижарага олиш асосида ерга эгалик қилиш тизими қўлланилганлиги учун ернинг аниқ нархи пул баҳосида кўрсатилмайди. Шу сабабли, ернинг ҳисоби натура кўрсаткичларида, гектарларда амалга оширилади. Бироқ, ерни ободонлаштириш бўйича қилинган қўшимча харажатлар капитал қўйилмалар сифатида пул ифодасида ҳисобга олинади ва асосий воситалар таркибига кирим қилинади;

- ҳайвонлар ва ўсимликлар қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 17- модда

ўзига хос воситалари сифатида қатнашади ва тегишли тармоқларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий ва биологик омиллар таъсири билан бирлашиб кетади. Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби моллар бош сонининг, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида уларнинг ўзига хослиги ва такрорланмаслиги шароитида содир бўлувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳисобини таъминлаши зарур. Табиийки, қишлоқ хўжалиги тармоғининг бухгалтерия ҳисобида бошқа тармоқларидагидан фарқ қилувчи усуллар қўлланилади;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўпинча, ҳудуд жиҳатидан тарқоқ ва ишлаб чиқариш жараёни катта-катта майдонларда олиб борилади. Бунда ишлаб чиқариш фаолиятини бир жойдан бошқасига кўчириш жараёнида қишлоқ хўжалик машиналари кенг қўлланилади. Табиийки, бухгалтерия ҳисоби қишлоқ хўжалик машиналарининг ишлаб чиқаришидаги ўзига хос фаолиятининг ишончли ҳисобини таъминлаши зарур;

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун табиий омиллар таъсири асосан узоқ муддат давом этиши характерлидир. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнлари кўпчилик тармоқларда ҳисобот йили чегарасидан ҳам чиқиб кетади. Шу сабабли бухгалтерия ҳисобида харажатларни ишлаб чиқариш босқичлари бўйича чегаралаш зарурати келиб чиқади. Бу ҳисобот йили билан мувофиқ келмайди: жорий йил ҳосили учун ўтган йилги харажатлар, келгуси йил ҳосили учун жорий йил харажатлари ва шунга ўхшашлар.

Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ўсимликлар ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари шу билан боғлиқки, бунда битта ўсимликдан ёки бир турдаги чорва молидан бир неча ҳил маҳсулотлар олинади. Шу туфайли бухгалтерия ҳисобида харажатларни маҳсулотлар ўртасида тегишлича тақсимлаш зарурати келиб чиқади;

- қишлоқ хўжалигида тайёр маҳсулотлар олиниши ўсимликларнинг етилиши ва чорва молларининг боқилиш муддатлари билан боғлиқ. Шу сабабли кўп тармоқлар бўйича (айниқса деҳқончиликда) маҳсулот чиқиши ҳосил йиғиш даври билан бир пайтда содир бўлади. Буларнинг ҳаммаси маҳсулот чиқишини ҳисобга олиш ва маҳсулот сотиш ҳисобини ташкил қилишда қатъий талаблар қўяди;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўпчилик қисми ички эҳтиёжга, яъни хўжаликнинг ўз эҳтиёжи учун ишлатилади: деҳқончилик маҳсулотлари — уруғлик учун, моллар озуқаси учун; чорвачилик маҳсулотлари — моллар озуқаси учун, деҳқончиликда ўғитлар учун, саноат ишлаб чиқаришида хом-ашё учун ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммаси бухгалтерия ҳисобида маҳсулотлар ҳаракатини хўжалик ичидаги айланишининг ҳамма босқичларида аниқ акс эттиришни ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради.

Республикамиз қишлоқ хўжалигидаги истиқболли хўжалик субъекти фермер хўжаликлари ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назардан, улар хўжалик юритиш тизими, ички назоратни йўлга қўйиш бўйича бир хил шароитда

бўлади ва уларда бухгалтерия ҳисоби ягона тамойил асосида йўлга қўйилади. Шу билан бирга бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг ҳар бирида бухгалтерия ҳисобининг баъзи хусусиятларини ҳам белгилаб беради.

Қишлоқ хўжалигига табиий-иқлим омилларининг, айниқса деҳқончилик тармоқларида, таъсири туфайли кўпроқ мавсумийлик доимий табиий ҳолатдир. Бухгалтерия ҳисоби бу мавсумийликни ишларда ва харажатларда акс эттириб боради ва маълум даражада унинг ўзи ҳам ана шу омил таъсирига бирмунча бўйсунади: асосий қишлоқ хўжалик ишлари ва ҳосил йиғиш даврида ҳисоб ишларининг ҳажми кўпаяди, иш ва харажатларнинг мавсумга қараб камайиш даврида — қисқаради. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳисобга олинади.

Кўрсатиб ўтилган фарқлар муайян даражада қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсатининг ўзига хослигини, унинг бошқа тармоқдаги ҳисоб юритиш тизимидан фарқ қилишини белгилайди. Тармоқнинг юқорида келтирилган ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда айнан шуларни эътиборга олиш зарурати вужудга келмоқда. Бошқа тармоқ корхоналарига нисбатан қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатларини шакллантириш айнан ишлаб чиқаришнинг ўзига хослигига таяниши зарур. Ҳозирги пайтда хўжалик юритиш шакллари хусусийлаштирилиши натижасида асосан унча йирик бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган фермер хўжаликлари республика қишлоқ хўжалиги асосини ташкил қилмоқда. Ушбу хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини бир хил тизимга келтириш ва ҳисоб самарадорлигини ошириш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фермер хўжаликлари ерларни узоқ муддатли ижарага олиш йўли билан ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этмоқда. Ижарага олинган ер майдонлари баҳоланмаган. Шунинг учун, уни асосий восита таркибига киритишнинг имконияти мавжуд эмас, уни фақат натурал кўрсаткичда ҳисобга олиш мумкин. Лекин ерлар маълум муддатга ижарага олингандан кейин унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича капитал сарфлар амалга оширилмоқда. Ушбу харажатларни ерни ободонлаштириш харажатлари сифатида ҳисоб сиёсатида акс эттириш ва асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ерни ободонлаштириш харажатлари кўпинча, йирик қийматга эга бўлганлиги учун уни давлат томонидан молиялаштирилади. Агар фермер хўжалиги ерни ободонлаштириш харажатларини ўз ҳисобидан амалга оширса, ҳисоб сиёсатида молиялаштириш манбасини давлат ёки ўз ҳисобидан амалга оширишини аниқ акс эттириши лозим.

VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

Ф.А.Ахмеджанова – СамИСИ доцент, техника фанлари номзоди
Ш.М.Каримова – СамИСИ ассистенти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ВА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновациялар ва хорижий тажрибаларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, усул ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Калит сўзлар: Педагогик инновациялар, таълим тарбия, таълим шакли, таълим усули, таълим воситаси, педагогик технологиялар.

Аннотация: В то время, когда в стране процесс модернизации развивается бурными темпами, применению зарубежных и инновационных педагогических технологий в учебно- воспитательном процессе уделяется большое внимание. Несмотря на то, что разрабатывается большое количество новейших педагогических технологий применение их в учебном процессе для совершенствования форм, методов и средств обучения приводит к большим затруднениям.

Ключевые слова: Педагогические инновации, учебно-воспитательная деятельность, методы обучения, средства обучения , формы обучения, педагогические технологии.

Abstract: At a time when the country's modernization process is developing at a rapid pace, the reconciliation of foreign and innovative pedagogical technologies in the educational process is given great attention. Despite the fact that a large number of the latest pedagogical technologies are being developed, their application in practice to improve the forms and methods of teachingleads to great difficulties.

Keywords: Pedagogical innovations, teaching and educational activities, teaching methods, teaching aids, forms of instruction, pedagogical technologies.

Кириш. Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини

белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижоат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Замонавий жамият ўзининг тез ва чуқур ўзгарувчан тавсифига эга бўлиб, бундай ўзгаришлар жамоатчилик тузилмалари, жумладан, мустақил давлатлар, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар, демографик сиёсат, урбанизация жараёнларида кўзга яққол ташланмоқда. Таълим ҳам глобал умумжамият тузилмасининг алоҳида таркибий қисми сифатида жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни ҳисобга олиши, ана шу асосда ўз тузилиши ва фаолият мазмунини ўзгартириши зарур. Бугунги кунда таълимнинг жамият ривожланиш суръатларидан ортда қолаётганлиги, таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги ҳақидаги масала дунё ҳамжамияти томонидан тез-тез эътироф этилмоқда. Чунки таълим ҳам ижтимоийлаштириш вазифасини бажарувчи сифатида жамиятдаги ўзгаришлар ортидан бориши ҳамда унинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказиши керак. Бироқ жамият ривожланиши ва таълим тизими ўртасидаги муносабат мураккаб кўринишга эга бўлиб, юқори даражадаги жўшқинлик билан фарқланади. Таълим барча фаол ва суст ўзгаришлар таъсирини қабул қилавермайди, жамиятда бўлаётган воқеаларга эса ўз таъсирини ўтказади. Ана шу нуқтаи назардан таълимдаги ўзгаришлар фақатгина натижа сифатида эмас, балки жамиятнинг келгусидаги ўзига хос ривожланиш шартидир[1].

Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи кўпгина тадқиқотчилар [2] ишларида ҳамда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали

[1] Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014.

[2] Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 2010. – 339 p.

Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 2018. № 29 (2). Pp. 163-172.

Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2015

тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор бўлиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мамлакатимиз олимлари ишларида мазмуни ёритилган[1].

Тадқиқот методологияси. Ушбу ишда мавзу талабидан келиб чиққан ҳолда, методологик асос сифатида мантиқий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бундай шароитда, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаблар ортиб бориб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асосларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга кадрларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновациялар ва хорижий тажрибаларни кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар кўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, усул ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир педагогнинг ўз фанига ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, талабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади.

Олий таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак мутахассислар чуқур

[1], Р.Ж.Ишмуҳамедов “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари” Т.: ТДПУ, 2021, И. Альджанова “Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда педагогик инновациялардан фойдаланиш” Т.: «Fan va texnoligiya» нашриёти, 2011..

билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши, маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп инновациялар киритишга интилмоқда. Бугунги инновациялар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Инновациялар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, мазкур ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат олий таълим профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этади. Бундай методлар сифатида кластер, Б-Б-Б чизмаси, “Ақлий ҳужум”, “Балиқ скелети” чизмаси, “Қандай? диаграммаси” кабиларни айтиб ўтиш мумкин;

- профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ риоя этишлари лозим. Бошқача айтганда, интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда мақбул шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинча машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар: Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги методик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим:

- профессор-ўқитувчилар “интерфаол метод”, “стратегия”, “технология” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари лозим. Мазкур тушунчаларнинг моҳиятини тўғри англай олмаслик уларни қўллашда кўплаб методик қийинчиликларни юзага келтиради. Олий таълимда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модел) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

- олий таълимда фанларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

- фанлар бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади.

И.А.Ҳожиева – ТДИУ 1-босқич таянч докторанти

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИЖТИМОИЙ МЕДИА МАРКЕТИНГ (СММ) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” (Иқтисодий ОТМлар мисолида)

Аннотация: Ушбу мақолада “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий медиа маркетинг (СММ) фанини ўқитишнинг инновацион лойиҳалаш методикасини такоммиллаштириш” (Иқтисодий ОТМлар мисолида) мавзусидаги тадқиқот иши асослаб берилган, унинг долзарблиги ва зарурати, объекти ва предмети, манбааларнинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотдан кутилаётган натижалар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, ижтимоий медиа маркетинг, инновацион лойиҳалаш методикаси, таълим, ўқитиш, тизим, кадрлар тайёрлаш, иқтисодчи, динамика, модернизация.

Аннотация: Данная статья подготовлена на основе научно-исследовательской работы «Совершенствование инновационных методов проектирования обучения маркетингу в социальных сетях (SMM) в условиях цифровой экономики» (на примере экономических вузов), приведены ее актуальность и необходимость, раскрыты объект и предмет, выявлен уровень изучения и ожидаемые результаты.

Ключевые слова: цифровая экономика, маркетинг в социальных сетях, методология инновационного проектирования, образование, обучение, экономика, динамика,модернизация.

Abstract: This article was prepared on the basis of the research work "Improving innovative methods for designing training in marketing in social networks (SMM) in the digital economy" (on the example of economic universities), there were written about its relevance and necessity, object and subject, level of study and expected results in this article below.

Keywords: digital economy, social media marketing, innovative design methodology, education, training, economics, dynamics, modernization.

Мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Рақамли иқтисодиёт ривожланаётган жамият нафақат онлайн инқилоб билан боғлиқ бўлган, балки таълим тизимини модернизация қилиш ва қайта қуриш билан боғлиқ бўлган янги тараққий этган ривожланишга ўтишнинг бошланиши ҳисобланади. Таълимнинг глобаллашуви, инновацион кадрлар тайёрлаш тизимига ўтиш, иқтисодий таълимни ўзгартириш, узлуксиз таълим тизимини яратиш каби омилларнинг таъсири иқтисодий таълимни глобал хусусий таълимнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Ўзбекистон жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий вазият иқтисодий ўзгаришларнинг динамикаси, шахснинг уларга мослашиш қобилиятининг динамикасидан устунлигини исботловчи жараёнларни аниқлади. Олинган билим ва таълим даврида шаклланган иқтисодий билимлар чекланган бўлиб, ўрганилган меъёрий ҳужжатлар ва қадриятлар ўзгарувчан замонда константа қўлланмаларга айланмайди, шунинг учун кадрлар иш жараёнида ўзларини қайта баҳолашади. Ўзбекистонда юзага келаётган ўзгаришлар бозор иқтисодиёти шароитида қарор қабул қилиш бўйича билим ва тажрибага эга бўлган мутахассисларда жиддий камчиликларни аниқлади ва бундай мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини намоён этмоқда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар аҳолининг бозорга ўтиш, бошланғич иқтисодий тушунчалар ва ижтимоий ҳаёт қонунларига ўтиш учун тайёр бўлишини тақозо этмоқда.

Муайян даражадаги иқтисодий компитентликка эга бўлган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли ишлашга қодир мутахассисларни тайёрлаш замонавий таълимнинг муҳим ва долзарб вазифасига айланади. Шу муносабат билан “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида” ги Қонунида қайд этилган таълим мазмунига қўйилган талабларга жавоб берадиган, дунё бозорида рақобатбардош кадрлар ишлаб чиқариш зарурияти ҳали ҳамон ўз аҳамиятини ёқотгани йўқ. “Ўзбекистонни 2030-йилгача иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан комплекс ривожлантириш” консепсияси ва “Ўзбекистонда Олий таълим 2030” консепсияларини ўз ичига қамраб олган президент фармони, Ўзбекистонда таълим, унинг мувофиқлигини таъминлашга қаратилган тизимли ўзгаришлар, инновацион иқтисодиёт ва жамият талабларига айлана бошлади, шу билан бирга, кадрлар тайёрлаш мазмуни ва тузилмасини меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мослаштириш ва сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш ушбу соҳадаги устувор йўналишлардан биридир[1]

Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш консепсиясида 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ислоҳотларни ҳал қилиш ва самарали бозор тараққиётида давлат ёш авлодга таянади деб таъкидланган. Жамият муаммоларни ижобий ҳал этишга қодир, ўзгарувчан ҳаёт шароитларига мослашишга, бозор иқтисодиёти, менежмент, маркетинг асосларини биладиган, корхоналарни ривожлантиришнинг инновацион усулларига эга бўлган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдан манфаатдор.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда Ўзбекистоннинг таълим соҳасида иқтисодий таълимнинг пост-саноат жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида роли ортиб бормоқда. Ҳаттоки бутун жаҳон тараққиётининг инновацион тенденциялари доимий иқтисодий таълимдаги ўзгаришларни қуйидагича ифодалайди:

- иқтисодий ривожланиш суръатларининг тезлашиши муносабати билан одамларни тез ўзгарувчан турмуш шароитларига тайёрлаш зарурияти;
- иқтисодий фикрлаш ва рационал иқтисодий хулқ-атворни шакллантириш, иқтисодий таълим ва амалий иқтисодий фаолиятни давом эттириш учун шарт-шароитларни яратиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг тўғри танловни амалга оширишга тайёрлиги даражасини ошириш зарурияти;
- иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш муносабати билан коммуникативлик ва бағрикенглик омилларини ривожлантириш.

Жаҳонда ижтимоий медиа маркетинг жараёнларини самарали бошқариш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ этишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу халқаро меҳнат бозорига ҳам таъсир ўтказаётгани кузатилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар орасида ижтимоий медиа маркетингни ўрганиш ва ўргатиш алоҳида ўрин тутади. Бу жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва бошқа ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий жараёнлардан биридир. Интернет маркетингда янги касбларнинг пайдо бўлиши, уларни ўқитиш жараёнлари жамият ва иқтисодий ривожланишнинг кўплаб жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Хусусан, ижтимоий медиа маркетинг соҳасида ўқитиш жараёнлар таъсири остида мамлакатлар ва минтақалар аҳолисининг касби ўзгаради, меҳнат бозорларида меҳнат ресурслари таъминоти, одамларнинг касб танлашдаги хулқ-атвори стереотиплари ўзгаради. Мамлакатимизда интернет маркетинг жараёнларидан бири бўлган ижтимоий медиа маркетингни ўқитишга талаб анча юқори эканлиги билан ажралиб туради. Ижтимоий медиа маркетингни ўқитиш методикасини янгилаш, тартибга солиш таълим тизимининг жамиятдаги вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан ижтимоий медиа маркетингни ўқитишнинг инновацион лойиҳалаш методикасини такомиллаштириш ишнинг долзарблигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг вазифалари: Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий медиа меркетингни инновацион лойиҳалаш методи орқали ўқитишни ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида илмий асослаш, унинг моҳияти ва мазмунини, шаклланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

Инновацион лойиҳалаш методи орқали ижтимоий медиа маркетингни ўқитишнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш;

Мавжуд фалсафий методологик қарашлар ва тизимли-тузилмавий ёндашувлар таҳлили асосида жамиятнинг янгича фикрлайдиган иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантирадиган педагогик тизим – талабаларни инновацион фаолиятга тайёрлаш мақсадлари, мазмуни ва жараёни тўғрисида назарий тасаввурларни ишлаб чиқиш;

Талабаларни ижтимоий медиа маркетингни ўқитишда инновацион лойиҳалаш методи орқали ўқитишнинг онлайн ўқитиш методини педагогик янгиликларнинг муҳим компоненти сифатида алоҳида ўрин ажратиш;

Яратилган маҳсус курслар, ижтимоий медиа маркетинг ва педагогика фани мавзуларига оид ўқитиш технологияси моделлари талабаларини инновацион лойиҳалаш асосида таёйрлаш тизимининг асосий белгиловчилари сифатида иқтисодиёт олий таълим ривожланишининг замонавий босқичи талабларига мувофиқ равишда экспериментал текшириш ва тадқиқот натижаларига асосланган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Иқтисодиёт олий таълим муассасаси ўқув жараёни.

Тадқиқотнинг предмети. “Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий медиа маркетинг (СММ) фанини ўқитишнинг инновацион лойиҳалаш методикасини такоммиллаштириш”нинг ижтимоий педагогик шарт шароитлари, воситалари, шакл ва методлари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқотлар таҳлили мутаҳассислик фанларидан билимларни турли методикалар орқали шакллантириш, ўзини ўзи ривожлантиришга йўналтиришга тайёрлаш масаласи ҳар томонлама ишлаб чиқилганлигини кўрсатади.Шу жумладан, педагогик назарияда талабаларни лойиҳалаш методи орқали тайёрлаш масалаларини ўрганиш учун маълум асослар шакллантирилган;

Мамлакатимиз педагог олимларидан Б.Б.Маъмуров[2], И. М. Расулов[3], Д. Н.Маматов[4], М.Б.Уразова[5], М.Х.Маҳмудов[6]ларнинг олий таълим муассасаларида таълим технологиялари, инновацион лойиҳалаштириш методалари, педагогик ҳамда ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишга доир тадқиқотлари амалга оширилган.

Хорижий тадқиқотлар тажрибасида таълимда лойиҳалаштириш методига инновацион фаолият муаммоларига М.Х.Пашаева[7], К.Барышников[8], Г.Забелина[9], В.Обыденкова[10], Г.Головенчик[11], M.Jennifer[12] илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бироқ, алоҳида таъкидлаш лозимки, бу ишлар иқтисодий олий таълим муссасалари талабаларида ижтимоий медиа маркетингни инновацион

лойиҳалаш методи орқали ўқитишни такомиллаштириш ўқув тарбия жараёнининг ягона тизимига айлантирилмаган.

Тадқиқот ишидан кутилаётган натижа:

Иқтисодиёт олий таълим муссасалари талабаларини инновацион лойиҳалаш методикасини такомилллаштириш асосида ижтимоий медиа маркетингни ўқитишга қаратилган кўп қиррали тузилмавий-мантиқий модели иқтисодиёт соҳаларининг кадрлар тайёрлаш сифатига бўлган талабларига устуворлик бериш механизми асосида такоммиллаштириш;

Инновациялар асосида ижтимоий медиа маркетинг ўқитиш механизмлари тузилмавий-мантиқий баҳолаш (баҳолаш тизими, касбий фаолият кўрсаткичлари)га асосланган педагогик мониторингни жорий этиш орқали такомиллаштириш;

Иқтисодиёт олий таълим тизимида инновацион лойиҳалаш методи асосида ижтимоий медиа маркетинг соҳасидаги билимларини ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш;

Иқтисодиёт олий таълим муассасалари талабаларида инновациялар асосида ижтимоий медиа маркетингни ўқитиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистонда Олий таълим 2030” консепсияларини ўз ичига қамраб олган президент фармони, ПФ-5847/08.10.19
2. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик ёндашув асосида таълим жараёнини лойиҳалаш кўникмаларини ривожлантириш тизими, Тошкент 2018, 180-б
3. Талабаларнинг лойиҳалаш маданиятини компьютер технологиялари воситасида ривожлантириш , Тошкент 2018, 65-б
4. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педогогик лойиҳалаштириш, Тошкент 2017,50-б
5. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш Тошкент 2015, 41-б
6. Таълимни дидактик лойиҳалашнинг назарий асослари, Тошкент 2004, 87-б
7. Совершенствование маркетинговой деятельности при использовании Интернет-технологий, Москва 2009 , кандидат экономических наук, 55-с
8. Формирование интегрированной системы интернет-маркетинга, Донецк-2020, 38-с
9. Метод проектов в системе высшего профессионального образования, 2009 Москва, кандидат педагогических наук кандидат, 126-с
10. Интернет-проектирование как средство профессиональной подготовки студентов педагогических вузов, Москва 2018 кандидатская,143-с
11. Становление и развитие цифровой экономики в современных условиях глобализации, 2019 Минск,89-с
12. Social Media Technology Usage in Project-Based Learning: A Case Study, A Dissertation Submitted to the Faculty of Concordia University—Wisconsin, 2020,90-с

С.Ш.Уразов – СамИСИ докторанти
Н.У.Сайидов – СамИСИ, ММН-120 гуруҳ магистранти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим муассаларида кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар ёритиб берилган. Кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омилларининг таркибий унсурлари шарҳлаб берилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим хизматлари сифати, кадрларни касбий тайёрлаш, давлат таълим стандарти (ДТС), таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси.

Аннотация. В данной статье освещаются факторы, влияющие на качество профессиональной подготовки кадров в высших учебных заведениях. Несурлари интерпретация состава факторов, влияющих на качество профессиональной подготовки персонала.

Ключевые слова: образование, качество образовательных услуг, профессиональная подготовка кадров, государственный образовательный стандарт (ДСТС), интеграция образования, науки и производства.

Abstract. This article highlights the factors affecting the quality of professional training in higher education institutions. Non-explanatory interpretation of the composition of factors affecting the quality of professional training of personnel.

Keywords: education, quality of educational services, professional training of personnel, state educational standard (DSTS), integration of education, science and production.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бугунги куннинг асосий долзарб масалаларидан биридир[1]. Таълим-бу инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошлиликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Олий таълимнинг ижтимоий масъулияти кўп жиҳатдан ҳар бир инсоннинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва шу йўл билан ўз фаровонлигини ҳамда умуман жамият фаровонлигини таъминлаш имконини берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмалар олишидан иборатдир[2].

Президентимиз ёшлар билимига, таълим хизматлари сифатига эътибор берар экан: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентинниг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ” тўғрисидаги ПФ-5847-сонли Фармони

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1] **,-дея таъкидлайди.** Республикамизда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимини замонавий талаблар даражасига олиб чиқиш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлардан бири таълим хизматларини жадал суръатлар билан ривожлантириш ва жаҳон олий таълим тизимига, шу жумладан, мамлакатимиз таълим тизимига ҳам янгидан-янги, талаб даражасидаги рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга қаратишдан иборатдир.

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилар эканмиз энг аввало таълим хизматларининг сифатини муҳокама қиламиз. Умуман олганда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари: ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳим фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.

Таълим хизматлари тизимини бошқаришда кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қўйидагиларни ўз ичига олади:

-инсонлар: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.;

-технологиялар: педагогик, тарбиявий, информациявий, бошқарув, назорат қилувчи ва б.;

-моддий-техникавий таъминот: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б;

-меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;

-рағбатлантиришлар ва асослар;

Ташқи таъсир омиллари: бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби билан боғлиқ омиллар: касбий малака, психологик-педагогик тайёргарлик, маънавият-маърифат ва маданият, асослаш ва рағбатлантиришлар, таълим олувчилар билан ҳамкорлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари кўрсатишда давлат асосий мавқега эгадир. Давлат таълим хизматлари асосий таклиф кўрсатувчи бўлса, талаб томонидан асосий истеъмолчи ўқишни истовчи ёшлар бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим муассасаларида

[1] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. 14- б.

ҳам қўшимча равишда пуллик таълим хизматларини кўрсатилади. Бундан ташқари, субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичида вужудга келтирилган узлуксиз таълим тизимининг сифатини ошириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим хизматлари ва инсон капиталини шакллантиради. Инсон капитали мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Шу туфайли инсон капиталининг шаклланишига катта аҳамият берилмоқда.

Давлат таълим стандарти (ДТС)да белгиланган омиллар- ўқув режалари ва фанлар дастурини, ўқув-методик таъминот, моддий-техникавий таъминот, малакавий амалиёт ва бошқалар таъсир этади.

Таълим хизматлари соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ижтимоий-иқтисодий тавсифга эга бўлиб, улар кўпроқ даражада таълим хизматлари динамикасини аниқловчи омиллар билан боғлиқдир.Таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Таълим хизматларининг истеъмолчиси ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб ҳисобланади, улар ўртасидаги муносабатлар меҳнат бозори орқали амалга оширилади. Яхши меъёрий-ҳуқуқий асос-яхши ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни ва уни бошқаришнинг асосидир.

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви билан боғлиқ омиллар: ўқув жараёнида малакали мутахассислар, фан ва техниканинг замонавий моддий-техникавий базасидан фойдаланиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда иштирок этиш билан боғлиқ. Таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви-рақобатбардош иқтисодиёт гаровидир.

Таълим муассасаси ва унинг бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ омиллар: бошқариш тизими, бошқариш усули ва услуби, раҳбарнинг индивидуал, жамоавий-руҳий сифатлари. Бошқарув фаолияти ўз мазмун ва тавсифига кўра меҳнат жамоаси ҳаётида аҳлий-тартибий аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти рақобат муҳити ва истиқболлари белгилайдиган омиллар таъсир этади: корхона эҳтиёжи ва манфаатлари, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифати муаммоларига тизимли ёндашиш зарур. Омиллар бутун мажмуини улар боғлиқлиги ва алоқадорлигида, бир занжирнинг ҳалқалари сифатида бошқариш зарур. Мазкур занжирдан бирор халқа (омил) ёки ҳалқалар (омиллар)нинг тушиб қолиши таълим хизмати сифатини такомиллаштиришда узилиш содир бўлишига олиб келади. Шунинг учун омиллар мажмуини бозор иқтисодиёти, корхона, жамият ва давлат белгилайдиган талаб чегарасида тутиб туриш таълим хизматлари сифатини такомиллаштиршнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Э.А.Нозимов – ассистент кафедры банковского дела СамИЭС

СИСТЕМА МОТИВАЦИИ ПЕРСОНАЛА В КОММЕРЧЕСКОМ БАНКЕ

Аннотация В данной статье автором подчеркивается важность системы мотивации персонала в коммерческом банке. Рассмотрено понятие «мотив» и дано авторское определение. Изучены основные типы мотивов. Рассмотрены методы мотивации персонала. Рассмотрена система мотивации в коммерческом банке. Изучены методы материального и нематериального стимулирования персонала организации. Проведен сравнительный анализ системы мотивации персонала по данным социологического опроса сотрудников коммерческого банка. Определены основные моменты мотивации труда. Разработан механизм повышения системы мотивации персонала в коммерческом банке.

Ключевые слова: мотивация, эффективность, коммерческий банк, анализ, оценка, перспективы управления, персонал, экономический эффект.

Annotatsiya: Ushbu maqolada muallif tijorat bankida xodimlarni rag'batlantirish tizimining muhimligini ta'kidlaydi. “Motiv” tushunchasi ko‘rib chiqilib, muallif ta’rifi berilgan. Motivlarning asosiy turlari o‘rganilgan. Xodimlarni rag'batlantirish usullari ko'rib chiqiladi. Tijorat bankida rag'batlantirish tizimi ko'rib chiqiladi. Tashkilot xodimlarini moddiy va nomoddiy rag'batlantirish usullari o'rganiladi. Tijorat banki xodimlari o'rtasida o'tkazilgan sotsiologik so'rov ma'lumotlariga ko'ra, xodimlarni rag'batlantirish tizimining qiyosiy tahlili o'tkazildi. Mehnat motivatsiyasining asosiy nuqtalari aniqlanadi. Tijorat bankida xodimlarni rag‘batlantirish tizimini takomillashtirish mexanizmi ishlab chiqildi.

Kalit so'zlar: motivatsiya, samaradorlik, tijorat banki, tahlil, baholash, boshqaruv istiqbollari, kadrlar, iqtisodiy samara.

Abstract: In this article, the author emphasizes the importance of the personnel motivation system in a commercial bank. The concept of "motive" is considered and the author's definition is given. The main types of motives are studied. Methods of personnel motivation are considered. The system of motivation in a commercial bank is considered. The methods of material and non-material incentives for the organization's personnel are studied. A comparative analysis of the personnel motivation system based on the data of a sociological survey of commercial bank employees is carried out. The main points of labor motivation are determined. A mechanism for increasing the staff motivation system in a commercial bank has been developed.

Keywords: motivation, efficiency, commercial bank, analysis, evaluation, management prospects, personnel, economic effect.

Система мотивации персонала играет ключевую роль в обеспечении эффективности деятельности любой организации. Заинтересованность работника в результатах своего труда создает мощные стимулы к развитию и продвижению по карьерной лестнице, повышает уровень производительности труда и позволяет достичь поставленных целей и задач.

В данной статье представлена попытка рассмотрения системы мотивации персонала в коммерческом банке, а также разработки механизма ее повышения.

Ни одно рабочее место никогда не даст менеджерам коммерческого банка идеальную рабочую среду и культуру для поддержки их усилий по стимулированию мотивации сотрудников. Но можно создать среду, которая мотивирует сотрудников и повышает уровень их

удовлетворенности, выполнив ключевые шаги, такие как предоставление, им возможностей для развития своих знаний и навыков.

Мотивация труда как экономическое явление в современных реалиях российской рыночной экономики исследована недостаточно, экономическая наука пребывает в данный момент на начальном этапе разработки экономической теории мотивации труда в рыночных условиях. Каждый сотрудник должен быть вовлечен в работу, его вклад должен признаваться, и он должен иметь свою роль в достижении успеха.

База, на которой стоит мотивация, это мотивы. Прежде чем рассмотреть систему мотивации персонала в коммерческом банке необходимо определить понятив «мотив».

В.В. Арутюнов считает, что под мотивом следует понимать побуждающую силу к действию. Именно она образует ряд психологических факторов, которые стимулируют работника и позволяют добиваться поставленных целей и задач.

Н.И. Архипова определяет мотив как систему целей для действия, включающее в себя ценности, которые влияют на исполнение отдельных действий. Мотивация зависит от социализации: чем она выше, тем совершеннее мотивация. По нашему мнению, мотив - это импульсы, которые обязывают поступать человека необходимым ему способом в соответствии со своими потребностями. Важным здесь является именно потребность, которая и заставляет человека действовать. В процессе своей жизни, выполняя какие-либо действия, человек предполагает, что достигнет своей цели и получит какую-либо ценность. В процессе трудовой деятельности используются внутренние и внешние вознаграждения, позволяющие добиваться профессиональных целей. Внешние вознаграждения - материальные выплаты, карьерная лестница, то есть все, что позволяет заинтересовать работника. Внутренние вознаграждения - удовлетворение от работы, признание успеха.

Побудить человека к деятельности можно, предложив ему какую- то идею, которая имеет для него ценность, определив размер вознаграждения и сопоставив его с результатом труда. Замотивированным сотрудником считается тот сотрудник, который не только преследует достижение личных целей, но в первую очередь цели компании. Такой сотрудник считает себя частью компании, частью корпоративной культуры. В связи с чем, менеджерам необходимо владеть различными методами мотивации, уметь их применять на практике.

В системе мотивации коммерческого банка используются различные стимулы: материальные и нематериальные. Нематериальные, как правило, ориентированы на психологические факторы, то есть создают такую атмосферу, что человеку комфортно что-либо делать. Это медицинская страховка, отпуска, грамоты, благодарственные письма. Материальные стимулы - это непосредственно оплата труда работника, выплата премий и вознаграждений. Материальное и нематериальное стимулирование можно

различить и по статусу работника в организации. Например, отдельный кабинет - это привилегия конкретного работника [4, с.78].

Тем не менее, разрабатывать нематериальную мотивацию сложно, поскольку она требует конкретного подхода к каждому сотруднику, иначе может быть разный эффект, либо вообще никакого эффекта.

Так как каждому человеку присущи определенные потребности, то для нематериальной мотивации определяются конкретные особенности для человека, которые наиболее актуальны ему в данный момент времени. Они определяются для того, чтобы выбрать наиболее востребованную стратегию нематериальной мотивации [3, с.195].

Такой индивидуальный подход отражает «мотивационный профиль», позволяющий оценить значимость потребностей человека. Существует много методик: тесты, опросники, диагностики, позволяющие оценить мотивацию работника и на основании этого выбрать определенную систему мотивации. Эти методики позволяют понять, что лучше применять: материальную или нематериальную мотивацию. По нашему мнению, система стимулирования в коммерческом банке должна учитывать:

1. Адекватность: вознаграждение должно быть адекватно трудовому вкладу каждого работника в результате деятельности всего коллектива, его опыту и уровню квалификации

. 2. Своевременность: вознаграждение должно следовать за достижением результата.

3. Значимость: вознаграждение должно быть для сотрудника значимым.

Далее проведем сравнительный анализ системы мотивации персонала на примере двух крупных российских банков по данным социологического опроса сотрудников. Результаты анализа представлены в Таблице 1.

Таблица 1

Сравнительный анализ системы мотивации персонала по данным социологического опроса сотрудников коммерческих банков

Наименование мотивирующего фактора	Степень удовлетворенности сотрудников кампании по 10 балльной шкале оценки	
	Альфа-Банк	Совкомбанк
Повышение заработной платы	3	5
Премия	2	6
Карьерный рост	4	7
Стабильность	5	8
Награды	5	5
Удовлетворенность трудом	4	7
Лучшие условия труда	5	8
Политика кампании	4	8

Таким образом, практически по всем показателям степень удовлетворенности сотрудников Совкомбанка выше, чем у Альфа - Банка. Это объясняется тем, что руководство данного банка очень тщательно продумывает кадровую политику, делая упор на использование в работе

системы материальных и нематериальных стимулов. Считаем, что именно такая политика способна не только повысить заинтересованность работников, но и увеличить эффективность управления.

Большой акцент в данной системе должен быть уделен взаимодействию между руководителем подразделения и сотрудниками. Это поможет в свою очередь создать основу доверительных отношений и усилить коммуникативное взаимодействие. Не менее важным моментом в системе стимулирования коммерческого банка является бонусная система. Ее использование стимулирует работников коммерческого банка выполнять объемы заданий, в том числе в сфере кредитования клиентов

Возможность карьерного роста обеспечивает стимулирование работников к повышению своей квалификации, профессиональной подготовке и т.д.

Представленный механизм позволит не только повысить заинтересованность персонала в результатах труда, но и увеличить производительность и эффективность в целом.

Улучшение условий труда предполагает создание комфортных рабочих мест (наличие оборудования, буфетов, парковки и т.д.). Это также стимулирует работника трудиться и повышать свои результаты.

В целом должен быть обеспечен комплексный подход к системе мотивации работников коммерческого банка. По нашему мнению, мотивация в коммерческом банке должна учитывать следующие основные моменты:

1. Роль сотрудника в организации должна отвечать его способностям и желаниям.
2. Введение новшеств нужно проводить постепенно, объясняя сотрудникам, как и почему была выбрана конкретная инновация, и какие выгоды они от нее получат.
3. Нужно знать, есть ли в команде неформальные лидеры и «клановые» объединения, и принимать во внимание их воздействие.
4. Необходимо поддерживать тех, кто не боится высказывать собственные суждения.

Подводя итог, можно сделать вывод, что мотивация труда является главным фактором повышения эффективности управления персоналом в коммерческом банке. Следовательно, руководство организации должно уделять большое внимание различным формам и методам стимулирования результатов своих сотрудников для того, чтобы добиться высоких успехов в своей деятельности.

Список использованной литературы:

1. Армстронг, М.К. Стратегическое управление человеческими ресурсами: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2017. - 156 с.
2. Арутюнов, В.В. Управление мотивацией персонала: учеб. пособие /В.В. Арутюнов, И.В. Волынский, 2016. - 448с.
3. Аширов, Д.А. Мотивация персонала: Учебное пособие – М., 2017. - 265с.
4. Кибанов, А.Я. Основы управления персоналом: учеб. / А.Я. Кибанов.- М.: ИНФРА-М, 2018. - 304 с.

VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

УДК: 338.456.33.3

Р.Х. Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада мева-сабзавотчилик соҳасида кластерларини ривожлантириш билан боғлик масалалар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ҳамда мева-сабзавотни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, сотиш бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтиришга таъсир қилувчи иқтисодий омиллар ёритилган.

Калит сўзлар. мева-сабзовот маҳсулотлар, агрокластер, кластер, мева-сабзовот кластери.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы развития кластеров в плодоовощной отрасли и пути их эффективного использования, а также создание кластерной системы по переработке плодоовощной продукции, производству готовой продукции, обеспечивающей страну качественными овощами и плод овощами, экономические факторы, влияющие на укрепление экспортного потенциала отрасли.

Ключевые слова. плодоовощная продукция, Агро кластер, кластер, плодоовощной кластер.

Abstract. The article deals with the development of clusters in the fruit and vegetable sector and ways to use them effectively, as well as the establishment of a cluster system for fruit and vegetable processing, production of finished products, providing the country with quality fruits and vegetables , economic factors affecting the strengthening of the export potential of the industry.

Keywords. Fruit and vegetable products, agro cluster, cluster, fruit and vegetable cluster.

Ўзбекистонда сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан мева-сабзовот маҳсулотларини ички бозорда ўз мавқейини сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда мева-сабзавот маҳсулотлари кластерларини ривожлантириш каби масалаларга долзарб аҳамият берилмоқда.

Бироқ, мева-сабзавотчилик соҳасида кластерларини ривожлантириш масалаларини тартибга солувчи нормалар турли қонун ҳужжатларида белгиланганлиги уларни амалиётда қўллашда муайян қийинчиликлар

туғдиради. Бу соҳадаги барча нормаларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштириш зарурати юзага келади. Шу сабабли ҳам мева-сабзавотчилик соҳасида кластерларини ривожлантириш ва унинг энг муҳим принципиал янги жиҳатларини кўриб чиқамиз лозим.

Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавот маҳсулотлари асосан хусусий тармоқда етиштирилаётган бўлиб, унинг 70-80 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда боғдорчилик соҳасидаги йирик тадбиркорлик субъектларининг сони ортиши мева-сабзавот етиштирувчи хусусий тармоқ ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Мева-сабзавотчилик соҳасида кластерлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари: фермер, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа хўжаликлари эгалари томонидан ихтиёрий равишда ташкил этилган тижорат ташкилоти шаклида бўлади.

Мамлакатимизда мева-сабзавотни янада ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, сотиш бозорини тартибга солишнинг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш энг катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида бўйича сабзавотлар экин майдони 189,7 минг гектар, мева ва резаворлар майдони 271,6 (шундан ҳосилли токзорлар 221) минг гектарни, токзорлар майдони 114,5 (шундан ҳосилли токзорлар 103,6) минг гектарни ташкил этади. Республикамиз токзорларининг 69,7 минг гектари ёки 61 фоизи фермер хўжаликлари, 39,1 минг гектари ёки 34 фоизи деҳқон ва томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича токзорлар ҳосилдорлиги 2014-2017 йилларда гектаридан ўртача 138,2 центнерни, фермер хўжаликларида 110,3 центнерни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасида етиштирилган узумни ялпи ҳосилнинг 46-53 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келмоқда

Ўзбекистон Республикасининг кўпгина ҳудудларида боғдорчилик ва сабзавотчиликда замонавий агротехнологияларнинг етарли даражада қўлланилмаслиги сабабли мева ва сабзавот экинлари ҳосилдорлиги ўта паст даражада қолмоқда. Бизда қишлоқ хўжалигида кооператив дейилганда ширкат ёки жамоа хўжалигини тушуниш қабул қилинган. Аслида эса кооператив фермерлар фаолиятининг ҳамкорликдаги фақат айрим томонларига тегишли бўлиши мумкин. Бу эса республикамизда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини оширишда мевазор боғлар яратиш ва эскиларини реконструкция қилиш, интенсив боғлар барпо этиш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш кўламини янада кенгайтиришда кенг имкониятли ихтисослашган кооперациялар ва кластерлар яратилишини талаб этмоқда.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни

ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ишлари амалга оширилмоқда.Қишлоқ хўжалиги соҳасида бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган янги тизим — кластер-кооперация тизимига ўтиш, улар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида республика бўйича мева-сабзавотчиликка ихтисослашган жами 47 та кластер ташкил этилиб, уларга 13,5 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. Кластерлар ихтиёрида 15,9 минг тонна сиғимидаги музлаткич омборхоналар, 7810 тонна саралаш, 800 тонна калибрлаш, 4 та замонавий лаборатория, 119,8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 23201 тонна мева-сабзавотни саралаб-қадоқлаш цехлари мавжуд бўлиб, 1046 доимий, 1085 та мавсумий иш ўринлари ташкил этилган. Қашқадарё вилоятида “Шахрисабз мева-сабзавот агрофирма” МЧЖда 70 гектар ва 9 киши , Яккабоғ туманида “Дармон фарма” мева-сабзавот хусусий корхонасида 1048 гектар ва 40 киши ва Қамаши тумани “Қамаши таморқа хизмати ” мева-сабзавот МЧЖ да 70 гектар ер майдони ва 9 доимий иш ўринлари ташкил этилди

Мамлакатимизда мева-сабзавот кластерларни яратишдан асосий мақсад:

- мева-сабзавотчиликни жадал ва самарали ривожлантиришни таъминлаш ;
- юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр мева-сабзавот маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр мева-сабзавот маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Мамлакатимизда 2020 йилда мева-сабзавот экспортини 2,5 миллиард долларга етказиш, 2021-2023 йилларда эса бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш имкониятлари мавжуд. Юқоридагиларга тўлиқ эришиш ва мамлакатимиз мева-сабзавот соҳасининг рақобатбордошлигини таъмишлаш учун қўйидагиларни омалга оширишимиз лозим:

- экин ва навларни тўғри танлаш;
- ҳосилдорлик ва даромадни камида икки-уч баробарга ошириш;
- исрофгарчиликларни олдини олиш;
- маҳсулотларни сақлаш;
- логистика масалалари;
- экспортни тўғри ташкил этишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавот кластер тизимини ривожлантиришда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим, хусусан:

- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича мева-сабзавот кластерини ташкил этишда шартномалар асосида амалга ошириш;
- қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олиш, бунда

биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчиларни мева-сабзавот кластерига бириктириш, улар билан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида ихтиёрийлик асосида тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали амалга ошириш;
- мева-сабзавот кластер- кооперациялари - маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали тартибга солиш.

Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уларнинг мева-сабзавот кластерини яратиш бўйича истиқболда қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишимиз лозим:

✓ фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга — мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун ҳосил қийматининг 50 фоизигача йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 6 ойлик имтиёзли давр билан 12 ой муддатга кредитлар ажратиш

✓ мева-сабзавотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчиларга — етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишга талаб этиладиган айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 14 фоиз (шундан 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойлик «револьвер» кредит ажратилади. Бунда, ушбу кредит ҳисобидан кластер ва кооперацияларнинг тижорат банкларидан олинган бошқа кредитларини сўндиришга йўл қўйилмайди.

✓ мева-сабзавотчилик кластерлари (кооперациялар) ва фермер хўжаликларига — экспорт шартномаси мавжуд бўлиб, мева-сабзавот ҳосилини хавф-хатардан суғурталаш хизматидан фойдаланганда тўланган суғурта мукофотининг 50 фоизи, бироқ суғурта пулининг 1 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади. Бунда, суғурта пули хавф-хатардан суғурта қилинаётган ҳосил қийматининг 70 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

✓ мева-сабзавотчилик кластерларига (кооперацияларга) — хориждан малакали агроном, энтомолог, лаборатория мутахассисларини жалб қилиш

✓ мева-сабзавотчилик кластерларига ўзига бириктирилган маҳсулот етиштирувчилар учун боғ ва токзорларни барпо этиш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш тавсия этилади;

✓ ишлаб чиқарувчи — кластер — тайёрловчи корхона — қайта ишловчи ва экспортёрни узвий боғловчи тизимни жорий қилиш.

Мева-сабзавот кластерини ривожлантириш бўйича илмий асосланган талиф ва тавсиялар:

➢ самарасиз ва кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни янгилаш

- тупроқ-иқлим шароитига мос интенсив мевали дарахтлар ва ток кўчатларини етиштириш ва уларни келгусида тадбиркорлик субъектларига сотиш тизимини яратиш;
- мева-сабзавот янги нав муаллифлари ва ташкилотчиларини рағбатлантириш, уруғчилик ва кўчатчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш, ниҳол ва кўчатларини сертификатлаштириш механизмини яратиш;
- дунё бозорида талаб юқори бўлган, республиканинг тупроқ-иқлим шароитига мос мева-сабзавот навларини уруғчилик ривожланган давлатлардан республика ҳудудларига олиб кириш чораларини кўриш;
- мева-сабзавотнинг юқори маҳсулдор, совуққа чидамли ҳамда уруғсиз навларини яратиш, унинг истиқболли навларини интродукция қилиш;
- мева-сабзавотчиликда кўчатчилик тизимини такомиллаштиришга қаратилган тартибни ишлаб чиқиш;
- мева-сабзавотчиликда агротехник тадбирларни яхшилаш мақсадида токзорларда ишлатиладиган махсус техникаларни республикада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва узоқ муддатга имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тизимини жорий қилиш;
- янгидан ташкил этиладиган боғ ва токзорларнинг тоза навли ва вируслардан холи кўчатлар асосида яратилишини таъминлаш;
- мева-сабзавотчилик хўжаликларида замонавий агротехник чора-тадбирларни амалиётга жорий қилган ҳолда сифатли маҳсулот етиштирилишини таъминлаш.

Мева-сабзавотни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагича белгинанади:

- мева-сабзавот етиштиришга ихтисослаштириш учун қулай ҳудудларда энг мақбул майдонларни белгилаш;
- халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий деҳқончилик маданияти, қадриятларидан келиб чиқиб, узум етиштиришни миллий маданият сифатида ривожлантириш;
- мева-сабзавотни йирик майдонларда, кластер ва кооперация усулида етиштириш орқали соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш, узумни сақлаш, саралаш ва қайта ишлашни рағбатлантириш;
- мева-сабзавотнинг навларининг миллий брендларини яратиш ва янги бозорларга чиқиш орқали экспортни кенгайтириш;
- мева-сабзавот йўналишида «энг яхши узум нави», «энг яхши интенсив токзор», «энг яхши маҳаллий узум нави», «энг яхши вино маҳсулоти» “энг яхши сабзавот нави», «энг яхши интенсив сабзавот», «энг яхши сабзавот нави», каби номинацияларда ўтказиладиган республика кўрик танлови таъсис этилсин;
- мева-сабзавот етиштириш, қадоқлаш, саралаш, қайта ишлаш ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асослаш;

- фаолият юритиши учун зарур инфратузилма объектлари (эгалик ёки фойдаланиш ёхуд тўлиқ мулк ҳуқуқи асосида), шунингдек, малакали кадрлар ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳамда молиявий барқарорлиги;
- илмий асосланган ҳолда мева-сабзавот етиштириш, унинг янги ҳосилдор, данаксиз навларини яратиш мақсадида мева-сабзавот илмий мактабини ривожлантириш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини йўлга қўйиш;
- ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, мева-сабзавот етиштириш, уни қуритиш, қадоқлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишнинг тўлиқ циклини яратиш мақсадида узумчилик ва сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш;
- мева-сабзавот етиштириш, қадоқлаш, саралаш, қайта ишлаш ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асос ;
- фаолият юритиши учун зарур инфратузилма объектлари (эгалик ёки фойдаланиш ёхуд тўлиқ мулк ҳуқуқи асосида), шунингдек, малакали кадрлар ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳамда молиявий барқарорлиги.

Г.М. Шадиева – СамИСИ профессорв.б., и.ф.д.,
Б.Эшниёзов – СамИСИ, МИ- 121 гуруҳи магистранти

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ РАҚАМЛАШТИРИШГА ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақоладарақамли иқтисодиётнинг моҳияти, инновацияларнингаҳамияти ёритиб берилган. Шунингдек, инновацион ривожланишнинг рақамлаштиришга трансформациялашувида интеллектуал мулк, патентнинг расмийлаштириш муаммолари ва ечимигаалоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: инновацион ривожланиш, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, ахборот технологиялари, интеллектуал мулк, патент.

Аннотация: В данной статьераскрытасущность цифровой экономики и освещена важность инноваций. А также, отдельно уделено внимание проблемам и решению регистрации патентов, интеллектуальной собственности трансформации цифровизации инновационного развития

Ключевые слова: инновационное развитие, цифровизация, цифровая экономика, цифровые технологии, информационные технологии, интеллектуальная собственность, патент.

Abstract: This article highlights the essence of the digital economy, the importance of innovation. Special attention was paid to the problems and solutions of intellectual property, patent registration in the transformation of innovative development into digital.

Keywords: innovative development, digitization, digital economy, digital technology, information technology, intellectual property, patent.

Кириш. Рақамли инқилоб иқтисодиётни ва жамиятни мисли кўрилмаган тезлик билан ўзгартирмоқдаки, бу ўз навбатида улкан имкониятлар ва қийинчиликларни ҳам келтириб чиқариши ҳеч кимгасир эмас.Ҳозирда жаҳонда «рақамли иқтисодиёт»нинг ўсиш суръатлари деярли 15,5 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда «рақамли иқтисодиёт»нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Бу давлатлар «рақамли иқтисодиёт»нинг жорий қилинишидан жуда катта фойда кўрмоқда. Жумладан, АҚШ йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ «рақамли хизмат»ларни экспорт қилмоқда. 2025 йилгачаАҚШ саноат соҳасини «рақамлаштириш»дан қўшимча 20 трлн. АҚШ доллар даромад олиши кутилмоқда».

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида давлат бошқарувини рақамлаштириш, барчасоҳа ва тармоқларда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишгаалоҳидаааҳамият қаратилмоқда. Хусусан, “Иқтисодиётнинг барчасоҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутувчи Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда “Рақамли Ўзбекистон-2030” дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур”лиги белгиланди[1].Бу стратегияни муваффақиятли амалгаошириш, биринчи навбатда, миллий инсон капиталига – барча фуқароларимизнинг чуқур замонавий билимларга ва юксак маҳоратга эга бўлишига боғликдир.

Адабиётлар таҳлили. Ҳозирги кунда, “рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг турли хилдаги талқинлари мавжуд. Масалан, электрон (рақамли) иқтисодиёт-рақамли технологияларгаасосланган иқтисодий фаолият; рақамли иқтисодиёт-рақамли-ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишгаасосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар тизими, шунингдек, рақамли иқтисодиёт-ахборот-коммуникацион технологиялари дейиш мумкин.

Рақамли иқтисодиётда рақамли кўринишдаги маълумотлар барча ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ишлаб чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади ва бундай иқтисодиёт тизимига босқичма-босқич ўтиш мамлакатимизнинг глобал миқёсдаги рақобатбардошлилиги фуқаро-ларнинг ҳаёт сифатини янадаоширади, янги иш жойларини яратади, жадал иқтисодий ўсишга имкон яратади ва миллий мустақилликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт дастурини ҳаётга татбиқ қилиш қуйидагиларга эришишга имкон беради [2]:

- янги технологиялар яратишга ҳалақит бераётган ҳуқуқий тўсиқларни янги норматив-ҳуқуқий база яратиш ёрдамида тўлиқ бартараф қилиш;
- рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш, шу жумладан, тармоқлар, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, техник ва дастурий таъминотнинг замон талабларига мос равишда ривожланишига;
- таълим тизимининг ҳар томонлама ривожланишини ва янги-

ланиши таъминланишига;

- мамлакатдаги турли-туман компанияларнинг, фирмаларнинг, давлат корхоналарининг ҳамда бизнеснинг ривожланишига пухтаасос яратилишига;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида кўплаб ташкилотлар вужудга келишига.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини ҳам шу тадбирлар жумласига киритиш мумкин. Ушбу чора-тадбирлар натижасида электрон ҳужжат айланиши жорий этилди, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасида норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот методологияси сифатида қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, илмий абстракция, монографик кузатув усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда дунё технология бозорида рақобатдош миллий маҳсулотларнинг йўқлиги, саноат тармоғида диверсификация ва реструктризация жараёнларининг суст бориши ҳам инновацияларни бошқаришда жиддий муаммо ҳисобланади.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, амалдаги мазкур тизимга хос бўлган камчиликлар қуйидагилардан иборат:

- инновацион маҳсулотлар яратаётган субъектлар, яъни муаллифларга давлат томонидан ҳеч қандай моддий ёрдам, имтиёзлар берилмаган шароитда ўз маблағлари ҳисобидан ишланмалар, ихтиролар, саноат намуналари ва фойдали моделлар яратилмоқда;
- яратилган интеллектуал мулк объектларини расмийлаштириш учун яна патент божи тўланиши лозим;
- давлатнинг инновацияларни ривожлантириш учун масъул ваколатли органи талабномани қабул қилиб олиб ва Давлат экспертизасидан ўтказади. Экспертиза хулосаси ижобий бўлса ўз қарори билан патент беради, салбий бўлса талабномани муаллифга қайтаради.

Амалдаги тизимнинг жиддий камчилиги ҳамда муаммоси Ваколатли давлат органи фақат талабномаларни қабул қилиш ва унинг экспертизасини ташкил этиш каби расмий функция билан чекланган холос.

Умуман, бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ўрни ортиб боряпти. Юртимизда мазкур соҳани ривожлантириш учун муайян ишлар амалгаоширилмоқда. Шубҳасиз, иқтисодий секторни рақамлаштириш товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳажми ва рақобатбардошликни кескин ошириш ҳамда вақтни тежаш каби имкониятларни яратади. Айни пайтда Ўзбекистонда рақамли

технологиялар банк тизими, чаканасавдо, транспорт, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқасоҳаларда кенг кўламда қўлланилмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги назарий хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолдаамалгаошириш тизими бўлиб, бунгаавваламбор онлайн-хизматлар, масофавий таълим, электрон тўловлар, товар ва хизматларнинг интернет-савдоси мисол бўлаолади.
2. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва маъмурий жараёнлар бошқаруви автоматлаштирилган тизимларини яратиш ва жорий этиш, иқтисодиётни рақамлаштириш, АКТ-соҳасини ривожлантириш лозим. Бу жараён ўз навбатида яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси сифатида намоён бўлади.
3. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида инсон иштирокини кескин камайтириш зарур. Бу ўз навбатидааҳоли турмуш сифати ва фаровонлигига ижобий таъсир этади, бюрократия, қоғозбозлик ҳамда коррупциянинг сезиларли даражада камайишини таъминлайди.

Юқоридаги хулоса ва таклифларнинг амалгаоширилиши интеллектуал мулкни расмийлаштириш масалаларини соддалаштиради, билимгаасосланган инновацион ривожланишнинграқамлаштиришга трансформациялашувини жадаллаштиради.

С.Б. Курбанова – СамИСИ, Молия кафедраси ассистенти

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақола рақобат шароитида тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уни тартибга солишнинг молиявий масалаларига бағишланган бўлиб, унда ҳозирги кундаги вазиятдан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, рақобат, давлат, инновацион фаолият, инновацион хизмат.

Аннотация. Данная статья посвящена финансовым вопросам поддержки и регулирования инновационной деятельности субъектов предпринимательства в условиях конкуренции, а также изложен предложения и рекомендации исходя из сложившейся ситуации.

Ключевые слова: предпринимательство, конкуренция, государство, инновационная деятельность, инновационная услуга.

Abstract. This article is devoted to financial issues of support and regulation of innovative activities of business entities in a competitive environment, as well as proposals and recommendations based on the current situation.

Keywords: entrepreneurship, competition, state, innovative activity, innovative service.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришга қаратилган таъсирчан чора-тадбирлар фаоллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг яна бир муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳусусияти нисбатан кам ҳаражатлар эвазига янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиши ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан инновацион фаолиятни амалга оширилиши учун замин яратилишида давлатнинг таъсири катта бўлмоғи лозим. Тадбиркорлик субъектлари инновацион хизматларни қўллаб-қувватлаш уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга, бюджет олдидаги мажбуриятларини самарали бажарилишига имконият яратади. Таъкидланганидек, "... янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш зарур"[1].

Иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам иқтисодий ўсишга инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш, инновацион хизматларни кўрсатиш орқали эришиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, Ўзбекистонннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида реал иштирок этишига эришишдан иборат. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларнинг инновацион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳал этиб борилиши зарур бўлади.

Азалдан иқтисодчи олимлар тадбиркорликни янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаси сифатида қарашган. Тадбиркорлик бўйича чуқур илмий тадқиқот олиб борган Й.Шумпетер тадбиркорликнинг вазифаси – янги ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўллари билан ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва инқилобий ўзгаришларни амалга ошириш дея таъкидлайди[1].

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар тадбиркорлик субъектлари фаолияти бу даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият сифатида қараб, "тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омили" деб эътироф этишади[2]. Агар тадбиркорлик мунтазам равишда фаоллашмаса, миллий иқтисодиётда ўсиш суръатлари қайд этилмаслигини, иқтисодиёт тармоқларида барқарор ривожланиш юзага келмаслигини асослаган ҳолда улар айнан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг

[1] Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: O'zbekiston, 2021. 138 б.
[1] Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс. 2005, 159-б.
[2] Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т..: Меҳнат, 1995. 192 б.

сифат жиҳатига эътибор беришни лозим деб ҳисоблашган.

Хорижий олим Д.Одреч тадбиркорликнинг рақобат бозорида “омон қолиши”нинг асосий меъзони уларнинг иқтисодий ўсиш ва инновацион фаолиятининг юқори суръатларини намойиш этишга мойиллиги дея таъкидлайди[1].

Айниқса, янги технологиялар талаб қилинадиган тадбиркорлик соҳаларида рақобатда устунлик қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун инновацияларни ўзлаштириш муҳимдир[2]. Шу боисдан, тадбиркорлик субъектлари узоқ муддат фаолият кўрсатишлари учун янги инновацион тажрибаларни амалга оширишлари лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини, шу жумладан уларни молиявий механизмлар орқали қўллаб-қувватлаш деганда:

– давлат томонидан тадбиркорлик субъектларини рақобатбардошлигини, инновацион хизматларни кўрсатиш ва уларни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг асоси бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларини яратиш;

– тадбиркорлик субъектларига моддий ҳамда молиявий ресурслар киритиш орқали уларнинг нафақат инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришини, балки инновацион хизматларини ривожлантириш;

– тадбиркорлик субъектларининг инновацион хизматларни кўрсатиш механизмларига асосланиб республиканинг жорий ва истиқболли ривожланиш босқичларида нафақат ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш, балки рақобатбардошликни таъминлаш воситаси сифатида тушуниш лозим.

Тадбиркорлик субъектларининг инновацион хизматларини давлат томонидан бундай қўллаб-қувватлаш солиқ солиш, кредитлаш, суғурталаш хизматлари ва оқилона субсидиялар, инвестициялашдаги имтиёзли тартиблар шаклида амалга оширилади. Бундай молиявий механизмлар яхлитлигида тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатиладиган инновацион хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган катта миқдордаги молиявий захиралар яратилади ва унинг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлайдиган имконият юзага келади. Тадбиркорлик субъектларининг тараққий этишини молиялаштириш ҳамда унинг молиявий равнақи кафолатланишини таъминлашда муҳим омил бўлиб инновацион хизмат кўрсатиш, молиявий ресурслар чекланганлиги шароитида ва тадбиркорлик субъектларининг тараққий этишида, фаолиятида иштирок этувчиларнинг даромадлари шаклланишида, келгусида тадбиркорлик субъекти инновацион хизматлар инфратузилмасини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги шароитда тадбиркорлик субъектларининг молиявий

[1] Audretsch D. Entrepreneurship research //Management decision. – 2012.

[2] Cabral J. J., Francis B. B., Kumar M. V. S. The impact of managerial job security on corporate entrepreneurship: Evidence from corporate venture capital programs //Strategic Entrepreneurship Journal. – 2021. – Т. 15. – №. 1. – С. 28-48.

барқарорлиги ва молиявий натижаларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, унинг ўзгаришига хос тенденцияларни баҳолаш бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш имконини беради ҳамда тадбиркорлик субъектларига молиявий хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтиради.

Тадбиркорларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини дастур доирасида ўрганиб бориш, талаб доирасида кредит маблағлари билан таъминлаш чораларини кўриш, кредит олиш учун ҳужжатларни тайёрлашга кўмаклашишни яхшилаш борасида хизматлар кўрсатиш муҳимдир. Шунингдек, аҳолининг ўз бизнесини бошлаши учун шарт-шароитлар яратиш, аҳолининг иш билан бандлигини оширишига кўмаклашадиган молиявий институтлар ва талбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, молиялаштириш хизматларини кўрсатиш даражасини ошириш зарур. Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматларни янада ривожлантириш учун асосий йўналишларни амалга ошириш лозим:

– тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳит яратиш ва уларга янада кенг эркинлик бериш, молиявий хизматларни кўрсатишда мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг фаолиятидаги масалаларни тартибга келтиришдаги иштирокини енгиллаштириш;

– тадбиркорлик субъектларининг кредит, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун ҳуқуқий-молиявий механизмларини яратиб бериш бўйича зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш;

– тадбиркорлик субъектларига микромолиялаштириш хизматларини кенгайтириш;

– тадбиркорлик субъектларининг инновацион хизматларини қўллаб-қувватлаш учун кўрсатилаётган кредит хизматларини кенгайтириш ва унинг устидан назоратни янада кучайтириш, рискни қисқартириш ёки кўриладиган зарарни қоплашга кўмаклашиш механизмини такомиллаштириш, айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқишда уларга молиявий ёрдам бериш тизимини яратиш ва ҳ.к.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқилган бизнес режалар акс эттирилган кўрсаткичлар доирасида уларга кредит ажратишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

– тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада оширишга ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни рағбатлантириш;

– экспортга мўлжалланган ҳамда арзон маҳсулот таннархига эга

бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва кредит имтиёзларини беришни кенгайтириш;

– тадбиркорлик субъектларини модернизация қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли молиялаштириш.

Шу билан бир қаторда рақобат муҳитини яратишда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш билан боғлиқ имкониятлардан янада самарали фойдаланиш учун қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Ҳозир ҳам тадбиркорлик субъектлари бозорга киришларида жиддий маъмурий тўсиқлар мавжуд. Жумладан, фаолиятнинг баъзи турларини амалга оширишда ҳам мамлакат, ҳам вилоят ва туман даражаларида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш талаб этилмоқда. Бундай тўсиқлардан бири мамлакатда фаолиятнинг юзга яқин турини амалга ошириш учун лицензия олиш керак бўлмоқда. Баъзи ҳолларда лицензиялашнинг асосий мезонларига жавоб бермайдиган фаолият турларини, яъни амалда лицензия талаб қилинмайдиган фаолият турларини лицензиялаш тартиби жорий этилмоқда ёки амал қилмоқда. Натижада тадбиркорлик фаолиятини ҳам лицензиялаш, ҳам сертификатлаштириш ҳолларига дуч келинмоқда.

Миллий иқтисодиёт хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатишни босқичма-босқич ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим механизми ҳисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига молиявий хизматлар кўрсатиш механизмига ёрдам кўрсатиш уларнинг ривожланишини муҳим омили ҳисобланади. Шу боис айтиш жоизки, иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик субъектларига инновацион хизматлар кўрсатиш орқали барқарорлигини таъминлаш масаласи яхлит тадқиқ этиб ўтилмаганлиги боис тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслари билан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, уни солиққа тортиш, кредитлаш ва шу каби масалаларга эътибор қаратиб келинмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг рақобатни ривожлантиришга қаратилган фаолиятларини молиявий маблағлар билан таъминланишини янада кучайтириш учун бу каби маъмурий тўсиқларни бартараф этиш билан бирга, фикримизча, қуйидаги вазифалар ҳам ҳал этилиши лозим:

– тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини биргаликда молиялаштиришни амалга ошириш мақсадида венчур фондларини ривожлантириш ва улар хизматидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;

– тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банкларидан кредит олишни кафолат фондлари орқали кафолатлашни йўлга қўйиш;

– тижорат банкларининг бизнесни модернизациялаш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ажратаётган кредит ставкаларини янада камайтиришга эришиш;

– тадбиркорлик субъектларининг товар, хом-ашё бозорларида рақобатни янада ривожлантиришда уларни молиявий ресурсларга бўлган талабини бевосита ички манбалар ҳисобига қондириб борилишига инновацион ёндошувни ишлаб чиқиш;
тадбиркорлик субъектларига инновацион фаолиятини тартибга солишда кредитлаш муаммосини ҳал этишда ҳар томонлама юзага келиши мумкин бўлган манфаатларни эътиборга олиш лозим. Ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорда бошланғич капитал етишмаслиги ҳолатларида молиявий институтлар томонидан кўрсатиладиган хизматларни жалб этиш ва молиявий хизматлар кўламини кенгайтиришга эришиш лозим.

З.Ю. Аминов– СамИСИ доценти в.б., и.ф.н.,
А.А. Раджабов– СамИСИ магистранти

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚОБАТГА ЗИД ҲАРАКАТЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ВА РАҚОБАТ УСТУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ШАРТЛАРИ

Аннотация: Мақолада миллий иқтисодиёт ривожлантиришда рақобатга зид ҳаракатларга барҳам бериш йўллари, рақобат устунлигини таъминлаш шартлари ҳамда ўзаро рақобатлашаётган субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйиши мумкин бўлган келишувлари моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Калит сўзлар: Монополия, рақобат, иқтисодиёт рақобатбардошлиги, рақобат устунлиги, келишув.

Аннотация: В статье подробно разъясняются способы устранения антиконкурентных действий в развитии национальной экономики, условия обеспечения конкурентного преимущества, а также характер соглашений, способных ограничивать конкуренцию между конкурирующими субъектами.

Ключевые слова: Монополия, конкуренция, экономическая конкурентоспособность, конкурентное преимущество, соглашение.

Abstract: The article fully explains the ways to eliminate anti-competitive actions in the development of the national economy, the conditions for ensuring a competitive advantage, as well as the nature of agreements that can restrict competition between competing entities.

Keywords: Monopoly, competition, economic competitiveness, competitive advantage, agreement

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобат устунлигини таъминлаш жаҳон иқтисодиётида юзага келган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб ва келгуси йилларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олиш орқали амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобат устунлигини ошириш негизида миллий

иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон иқтисодиётида хомашё ва тайёр маҳсулотларга бўлган талабнинг пасайиши натижасида корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги рақобат кураши барча маҳсулотлар, айниқса тайёр маҳсулотлар бозорларида кучайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бундай шароитда миллий иқтисодиётнинг рақобат устунлиги мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолади. Шу мақсадда мамлакат иқтисодиётини изчил равишда ислоҳ қилиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини жадаллаштириш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобат устунлигини таъминлаш мумкинлигини илғор давлатлар тажрибаси кўрсатиб бермоқда.

Миллий иқтисодиётнинг рақобат устунлигига эришиш шартлари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш;
- таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш;
- юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш;
- фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар энг аввало тўсиқ бўлаётган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг паст бўлишига, таннархининг асоссиз ўсиб кетишига олиб келаётган омилларни бартараф этишга қаратмоқда. Жумладан, корхоналарда мавжуд жисмонан ёки маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналар ҳамда технологияларнинг салмоғини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моддий ва энергия сарфини пасайтириш, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласи барча корхоналарда тўлиқ ҳал этилишини ва ишлаб чиқариш қувватларидан максимал фойдаланиш даражасига эришишга қаратилади. Бундай асбоб-ускуна ва технологиялардан фойдаланилган ҳолда, ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигининг ошириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган моддий, меҳнат ва энергия сарфи миқдорини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича рақобат устунлигини таъминлашга эришиш мушкул вазифадир. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 1 бирлик ЯИМга тўғри келадиган энергия ресурслари ва хомашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичдан анча юқоридир.

Маълумки, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланаётган ёқилғи-энергия ресурслари миқдорини камайтириш бу маҳсулотлар таннархининг пасайишига, уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобат устунлигининг ортишига олиб келади, бу ресурсларни келажак авлодлар учун тежаш имкониятини яратади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий этиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш масаласи айниқса иқтисодиётимизнинг енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш моллари каби етакчи тармоқларида ҳамон кузатилмоқда. Энг аввало, саноатда маҳсулот таннархини пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бу вазифани амалга ошириш саноат тармоқларида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича мавжуд резервларни аниқлаш ва ишга солиш, ишлаб чиқаришни материал ва энергияни тежайдиган замонавий ускуналар билан қуроллантириш, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш, хомашё ва материаллар ҳамда ёрдамчи тармоқлар хизматлари нархинин асоссиз ўсишини иқтисодий йўллар билан чеклаш, саноат кооперациясини кучайтириш ва хориждан олиб келинаётган хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Миллий маҳсулотлар рақобат устунлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган асосий чора-тадбирлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш борасида дастур ишлаб чиқиш;
- саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, истеъмол товарларининг турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича қўшимча имтиёзларни кўзда тутувчи махсус қарор қабул қилиш;
- ташқи бозорларда харидорбоп, рақобатдош бўлган юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни тайёрлаш;
- рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, мамлакатимиз корхоналари маҳсулот тақдимотини ўтказиши ҳамда экспорт шартномаларини тузиши учун уларни нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида ҳукумат қарорини қабул қилиш бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда қайта ишлаш саноатининг, айниқса қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш тармоқларининг ривожланиши даражаси мамлакатимизда мавжуд саноат хомашёсини тўлиқ ва чуқур қайта ишлаш орқали рақобатдош, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун етарли эмас.

Бугунги кунда жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб бораётган бир пайтда мамлакатимизнинг маҳсулот экспорт қилувчи

корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларга қўшимча имтиёз ва префренциялар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур ва муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган.

Ташқи бозорга чиқиш учун рақобатчилар, истеъмолчилар, маҳсулот экспорт қилинаётган мамлакатнинг қонунчилиги тўғрисида ахборот кўмагини бериш, давлатлараро келишувларга кўра мамлакат корхоналари учун хорижий давлатларда энг кўп қулайлик режимини яратиш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини (банклар, траспорт тизими ва ҳ.к) ривожлантириш, маҳсулотларнинг рекламасига кўмаклашиш каби чора–тадбирлар ҳам экспорт қилувчи корхоналар рақобатдошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу боисдан ҳам пойтахтимиз ва вилоят марказларида ҳар йили саноат ярмаркалари ўтказиб борилмоқда, мамлакатимизнинг халқаро савдо-саноат ярмаркаларида иштироки кундан-кунга кўпаймоқда. Бу ўз навбатида экспортёр корхоналарнинг ўз маҳсулотларини реклама қилиш, харидор ва шериклар излаб топиш имкониятини кенгайтирмоқда, реклама харажатларини тежаш имконини бермоқда.

Республикамизда хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) устидан давлат назорати ҳам олиб борилади. Шунда муайян товар бозорида 35 ва ундан ортиқ фоиз улушга эга бўлган, ўзаро рақобатлашаётган ёки рақобатлашиши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклаб қўйган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) ҳақиқий эмас деб топилади ва бекор қилинади. Шундай келишувларга қуйидагилар киради:

- Қатъий нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловлар ёки ортиқча нархлар белгилаш ёки уларни сақлаб туришга;
- эркин бозор нархлари қарор топишига тўсқинлик қилиб, уларни сунъий равишда ўстириш ёки пасайтиришга;
- ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;
- таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;
- аукционлар, биржалар ва бошқа кимошди савдоларида нархларни ошириш, пасайтириш ёки сақлаб туришга ҳамда нарх соҳасида камситишлар белгилашга;
- бозорни ҳудуд бўйича, сотув ёки харид ҳажми, товарлар хиллари бўйича, сотувчилар ва харидорлар, буюртмачилар доираси бўйича бўлиб олишга;
- муайян товарларнинг сотувчилари, харидорлари ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаб қўйиш ёки уларни бозордан четлатишга қаратилган битимлари (келишиб қилинган ҳаракатлари) таъқиқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:
1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори. “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” тўғрисидаги. Тошкент ш., 2021 йил 2 март. 114-сон. https://lex.uz/docs/5317558
2. Пардаев М.Қ., Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодий хавфсизлиги: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Самарқанд.: “Зарафшон” нашриёти ДК, 2020. -220-бет.
3. Холиқулов А.Н., Усманова Д.Қ., Рахимов Х.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. Ўқув қўлланма. Самарқанд.: “Турон нашр” нашриёти, 2021. – 212-бет

А.Д.Равшанов – ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
Б.У.Жўраев – ҚарМИИ, магистранти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕВА-САБЗАВОТ ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизда етиштираётган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг аҳамияти таъкидланган. Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозорининг рақобатбардошлигини баҳолаш механизмлари, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчи корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш чора-тадбирлари, мазкур корхоналарнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш стратегиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: мева сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори, бозор, иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодий самарадорлик, рақобатбардошлик, талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш, нарх, рақобат, маркетинг, инновацион фаолият, стратегия.

Аннотация: В статье подчеркивается важность выращиваемых в нашей стране фруктов, овощей и винограда. Разработаны механизмы оценки конкурентоспособности плодоовощного рынка и рынка винограда, меры по повышению конкурентоспособности плодоовощных и виноградных предприятий, рекомендации по стратегиям обеспечения конкурентоспособности этих предприятий на мировом рынке.

Ключевые слова: глобализация, рынок, агропромышленный комплекс, диверсификация экономики, рынок фруктов и овощей и винограда, экономическая эффективность, конкурентоспособность, спрос и предложение, производство, цена, конкуренция, маркетинг, инновационная деятельность, стратегия.

Abstract: The article emphasizes the importance of fruits, vegetables and grapes grown in our country. Mechanisms for assessing the competitiveness of the fruit and vegetable market and the grape market, measures to increase the competitiveness of fruit and vegetable and grape enterprises, recommendations on strategies to ensure the competitiveness of these enterprises in the world market have been developed.

Keywords: globalization, market, agro-industrial complex, economic diversification, market for fruits and vegetables and grapes, economic efficiency, competitiveness, supply and demand, production, price, competition, marketing, innovation, strategy.

Жаҳонда аҳоли сони ошиши билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳажми ҳамда жаҳон бозорларида харидоргир бўлган маҳсулотлар экспорти кўламини ошириш сингари долзарб муаммоларни ҳал этишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўрни ортиб бормоқда. Зеро, БМТ маълумотларига кўра, “2050 йилга бориб жаҳон аҳолиси сони 9,2 млрд. кишига етиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни 70 фоизга ошириш заруратини келтириб чиқармоқда”[1].

Мамлакатимизда сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни, жумладан, мева-сабзовот маҳсулотларини етиштириш ва уларни сақлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш орқали экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда мева-сабзавот маҳсулотлари кооперациясининг ташкилий-иқтисодий асослари каби масалаларга долзарб аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига асосан “Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш.” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган[2].

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини доимо ошириб боришда энг самарали ва тез натижа берадиган соҳа бу мева-сабзавот ва узум етиштиришда юқори даромадли рақоботбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев олий мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди[1].

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу билан бирга, соҳада айниқса мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларига мос келувчи, тармоқнинг

[1]Позаботимся о будущем сельского хозяйства. – www.bayer.ru

[2] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

рақобатбардошлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон аграр бозорларига интеграциялашув тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан боғдорчилик тармоғи хўжаликларида бошқарув тизимини яхшилаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш, мева-сабзавотчиликда кооперацияни йўлга қўйиш, замонавий ресурс тежамкор технологиялар асосида юқори сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, озиқ-овқат саноатини жадал суръатларда ривожлантириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу жумладан мамлакатимизда 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавотликда 28 фоизга етказиш имкониятлари мавжуд[1].

Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда дунё бозорларида гилос, ўрик, олхўри, анор, узум, бодом, цитрус мевалар каби маҳсулотларга талаб юқори ва ушбу маҳсулотлар экспорт тушумининг асосий қисмини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20 сонли Қарорнинг қабул қилиниши айни муддоадир.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон юқори ҳосилдорлги янги навларни чиқариш, экинларни етиштириш ва парвариш қилишнинг илғор технологиялари ва илму фан ютуқларини жорий қилиш ҳисобига мевазорлар ва узумзорлар ҳосилдорлигини ошириш учун катта ички захираларга эга.

Мева-сабзавот ва узум етиштирувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ушбу хўжалик юритувчи субъектларда етиштирилаётган маҳсулот рақобатбардошлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда юқори рақобатбардошлиги бу корхонанинг юқори рақобатбар-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони

дошлигини англатади. Ва аксинча, агар маҳсулот бозордаги рақобатга бардош бера олмаса унда корхона рақобатбардошлиги ҳам паст бўлади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик ва узумчилик мажмуасидаги рақобат афзалликларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

а) табиий иқлим шароитларининг қулайлиги;

б) мева-сабзавот маҳсулотлари сифат даражасининг юқорилиги;

в) юқори малакали ишчи кучларининг мавжудлиги;

г) инновацион ва инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқалар.

Ушбу маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини баҳолашни мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари бозори конъюктурасини ўрганишдан бошланади. Умуман олганда, мамлакатимизда мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш экспортини ташкил қилишда катта имкониятларга эга Шу сабабли мамлакатимизда мева-сабзавот ва узумчиликнинг ривожланиш қуйидаги амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

- боғдорчиликда ва узумчиликда интенсив усулдаги боғлар етарлича ташкил этиш;
- боғ ва токзорлар яроқсиз ҳолатга келиб қолгани сабабли уларни янги интенсив боғларга алмаштириш орқали иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;
- минтақаларда ерлардан самарали фойдаланиш ва ҳосил бермаётган боғ ва токзорларни янгилаш;
- маҳсулот етиштириш, харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт кластерини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперация тизимини жорий этиш;
- мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларини ривожлантириш.

А.Н.Холиқулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси мудири, доцент, и.ф.н.,

Ф.А. Бадиров – СамИСИ магистранти

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДА РАҚОБАТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида рақобатни қўллаб-қувватлаш ва монополияга қарши бошқарувнинг амалий жиҳатлари ва МДҲ доирасида монополияга қарши органларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари тўлиқ очиб берилган.

Калит сўзлар: Монополия, рақобат, рақобатбардошлик, монополияга қарши бошқарув органлари, рақобат сиёсати, Антимонопол Кенгаш.

Аннотация: В статье подробно описаны практические аспекты конкурентного и антимонопольного управления в Содружестве Независимых

Государств и основные направления деятельности антимонопольных органов в рамках СНГ.

Ключевые слова: Монополия, конкуренция, конкурентоспособность, антимонопольные органы, конкурентная политика, Антимонопольный совет..

Abstract: The article describes in detail the practical aspects of competition and antimonopoly management in the Commonwealth of Independent States and the main activities of antimonopoly authorities within the CIS.

Keywords: Monopoly, competition, competitiveness, antitrust authorities, competition policy, Antimonopoly Council.

Ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан қабул қилинган антимонопол сиёсат минтақада соғлом рақобат муҳитини яратишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни қўллаб - қувватлаш бозор муносабатларининг тўла-тўкис қарор топишида катта рол ўйнайди. МДҲ мамлакатларида бу айниқса долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Чунки собиқ Иттифоқ даврида халқ хўжалигининг монополлашуви МДҲ мамлакатларида ҳаддан ортиқ даражада эди.

МДҲ мамлакатларининг кўп томонлама ҳамкорлиги ва босқичма-босқич ягона иқтисодий ҳудудни ташкил этиши иттифоқдош мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини юксалтириш, маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашади.

МДҲ доирасида монополияга қарши бошқарув ва рақобат сиёсатини олиб бориш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий даражада қабул қилинган қонунчилик хужжатлари ва махсус ташкил тилган органлар орқали амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал

МДҲ мамлакатларининг монополияга қарши бошқарув органлари[1]

Озарбайжон Республикаси	Иқтисодий ривожланиш Вазирлиги (İqtisadi İnkişaf Nazirliyi)
Арманистон Республикаси	Иқтисодий рақобатни ҳимоя қилиш бўйича давлат комиссияси (Petakan handznazhoghovy Tntesakan mrts'akts'ut'yan pashtpanut'yan)
Беларус Республикаси	Беларусь иқтисодиёт Вазирлиги (Міністэрства эканомікі Рэспублікі Беларусь)
Қозоғистон Республикаси	Табиий монополияларни назорат қилиш ва рақобатни ҳимоялаш бўйича Қўмита (Қазақстан Республикасы табиғи монополияларды реттеу агенттігі)
Қирғизистон Республикаси	Қирғизистон Республикаси ҳукумати қошидаги антимонопол хизмат бўйича Давлат комиссия (Кыргыз Республикасынын Өкмөтүнө караштуу монополияга каршы саясат боюнча Мамлекеттик комиссия)
Молдова Республикаси	Иқтисодиёт ва ислоҳатлар Вазирлиги (Ekonomikas ministrija un reformu)

[1] К.М.Ибодов. Монополияга қарши бошқарув назарияси (Ҳозирги замон рақобат назариялари). Ўқув қўлланма.Самарқанд:, "Zarafshon" нашриёти ДК, 2019 йил. 304 бет.

Россия Федерацияси	Федерал антимонопол хизмати (Федеральная антимонопольная служба)
Тожикистон Республикаси	Тожикистон Республикаси антимонопол сиёсат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат агентлиги (Дар Агентии давлатии зиддиинҳисории Сиёсат ва бизнес Дастгирии дар Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон)
Ўзбекистон Республикаси	Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураши қўмитаси
Украина Республикаси	Антимонопол Қўмита (Антимонопольний комітет Украї́ни)

МДҲ мамлакатларида рақобатни қўллаб-қувватлаш ва монополияга қарши бошқарувнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– монополияга қарши қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш;

– монополистик фаолият ва ғирром рақобатни чеклашга оид турли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш;

– рақобатни қўллаб қувватлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатларини қарор топтириш;

– монополия ва ғирром рақобатнинг салбий таъсиридан истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялаш.

МДҲ доирасида монополияга қарши органларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари келгусида соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Бугунги кунда деярли барча мамлакатларда миллий даражада асосий антимонопол қонунчилик хужжатлари қабул қилинган.

Жамиятнинг қонунчилик муҳитининг тайёргарлик даражаси, бозор муносабатларининг ривожланишига боғлиқ ҳолда иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларини тартибга солувчи махсус қонунлар қабул қилинган. булар жумласига реклама тўғрисида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини келтиришимиз мумкин.

Мамлакатларнинг иқтисодий ҳаёт тарзининг ўзгариб бораётганлиги, жаҳон бозорига чиқишнинг заруратга айланаётганлиги, МДҲ мамлакатларининг миллий даражадаги антимонопол қонунчилик ва рақобатни тартибга солишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг ўзаро уйғунлашувини талаб этади. Ушбу қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда бир қатор қонуности хужжатлари, антимонопол қонунчиликнинг алоҳида ҳолатларда қўлланилишига доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда ва хўжалик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш бўйича тартиб ва йўриқномалар қабул қилинмоқда.

Рақобат сиёсатини олиб боришга қаратилган умумий қоидаларнинг ишлаб чиқилиши МДҲ мамлакатлари ва Иттифоқдош республикалар

ўртасида мавжуд бўлган хўжалик алоқаларининг қайта тикланишига ҳам имкон беради.

МДҲ доирасида рақобат сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган асосий тамойиллар 1993 йил 23 декабрда қабул қилинган "Ҳамкорлик асосида антимонопол сиёсат олиб бориш тўғрисидаги Шартнома"да ўз аксини топган. Шартнома ҳамкорликда антимонопол сиёсат олиб бориш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш, шунингдек монополистик фаолият, ғирром рақобатнинг савдо ва иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этишга қаратилган. Шартноманинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– монополистик фаолият ва ғирром рақобатни чеклаш, бартараф этиш ва монополиятик фаолиятни тартибга солиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

– Шартномада иштирок этаётган мамлакатларнинг миллий аноимонопол қонунчиликларини бир-бирига яқинлаштириш;

– рақобатни ривожлантириш учун қулаймуҳит яратиш, товар бозорлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя тизимининг самарали амал қилишига кўмаклашиш;

– хўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий бошқарув, ҳукумат органларининг монополистик фаолиятини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартибини мувофиқлаштириш, шу асосда ҳамкорлик механизмини яратиш.

Шартнома МДҲ мамлакатларида аксарият қонунчилик хужжатлари таркибига киритилган монополистик фаолиятни чеклаш, монопол деб топиш, субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларга оид қоидалар, асосий тушунча ва атамаларни ўзида акс эттирган.

Рақобатни қўллаб-қувватлаш ва монополияга қарши бошқарув бўйича давлатлараро Кенгаш. 1993 йилда МДҲ доирасида антимонопол сиёсат олиб бориш учун тузилган ушбу шартномага мувофиқ, антимонопол сиёсат бўйича давлатлараро Кенгаш (Антипонопол Кенгаш) ташкил қилинган эди. Ушбу Кенгашнинг асосий вазифаси ўзаро шартнома асосида монополистик фаолиятни баҳолашга оид ягона қоида ва мезонлар тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда кенгаш МДҲ низоми, Ҳамдўстлик доирасида тузилган турли Кенгашлар, шартномалар ва келишувларга таянган ҳолда иш олиб боради.

Низомга мувофиқ Антимонопол Кенгаш қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

– ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудида монополиятик фаолият ва ғирром рақобатни чеклаш, монополистик фаолият тўғрисида огоҳлантириш, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларга қарши тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорликда фаолият

олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

– миллий даражада рақобат қонунчилигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича аъзо давлатлар иштирокини таъминлаш;

– монополистик фаолият ва ғирром рақобатни чеклаш, огоҳлантириш, монопол деб топиш, субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби, рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларга оид қоидаларни ва амалга оширишнинг механизмини ишлаб чиқиш;

– аъзо мамлакатлар ўртасида антимонопол қонунчилик ва рақобат сиёсати соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ва услубий ахборот алмашинувини жорий қилиш;

– шартнома прдмети бўлган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги баҳс-мунозараларни кўриб чиқиш ва уларга рухсат бериш;

- шартнома предмети ҳисобланган мунозарали масалалар юзасидан ҳукумат бошлиқлари кенгашига таклиф ва ўзгартиришлар киритиш бўйича лойиҳалар тайёрлаш;

– шартномани амалга ошириш бўйича хужжат лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш гуруҳини ташкил этиш;

– томонларга бажариш мажбурий ҳисобланган йўл-йўриқ ва фармойишларни етказиш;

– шартнома предмети ҳисобланган баҳс-мунозараларни ҳал этиш учун МДҲ иқтисодий судига илтимоснома ва расмий талаб билан чиқиш.

Антимонопол Кенгаш аъзо мамлакатларнинг ваколатли вакилларидан шакллантирилади ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. кенгаш вакиллари орасидан кенгаш раиси ва унинг иккита ўринбосари икки йиллик муддатга тайинланади. Кенгаш раиси Антимонопол Кенгаш ишларини бошқаради, зарур бўлган ҳолларда МДҲ раҳбарлари, МДҲ ҳукумат раҳбарлари ва бошқа Ҳамдўстлик органлари йиғилишида баёнот беради, учинчи томон сифатида халқаро арбитражларда иштирок этиш; Антимонопол кенгаш йиғилишларини ўтказиш ва унинг номидан хужжатларни имзолайди.

Кенгашнинг ташкилий-техник, жорий ишлари ва кенгаш йиғилишини ташкил этиш унинг Секретариати томонидан амалга оширилади. Антимонопол Кенгаш Секретариати Москва шаҳрида жойлашган. Антимонопол Кенгаш қарорлари аъзоларнинг 2/3 қатнашган ва маъқуллаган тақдирда қабул қилинади. Қабул қилинган қарорлар Кенгаш баённомаси орқали расмийлаштирилади ва аъзо давлатлар даражасида кўриб чиқилиб мувофиқлаштирилади. Барча бошқарув даражалари томонидан маъқулланган хужжатлар аъзо мамлакатлар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланган хужжатга айланади ёки барча аъзо мамлакатларда мавжуд антимонопол органлар фаолиятини тартибга солиш хусусиятига эга бўлади.

А.Азизқулов – SamISI, Ijtimoiy kafedra mudiri

ИМОМ АЛИ СУҒДИЙ ЗИЁРАТГОҲИ

Аннотация: Мазкур мақолада Самарқанд вилоятидаги зиёрат туризм объектлари, хусусан, Имом Али Суғдий зиёратгоҳининг тарбиявий аҳамияти ёритилган. Шунингдек мақолада ўз даврининг буюк имоми деб эътироф этилган Имом Али Суғдий ҳақида ҳам маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: Зиёрат туризми, Самарқанд вилояти, ислом илоҳиёти, уламо, Имом Али Суғдий, маънавий мерос, зиёратгоҳ.

Аннотация: В данной статье описывается воспитательное значение объектов паломнического туризма в Самаркандской области, в частности, усыпальницы Имама Али Согда. В статье также содержится информация об имаме Али Согди, который был признан великим имамом своего времени.

Ключевые слова: паломнический туризм, Самаркандская область, исламское богословие, ученый, имам Али Согди, духовное наследие, святыня.

Abstract: This article describes the educational significance of the objects of pilgrimage tourism in Samarkand region, in particular, the shrine of Imam Ali Sogdi. The article also contains information about Imam Ali Sogdi, who was recognized as the great Imam of his time.

Keywords: Pilgrimage tourism, Samarkand region, Islamic theology, scholar, Imam Ali Sogdi, spiritual heritage, shrine.

Қадимги Рим билан замондош бўлган Самарқанд шаҳри ўзининг моддий ва маънавий мерос объектлари билан ҳамиша чет эл сайёҳларини жалб этиб келган. Самарқанд шаҳрининг ўзида 490дан ортиқ моддий-маданий мерос объектлари бўлиб, шулардан 14таси қадимги археологик манзилгоҳлар, 417таси архитектура иншоотлари, 36таси монументал санъат ёдгорликлари, 23таси эса диққатга сазавор жойлардир. Самарқанд вилояти бўйича бундай объектлар сони 1626тани ташкил этиб, шундан 975 таси археологик, 581 таси архитектура, 36таси монументал санъат ёдгорликлари ва 34таси диққатга сазавор жойлардан иборат[1]. Мазкур объектлар Самарқандда туризм индустриясини ривожлантиришда катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

Самарқанд шаҳри, ўзининг зиёратгоҳлари билан ҳам қадимдан жуда машҳур бўлган. Шаҳарда пайғамбар қабрига нисбат бериладиган – Ҳазрати Дониёр зиёратгоҳи, пайғамбаримизнинг амакиларининг ўғли Абу Жаъфар *Қусам ибн Аббос* ибн Абдулмутталиб ибн Ҳишом ал-Қурайшийнинг мақбараси жойлашган Шоҳи Зинда мажмуаси, Ҳадис илмининг Султони Имом Бухорий мақбараси, Имом Бухорийнинг устози – Имом Доримий, калом илмида алоҳида мактаб яратган Имом Мотуридий, фиқҳ илмининг энг буюк алломаси Имом Бурҳониддин Марғиноний, Имом Абул Қосим ал Ҳаким ас-Самарқандий, Имом Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, Шайх Бурҳониддин Соғаржий, Хожа Аҳрор Вали, Махдуми Аъзам каби бир қанча уламолар ҳамда тасаввуф тариқати пирлари, авлиёлари мақбараларининг, айниқса, кўплаб илоҳиёт олимлари дафн этилган Чокардиза қабристони мавжудлиги Самарқанднинг нафақат Ер

юзининг сайқали, балки ислом оламининг муқаддас шаҳарларидан бири эканлигидан далолат беради. Нажмуддин Умар ан-Насафийнинг «Қандия» китобида биргина Чокардиза қабристонининг нуфузи хусусида шундай дейилади: “Нақл қилибдурларким, Мадинаи мунаввардаги Боқия қабристонидан ва Маккаи мукаррамадаги Муалло қабристонидан бошқа, Самарқанддаги Чокардиза қабристонидан бузургроқ қабристон йўқдир...” [2.114].. Ислом оламидаги энг кўп буюк олимлар дафн этилган Чокардиза қабристонида кўпгина мужтаҳид уламолар, муҳаддислар ва соҳибкаромат авлиёларнинг қабрлари жойлашган бўлиб, Абу Тоҳирхожа бу хусусида “Самария” асарида шундай дейди: “Подшолар ул замин тупроғини кўзларига сурма каби суртар эдилар” [3.57].

Самарқанддаги муқаддас қадамжолардан яна бири Оқдарё тумани Кумушкент қишлоғидаги Имом Али Суғдий зиёратгоҳи ҳисобланади. Имом Али Суғдий зиёратгоҳига муносабат мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин ўзгарди. Мазкур қадамжо тарихи хусусида Самарқанднинг жонкуяр олими К.Каттаев тадқиқот олиб бормоқда. Мазкур олимнинг тадқиқотлари Имом Али Суғдий зиёратгоҳи ва ундаги мўътабар шахс ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритди.

Имом Али Суғдий ҳақида маълумот берувчи манбаларда ҳам кўплаб ноаниқликлар мавжуд бўлган, хусусан, Абу Тоҳирхожанинг “Самария”, Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг ”Китобул–ансоб” асари шулар жумласидандир. Бундан ташқари С.Мустафоев, М.Аблаевларнинг “Туронзамин азиз-авлиёлари ва уламолари тазкираси”да ҳам Имом Али Суғдий тўғрисидаги келтирилган маълумотларда ноаниқликлар мавжуд. Улар: “Имом Али Суғдий улуғ мураббийлик мартабаси билан ҳам машҳур. Имоми ал-Марғиноний ҳазратлари шогирдларидан ҳисобланади” [4.525], - деган фикрларини баён этар эканлар, аллома хусусида Абу Тоҳирхожанинг мулоҳазаларини такрорлайдилар. Имом Али Суғдий ҳақидаги аниқ илмий маълумотлар К.Каттаев тадқиқотларида баён этилади.

Кумушкент қишлоғидаги қадимий қабристонда Имом Али Суғдий мозори-суфаси бўлиб, унда имомдан ташқари тасаввуфнинг яссавия тариқатининг пирлари Шайх Яминбобо, Шайх Алишайх ва Шайх Мавдудларнинг қабрлари мавжудлиги кўп манбаларда, хусусан, Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида ҳам келтирилган.

Алломанинг ислом илоҳиётидаги тутган ўрнини К.Каттаев қуйидагича баён этади: “Мавлоно Бурҳониддин Марғиноний ҳазрати Нажмиддин Умар ан Насафийнинг шогирдидур; ул киши эса Фахрул-ислом Али Паздавийнинг шогирди; ул киши эса Шамсул аимма Ҳалвоий-нинг шогирди; ул киши эса Имом Али Суғдийнинг шогирдидир” [5.62]. Фиқҳ илмининг бу буюк алломалари асосан XI- XII асрларда яшаб ўтиш-ганлар. Демак, Имом Али Суғдий мана шундай буюк фақиҳларнинг устози бўлган.

Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг ”Китобул –ансоб” асарида Имом Али Суғдий тўғрисида: ”Бу зот – Имом, олим, илмда тенги йўқ эди. 461(1069) йилда вафот этдилар” деган маълумот келтирилади[5.61].

Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида ёзилишича, Имом Али Суғдий Ҳасан бин Шайх Муҳаммад Суғдийнинг ўғли бўлган. Унинг замонасида Кумушкент қишлоғи Суғди Хурд деб аталган. Шунинг учун ҳам Суғдий нисбаси берилган. Бағдодда илм олганлиги таъкидланади. Устозлари кўп бўлиб, одатда иккитаси Имом ал-Кархий ва Имом Халил ал-Бухорийлар кўпроқ эътироф этилади. Унинг “Шарҳи Сияри Кабир” ва “Фавоид” каби асарлар фиқҳшунос олимлар орасида машҳур бўлган.

Мазкур зиёратгоҳнинг ўрта асрларда жуда мўътабар саналганлигини К.Каттаев қуйидагича баён этади: “Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома“ асарида келтирилишича, Мовароуннаҳр ҳукмдорларидан бўлган Чингизий Амир Ҳусайн томонидан юборилган ўн минг аскар ва элчилар соҳибқирон Амир Темур билан сулҳ тузиш мақсадида Кумушкент мавзеидаги Ҳазрати Али отанинг муборак мозорлари ёнига келиб қўнишади, дейилган. Ушбу воқеа Амир Темур ҳақидаги бошқа манба, Низомиддин Шомийнинг асарида айнан, юқоридаги манбада келтирилган тарзда ёзилган. Демак, Амир Темур тарихи ҳақидаги ушбу икки ишончли манбаларнинг эътироф этилишига қараганда, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдорлари сулҳ тузишдек улуғ бир ишни Али ота каби бузургвор мозори олдига келиб амалга оширишга тараддуд этишлари, бу мозорнинг нақадар бузург мавқега эга эканлигини кўрсатиб турибди” [5.58].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало, Самарқанд шаҳри ва вилояти бой тарихий, маданий ҳамда маънавий объектларига эга бўлиб, бу имконият мамлакатимизда туризмни кенг ривожлантиришга етарли замин бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан Самарқанд ўзининг кўплаб зиёрат объектлари билан ички туризмнинг ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Учинчидан, ислом оламида буюк имом деб эътироф этилган Имом Али Суғдийнинг илмий меросини ўрганишга оид фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш лозим. Тўртинчидан, Имом Али Суғдий зиёратгоҳи ҳам вилоятдаги муҳим туристик зиёрат объектлардан ҳисобланиб, уни таъмирлаш ва у ерда дафн этилган буюк шахсларни илмий меросини тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратиш лозим. Ички зиёрат туризм иқтисодий даромаддан ташқари фуқароларимизда, айниқса ёшларимиз тафаккурида миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини оширишга, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шаклланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ПЗ-20170929749 “Стратегия создания туристкой свободной экономической зоны в Самаркандской области”.
2. Комилхон Каттаев. Калом илми ва Мотуридия равияси буюк алломалари.-Тошкент: “QAQNUS MEDIA” нашриёти 2018й.-114 бет
3. Абу Тоҳирхожа Самария. Т.:”Камалак”, 1991й.7-81 бетлар
4. С.Мустафоев, М.Аблаев. Туронзамин азиз-авлиёлари ва уламолари тазкираси Т.-“Sano-standart”, 2015 й. -525 бет.
5. Комилхон Каттаев. Юртимизнинг ўта буюк алломалари, Имом Али Суғдий ва Кумушкент тарихи. Т.”НАВРЎЗ” -62 бет

B.M.Abdumannonov – Kadastr agentligining Davlat kadastrlari palatasi Samarqand viloyat boshqarmasi “Inson resurslarini boshqarish bo‘limi” boshlig‘i.

YER MUNOSABATLARI SOHASIDA XODIMLAR MEHNATI SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada mustaqillik yillarida respublikamizda yerga bo‘lgan munosabat va yerdan foydalanish borasida amalga oshirilgan ishlar bilan bir qatorda, o‘z yechimini kutayotgan dolzarb muammolar tahlil qilingan hamda ushbu muammolar yechimi sifatida takliflar o‘z aksini topgan.

Kalit so‘zlar: yer va yerdan foydalanish, yerlarni muhofaza qilish, xududiy inspektor, yer monitoringi, reyting baholash tizimi, yer ijarachisi, fermer xo‘jaligi, onlayn axborot almashinuv dasturiy ta’minoti, planshet, mukofotlash.

Аннотация: В данной статье анализируется отношение к земле и землепользованию в стране за годы независимости, а также актуальные вопросы, требующие решения, и предлагаются предложения по решению этих проблем.

Ключевые слова: земля и землепользование, охрана земель, территориальный инспектор, мониторинг земель, рейтинговая система, землевладелец, фермерское хозяйство, программное обеспечение для онлайн-обмена информацией, планшет, награда.

Abstract: In this article, in addition to the attitude to the Earth in our republic during the years of independence and the work carried out on the use of the Earth, the actual problems waiting for their solution were analyzed and proposals as a solution to these problems were reflected.

Keywords: land and land use, land protection, territory management, land monitoring, rating evaluation system, land tenant, farming, online information exchange software, tablet, reward.

Kirish. Yer umummilliy boyligimiz, xalqimizning hayoti, faoliyati va farovonligi asosi, eng muhim tabiiy resurs hisoblanadi. Shu sababli, yerlardan oqilona, samarali va belgilangan maqsadda foydalanishni ta’minlash, yerlarni muhofaza qilish, yer bilan uzviy bog‘langan Davlat kadastrlari yagona tizimini to‘laqonli yuritish davlatning eng muhim vazifalaridandir.

Respublikamiz hayotining barcha jabhalarida, xususan qishloq xo‘jaligi va iqtisodiy sohadagi keng ko‘lamli o‘zgarishlar yer va unga bog‘liq resurslarning aniq hisobini yuritish, ulardan oqilona foydalanish tizimini yanada takomillashtirish, shuningdek, yer va bino-inshootlar sohasida faoliyat yuritib kelayotgan mas’ullar tomonidan korrupsion holatlarning sodir etib kelinayotganligi bu borada keskin chora-tadbirlar belgilashni taqozo etmoqda.

Mustaqillik yillarida respublikamizda yerlarni ajratish, ularning hisobini yuritish, qishloq xo‘jaligi ekinlarini joylashtirish, yer nazoratini amalga oshirish, yer munosabatlari sohasini tartibga solish, shuningdek, mazkur sohaga respublikamizdagi oliy va o‘rta maxsus bilim yurtlarini tamomlagan yetuk mutaxassis kadrlarni yetishtirish va yo‘naltirish borasida Hukumat tomonidan ko‘plab qaror, farmoyish va normativ xuquqiy xujjatlar ishlab chiqilib, hayotga tadbiq etildi.

Qayd etish lozimki, o‘tgan yillarda yer munosabatlari sohasida erishilgan yutuqlar bilan bir qatorda, ko‘plab kamchiliklar, muammolar yuzaga keldi. Yer va bino-inshootlar bilan bog‘liq munosabatlarni tartibga solish tizimi yagona organda to‘planganligi, yer uchastkalari, bino va inshootlarga kadastr yig‘majildi ro‘yxatdan o‘tkazish borasida manfaatlar to‘qnashuvini yuzaga keltirdi. Bu esa, Prezidentimiz va Hukumat tomonidan belgilab berilgan kechiktirib bo‘maydigan dolzarb vazifalarning ijrosini ta’minlashda to‘sqinliklarni yuzaga keltirdi. Bir soha vakillari o‘rtasida o‘zaro til biriktirish, yerqonunbuzilish holatlarini sun’iy yuzaga keltirish va oqibatda korrupsion holatlarning vujudga kelishiga zamin yaratdi.

Ayniqsa, mustaqillikning keyingi yillarida respublikamiz aholisi sonining keskin oshishi yerga bo‘lgan extiyojning ortib borishi sabab bo‘ldi. Dunyo hamjamiyatidagi rivojlangan va rivojlanib kelayotgan davlatlar tajribasidan ma’lumki, aholi sonining oshishi yerga bo‘lgan extiyojning tabiiy ravishda ortishiga olib keladi. Globalizatsiya jarayonida qishloq xo‘jaligi yerlarining har bir qarichidan unumli foydalanish, ko‘z qorachig‘idek asrab-avaylash, oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash va kelajak avlodga bus-butun holda qoldirish bugungi kunning eng dolzarb va muhim vazifalaridan hisoblanadi.

Tahlil va natijalar. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 31-maydagi PF-5065-sonli “Yerlarni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanish borasida nazoratni kuchaytirish, geodeziya, kartografiya faoliyatini takomillashtirish, davlat kadastrlari yuritishni tartibga solish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni qabul qilinib, “Davyergeodezkadastr” qo‘mitasi tizimida faoliyat yuritib kelayotgan mas’ullar boshqa mutasaddilar zimmasiga yerlardan oqilona va samarali foydalanishni tashkil etish, ta’sirchan nazoratni ta’minlash va yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri sohasida munosabatlarni kompleks tartibga solish belgilangan edi. Biroq, joylarda yerdan nooqilona foydalanishning o‘z vaqtida oldini olish bo‘yicha o‘zini o‘zi boshqarish organlari va boshqa tashkilotlar bilan birgalikda yetarli darajada tizimli ishlarni amalga oshirish, qishloq aholi punktlarida va mahallalarda, ayniqsa, olis hududlarda yerlardan foydalanish holatini muntazam monitoring qilish ishlarini yetarli darajada olib borish, mavjud xodimlar sonidan kelib chiqib yer resurslaridan foydalanishni nazorat qilish va ularning hisobini yuritishni to‘liq amalga oshirish imkonini bermayotgan edi. Mazkur farmonga muvofiq yer munosabatlarini tartibga solish borasida “Davyergeodezkadastr” qo‘mitasi tasarrufida Yer munosabatlari va davlat kadastrlarini rivojlantirish jamg‘armasi tashkil etilib, mavjud shtatlarga qo‘shimcha ravishda *937 ta* muhandis - yer tuzuvchilar shtat birligi berildi. Mazkur shtat birligining *92 foizi* xududiy yer resurslari va davlat kadastri boshqarmalariga taqsimlanib, ularning funksional vazifalari, xuquq va majburiyatlari belgilab berildi. Biroq, mazkur yo‘nalishda faoliyat yuritib kelayotgan muhandis - yer tuzuvchi mas’ullarning ish faoliyatini doimiy monitoring qilish, olib borayotgan mehnat faoliyati unumdorligini reyting usulida baholash tizimi yo‘lga qo‘yilmaganligi natijasida, hali-hanuz davom etib kelayotgan yer qonunbuzilish va korrupsion holatlarining

mavjudligi yangi tashkil etilgan shtatlarga ishga qabul qilingan xodimlarning o‘z ishini to‘laqonli, sifatli va vijdonan bajarmayotligini ko‘rsatdi.

Qo‘mitaning Yer munosabatlari va davlat kadastrlarini rivojlantirish jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan mazkur xodimlarning oylik ish xaqi va mukofot pullarini moliyalashtirish va ushbu to‘lovlarni o‘z muddatidan kechiktirmasdan to‘lanishi xodimlar o‘rtasida boqimandachilik kayfiyatini yuzaga keltirdi. Bu holat esa sohada muhandis - yer tuzuvchi mas’ul xodimlarning o‘z xizmat vazifasiga nisbatan sidiqidildan, vijdonan yondoshmasligi, zimmasidagi vazifalarini to‘liq va sifatli bajarmasligiga olib keldi. Natijada, mas’ul xodimlar tomonidan o‘z xizmat vazifasini yetarli darajada bajarmasligi oqibatida respublikamizning barcha xududlarida yerlarning talon-taroj bo‘layotganligi, ko‘plab yer qonunbuzilish holatlarining sodir etilayotganligi Hukumat tomonidan yerlarni muhofaza qilish borasida qo‘yilayotgan ulkan va kechiktirib bo‘lmaydigan dolzarb vazifalarning to‘la-to‘kis bajarilmayotganligidan dalolat bermoqda.

So‘nggi yillarda Prezidentimiz rahnamoligida respublikamizda yerga bo‘lgan munosabat va bino-inshootlar sohasini tartibga solish borasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-sentabrdagi “Yer hisobi va davlat kadastrlari yuritish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6061-son Farmoni qabul qilindi. Mazkur farmonda O‘zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastri davlat qo‘mitasi negizida O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi huzuridagi Kadastr agentligi tashkil etilib, uning kelgusidagi maqsad va vazifalari, faoliyat yo‘nalishi, xuquq va majburiyatlari belgilandi.

Biroq, sohada faoliyat yuritib kelayotgan xududiy inspektorlarning kunlik ish faoliyati natijadorligini nazorat qilishga yetarlicha ahamiyat qaratilmaganligi kelgusida bundan oldin yo‘l qo‘yilgan xato-kamchilik va qonunbuzilish holatlarini bartaraf etishning imkonini bermaydi. Shu tufayli, mazkur xujjatga qo‘shimcha ravishda sohada faoliyat yuritib kelayotgan xodimlarning ish faoliyati samaradorligini oshirish uchun xududiy inspektorlar tomonidan respublikamizning barcha xududlarida aniqlangan har qanday yer qonunbuzilish holatlari to‘g‘risida ma’lumotlarni **planshet**dan foydalangan holda onlayn kiritib borish imkonini beradigan Kadastr agentligi va Bosh prokuratura o‘rtasida integratsiyalashgan ***“onlayn axborot almashinuv dasturiy ta’minoti”*** va xodimlar ish faoliyati samaradorligini aniqlash va egallab turgan lavozimiga loyiqligini baholash “***reyting baholash tizimi”*** ni yo‘lga qo‘yish bo‘yicha qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish zarur bo‘ladi. ***Mazkur tizimning ishlash prinsipi quyidagicha:***

- Kadastr agentligi hamda Bosh prokuratura o‘rtasida integratsiyalashgan axborot almashinuv dasturi ya’ni, xududiy inpektorlar tomonidan aniqlangan har qanday yer qonunbuzilish holati to‘g‘risida ma’lumotlar kiritilib boriladigan onlayn axborot dasturiy ta’minotini yo‘lga qo‘yish lozim;
- respublikamizning barcha xududlarida ko‘plab yer qonunbuzilish holatlari mavjud bo‘lib, yerni ijaraga olgan yuridik shaxslar, fermer xo‘jaligi

rahbarlari, yerdan foydalanuvchilar o‘rtasida qishloq xo‘jaligi ekinlari ekish uchun mo‘ljallangan yerlarni o‘zaro til biriktirish orqali talon-taroj qilish bilan bog‘liq korrupsion holatlar sodir etilmoqda. Ushbu onlayn axborot dasturiy ta’minotining afzalligi shundaki, xududiy inspektorlar tomonidan o‘ziga biriktirilgan xududda yer qonunbuzilish holatlarini vaqtida aniqlash va uni bartaraf etish yuzasidan integratsiyalashgan axborot tizimiga tegishli ma’lumotlarni joylashtirish orqali xodimning o‘z xizmat vazifasini qay darajada bajarayotganligini baholash imkonini tug‘diradi.

- hozirgi kunda Kadastr agentligining xududiy boshqarmalari va tuman bo‘limlari inspektorlari tomonidan yer qonunbuzilish holatlari sodir etilganligi to‘g‘risida mahalliy hokimiyat va prokuratura organlariga qog‘oz shaklida taqdimnomalar kiritib kelinmoqda. Natijada, kiritilgan taqdimnomalarni ko‘rib chiqish va javobgarlarga nisbatan qonunda belgilangan tartibda ta’sir choralari qo‘llash muddati anchaga cho‘zilib ketmoqda. Bundan tashqari, bu borada inson omilining ishtirok etishi yo‘l qo‘yilgan qonunbuzilish holatlarini boshqa yo‘llar bilan yakunlash, korrupsion holatni yuzaga keltirish va talon-taroj qilingan yerlarni asl holatiga qaytmasdan qolishiga olib kelmoqda.
- integratsiyalashgan onlayn axborot almashinuv tizimining yo‘lga qo‘yilishi sodir etilgan yer qonunbuzilishi holatini yashirishning imkoni bermaydi, belgilangan tartibda va muddatda ko‘rib chiqiladi. Bundan tashqari sodir etilgan yer qonunbuzilish holati uchun javobgar shaxsga nisbatan jarima qo‘llash yoki qonunda belgilangan tartibda ta’sir chorasi qo‘llash imkoni vujudga keladi.
- Kadastr agentligi tasarrufida maxsus hisob raqami ochilib, xududiy inspektorlar tomonidan aniqlangan va onlayn axborot tizimiga joylashtirilgan hamda yer qonunbuzilish holatini sodir etgan shaxslarga nisbatan qo‘llanilgan jarimalar yuzasidan tegishli to‘lovlarni kuzatib borish mumkin bo‘ladi.
- integratsiyalashgan onlayn aborot almashinuv tizimiga xududiy inspektor tomonidan joylashtirilgan yer qonunbuzilish holatlari miqdoridan kelib chiqib, xodim tomonidan o‘z xizmat vazifasini nechog‘li vijdonan, sidqidildan va lozim darajada bajarayotganligi yoki uning aksini ko‘rish va baholash imkoni tug‘iladi.
- xududiy inspektorlarning oylik ish xaqiga qo‘shimcha ravishda undirilgan jarimalar hisobidan ma’lum bir qismini mukofot puli sifatida oyma-oy qo‘shib to‘lash lozim bo‘ladi. Bu esa, xodimning o‘z xizmat vazifasiga nisbatan vijdonan, sidqidildan yondoshishiga va ishga bo‘lgan ishtiyoqini yanada oshishiga, moddiy manfaatdor bo‘lishiga, natijada sohada bugungi kunda mavjud bo‘lib turgan korrupsion illatning butkul barham topishiga olib keladi.
- ommaviy axborot vositalari orqali doimiy ravishda aholi o‘rtasida ushbu onlayn axborot tizimining yo‘lga qo‘yilishi borasida xuquqiy targ‘ibot va tushuntirish ishlarining olib borilishi yerdan foydalanuvchilar o‘rtasida yerga bo‘lgan munosabatning keskin ijobiy tomonga o‘zgarishiga olib keladi.

Xulosa qilib aytganda, respublikamizda Kadastr agentligi sohasida yer va

bino-inshootlar sohasida munosabatlarni tartibga solish, faoliyat yuritib kelayotgan xodimlar mehnati samaradorligini oshirish va baholab borish, ish unumdorligini oshirish, korrupsion holatlarni batamom barataraf etish yo‘llari o‘z yechimini topishi muqarrardir.

Fydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Yer kodeksi”, 30.04.1998 yil, 598-I-sonli Qonun.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 31-maydagi PF-5065-sonli “Yerlarni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanish borasida nazoratni kuchaytirish, geodeziya, kartografiya faoliyatini takomillashtirish, davlat kadastrlari yuritishni tartibga solish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 7-sentabrdagi “Yer hisobi va davlat kadastrlari yuritish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6061-son Farmoni.

Р.Каримжанова – НамМТИ, “ Маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси
Ж.Ш. Шамсиддинов– НамМТИ, “Маркетинг” мутахассислиги 2-курс магистранти

РОССИЯ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИМПОРТИНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИДАГИ ЎРНИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан қандолат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни қондиришда импортнинг зарурияти ёритиб ўтилган. Шунингдек, Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси кўрсаткичлари, Россия давлатидан импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, унинг таркибидаги қандолат маҳсулотлари ҳажми кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этиб ўтилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, озиқ-овқат маҳсулотлари ташқи савдоси, Россиядан озиқ-овқат маҳсулотлари импорти, қандолат маҳсулотлари савдосида ривожланиш истиқболи

Аннотация: В статье подчеркивается необходимость импорта для удовлетворения внутренней потребности в продуктах питания, в том числе кондитерских изделий. Также с использованием показателей анализируются показатели продаж продовольственных товаров в Наманганской области, объем продовольственных товаров, импортируемых из российского государства, содержащихся в них кондитерских изделий.

Ключевые слова: рынок продовольственных товаров, внешняя торговля продовольственными товарами, импорт продовольственных товаров из России, перспективы развития торговли кондитерских изделий

Abstract: The article emphasizes the need for imports to meet the domestic demand for food, including confectionery products. Also, using indicators, the indicators of sales of food products in the Namangan region, the volume of food products imported from the Russian state, and confectionery products contained in them are analyzed.

Keywords: food products market, foreign trade in food products, import of food products from Russia, prospects for the development of confectionery trade

Кириш. Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим вазифаларидан бири озиқ-овқат мустақиллиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир, бу пандемия шароити билан биргаликда озиқ-овқат билан тўлиқ таъминлаш масалалари нуқтаи назаридан айниқса долзарб ҳисобланади.

Глобал миқёсдаги пандемия оқибатлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлаганлигини, шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик, халқимиз учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада кафолатланган заҳирани яратиш ва уларни бозорга узлуксиз етказиб бериш ҳамда, нархнаво барқарорлигини таъминлаш ишларига устувор даражада эътибор қаратилишига юртбошимиз ўз маърузаларида тўхталиб ўтганлар [1].

Лекин мамлакатимизда, қолаверса вилоятимиз озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида, шунингдек қандолат маҳсулотлари бозорида ички эҳтиёжни қондириш учун ҳудудимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари етарли даражада эмас. Ички эҳтиёжни қондиришда импорт маҳсулотларига талаб мавжуддир. Озиқ-овқат, шу жумладан қандолат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда яқин ҳамкор давлатлардан бири бу Россия давлатидир. Россия энг катта қандолат маҳсулот бозорига эга мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда 5000 дан ортиқ номдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Россия Ўзбекистонга йилдан-йилга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириб бориб, бу кўрсаткич 2015-2020 йиллар даврида 2,5 баробарга ошди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари бўйича эса Россия катта улушни ташкил этади. Демак, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек қандолат маҳсулотларига бўлган ички талабни қондиришда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Вилоятда савдо жараёнларида озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси тегишли улушларга эга. Бу кўрсаткичларни қуйидаги жадвал ёрдамида ёритиб ўтамиз.

1-жадвал

Наманган вилоятининг ташқи савдо айланмасида озиқ-овқат маҳсулоти кўрсаткичлари ва улуши

Кўрсаткичлар	**2018 йил**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2020 йилни 2018 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда**
Ташқи савдо, млн долл	**1202,6**	**986,5**	**873,8**	**72,7**
Товарлар экспорти, млн долл	**247,4**	**356,0**	**380,5**	**153,8**
шундан, Озиқ-овқат маҳсулотлари, **млн долл**	86,8	125,7	104,8	120,7
Товарлар экспортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши, %	35,1	35,3	27,5	
Товарлар импорти, млн долл	**955,1**	**630,5**	**493,4**	**51,7**
Озиқ-овқат маҳсулотлари, **млн долл**	65,8	57,5	72,8	110,6
Товарлар импортида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши, %	6,9	9,1	14,8	

Жадвал маълумотларига кўра, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 2020 йилда 2018 йилга нисбатан улушни 7,6 фоизга камайган, импорт товарлар таркибида эса 7,9 фоизга ортган. Демак, ички эҳтиёжни қондирииш учун озиқ-овқат маҳсулотлари импортига талаб ошган. Вилоятимизга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда Россия Федерацияси алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда ҳам анъанавий ҳолда, Россия Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларидан бири бўлиб қолмоқда. 2020 йилда Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида (14,8%) иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон 2020 йилда Россиянинг МДҲ мамлакатлари билан савдо айланмасида 5,641 млрд АҚШ доллари ҳажмида тўртинчи ўринни эгаллади[2].

Россиядан Наманган вилояти озиқ-овқат бозорига кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвал ёрдамида ёритиб, таҳлил этиб ўтамиз.

2 -жадвал

Наманган вилоятига Россия Федерациясидан экспорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг натура кўрсаткичлари

(*тонна*)

Маҳсулот номи	**2018 Йил**	**2019 йил**	**2020 йил**	**2020 йилни 2018 йилга кўра мутлоқ ўзгариши (тн)**
Майдаланган ёки бутун кунгабоқар дони	560,1	80,0	-	-560,1
Шакар ёки бошқа ширинликлар қўшилмаган какао кукуни	21,6	36,0	43,2	+21,6
Оширгичлар, тайёр новвойчили кукунлари (порошок)	61,8	-	585,1	+523,3
Ёғ экстрациясидан олинган қаттиқ ва бошқа маҳсулотлар	3181,7	-	2926,9	-254,8
Ҳайвон ёки ўсимлик ёғлари ва мойлари	455,0	572,4	3477,8	
Янги картошка	3062,0	2,0	-	-3062,0
Крахмал, инулин	129,0	-	230,0	+101,0
Крупа ва дон гранулалари	67,5	337,5	135,0	+67,5
Маргарин	375,2	139,3	769,5	+394,3
Кунгабоқар мойи, пахта мойи ва унинг фракциясидан олинган маҳсулотлар	4715,9	1255,1	4576,4	-139,5
Қуритилган, тозаланган дуккакли сабзавотлар	918,0	493,5	270,0	-648,0
Музлатилмаган, сирка қўшмай тайёрланган ёки консерваланган бошқа сабзавотлар	404,0	-	2010,2	+1606,2
Буғдой	300,0	-	180,0	-120,0
Музлатилган балиқ (филедан бошқа)	43,6	-	-	-43,6
Қамиш ёки лавлаги шакар, қаттиқ ҳолдаги сахароза	2638,7	-	10668,1	+8029,4
Солод экстракти; ун, ёрма, крахмалдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари	140,8	-	2242,3	+2101,5
Қалампир	-	142,8	0,6	+0,6
Мураббо, мармеладлар, жем, мевали ёки ёнғоқли пюре ёки пасталари	-	736,0	-	-

Таркибида какао сақламаган шакарли қандолат маҳсулотлари	-	238,3	-	-
Таркибида какао сақлаган шоколад ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари	-	-	10,9	+10,9
Пишлоқ ва твороглар	-	-	104,5	+104,5

2020 йилда вилоятга кириб келган озиқ-овқат маҳсулотларидан — оширгичлар-тайёр новвойчили кукунлари (порошок), крахмал, инулин, дон гранулалари, маргарин, музлатилмаган, сирка қўшмай тайёрланган ёки консерваланган сабзавотлар, қамиш ёки лавлаги шакар, қаттиқ ҳолдаги сахароза, ун, ёрма, крахмалдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, таркибида какао сақлаган шоколад, пишлоқ ва творог маҳсулотларининг ҳажми 2018 йилга нисбатан кўпайган. Бу ушбу маҳсулотларга талабнинг ошганлигини кўрсатади[4].

Ўзбекистон Россия шакарини асосий импорт қилувчилар қаторига киради. Маълумотларга кўра, 2019 йили унинг жўнатмалари 2,4 мартага ошиб, 315 минг тоннага етди ва 130 млн долларни ташкил этди. Шоколадли қандолат маҳсулотлари физик ҳажмда 81 %га ошиб, 27 минг тоннага етди, қиймат кўринишида эса 56 %га кўпайиб 59 млн долларга тенг бўлди[4]. Қандолат маҳсулотлари вилоятимиз бозорида ҳам муҳим рол ўйнайди ва аҳолининг деярли барча ёш гуруҳлари, шу жумладан болалар ва қарияларнинг кундалик рационининг ажралмас қисмидир. Шуниси диққатга сазоворки, мамлакатимизда шакар ва ундан тайёрланган маҳсулотлар зарарли маҳсулотлар ҳисобланмайди, истеъмол қилишни чеклаш зарур ҳисобланмайди.

Россиянинг экспортни ривожлантириш истиқболида:

- мамлакатимизга шакарли қандолат маҳсулотлари, маргарин ва болалар озиқ-овқатини етказиб бериш кўрсаткичини 2024 йилгача 30 миллион долларга етказишни назарда тутади; ун, минерал ва газли сувлар, кунгабоқар ва соя мойлари, макарон, буғдой, пишлоқ, консервалар, шакар экспортини ошириш имконига эга; Совет давридан буён анъанавий равишда юқори сифатли шоколад ишлаб чиқариш билан машҳур бўлган Россия учун бу ижобий ҳолат ҳисобланиб: бунда тажриба, жаҳонга машҳур брендлар мавжуд бўлиб, экспорт имкониятларини кенгайтириш истиқболига ижобий таъсир этишини кўриш мумкин.

2020 йилга келиб Россия қандолат маҳсулотларини 74 мамлакатга экспорт қилган бўлса, энди бу рўйхат 91тага кенгайди. Болалар учун озиқ-овқат маҳсулотларини, айниқса қуруқ сут аралашмаларини экспорт қилишнинг ошириш имконияти мавжуд. Кейинги йилларда Ўзбекистонда туғилиш даражасининг юқорилиги туфайли уч ёшгача бўлган болалар сонининг кўпайиши, урбанизациянинг давом этиши ва ёш оналарнинг она сути ўрнини босувчи моддалар мавжудлиги, ушбу маҳсулотга нисбатан талабни ошиши кутилмоқда. Россиянинг болалар озиқ-овқат маҳсулотлари

жаҳон брендлари маҳсулотларига нисбатан юқори сифати ва нархи пастлиги билан ажралиб туради.

Тадқиқотларни кўрсатишича, ҳозирда Россия давлати қандолат маҳсулотларини экспорт қилишда айрим муаммолар мавжуд[3]: хомашёлар импортига боғлиқлик ва жаҳон бозоридаги баҳоларни тебраниб туриши; асосий фондларнинг кўпроқ фаол қисмини маънавий ва жисмоний эскирганлиги; ассортимент сиёсатининг бозорга тезда мослашувчан эмаслиги ва тўлақонли маркетинг тадқиқотларини олиб боришдаги сусткашлик; қадоқлашнинг замонавий талаб даражасида такомиллаштиришга талабнинг юқорилиги; рекламанинг янги турларидан фойдаланишга талабни мавжудлиги; юқори рақобатни мавжудлиги ва шу кабилар.

Хулоса. Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, қандолат маҳсулотлари бозорида ҳам ички ва ташқи рақобатчилар мавжуд бўлиб, бу қандолат маҳсулотларининг юқори сифатли ва арзон бўлишини талаб қилади. Шунингдек, мамлакатимизга, қолаверса вилоятимиз озиқ-овқат бозорига кириб келаётган маҳсулотлар ички талабнинг қайси маҳсулотга нисбатан сезиларлилигини тадқиқ қилган ҳолда олиб кирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бозорга хос бўлган муаммолар борки, ишлаб чиқариш хом ашёлари таъминоти ва тайёр маҳсулотларни тақсимлаш билан боғлиқ логистик муаммолардир. Яна бир муаммо ҳудудимизда қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришда қўшимча соҳа маҳсулотларига эҳтиёжни мавжудлиги ва унинг ошиб боришидир. Бу эса қандолат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни қондиришда соҳада ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, унда янги имконият ва йўлларини топишга ҳаракат қилишни тақазо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. https://president.uz/uz/lists/view/4057

2. Абидхаджаев У.К. Новые возможности развития торгово-экономических отношений между Узбекистаном и Россией. 16 сентября 2021. https://yuz.uz/ru/news/

3. Вершина, В.Д. Проблемы функционирования и развития кондитерского рынка / В.Д. Вершина.- Молодой учёный.- 2017. -№16 (150). –с.251-253. - URL: https://moluch.ru/archive/150/42628/

4. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. 2019-2021 йй. https://www.namstat.uz/uz/

И.Саламов – Самарқанд Ветеринария Медицинаси институти доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент,
З.С.Казакова – Самарқанд Ветеринария Медицинаси институти катта ўқитувчиси, мутақил изланувчи
Ф. Б.Жонибеков – Самарқанд Ветеринария Медицинаси институти катта ўқитувчиси, мутақил изланувчи,
М.Ш.Назарова – Самарқанд Ветеринария Медицинаси институти катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

ЧОРВАЧИЛИК ВА ЎСИМЛИКЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИДА “БУЮРТМА СТОЛИ” ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу илмий мақолада, чорвачилик ва ўсимликчилик тармоқларида “буюртма столи” инфратузилмасини жорий этишнинг иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари, мева-сабзавотчик тармоғи ўртасидаги муносабатлар, деҳқончиликнинг сабзавотчилик (жумладан бодиринг уруғчилигидаги янги илмий-амалий тавсиялар), мевачилик, узумчилик, чорвачиликнинг қорамолчилик, асаларичилик ва балиқчилик йўналиши бўйича 2019-2020 йилларнинг илмий-амалий иқтисодий таҳлил натижаларини таққослаш якунлари келтирилган. Фермер хўжаликлари, жумладан кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятидаги **“Дала-истеъмолчи”, “Ветдорихона-чорвачилик мажмуаси”, “Дала-магазин-чорвачилик мажмуаси” “Дала-чорвачилик мажмуаси”** каби хизмат турларининг ташкил этилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида илмий-амалий тавсия ҳамда таклифлар берилган. Инновацион техника ва технологияларни қўллашнинг афзалликлари, маҳсулот-товарларни сотиш эвазига олинган фойда, йўналишларнинг рентабеллик (фойдалилик) даражаси вилоятда ва айрим туманлар кесимида миқдор, сифат, ялпи пул тушуми, маҳсулотлар таннархи, истиқболда ўсимликшунослик ва чорвачилик тармоқларида амалга оширилиши керак бўладиган таклифлар ҳамда фойдаланилган манбалар рўйхати берилган.

Калит сўзлар: хизмат турлари, инфратузилма, чорвачилик, деҳқончилик, бодиринг,сабзи,тармоқ, инновация, технология, сублимация, таннарх, баҳо, рентабеллик даражаси ва ҳ.о.

Аннотация: В данной научной статье рассмотрены возможности повышения экономической эффективности внедрения инфраструктуры «стола заказов» в животноводстве и растениеводстве, взаимосвязь плодоовощной отрасли, садоводства (включая новые научно-практические рекомендации по огуречной семеноводство), садоводство, виноградарство, животноводство, пчеловодство и результаты сопоставления результатов научно-практического экономического анализа за 2019-2020 годы в области рыбного хозяйства. Научно-практические консультации по проблемам и пути их решения при организации услуг в деятельности фермерских хозяйств, в том числе многопрофильных, таких как «Поле-потребитель», «Ветаптека-животноводческий комплекс», «Поле-магазин-животноводческий комплекс»,

«Поле-животноводческий комплекс» Преимущества использования инновационной техники и технологий, прибыль от реализации продукции, уровень рентабельности маршрутов в области и в отдельных районах, количество, качество, валовой доход, себестоимость продукции, предложения и перечень используемых источников.

Ключевые слова: виды услуг, инфраструктура, животноводство, сельское хозяйство, огурцы, морковь, промышленность, инновации, технологии, сублимация, стоимость, цена, уровень рентабельности и др.

Abstract: In this scientific article, the possibilities of increasing the cost-effectiveness of the introduction of "order desk" infrastructure in the livestock and crop sectors, the relationship between the fruit and vegetable industry, horticulture (including new scientific and practical recommendations on cucumber seed), horticulture, viticulture, animal husbandry, beekeeping and the results of a comparison of the results of scientific and practical economic analysis for 2019-2020 in the field of fisheries. Scientific and practical advice on the problems and their solutions in the organization of services in the activities of farms, including diversified farms, such as "Field-consumer", "Veterinary-livestock complex", "Field-shop-livestock complex" "Field-livestock complex" Advantages of the use of innovative techniques and technologies, profit from the sale of products, the level of profitability of routes in the region and in some districts, quantity, quality, gross income, cost of products, suggestions and a list of sources used.

Keywords: types of services, infrastructure, livestock, agriculture, cucumbers, carrots, industry, innovation, technology, sublimation, cost, price, level of profitability, etc.

2017-2021_йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси дастури қабул қилинган бўлиб,унда ҳар бир ҳаракат, мақсад ва режа биринчи навбатда иқтисодий имкониятларга боғликдир дейилган. 2018 йил 17 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачиликни янада ривожлантириш, тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ID-285 қарори қабул қилинган эди. Кейинги йилларда республикада чорвачилик ва ўсимликчилик тармоқларини ривожлантиришга, наслчилик ишини такомиллаштиришга, ем-экинлари майдонларини кенгайтириш, икки тармоқдан олинадиган маҳсулотларни-товарларни турлари ва миқдорларини кўпайтиришга ҳамда сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 6 мингдан ортиқ чорвачилик хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил якунлари бўйича Самарқанд вилоятида олдинги йилга нисбатон тармоқда энг паст кўрсаткичда пилла 2 932 тонна, гўшт 62 715 тонна Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда Самарқанд вилоятида 2020 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 42,4 триллион сўмни ташкил этиб, 2017 йил билан қиёслаганда 10,4 фоиз ўсишга эришилди.Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,8 миллион сўмга тенг бўлди. Бу 2017 йилга нисбатан 3,9 миллион сўмга кўпдир. Жумладан, чорвачилик ва деҳқончилик тармоқларини

ривожлантиришнинг асосий имкониятларидан бири-икки тармоқни бир бирига бўлган боғликлигини такомиллаштириш бўлиб ҳисобланади. Маҳсулотларни етиштиришда уларнинг турларини, хилма - хиллигини кўпайтириш билан бирга сифатини ҳам ошириб, жаҳон андозалари даражасига етказиш, аҳолини, асосан ёшларни ушбу соҳага ўз хохишларига қараб ишга жалб қилиш, илмий ва амалий билим тажрибаларини ошириш, кадрларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тизимини иннавацион тарзда, маҳаллий ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда уларни жориш этишни бошқаришни ташкил этиш, бу тармоқлардаги истиқболли ўзгаришларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида 2020 йил якуни билан вилоятда ялпи худудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми 42.1 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш 2019 йилга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. 2020 йилда 104,9 млн АҚШ доллари қийматидаги 133,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари Россия, Хитой, Туркия, Украина, АҚШ, Польша, Германия, Канада каби 53 та давлатга экспорт қилинди. Лойиҳа қиймати 206,7 миллиард сўмлик умумий қуввати 20 минг тоннага эга 7 та мева-ссабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари барпо этилиб, 205 та қўшимча иш ўринлари яратилди. вилоятда жами 44 та, жумладан 10 та пахта-тўқимачилик,15 та ғаллачилик, 13 та мева-сабзавотчилик, 5 та картошкачилик ва битта доривор ўсимликларни етиштирувчи кластер фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 151,9 минг гектар ер майдони бириктириб берилди. Машҳур Америкалик шифокор Н. Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган.Унинг сабзи тўғрисидаги берган баҳоси қуйидагича бўлган: “Сабзи даҳшатли рак касаллигига қарши курашда давримизнинг мўжизаси ҳисобланади”[2]-деб таърифлаган. Сабзи қуёнчилик тармоғида асосий озиқаларидан бўлиб ҳисобланади. 2020 йилда “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида 96 та маҳалла сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилди.

Вилоятда чорвачилик тармоғидан 2020 йилда олинган жами даромад 5 135 794 миллион сўм бўлган бўлса, жами харажатлар 44 454 620 миллионн сўмни ташкил этди. Олинган фойда 681 174 миллион сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 15 фоиз бўлди. Бу кўрсаткич жуда пастдир. Пилладан йилига тўрт марта ҳосил олиш эвазига 12 миллион АҚШ долларига тенг ипак ва ипак маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.Сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида 12,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. Чорвачиликда балиқчилик йўналишини иқтисодий таҳлил қилганимизда, 2020 йилда 16 457 (2019 йилда 4 324 тонна эди) балиқ вилоятда етиштирилган, рентабеллик даражаси (2019 йилда 24,0 фоиз бўлган) эса 38,9 фоизни ташкил қилди. Деҳқончилик тармоғида мевачиликда рентабиллик даражаси энг юқори 49,0 фоиз,сабзавотчиликда 39,0 фоизни ташкил қилди.

Самарқанд вилояти бўйича деҳқончилик тармоғидан олинган жами даромад 6 567 666 миллион сўм бўлди, жами харажат эса 4 978 678, миллион сўм, олинган фойда 1 588 988 миллион сўм,тармоқ рентабиллик даражаси 32 фоизни ташкил қилди.

Аҳолини турмуш даражасини яхшилаш ва бандликни таъминлашда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. 2021 йилда бандликни таъминлаш мақсадида 172 нафар юртдошимиз ишлаш учун давлат йўли билан Жанубий Кореяга юборилди. Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва хорижий давлатлар иш берувчилари ўртасида пандемия даврида Ўзбекистон фуқароларини иш билан таъминлаш бўйича олиб борилган музокаралар натижасида турли давлатларда кўплаб бўш иш ўринлари таклиф этилиб, уларга юртдошларимизни ишга жалб қилиш бўйича келишувга эришилган эди. Шунингдек, Агентлик томонидан Жанубий Корея Республикасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан олиб борилган музокаралар натижасида ушбу давлатда ишлаш вақтида меҳнат таътили олиб, Ўзбекистонга келган 23 нафар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Канвондо провинцияси, Янггу округи администрацияси ўртасида тузилган келишувга асосан Е-8 визаси бўйича 5 ойлик мавсумий ишларда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун 149 нафар фуқаро Тошкент халқаро аэропортидан чартер рейс орқали Жанубий Корея Республикасига жўнаб кетган бўлса, Россиянинг иш берувчи корхоналари Самарқандда ишчиларни танлов асосида ишга олмоқда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Самарқанд вилояти филиали томонидан "Ишга марҳамат" мономарказида қурилиш соҳасида Ўзбекистон фуқароларини Россияга ишга жалб қилиш бўйича пилот лойиҳа доирасида иш берувчи компанияларнинг бўш иш ўринлари учун навбатдаги танлов ташкил этилди. Танловда хорижга чиқиш паспортигпа эга номзодлар касбий малака ва рус тилини билиш даражасига кўра суҳбат асосида иш берувчи вакиллари томонидан танлаб олинмоқда.Танловдан муваффақиятли ўтиб, тиббий кўрик натижалари ижобий чиққан фуқаролар ушбу давлатга ишлаш учун жўнатилади.

Хулоса: **биринчидан,** Чорвачиликни ривожлантиришда ем–хашак базасини мустаҳкамлаш бўйича ер майдонлари ажратиш талаб даражасида эмас..**Иккинчидан,** хорижий ва маҳаллий тажрибалардан фойдаланишда шу соҳанинг оддий ишчилари кўпроқ жалб қилинмаяпти. **Учинчидан**, деҳқончилик экинлари ва маҳсулотлари қолдиқларидан чорвачиликда омихта емга қўшиб беришда улардан самарали фойдаланилмаяпти, айниқса, шаҳарларда **Тўртинчидан, Бешинчидан,**Самарқанд вилоятида 2020 йилда чорвачилик тармоғида энг паст рентабеллик даражаси пиллачиликда 6,4 фоизни, гўшт етиштиришда 10,5 фоиз бўлди. **Бешинчидан, ў**симликчилик тармоғида 2020 йилда энг паст рентабеллик даражаси пахта ва соя етиштиришда бўлиб, бу кўрсаткич 12 фоизни ташкил этди.

Таклифларимиз: 1)Соҳалар бўйича кадрлар тайёрлашга алоҳида эътиборни кучайтириш; 2) Вилоятдаги мавжуд фермер хўжаликларини кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантиришда,уларни моддий-техника базаси билан етарли даражада таъминлаш, ем-хашак майдонларини кўпайтириш; 3)Бериладиган имтиёзли кредитларни узоқ муддатларга ажратиш; 4)Деҳқончилик тармоғи билан чорвачилик тармоғининг бир бутунлигига эътиборни қаратиш зарур,айниқса ўсимликлар ва озиқ-овқат қолдиқларини ҳар куни йиғиштириш ва чорвачилик тармоғи озиқасига ишлатиш ҳамда чорвачилик тармоғидаги гўнгларни органик ўғит сифатида чиритиб ерга бериш ва тупроқ унумдорлигини ошириш; 5)"Дала-чорвачилик мажмуаси", "Дала-истеъмолчи" ташкил этилиши мумкин бўлган "Буюртма столи" каби ва бошқа шаклдаги хизмат турларини жорий этиш ва ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ва ҳ.о.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" китоби, Тошкент "Ўзбекистон" 2017. 296-бет.
2. Машҳур Америкалик шифокор Н. Уокер сабзи ҳақида кўплаб китоблар ёзган. (Қаҳҳоров Б. Сабзи еган соғ бўлар: Сабзи Ўз. к/х журнали, 2002 йил №5 59-бет)
3. Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалик ва статистика бошқармаларининг 2019-2020 йиллар якунлари бўйича ҳисоботлари..
4. Муаллифларнинг илмий-амалий изланишлари натижалари, матбуот, телеведения, радио ва шу соҳанинг ихлосмандлари билан уюштирилган суҳбатлар ва сўровномала.
5. Интернет маълумотлари ва бошқа манбалар.

А.Алимов – СамИСИ катта ўқитувчиси

УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Мазкур мақолада бугунги янги Ўзбекистонда баркамол ёш авлодни тарбиялашда маънавий мероснинг аҳамияти фалсафий методологик жиҳатдан тадқиқ этилади. Мақолада Марказий Осиёда II Ренессанс даврининг етук алломаси Ҳусайн Воиз Кошифий илмий меросининг тарбиявий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, учинчи Ренессанс, маънавий мерос, Ҳусайн Воиз Кошифий, ахлоқ, одоб, тарбия.

Аннотация: В данной статье рассматривается значение духовного наследия в воспитании гармонично развитого молодого поколения современного нового Узбекистана с философско-методологической точки зрения. В статье подчеркивается воспитательное значение научного наследия Хусейна Ваза Кашифи, ведущего ученого Второго Возрождения в Центральной Азии.

Ключевые слова: Новый Узбекистан, Третье Возрождение, духовное наследие, Хусейн Ваз Кашифи, нравственность, этикет, воспитание.

Abstract: This article examines the importance of spiritual heritage in the upbringing of a harmoniously developed young generation in today's new Uzbekistan

from a philosophical and methodological point of view. The article highlights the educational significance of the scientific heritage of Hussein Waz Kashifi, a leading scholar of the Second Renaissance in Central Asia.

Keywords: New Uzbekistan, Third Renaissance, Spiritual Heritage, Hussein Waz Kashifi, Morality, Etiquette, Education.

Учинчи Ренессанс бунёдкорларини шакллантиришда миллий-маънавий мерос муҳим омил ҳисобланади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам замин, пойдевор мавжуд. Ўрта асрлардаги биринчи Ренессанс ва темурийлар ҳукмронлигида мўғуллар истилосидан она юртини озод қилган Соҳибқирон Амир Темур қисқа вақт ичида улкан бир империяни яратди. Соҳибқироннинг буюк хизмати шундаки у нафақат Ватанини озодликка олиб чиқди, балки (Мовароуннаҳрда) Марказий Осиёда иккинчи уйғониш даврига шарт-шароит яратиб берди. Мўғул босқинчилари вайрон этган ўлкамиздаги шаҳар (ва қишлоқлар)ни қайта бунёд этиш, ишдан чиққан суғориш иншоатлари, ирригация тизимларини тиклаш билан бирга илм, таълим масканларини қайта тиклашга катта эътибор берди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъқидлаганидек: “Айнан халқ армонини рўёбга чиқаришга бўлган интилиш Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир даврида нафақат мамлакат мустақиллигини таъминлаш, балки қудратли давлат барпо этиш, иқтисодиёт, маданият, санъат ва илм-фан соҳаларини ривожлантиришга хизмат қилди”[1].

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бой илмий меросида ахлоқ фалсафаси муҳим ўрин эгаллайди. Аллома ўзининг барча асарларида шарқона ахлоқ одоб этикетларини тарғиб этишга катта аҳамият қаратади. Ахлоқ фалсафасини баён этишида рационаллик тамойилига таяниши Ҳусайн Воиз Кошифий илмий меросининг энг катта ютуғидир. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фикрича киши ўзининг ахлоқий фазилатларини доимо такомиллаштириб бориши керак, яъни ақл, фаросат ва идрок орқали ўз-ўзини тарбиялаб бориши лозим. Аллома буни қуйидагича ифода этади: “Зеро, инсоннинг руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамида хулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин».[1.16] Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида кишидаги ахлоқий фазилатлар тарбия орқали такомиллашиб боришини асослаб беради. Шунинг учун ахлоқ-одоб қоидалари баён этилган асарларида кишиларни гўзал ахлоқий фазилатларини ўзида тарбиялаб боришга ҳамда мазкур фазилатларга қарши бўлган иллатлардан халос бўлишга чақиради.

Кошифий киши фаолиятида чиройли хулқ ва мулойимлик фазилатларининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Омонат ва диёнат, вафо ва аҳд, ростгўйлик каби ахлоқий фазилатлар хусусида батафсил тўхталиб ўтади. Оҳисталик ва шошилмаслик, андишалилик каби хислатларни киши ахлоқ одобида тутган ўрнини баён этади.

[1] Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент:”O’zbekiston” нашриёти, 2021.-17 бет.

Асар муқаддимасида бу хусусида Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейди: ”Ҳакимлар чиройли хулқ шундай бир йўлки, бу йўлдан юрмай туриб, иззат ва шариф манзилига етиб бўлмайди ва бу йўлга қадам қўймай туриб вужуд рахтини ҳайвонот биёбонидан инсоният дорил мулкига етказиб бўлмайди, дейдилар....Одамларнинг қай бирларида чиройли хулқ ва ёқимли хислатлар намоён бўлса, шу кишилар зебо кўринадилар” [1.129]. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг фикрига кўра инсоннинг улуғворлиги ва юксак маънавияти унинг чиройли хулқи ва ёқимли хислатларига боғлиқдир.

Кошифийнинг ахлоқий асарларда асосан кишиларнинг ижтимоий фаолиятидаги ахлоқий фазилатларни такомиллаштиришнинг фалсафий таҳлили ишлаб чиқилган.

Ҳусайн Воиз Кошифий инсонни ўз-ўзини ташкиллаштириш, тарбиялаш орқали барча ахлоқий фазилатларни камолот даражасига етказиш мумкинлигига урғу беради. Инсон ахлоқий фазилатларини баён этар экан, ҳаё хусусида шундай дейди: “Ҳаёнинг маъноси ёмон иш қилишдан уялишдир. Одамзотга ҳаё шариф хислат ва мақбул сийратдир”. Аллома ҳаё хусусидаги мулоҳазаларини баён этар экан, унинг аҳамиятини қуйидагича изоҳлайди: “Агар шарму ҳаё орадан кўтарилса ва одам ҳеч кишидан уялмаса, оламнинг тартиби издан чиқади, одамлар орасида яхши расму одатлар битади, кишилар ҳаётига путур етади. Улар бир-бирлари билан диёнат сақламайдилар, оқибат кучлилар заифларни йўқ қилади. Аммо ҳаё шундай кучли бир сифатки, у одамларнинг фақат ўзлари ҳоҳлаган ишларни қилишга йўл қўймайди” [1.145]. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг бу фикрлари XX асрда Ғарбий Европадаги шарму ҳаё кўтарилганлиги туфайли ахлоқсизлик авжига чиққанлигини башорат қилгандек. Аллома ҳар бир киши ҳаёга риоя қилиши лозимлигини уқтириб шундай дейди: “Демак, катта-ю кичик-ка ҳаёдан катта фойди бор, яхши одатларнинг меваси ҳаё суви ва офтобидан парвариш топмаса, доим хом тураверади” [1.145]. Кошифий ҳаёни бир неча турлари борлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтади ҳамда қизиқарли ва ибратли ривоят ва ҳикоялар орқали инсонни ўз-ўзини ташкиллаштиришида шарм ҳаёли бўлишга чақиради.

Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнида бир ишга аҳд қилиш, жидду-жаҳд ва собитқадамлик хислатларии хусусида тўхталиб ўтар экан шундай дейди: “Аҳд қилишнинг маъноси кўнгил ҳоҳлаган иш устида маҳкам туришдир. Аҳд қилиш мурод ва мақсадлар карвонининг бошловчиси, ҳар қандай иш ва мушкулотларнинг ҳал қилувчисидир” [1.145]. Кошифий бу ерда инсоннинг ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилишда қатъиятликка урғу беради. “Ҳақиқий аҳд шундайки, бир киши бирорта ишни амалга ошириш учун бел боғласа ва бир муҳим ишни битиришга киришса, тўсиқ ва қаршиликларни енгиб, ўз мақсадига эришишда сустликка йўл қўймайди” [1.145]. Қатъиятлик инсон иродаси ва матонатига даражасига хос бўлиб, бу жиҳатларнинг қай тарзда намоён

бўлиши аввало кишининг ўзигагина боғлиқлигини таъкидлаб ўтади. Аҳд қилишдан ташқари, жидду жаҳд каби фазилат хусусида тўхталиб ўтар экан Кошифий шундай дейди: “Жиднинг маъноси мақсадларга етиш учун кўнгилда янги ният қилишдир. Жаҳднинг маъноси эса шу ниятга етиш учун қаттиқ ҳаракат қилишдир... Бу сифат ҳимматга асосланади. Одамнинг ҳиммати қанчалик улуғ бўлса, мақсадга етиш жидду жаҳди шунчалик кўп бўлади. Ҳиммати баланд киши жидду жаҳд қилишда машаққатлардан қўрқмайди” [1.152].

Ҳусайн Воиз Кошифийинсон риоя этиши лозим бўлган ахлоқий фазилатларни фалсафий таҳлилини баён этар экан, ахлоқ-одоб хусусида **шарқона этикет** қоидаларига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Хулоса қиладиган бўлсак, аввало, Марказий Осиё мутафаккир алломалари меросида, хусусан, Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида ахлоқ фалсафаси назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантирилди;

Иккинчидан, Ҳусайн Воиз Кошифий ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мавжудот сифатида инсонни ўз-ўзини тарбиялаб, етук ахлоқий фазилатларини такомиллаштириб бориш мумкинлигини асослаб берди.

Учинчидан аллома илгари сурган шарқона этикет қоидалари, хусусан, таом ейиш ва сув ичиш адаблари, кўчада юриш қоидалари, салом бериш ва муомала маданияти бугунги ахборотлашган жамият босқичида баркамол авлодни тарбиялашда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент:”O‘zbekiston” нашриёти, 2021.-17 бет.
2. Хусайн Воиз Кошифий. Футуватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2011. - 16 бет
3. А.Азизқулов А., Алимов А. Кошифий муомала маданияти хусусида //“Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги Республика илмий-назарий конференцияси материаллари тўплами 20 май 2021. Самарқанд -2021й. 50-53 бетлар

L Kuldoshev – SamDU, Iqtisodiyot nazariyasi yo’nalishi 2-bosqich magistranti,
I.Nasimov – SamDU dotsenti, ilmiy rahbar

IQTISODIY XAVFSIZLIK IQTISODIY TARAQQIYOT GAROVIDIR

Annotatsiya. Maqolada innovatsion iqtisodiyot sharoitida Iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash masalasi innovatsion Iqtisodiy xavfsizlikka tahdidlar va ularni bartaraf etish chora-tadbirlari yoritilgan.

Kalit so’zlar. innovatsiya, innovatsion iqtisodiyot,iqtisodiy xavfsizlik, innovatsion xavfsizlik, milliy innovatsiontizim.

Аннотация. В статье рассматривается проблема экономической безопасности в инновацинной экономик, угрозы безопасности в инновацинной

экономик и меры по их устранению.

Ключевые слова. Инновации, инновационная экономика, экономическая безопасность, инновационная безопасность национальная инновационная система .

Abstract: The article discusses the issue of ensuring economic security in the context of an innovative economy,threats to innovative economy security and measures to eliminte them.

Keywords. Innovation,innovative economy, economic security, innovative security national innovation system.

Bugungi kunda r e s p u b l i k a iqtisodiyoti tobora rivojlanib borish tendentsiyasidadir. Mamlakatni har tomonlama rivojlantirish, uni ham iqtisodiy ham ijtimoiy jihatdan barqaror rivojlanishini ta’minlash, rivojlangan davlatlar qatoridan joy olish, jahon moliya bozorlari qatoriga kirish bizning bosh maqsadlarimizdan hisoblanadi. Shuni hisobga olgan holda bir qancha islohotlar, yangidan yangi loyihalar, dasturlar ishlab chiqilmoqda va amaliyotga tadbiq qilinmoqda.

‘’Biz faqat investitsiyalarni faol jalb qilish, yangi ishlab chiqarish quvvatlarini ishga tushirish hisobidan iqtisodiyotimizni jadal rivojlantirishga erishamiz.Iqtisodiyotdagi ijobiy natijalar esa ijtimoiy sohada to‘planib qolgan muammolarni tizimli hal etish imkonini yaratadi. Biz makroiqtisodiy barqarorlikni va yuqori iqtisodiy o‘ sish sur'atlarini ta'minlashimiz shart.Avvalo, inflyatsiyani jilovlamasdan turib, makr oiqtisodiy barqarorlikka erishish mumkin emas’’[1].

Milliy iqtisodiyotimizni turli tahdidlardan himoya qilish ,jamiyat hayot faoliyatining bir qancha sohalarida jarayonlarni, shu jumladan korrupsiya va xufyona iqtisodiyot bilan bog’liq bo’lgan masalalarni o’rganish va ularni oldini olish buyicha tavsiyalar ishlab chiqish va iqtisodiy, molyaviy xavfsizlikni taminlash bugungi davirda muhim ahamyat kasb etmoqda.

Iqtisodiy xavfsizlik milliy xavfsizlikning muhim komponenti bo’lib, global moliyaviy-iqtisodiy nobarqarorlik sharoitida iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash masalasi har bir mamlakat uchun yanada dolzarb ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiy xavfsizlik o’z ichiga iqtisodiy, siyosiy, harbiy, ilmiy-texnik va ijtimoiy omillarni olib, iqtisodiy xavfsizlik ta’minlangan sharoitda milliy iqtisodiyotning o’sishi hamda ijtimoiy- iqtisodiy barqarorlik tashqi omillarning ta’siridan qat’iy nazar ta’minlanadi

“Iqtisodiy xavfsizlik” tushunchasi o`zbek iqtisodiyotida yangi sohalardan hisoblanadi. U mamlakatni iqtisodiy resurslarining xavfsizligini ta’minlaydi. Mamlakatning iqtisodiy salohiyati rivojlangan sari, mamlakatga chetdan kirib keluvchi import tovarlarining ham soni ortib boradi. Bunda kirib kelayotgan har bir tovarning qonuniy ravishda mamlakat hududiga olib kirilayotganligi, aholining salomatligiga qay darajada ta’sir ko’rsatishini bilish mamlakat uchun muhim sanaladi. Bu o’z navbatida, mamlakatda iqtisodiy xavfsizlikka bo’lgan ehtiyojni paydo qiladi. Bozor munosabatlariga o'tishga qaratilgan iqtisodiy islohotlar sharoitida davlat

xo'jalik subyektlari faoliyatining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashi va fuqarolarga ziyon keltirishiga yo'l qo'ymasligi kerak. Ushbu maqsadlarda davlat, eng avvalo, tadbirkorlik muhitini yaxshilash, kichik va o'rta biznesning mamlakat iqtisodiyotidagi ulushini ko'paytirish, iqtisodiyot sohalari raqobatbardoshligini rivojlantirish, fond bozori, yer va ko'chmas mulk bozorlarini shakllantirish bo'yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqishi kerak bo’ladi. Iqtisodiy manfaatlarini himoya qilish davlatning strategiyasi siyosati va iqtisodiy xavfsizlik konsepsiyasi asosida amalga oshiriladi. U O`zbekiston Respublikasining iqtisodiy manfaatlarini, milliy boyligini ichki va tashqi xavf-xatarlardan himoya qilishni ko`zda tutadi. Ushbu konsepsiya bu boradagi siyosatni belgilab beruvchi asosiy hujjat hisoblanadi. Banklarning barqaror faoliyati uchun jamiyatning butun bir bank tizimiga bo‘lgan ishonchi yuqori bo‘lishi kerak. SHunda aholining bo‘sh turganmablag‘lari, jamg‘arib boriladigan mablag‘lari aynanbank tomonidan saqlanadi.Natijada banklarda pul aylanmasi tezlashadi va ularning mustahkam barqarorholatini saqlanishiga erishiladi. Xorij mamlakatlarning bank tizimiga, xususandunyo miqyosida e ng mashhur hisoblangan SHvetsariya bank tizimini olibqaraydigan bo‘lsak. Bu bankning o‘ziga xos jihatlaridan biri, uning amaldagi soliq solish tizimi bilan bog‘liq e masligidadir, ya’ni bunda bank operatsiyalari natijasida kelib tushgan daromadlar omonatchilarga sof holda, hech qanday qo‘shimcha to‘lov undirmasdan etib boradi. Bundan tashqari depozit qutichalari ham yuqori darajada kodlashtirilgan tizimga e ga, hamda depozi egasining shaxsini tasdiqlovchi ma’lumotlar ham sir saqlanadi.

Iqtisodiy xavfsizlik o’z navbatida, ma’lum bir usullar yordamida ta’minlanadi. Shaxs, jamiyat va davlat xavfsizligiga oid axborotlarni topish va jamlashda omilli analiz usulidan foydalaniladi. Iqtisodiy xavfizlikni omilli analizga asoslanmagan holda tadqiq etib bo’lmaydi, chunki iqtisodiy xavfsizlik ham bir tizim bo’lib, u bir qator o’zgaruvchi hodisalar bilan bog’liq bo’ladi. Iqtisodiy xavfsizlikni o’rganish omillari, omilli matritsa, deb nomlanuvchi indikatorlar (ko’rsatkichlar) bilan bog’liqdir. Omilli matritsa analiz davomida aniqlangan omil va indikatorlarning o’zaro bog’liqlik darajasini xarakterlaydi. Omilli analizning asosiy maqsadi shaxs, jamiyat va davlat iqtisodiy xavfsizligini ta’minlaydigan umumiy qoidalarni ishlab chiqish va ularning mamlakatimiz iqtisodiyotini hamda ijtimoiy sohani rivojlantirish jarayonidagi kamchiliklar bilan uzviy bog’lanishini ta'minlashdan iboratdir. Umuman olganda, iqtisodiy xavfsizlik mamlakat xavfsizligi deb bejiz ta’kidlanmaydi. Aholi istemol qiladigan har bir mahsulot iste’mol darajasiga tayyor bo’lishi bu o’ta muhim hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiy xavfsizligi qanchalik kuchli rivojlangan bo’lsa, kirib kelayotgan tovarlar, yaratilayotgan mahsulotlar shunchalik iste’molga yaroqli va sifatli bo’ladi, jamiyat xavfsizligi ta’minlanadi, ular turli yaroqsiz mahsulotlar tufayli yuzaga kelishi mumkin bo’lgan kasalliklardan himoya qilinad.

Aholi turmush darajasi va sifati iqtisodiy xavfsizlikning eng muhim indekatorlaridan biri hisoblanadi Chunki har qanday mamlakat iqtisodiyotni

rivojlantirishga harakat qiladi.Albatta ushbu jarayon ya’niy iqtisodiyotni rivojlanish jarayoni barcha aholi turmush darajasini yaxshilash hamda turmush sifatini oshirishga qaratilgan bo’ladi.Iqtisodiyot qancha rivojlansa hamda iqtisodiy xavfsizlik ta’minlansa,bu mamlakat aholi turmush darajasi yuqori buladi.

Inflyatsiya ham albatta mamlakat iqyisodiyotining holatini ko’rsatib turuvchi eng muhim ko’rsatgichlardan biri hisoblanadi. Qanchalik infyatsiya darajasi past bulsa,iqtisodiy rivojlanish shunchalik jadal su’ratda boradi .infyatsiya darajasi shuningdek investitsion muhitga ta’sir qiladigan eng muhim makroiqtisodiy ko’rsatgichlardan biri hisoblanadi. Investitsion muhitni shakillantirish hamda iqtisodiy xavfsizlikni saqlash uchun eng avvalo mamlakatda infyatsiya darajasini pasaytirish talab etiladi xulosa qilib aytgada

1. Iqtisodiy rivojlanish jarayonida uning xavfsizligini ta’minlashga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlash hamda mavjud muammolarni bartaraf etish.
2. Iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlashda yuqoridan pastga qarab emas, aksincha pastdan yuqoriga qarab sohalarni rivojlantirish.
3. Iqtisodiy xavfsizlikni rivojlantirish jarayonida “omilli matritsa” indikatorlarini keng jalb qilish orqali iqtisodiy havfsizlikni ta’minlash, shuningdek, mamlakatni iqtisodiy rivojlantirishda muhim ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 29dekabr 2019 yil Oliy majlisga murojaatnomasi.

2.O‘zbekiston Respublikasini 2017-2021yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yunalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi .

3.I.S.Xotamov, M.K.Olimov, A.J.Ismoilov «Iqtisodiy xavfsizlik». Tosh. “Iqtisodiyot” 2019 yil.

4.Hasan Abulqosimov. Iqtisodiy xavfsizlik. Toshkent 2006 yil

М У Н Д А Р И Ж А :

I ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”		
Пардаев М.Қ., Пардаева О.М.	Мамлакат иқтисодий тараққиётининг стратегик йўналишлари ва уларнинг мазмуни	4
Аминов Ф.Б.	Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари	9
Равшанов А.Д., Эргашев Ж.Р.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантириш йўллари	14
Қўчқаров Х.	Иқтисодиётни юксалтириш – учинчи ренессансни шакллантиришнинг асосий омили сифатида	17
Alimova M.Yu.	Ijtimoiy infratuzilmani shakllantirishning mohiyati va o‘ziga xos xususiyatlari	20
Қулиев Б.М.	Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш даврлари ва унинг моҳияти хусусида назарий ёндашувлар	23
Нозимов Э.А.	Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари	29
II ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИ, ЯШАШ СИФАТИ ВА ДАРАЖАСИНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Шадиева Г.М. Холмирзаева Г.	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш йўллари	34
Samiyeva G.T Primova S.A..	Kichik biznes, xususiy va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirishning ustuvor vazifalari	39
Alibekova S.L., Mamatqulova G. Abdullayeva Z.	Aholi turmush darajasi kategoriyasining iqtisodiyotdagi ahamiyati	42
Samiyeva G.T. Xo‘jamov J.T.	Oilaviy tadbirkorlikning uslubiy, tashkiliy-huquqiy asoslari	45
Мадаминова Ш.У	Тадбиркор аёл юртнинг фаровонлигидир	48
III ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ, РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”		
Мирзаев Қ.Ж., Аҳтамова М.Э.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари ва истиқболлари	53

Abduraxmanova A.F.	Ekoturizmni iqtisodiy baholashda sayohat xarajatlari metodining ahamiyati	56
Кахаров Ж. А.	Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ва халқаро аҳамияти	59
Abduraxmanova A.F.	Qishloq hududlarida ekoturizmning aholi daromadlariga ta’siri	63
Ахтамова М.Э.	Приоритеты развития и эффективности экотуризма в Самаркандской области в условиях становления Третьего ренессанса	67
Юлдошева Ш.А.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли трансформация жараёнининг учинчи ренессансдаги аҳамияти	70
IV ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГНИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Мухитдинов Х.С., Тураев О.	Иқтисодиётнинг реал секторида корхоналарнинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқаришни рақамли технологиялар орқали оптимал тартибга солиш механизми	75
Махкамов Н.Т.	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш рақобатбардошлигини оширишда сифат менежменти усулларининг қўлланилиши	80
Машарипова М.А Сапарова М.А.	Развитие и совершенствование маркетинга в сфере услуг	83
Ачилова Ф. К.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда “Digital communal” мобиль иловасини жорий этишнинг аҳамияти	85
Ахмедов М.Ш.	Корхоналарда ходимларни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бошқарув самарадорлигини асоси сифатида	89
Махмудова Д.Р.	Кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда давлатнинг тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш чоралари тизими	93
Ачилова Ф. К.	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқарувини рақамлаштиришда маълумотлар базасини ишлаб чиқишнинг ўрни	97
Ташматов Ш.У.	Интернет-дўкон хизматларини ривожлантириш-нинг ташкилий-бошқарув воситалари	100

V ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Мухитдинов Х.С. Эшмахматов Ў.	Уй жой коммунал корхоналари фаолиятида солиқ мунособатларини шакллантиришнинг комплекс моделини ишлаб чиқиш	105
Гайбуллаев Р.М.	Ўзбекистонда инвестициявий жозибадорликни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг омили сифатида хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдаги мулоҳазалар	110
Astanakulov O.T. Ahmadaliyeva Z.	Uchinchi renessansni shakllantirish sharoitida islom moliyasi instrumentlarining o‘rni	115
Муртазаев Н.Р.	Ўзбекистонда минтақавий суғурта бозорлари тизимининг ривожлантирилиши	118
Тўраев О.	Иқтисодиётнинг реал секторида корхоналарнинг молиявий ҳолатини рақамлаштириш	122
Astanakulov O., Iskandarov M.	Takaful – investitsion faoliyatni amalga oshirish sifatida	126
Хамроев М. Тулкинов Ш.	Рақамли иқтисодиётда суғурта хизматлари бозорининг истиқболли қадамлари	131
Музаффарова К.З.	Қашқадарё вилояти иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишнинг назарий асослари	133
Мухаммедова З. Сафаров А.Т.	Маҳаллий бюджетларнинг молиявий шаклланиши ва уларнинг гуруҳланиши	137
Нарзиева Г.	Давлат бюджети харажатларининг оптималлаштирув муаммолари	139
Ҳасанова Ю.М.	Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда моҳияти	142
Қурбонов А.Б., Бердиев Ж.Б.	Учинчи ренессансни шакллантириш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни	147
Rasulov Kh.Q., Ibragimov I.	Financial services as the means of influence on the productivity of agricultural firms in the world	151
Мухаммедова З. Сафаров А.Т.	Маҳаллий бюджет даромадларини шаклланти-ришда солиқларнинг аҳамиятини ошириш	154
Музаффарова К. Ҳолиқова М.Ҳ., Қудратова М.П.	Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ўрни	156
Нозимов Э.А.	Миллий иқтисодиётда ички инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари	160
Нарзиева Г.	Давлат бюджетидан бошқарув харажатларини молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари	162

VI ШЎЪБА. “УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ, АУДИТ ВА СТАТИСТИКА ФАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”		
Мисиров К.	Экологик харажатлар аудити бугунги кунда долзарблиги	166
Пашаходжаева Д.Д.	Фойда солиғи кўрсаткичларини аудиторлик таҳлилини такомиллаштириш	170
Худайкулов А., Адинаев Ж.	Аудиторлик текшируви жараёнида ички хўжалик рискини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари	173
Эшпулатова З.Б.	Корхоналарда даромадлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича илмий-услубий тавсиялар	177
Эргашева Н.Р.	Аграр соҳа корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	180
VII ШЎЪБА. “ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”		
Ахмеджанова Ф.А. Каримова Ш.М.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг учинчи ренессанс-ни шакллантириш шароитида таълим жараёни-нинг самарадорлигини оширишда инновацион ва илғор хорижий тажрибаларни қўллашнинг муаммолари	184
Ҳожиева И.А.	“Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий медиа маркетинг (СММ) фанини ўқитишнинг инновацион лойиҳалаш методикасини такомил-лаштириш” (Иқтисодий ОТМлар мисолида)	188
Уразов С.Ш., Сайидов Н.У.	Олий таълим муассаларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда таълим хизмат-лари сифатини ошириш муҳим омил сифатида	193
Нозимов Э.А.	Система мотивации персонала в коммерческом банке	196
VIII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”		
Эргашев Р.Х.	Мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	200
Шадиева Г.М., Эшниёзов Б.	Ривожланишнинг рақамлаштиришга ўтиш жараёнида интеллектуал мулкни расмийлаштиришнинг долзарб масалалари	205

Курбанова С.Б.	Тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини тартибга солиш йўллари	208
Аминов З.Ю. Раджабов А.А.	Миллий иқтисодиёт ривожлантиришда рақобатга зид ҳаракатларга барҳам бериш ва рақобат устунлигини таъминлаш шартлари	213
А.Д.Равшанов, Б.У.Жўраев	Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот ва узум маҳ-сулотлари ишлаб чиқаришнинг рақобатбар-дошлигини оширишнинг асосий йўналишлари	217
Холиқулов А.Н., Бадиров Ф.А.	Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида рақобатни қўллаб-қувватлаш ва монополияга қарши бошқарувнинг амалий жиҳатлари	220
Азизқулов А.	Имом Али Суғдий зиёратгоҳи	225
Abdumannonov B.M.	Yer munosabatlari sohasida xodimlar mehnati samaradorligini oshirish yo‘llari	228
Каримжанова Р. Шамсиддинов Ж.Ш.	Россия қандолат маҳсулотлари импортининг Наманган вилояти озиқ-овқат маҳсулотлари бозоридаги ўрни ва ривожланиш истиқболлари	232
Саламов И., Казакова З.С., Жонибеков Ф.Б., Назарова М.Ш.	Чорвачилик ва ўсимликчилик тармоқларида “буюртма столи” инфратузилмасини жорий этишнинг иқтисодий самарадорликни оширишдаги имкониятлари	237
Алимов А.	Учинчи Ренессансни шакллантиришда Ҳусайн Воиз Кошифий илмий меросининг аҳамияти	241
Kuldoshev L., Nasimov I.	Iqtisodiy xavfsizlik iqtisodiy taraqqiyot garovidir	244